

Киев

КАРОМИДДИН ГАДОЕВ

САБОҲАТ БЕРДИЕВА

Астрахань

ЖАҲОНГАШТА САЙЁХ-ОЛИМЛАР

иез.

Хурму

26.81

143 ҳрафа

409320



КАРОМИДДИН ГАДОЕВ
САБОҲАТ БЕРДИЕВА

ЖАҲОНГАШТА САЙЁҲ-ОЛИМЛАР

*Буюк географ тадқиқотчилар
ва сайёҳлар ҳақида*



ТОШКЕНТ – «О'zbekiston» – 2012

УДК 910.4(092)

ББК 26.8г

Г13

Т а к р и з ч и л а р:

филология фанлари номзоди Султонмурод ОЛИМ

Республика таълим маркази География фани бўйича
Бош услубчиси Эсонгул НАЗАРАЛИЕВА

Гадоев, Каромиддин.

Г13 Жаҳонгашта сайёҳ-олимлар: Буюк географ тадқиқотчилар ва
сайёҳлар ҳакида / К. Гадоев, С. Бердиева. – Тошкент: «Ўзбекистон»,
2011. – 272 б.

I. Бердиева, Сабоҳат

ISBN 978-9943-01-788-7

Рисолада Шарқ ва Фарб мамлакатларида турли даврларда яшаб
ўтган буюк олим ва сайёҳларнинг ҳаёти ва ижоди, жумладан, улар-
нинг географик билимлар ривожига қўшган хиссаси, ёзиб қолдирган
асарлари ҳамда амалга оширган саёҳатлари давомида бошдан кечир-
ган саргузаштлари ҳақида кизиқарли маълумотлар келтирилган.

Китоб кенг китобхонлар оммасига мўлжалланган бўлиб, ундан
ўрга умумтаълим мактабларининг география ва табиий фанлар
ўқитувчилари, ўкувчилар ва талабалар қўшимча манба сифатида
фойдаланишлари мумкин.

УДК 910.4(092)

ББК 26.8г

ISBN 978-9943-01-788-7

© «O'ZBEKISTON» НМИУ, 2012


МУҚАДДИМА

Инсон дунёга келиши билан оқ саёҳат қилишга ошиқади ва бутун умри давомида шунга интилиб яшайди. Агар эндигина атак-чечак қилиб юра бошлаган гўдакка назар солсак, у доимо уйдан ташқарига чиқишга интилади. Чунки дунёқарashi ҳали шаклланиб улгурмаган бола наздидаги уйдан кўчага чиқиш ҳам бир саёҳат-да!

Камолга етгани сайин инсонда саёҳат қилишга бўлган интилиш ҳам кучайиб боради. У ўз саёҳатлари давомида олган таас-суротларини яқинлари билан ўртоқлашади, баъзилар эса кўрган-кечирганларини қофозга тушириб, кенг омма билан баҳам кўради. Саёҳат давомида олинган таассуротлар эса кишининг хотирасида бир умрга муҳрланиб қолиши шубҳасиз. Ҳатто, инсоннинг келгуси хаёти мазмунини белгилашда ҳам муҳим роль ўйнайди. Бунга инсоният тарихида амалга оширилган географик кашфиётлар мисолида кўплаб далиллар келтириш мумкин.

Дарҳакиқат, дунё тарихида амалга оширилган саёҳатлар ва улар натижасида юзага келган асрлар инсоният ривожининг турли даврлардаги йўналишларини белгилаб берган десак, хато бўлмайди. Чунки Ўрта асрларга келиб астрономия, математика, география, геодезия, картография, биология ва бошқа қатор фанларнинг ривожланиши, денгизчиликнинг тараққий этиши дунёнинг Осиё ва Европадан бошқа қисмларининг кашф килинишига замин яратди.

Тарихдан маълумки, XV асрнинг ўрталариға қадар амалга оширилган аксарият саёҳатлар савдо карvonлари ёрдамида Европа ва Осиё ҳудудлари доирасида амалга оширилган. Бунда қадимий «Буюк ипак йўли» муҳим роль ўйнаганини таъкидлаш жоиз. Денгизда эса Европа, хусусан, Италия савдогарлари бирмунча оддий ке-



Қадимий «Буюк ипак йўли» харитаси.

маларда унча узоқ масофаларга сузмасдан, фақат Шимолий ва Үрта денгиз оралиғида ўз савдо ишларини юритишган.

Европада денгиз кемачилигидаги сезиларли ривожланиш дунё-нинг бошқа қисмларини ўзлаштиришга бўлган уринишларни кучайтиргани, шубҳасиз. Бунинг натижаси ўлароқ амалга ошириладиган китъалароро саёҳатларнинг мақсад ва моҳияти ҳам тубдан ўзгарди. Милоддан кейинги дастлабки 15 аср давомида амалга оширилган саёҳатларнинг асосий мақсади савдо-сотик учун янги бозорларни кидириб топиш ва ушбу ўзаро савдо алоқаларни ривожлантиришга йўналтирилган эди. Аммо XV асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб амалга оширилган саёҳатлар турли ҳудудлардаги ресурсларнинг ўзлаштирилиши ва савдо-сотикнинг ўсиши билан бир қаторда мустамлакачиликнинг ривожланишига, бойлик орттириш мақсадида янги кашф этилган ерларнинг аёвсиз таланишига, қулчиликнинг ривожланишига ҳам йўл очиб берган.

Турли даврларда амалга оширилган саёҳатларнинг барчасида кашф этилган ерларни ҳамиша илмий жиҳатдан ўрганиш ва тасвирлаш масаласи долзарб бўлган. Бу эса ўз навбатида турли фанларнинг ривожланишида янги босқични бошлаб берди ҳам. Илгариги



Генуялик ва Венециялик савдогарларнинг XV асрғача бўлган денгиздаги асосий савдо йўллари.

назарий билимлару тахминларга асосланган географик ва картографик маълумотлар саёҳатлар давомида олиб борилган кузатишлар натижасида амалда ўз тасдиғини топган. Ушбу тадқиқотлар сайёҳолимлар яратган кўп сонли асарларда ўз аксини топиб, дунёнинг кўплаб тилларига таржима қилинган.

Дунё тарихида амалга оширилган буюк географик кашфиётларнинг аксарияти И. Магидович ҳамда В. Магидовичнинг «Географик кашфиётлар тарихидан очерклар» («Очерки по истории географических открытий») номли беш жилдли асарида бирмунча умумлаштирилган ҳолда тасвирланган. Аммо дунё табиий фанлари тараққиётига катта хисса қўшган ва қатор саёҳатларни амалга ошириб, кимматли эсдаликларни ёзиб қолдирган сайёҳ-олимларнинг географик мероси тўғрисида ўзбек тилида чоп этилган асарлар саноқли. Дунёнинг турли қисмларини кашф этган буюк сайёҳлар ҳаёти ва ижоди, ёзган асарлари, амалга оширган саёҳатлари давомида бошидан кечирган қизиқарли воқеа ҳамда саргузаштларни ўз ичига олган ўзбек тилидаги яхлит манба деярли йўқ, дейиш мумкин.

Шу ўринда Ўзбекистонда география фанининг ривожланишига катта хисса қўшган олимлар талайгина эканини таъкидлаб ўтиш

керак. Мазкур рисолада уларнинг барчасини номма-ном санаб ўтишнинг иложини топа олмадик. Аммо Л. Бабушкин, Н. Долимов, О. Пославская, Н. Когай, Р. Раҳимбеков, А. Рафиқов, Л. Алибеков, Р. Ҳодиев, А. Хисомов, А. Соатов, П. Фуломов, Ш. Зокиров, А. Зайнитдинов ва бошқа устоз олимларимиз Ўрта Осиёнинг, шу жумладан, Ўзбекистоннинг чўлу яйловларини ҳамда тоғу тошларини кешиб чикишганини таъкидлаш ўринли. Улар бу ҳудудларнинг табиий географик хусусиятлари, ресурслари ва келгуси ривожланишининг истикболлари ҳакида Ўзбекистонда география фани тараққиётида катта роль ўйнаган илмий асарлар яратишган.

Аммо ҳакикий жаҳонгаشتа сайёх-олим сифатида география фанлари доктори, профессор Ҳ. Ҳасановни тилга олсак, муболага бўлмас. Устоз ўз умрини география фанига, унинг Ўрта Осиёда ривожланиши тарихини ўрганишга бағишилаган ва ўзбек географ-олимлари ичida биринчи бўлиб бутун дунёни кезиб чиккан. Унинг «Ўрта Осиёлик географ ва сайёхлар», «Сайёх олимлар», «Бобур – сайёх ва табиатшунос», «Махмуд Кошфарий» каби китоблари Ўрта Осиёда география фани ривожига катта хисса қўшган сайёх-олимлар ҳаёти ва фаолиятига бағишиланган муҳим асарлардан саналади. Айникса, унинг 1980 йилда чоп этилган «Сайёх олимлар» асарида киркка яқин ўрта осиёлик олимларнинг ҳаёти ва ижоди, уларнинг географик мероси ҳакида батафсил ҳикоя қилиниб, йигирмадан зиёд олимларнинг саёҳатлари ва ёзган географик асарлари ҳакида кисқача айтиб ўтилган.



Хиндистондаги Шоҳ Акбар мақбараси.

Ўзбекистонда иктиносиди географиянинг ривожланишига катта хисса күшган ва бу фаннинг мамлакатимиздаги отахонларидан бири география фанлари доктори, профессор З. Акрамов ҳам дунёning кўплаб мамлакатларига килган саёхатлари давомида олган таассурутларини ёзиб қолдирган. Жумладан, устоз «Испания саёхатидан лавҳалар», «Европа бўйлаб», «Испания йўлларида», «Мустакил Магриб мамлакатларида (Тунис, Жазоир, Марокаш)» ва «Хиндистон лавҳалари» каби илмий-оммабоп асарлар муаллифи ҳамдир.

Профессор Р. Раҳимбековнинг асарларида Ўрта Осиёда экологик ва географик тадқиқотларнинг тарихи ёритилган. А. Ирисов, А. Носиров ва И. Низомиддиновларнинг 1961 йилда чоп этилган «Ўрта Осиёлик кирқ олим» рисоласида ҳам минтақамиз тупроғида яшаб ижод килган баъзи сайёҳ-олимлар тўғрисида кимматли маълумотлар келтирилади.

Аммо Ўзбекистон тупроғида туғилиб, ижод килган олимлар билан бир қаторда Ер шарининг турли қисмларини кашф этиш, уларни турли фанлар нуткаи назаридан тадқиқ қилишга катта хисса күшган Ғарб ва Шарқнинг бошқа мамлакатларида яшаб ўтган сайёҳ-олимларнинг ҳаёти ҳамда фаолияти ҳақидаги маълумотлар ўкувчиларни бефарқ қолдирмаса керак, деб ўйлаймиз.



Птоломейнинг Дунё харитасида Ернинг тасвирланиши.

Ваҳоланки, XV–XVI асрларда амалга оширилган буюк географик кашфиётлар дунёнинг ўша вактдан кейинги ривожланишини ўзгаририб юборган саёҳатлар эди, деб айтиш мумкин. Маълумки, географлар, сайдхонлар, олимлар узок вақт давомида ўз тадқиқотларию саёҳатларини амалга ошириш учун милодий I–II асрларда яшаб ўтган юонон олими К. Птоломейнинг нисбатан аниқ, аммо барibir баъзи хатоликлардан холи бўлмаган Дунё харитасидан фойдаланишган.

Х. Колумб, А. Веспуччи, Ф. Магеллан, Васко да Гама, А. Тасман, Ж. Куқ, Ф. Беллинсгаузен ва бошқа кўпгина сайёҳларнинг амалга оширган географик кашфиётлари натижасида Ер юзининг ўша вактларгача номаълум бўлган қисмлари ўрганилиб, натижада Дунё харитаси ҳозирги кўринишини олган. Шунингдек, Ибн Баттута, В. Рубрук, Д. Ливингстон, М. Поло, А. Вамбери, А. Гумбольдт ва Н. Пржевальскийларнинг географик тадқиқотлари турли материкларнинг ички қисмлари ўрганилиб, ўша худудларни кенг миқёсда ўзлаштиришнинг бошланишига туртки бўлган.

Ана шу мақсадда дунё фани ривожи нуқтаи назаридан муҳим аҳамиятга эга бўлган географик тадқиқотларни амалга оширган Шарқ ҳамда Farb мамлакатларининг таникли сайёҳ-олимлари хаёти



Дунё харитасининг ҳозирги кўриниши.

ва ижодига оид қизиқарли лавҳаларни битта рисолага түплас, китобхонлар эътиборига ҳавола этишни лозим топдик. Мазкур түпласмга 50 дан ортиқ сайёх-олимлар, шу жумладан, Ўзбекистон Миллий университетида узок йиллар ёшларга география фани сирларидан сабоқ берган сайёх устозлардан баъзи бирлари түғрисидаги лавҳаларни ҳам киритдик.

Рисолада келтирилган Ўрта Осиёда яшаб ўтган саккизта олимнинг (Ал-Хоразмий, Беруний, Ибн Сино, Носир Хисрав, Замахшарий, Ҳофизи Абрў, Абдураззок Самарқандий ва Заҳириддин Мұхаммад Бобур) географик меросини ёритишда устозимиз Ҳ. Ҳасановнинг «Сайёх олимлар» рисоласидаги маълумотлардан фойдаландик. Сайёх-олимларга оид маълумотлар ҳозирги замон нұктаи назаридан шарҳланиб, уларнинг ҳаётидаги қизиқарли тафсилотлар ёритилди. Китобдаги лавҳаларни сайёх-олимларнинг яшаб ўтган вакти бўйича хронологик тартибда кенг китобхонлар оммасига мўлжаллаб баён қилишга ҳаракат килдик.

Муаллифлар

ДҮНЁНИ ГЕОГРАФИК ЖИХАТДАН ЎРГАНИШ

ЧЖАН ЦЯН


(? – милоддан аввалги 103 йил)



кизиктириста керак.

Манбаларга кўра, «Буюк ипак йўли»нинг очилишида милоддан аввалги II асрда яшаган хитойлик дипломат ва сайёҳ Чжан Цяннинг хизматлари катта. Айнан, шу хитой дипломати биринчи бўлиб Тянь-Шань тоғлари оша Хитойдан Ўрта Осиёга саёҳат қилган. Чжан Цяннинг босиб ўтган йўлидан Европа ва Хитой ўртасида қатнайдиган савдо карvonлари кенг фойдалана бошлаган. Маълумки, Хитой кадим замонлардан четга кўплаб микдорда ипак чикарган ва шунинг учун ҳам кейинчалик бу йўл «Буюк ипак йўли» номини олган.

Чжан Цяннинг туғилган йили аниқ эмас, аммо манбалардан бизга унинг милоддан аввалги 103 йилда вафот этгани маълум. Милоддан аввалги 138 йилда Чжан Цян хитой императори У Дининг топшириғига биноан, мухим дипломатик миссияни амалга ошириш массадида Пекиндан Ўрта Осиёга саёҳат қилган. Ушбу саёҳати на-тижасида сайёҳ биринчи бўлиб Ўрта Осиё, Помир ва Тянь-Шань тоғлари, Амударё ва Сирдарё, Лобнор кўлига қўйилувчи Торим дарёлари ҳақидаги маълумотларни Хитойга олиб келган. Тарихчилар беда, узум, анор, бодринг, ёнғоқ ва бошқа бир қатор маданий



Осмон ибодатхонаси – Пекиннинг рамзи.

ўсимликларнинг Хитой ҳудудига кириб келишини ҳам Чжан Цян номи билан боғлайдилар.

Чжан Цяннинг милоддан аввалги 138 йилгача бўлган фаолияти тўғрисида маълумотлар жуда кам. Баъзи манбаларга кўра, у Хитой императори саройида дипломатик лавозимни эгаллаган. Ўша пайтларда шимолий чегаралари «Буюк Хитой девори»дан ўтган Хитой бирмунча тез ривожланиб, кучайиб бораётган эди. Тарихчиларнинг ёзиича, Чжан Цяннинг саёҳатига қадар хитойликлар Гоби чўли, Тибет ва Мўгулистан ўртасидаги Цайдам ботифидан ғарбга ва шимолга деярли боришмаган ва бу ҳудудларни деярли билишмаган.

Ўша вақтларда табиий тўсиклар – чўллар, баланд тоғ тизмалари ва кенг даштларда кўчиб юрувчи хуннлар қабиласи Хитойнинг Ўрта Осиёдаги ўтрок халқлар билан алоқа ўрнатишига халақит қилар эди. Шунинг учун ҳам хуннларга тегишли ерлардан ғарбда яшайдиган ва Хитойга иттифоқчи бўлиши мумкин бўлган катта юэчжилар (кушонлар)ни кидириб топиш мақсадида Чжан Цян элчи сифатида Ўрта Осиёга юборилган. Ҳозирги Ланъчжоу шаҳридан йўлга чиқкан элчилар хуннлар ҳудудида ҳибсга олиниб, 10 йил асирикда сакланган.



І асрда Хитойнинг шимолий чегараси «Буюк Хитой девори»дан ўтган.

Милоддан аввалги 128 йилда хуннлар қўлидан кочишга муяс-
сар бўлгач, Чжан Цян Марказий Тянь-Шань тоғлари довонла-
ридан ошиб, Жехай («Музламайдиган кўл», ҳозирги Иссиққўл)
кўлининг жанубий кирғокларидағи усун қабиласи ерларига етиб
келди. Бу ерда Чжан Цянга юэчжиларнинг жануби-ғарбга, ҳозирги
Ўзбекистон худудидаги Фарғона водийсига кўчиб жойлашганлиги
маълум бўлган. Аммо хитой элчиси юэчжиларни Фарғонадан ҳам
тополмади, чунки улар янада узокрокқа – Амударё ва Сирдарёнинг
ўрта оқимидағи Бактрия ва Сўғдиёнага кўчиб кетишган эди.

Нихоят, юэчжилар жойлашган ерни топгач, бу ерда бир йил яша-
ган Чжан Цян милоддан аввалги 127 йилнинг охирида яна Хитой то-
мон йўл олди. У Помир тоғларини шимол томондан айланиб ўтиб,
Олой водийси ва Торим дарёсининг бош ирмоғи бўлган Юқори Ёр-
кенд дарёси орқали Торимнинг ўнг ирмоғи Хўтан дарёси водийсига
етиб келган. Такла-Макон чўлининг жанубий чеккалари орқали бир
воҳадан иккинчи воҳага ўтаётуб, сайёҳ оқмас ва кўчиб юрувчи Лоб-
нор кўли жойлашган пасттекисликка дуч келади.

Чжан Цяннинг саёҳати Лобнор қўлидан Олтинтоғнинг шимолий
ёнбағирлари бўйлаб давом этган ва бу ерда сайёҳ яна хуннлар қўлига

тушиб, бир йил вактини асирилқда ўтказишга мажбур бўлган. Бу сафар ҳам қочишга муваффақ бўлган сайёҳ милоддан аввалги 125 йилда биттагина ҳамроҳи билан Хитойга қайтиб келди. Тахминий хисоб-китобларга кўра, Чжан Цян ушбу ўн уч йиллик саёҳати давомида 25 минг ли (14,2 минг километрдан ортиқ) масофани босиб ўтган.



Такла Макон чўли.

Хитойга қайтгач, Чжан Цян ўз саёҳати ҳакида батафсил хисобот тайёрлаган. Хисобот хитойлик тарихчи Сима Цян томонидан коғозга туширилиб, ўша пайтдаги Хитой ва бошқа худудларда Ўрта Осиё ҳакидаги географик билимларнинг тарқалишида муҳим роль ўйнаган.

Чжан Цян хитойликларга биринчи бўлиб Каспий (Шимолий) ва Орол (Фарбий) денгизларининг мавжудлиги ҳакида хабар берган ва Ўрта Осиёдаги асосий дарёларнинг қайси томонга қараб оқиши ва қаерга куйилишини тўғри аниқлаган. Мазкур хисоботда Осиё қитъасининг Форс кўрфази ҳамда Ўртаер денгизигача бўлган гарбий худудлари ва олдин хитой адабиётларида тилга олинмаган Ҳиндистон тўғрисидаги баъзи маълумотлар мавжуд.

Чжан Цян Ҳиндистонга Бирма (хозирги Мяньма) ва Ассом (хозирда Ҳиндистоннинг алоҳида штати) ҳамда Осиёнинг жануби-шарқидаги денгизлар орқали борган. Сайёҳ босиб ўтган мазкур йўналиш Хитойни Ганга водийси билан боғлайдиган асосий йўлга айланган. У орқали милоддан аввалги II ва I асрлар бўсағасида Хитойдан Ўрта ва Фарбий Осиё мамлакатларига борувчи дунё аҳамиятига эга бўлган савдо йўли – «Буюк ипак йўли»нинг жанубий тармоғи ўтган.

Милоддан аввалги 118 ва 115 йиллар ўртасида Чжан Цян Тянь-Шань тоғлари орқали Ўрта Осиёга иккинчи саёҳатини муваффақиятли амалга оширди. Бу ҳақда хитойлик тарихчи Сима Цян «ушбу саёҳат натижасида Хитой ўзидан шимоли-гарбда жойлашган мамлакатлар билан алоқа йўлларини очди», деб ёзган эди.

Чжан Цяннинг саёҳатлари тўғрисидаги хисоботлари Шарқ ва Ғарб мамлакатлари ўртасида сиёсий ва савдо-иктисодий алоқаларнинг



Буюк ипак йўлиниң тармоқлари.

кучайишида катта роль ўйнаган «Буюк ипак йўли»нинг дунё аҳамиятига молик савдо йўлига айланишида муҳим ўрин тутган. Шунинг учун ҳам мутахассислар хитойлик сайёхнинг сафар ҳисоботини аҳамияти жиҳатдан Христофор Колумбнинг испан кироли ҳазина-бони Луис де Сантахелга «Янги дунё», яъни Американинг очилиши ҳақида йўллаган мактубига қиёслашади.

Мұхаммад ибн Мусо АЛ-ХОРАЗМИЙ

(780–847)



Қадимий Хоразм Шарқда илм-фаннынг ривожланишида жуда катта ўрин тутган. Тарихчиларнинг тасдиқлашларича, Хоразмда аник фанлар – геометрия, тригонометрия, астрономия, топография, химия, минералология ва бошқа табиий фанлар VIII–IX асрларда ёк юксак даражада тараққий этган. Географик билимларнинг юксак даражада бўлиши ва жамланиши хоразмлик савдогарларга узок

мамлакатларга саёхатларга бора олиш имконини берган. Хоразм араб халифалиги таркибиға киргач, хоразмлик олимлар ўз иктидори ва қомусий билим даражасининг юксаклиги туфайли тез орада шуҳрат козониб, бир қатор фанлар асосчилари орасида етакчи ўринга чикиб олдилар.

Хоразм илмий мактабининг илк кўзга кўринган намояндаси Мұхаммад Хоразмий бўлиб, у америкалик шарқшунос Д. Сартон таъбири билан айтганда «барча замонларнинг энг улуғ математикларидан бири» эди.

Мұхаммад ибн Мусо ал-Хоразмий (қисқача Ал-Хоразмий) Хоразмда туғилган ва Бағдодда вафот этган. Олимнинг туғилган ва вафот этган йиллари аниқ маълум эмас. Аммо баъзи манбаларда Ал-Хоразмий 780 йилда туғилган ва 847 йилда вафот этган, деб тахмин қилинади. Қадимда яшаган бир қатор олимлар каби Ал-Хоразмий ҳам у ёки бу фан билан чегараланиб қолмай, қомусий илм сохиби бўлган. Жумладан, олимнинг тарих, математика, астрономия ва география соҳасида ёзиг қолдирган илмий мероси жаҳон илм аҳли томонидан дунё фани ривожига кўшилган бебаҳо хисса сифатида тан олинган.

Ал-Хоразмийнинг хусусан, арифметика ва алгебрага оид асарлари Европанинг қатор тилларига кўп марта таржима қилиниб, унда келтирилган илмий далиллар математика фанида ва амалиётда кент қўлланилган. Олим қолдирган ҳисоб-китобларнинг кўпчилиги ҳозирга қадар ўз аҳамиятини йўқотган эмас. Хусусан, Ал-Хоразмий номи лотинча китобларда Алгоритмус, Алгорисмус, Ал-Хоарисмус, Алкауресмус, Алхохаритмус ва ҳоказо шаклларда келтирилган бўлиб, бу ўз навбатида янги арифметика – алгоритмга асос бўлган. Франциялик шарқшунос олим Ж. Рейно 1849 йилда Европа мамлакатларида математикага оид турли даврларда чоп этилган асарларда келтирилган ушбу номлар аслида Хоразм илмий мактаби вакили Ал-Хоразмий номи билан бевосита боғлиқ эканлигини исботлаб берган.


Ал-Хоразмий математикаси ҳиндча саноқ ва шунга асосланган арифметик амаллар тизимининг ривожланишига замин тайёрлади. Олимнинг «Ал-жабр ва муқобала» деб номланган машҳур асарининг номидан янги «алгебра» термини пайдо бўлган ва у алоҳида фан сифатида ривожлана бошлаган.


Хоразм халифаси ҳам машхур олим Ал-Хоразмийга алоҳида эътибор кўрсатган. Жумладан, Хазарияга юборилган элчилар орасида Ал-Хоразмий ҳам бўлган. Олим ушбу сафар натижаси ўлароқ ўзи борган юргларга оид географик маълумотларни усталик билан тасвирлашга муваффак бўлди. Мутахассисларнинг фикрича, Шаркий Европа географияси ва этнографиясига доир дастлабки маълумотларга, айнан, Ал-Хоразмий асос солган. Кейинчалик бу маълумотлар Шарқ мамлакатларида яратилган географик асарларнинг биридан-иккинчисига ўтиб, энг аник ва ўзгармас маълумот бўлиб колган.

Ал-Хоразмий илмий фаолиятида Бағдод шаҳрида VIII аср охири IX аср бошларида Ҳорун ар-Рашиднинг ўғли Маъмун даврида ташкил этилган олимлар академияси – «Байт ал-хикма» («Донишманалар уйи») катта роль ўйнаган. Бағдод Академиясида Халифа Маъмуннинг топшириғига кўра, Ал-Хоразмий бошчилигида 70 дан ортиқ олим жаҳоннинг ва осмоннинг батафсил тасвирини ўз ичига олган «Жаҳон хариталари», яъни дунё атласини тузиш устида фаолият олиб боришган. Бу хариталар йигиндиси «Маъмун дунё харитаси», деб ҳам аталади ва манбаларга кўра, уни тузиш таҳминан 840 йилда яқунланган.

Ана шу хариталарнинг тузилиши муносабати билан ёзилган Ал-Хоразмийнинг «Сурат ал-арз» китоби ўз даврида жуда машхур бўлган ва ундан нафакат бағдодлик олимлар, балки бирмунча узок мамлакатлардаги илм ахли ҳам кенг фойдаланган. Китоб бир неча ўнлаб хариталар ва уларга берилиган изоҳларни ўз ичига олиб, ҳаммаси биргаликда «Китобу сурат ал-арз» деб аталган. У «Ернинг қиёфаси китоби» ёки бошқача айтганда «География» маъносини ҳам билдиради.

Мазкур асардаги изоҳларда дунёning турли қисмлари иқлиmlар бўйича жойлаштирилган ва уларнинг географик координаталари келтирилган. Ҳаммаси бўлиб 537 та энг муҳим жойнинг номи, жумладан, шаҳарлар, сўнгра тоғлар (203 ном), дengизлар ва оролларнинг номлари, охирида эса дарёлар алоҳида-алоҳида килиб ёзилган. Китобда келтирилган жадвалларда «Ғарбий ташки денгиз» (Атлантика океани), «Қулзум денгизи ва Яшил денгиз» (Қизил денгиз ва Ҳинд океани) каби номлар учрайди. Шунингдек, асарда Азов денгизи, Нил дарёси ва уларнинг атрофидаги худудларга изоҳ берилиб, бу





Кизил рангли ҳайвонот дунёси ва сув ости қоялари
Кизил денгизга шу номни берган.

ерларнинг харитаси ҳам келтирилган. Мохият ва мазмунига кўра, мазкур асар катта бир атласга илова қилинган изоҳдир.

Ал-Хоразмий Хоразм ва Бағдодда ижод қилганини инобатга олсак, шу икки минтақа ўртасида қилган саёҳатлари натижалари олимнинг географик асарлари учун асос бўлган, деб айтиш мумкин. Олим ўз асарларида Ернинг ўлчамлари ҳакида ҳам баъзи маълумотларни келтирган ва бу ҳақда Шарқ мамлакатларида яшаб ижод қилган географ олимларнинг асарларида қайд этилган. Жумладан, Ибн ал-Фақиҳнинг ёзишича, Ал-Хоразмий Ерни ясси, юзасининг умумий майдони 9 минг фарсахга тенг бўлиб, шунинг ўн иккидан бир қисмидагина одамлар яшайди, деб ҳисоблаган. Олимнинг мазкур фикри ўша пайтларда Ер шакли ҳакида хукмрон бўлган тахминларга асосланган бўлиши мумкин, албатта.

Ал-Хоразмийнинг географик мероси арабшунос К. Наллино, чех олими Г. Мжик ва венгриялик тадқиқотчи К. Цегледи томонидан чукур ўрганилган. Италиялик шарқшунос К. Наллино «Европадаги ҳеч бир халқ Ал-Хоразмий эришган ютуққа эришишга ва



Ал-Хоразмийнинг Хива шаҳридаги ҳайкали.

бундай асар яратишга қобил эмас эди», деб ёзган эди. К. Цегледи эса Хоразмий географиясига асосланиб, «Дунайбўйи мамлакатларининг Хоразмийча харитаси»ни қайта тузишга муваффақ бўлган.

Ал-Хоразмийнинг географик ғоялари бу фанни янги поғонага кўтариб, IX аср бошларидаги Шарқда янги география фанининг яратилишига олиб келди. Ҳ. Ҳасановнинг ёзишича, 1894 йилда Италия Фанлар академиясининг махсус комиссияси Ал-Хоразмийнинг «Сурат ал-арз» асарини ҳар томонлама текшириб, у ўз даврининг жуда қимматли қўлланмаси бўлганини ва умуман, географиянинг тараққиётига ижобий таъсир этганини тасдиқлаган. Ана шунга кўра, Ал-Хоразмийни нафакат буюк географ олим, балки Шарқ географиясининг асосчиси, Испаниядан то Қашқаргача барча табиатшунос, географ ва сайёҳ олимлар тадқиқотлари йўналишларини белгилаб берган йўлчи юлдуз, деб айтиш мумкин.

Аҳмад ФАРГОНИЙ

(797–865)



Дунёдаги қатор фанларнинг ривожига катта ҳисса қўшган улуг алломалардан бири IX асрда яшаб ижод этган ҳамда география, астрономия, математика ва геометрия фанлари ривожига салмоқли ҳисса қўшган юртдошимиз, Ғарб мамлакатларида Альфраганус номи билан машҳур Абул Аббос Аҳмад ибн Муҳаммад Касир ал-Фарғонийдир.

Аҳмад Фарғоний 797 йилда Фарғонада туғилган ва дастлабки илмни шу ерда олиб, вояга етган. Сўнг ўша замонда Шарқда машҳур бўлган Бағдоддаги «Байт ал-ҳикма» Академиясида илмий ишлар билан шуғулланди. Аҳмад Фарғоний ушбу илм даргоҳида машҳур олим, алгебра фанининг отаси хисобланган юртдошимиз Муҳаммад ибн Мусо ал-Хоразмий билан бирга фаолият кўрсатиш баҳтига мушарраф бўлган. Шунингдек, Фарғоний Мисрда, Нил дарёси бўйларида илмий-назарий ва илмий-амалий тадқиқотларни амалга оширган.

Мутахассисларнинг фикрича, ҳозирги вақтда Аҳмад Фарғонийнинг 8 та асари маълум, аммо Ризоуллоҳ Ансорийнинг ёзишича, унинг қолдирган асарлари сони 11 та. Ал-Фарғоний асарларидан «Ал-Комил фил-устурлоб» («Устурлоб тўғрисида мукаммал маълумот»), «Фи саноат ал-Устурлоб» («Устурлоб санъати тўғрисида»), «Етти иқлим», «Астрономия илмий асослари» ва «Жавоми илм ан-нужум вал ҳаракат ас-самовий» («Самовий ҳаракатлар ва астрономия китоби») кабилар бутун жаҳон астрономлари орасида маълум ва машҳур.

Дарҳакиқат, Аҳмад Фарғонийнинг астрономия фани ривожига қўшган ҳиссаси бекиёс. У юлдузларнинг орасидаги, Ердан Куёш, Ой ва бошқа сайёralаргача бўлган масофани ва ушбу осмон жисмларининг ҳажмини аниқлаб, жадвал тузган. Ушбу жадвалдан барча астрономлар, жумладан, европаликлар астрономиянинг «асосчиси», деб хисоблайдиган Николай Коперник ҳам фойдаланган. Шу-

нингдек, осмон жисмларининг харакатларини мукаммал ўрганган Аҳмад Фарғоний, Куёш ва Ой тутилиш ҳодисаларини ҳам илмий асослаб берган.

Аҳмад Фарғоний юлдузлар илмининг султони, деб тан олинган Мирзо Улугбекдан беш аср олдин Куёш ва юлдузларнинг харакат йўналишини, шунингдек, Ернинг шар шаклида эканлиги ва у икки кутбни бирлаштирувчи ўқ атрофида харакатланишини исботлаб берган. Аҳмад Фарғоний бу ҳақда шундай ёзган: «Олимларнинг масалага карашлари ҳар хил бўлиши мумкин, лекин ҳақиқат битта. Мана шундай ҳақиқий ғоялардан бири – Ер ва осмоннинг шар шаклидалигидир. Ҳақиқатан Ер осмондаги барча ёритгичлар билан бирга, бири – шимолнинг бошида, иккинчиси – жанубнинг охирида бўлган икки харакатланмайдиган қутб (орқали ўтувчи ўқ) атрофида харакат қиласди».

Аҳмад Фарғоний биринчи бўлиб экватор доирасининг Ернинг уфқ доираси билан устма-уст тушадиган қутб доирасини, қутб туни ва қутб куни мавжудлигини ҳамда кун ва тун тенглигини илмий исбот-




Фарғоний осмон жисмлари орасидаги масофалар жадвалини тузган.

лаб берган. Бу хақда у шундай ёзган: «Аммо шундай бир жой борки, унда күтб 90 даражада күринади ва зенит бўлиб қолади. Унда экватор доираси хамма вакт Ернинг уфқ доираси билан устма-уст тушади. У ҳолда осмоннинг экваторга нисбатан шимолий ярми Ер устида абадий күринади, жанубий ярми эса абадий күринмайди. Агар Күёш Саратоннинг бошида бўлса, кун 24 соат бўлиб, тун бўлмайди. Агар Күёш Жадийнинг бошида бўлса, тун 24 соат бўлиб, кун бўлмайди. Кутбнинг баландлиги эклиптиканинг экваторга оғишига тенг бўлган жойларда Күёш зенитдан бир йилда бир марта ўтади».

Ернинг шар шаклида эканлигига асосланган ҳолда Ахмад Фарғоний Ер меридианининг бир даражаси узунлигини аниқлашга муваффақ бўлган. Орадан 800 йил ўтгач, Американи кашф этган машхур сайёҳ Христофор Колумб ҳамда XVI асрда Ер шари бўйлаб айланма саёҳатни амалга оширган Фернандо Магеллан Ахмад Фарғонийнинг Ер шари ҳажмини хисоблаш учун ишлатган бир даражада меридиан узунлиги ҳакидаги ҳисоб-китобларининг накадар тўғри эканлиги ҳакида ёзиб қолдиришган.

Ахмад Фарғоний Мисрда, Нил дарёси бўйларида қатор илмий-амалий тадқиқотлар олиб борди. Изланишларининг натижаси ўларок олим Нил дарёсидаги сувнинг ҳажми ва тезлизгини ўлчайдиган иншо-от – ниломерни яратган. Айнан шу ниломернинг кўрсаткичларидан фойдаланган ҳолда Мисрда қишлоқ хўжалигининг асосий тармоги хисобланган дехкончиликни самарали ва оқилона ташкил этиш мумкин бўлган.



Нил дарёсининг Рода оролида жойлашган ниломернинг ташки ва ички кўриниши.

Аҳмад Фарғоний томонидан Нил дарёсининг Рода оролида яратилган ниломер дарё сатҳидан паст килиб қазилган тўртбурчак қудук бўлиб, 3 хил баландликдаги каналлар орқали дарё билан туташтирилган. Қудукнинг ички кисмига тош терилган ва пастки кисмига тош зиналар орқали тушиш мумкин. Иншоотнинг ўрта кисмига саккиз бурчакли тош устун ўрнатилиб, 19 тирсакка (1 тирсак тахминан 54 см.га teng) бўлинган.

Манбалардан маълум бўлишича, агар суғориш мавсумида Нил дарёсида сув сатҳи 12 тирсакка кўтарилса, ҳосил бўлмай, мамлакатда очарчилик кутилган, 13 тирсакда буғдой ҳосил бермаган, 14 тирсакда ўртача ҳосил етиштирилган, 15 тирсакда экинлар яхши ҳосил берган ва ниҳоят, 16 тирсакда эса ҳосил ниҳоятда кўп бўлиб, мамлакатда мўл-кўлчилик бошланган. Аммо сувнинг 19 тирсакдан баландга кўтарилиши мамлакатда тошқинлар бўлиши, экин майдонлари ва ҳосилга зарар етишидан дарак берган.

Ниломер Нил дарёси сувидан оқилона фойдаланиш, дехқончилик ва аҳолининг иқтисодий ҳолатини олдиндан аниқлаш имконини беरарди. Мисрда дехқонларга солик солиш масалалари ҳам ниломер кўрсаткичлари асосида амалга оширилган. Шуниси эътиборга лойикки, Аҳмад Фарғоний яратган ушбу иншоот ҳозирги кунда ҳам ўз аҳамиятини йўқотган эмас.

Миср ҳукумати ватандошимиз Аҳмад Фарғонийнинг ушбу мамлакат олдидаги хизматларига юксак эҳтиром рамзи сифатида Нил дарёсидаги Рода оролида унинг ҳайкалини ўрнатишга қарор қилди. Ушбу ҳайкал Президентимиз Ислом Каримовнинг 2007 йилда Мисрга қилган расмий ташрифи чоғида тантанали равишда очилган.

Аҳмад Фарғонийнинг номи асрлар оша унинг Буюк Британия, Франция, АҚШ, Марокаш, Миср, Ҳиндистон, Германия, Эрон, Россия ва бошка бир қатор мамлакатларнинг йирик кутубхоналари-



Нил дарёсининг Рода оролидаги Аҳмад Фарғоний ҳайкали.



Фарғона шаҳрида барпо этилган
Аҳмад Фарғоний мажмуи

1667 йилда Амстердамда мазкур китобни араб ва лотин тилида нашр қилдириб, Ал-Фарғоний (европача Альфраганус) номини бутун дунёга танитди. Ҳатто, италиялик адаб Дантенинг «Илохий комедия»сида ҳам улут Альфраганус номи тилга олинган.

Республикамизда дунё фани ривожига улкан ҳисса қўшган аллома Аҳмад Фарғонийнинг 1200 йиллик юбилейи 1998 йилда Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Фан, таълим ва маданият масалалири бўйича ташкилоти (ЮНЕСКО) билан ҳамкорликда кенг нишонланди. Шу муносабат билан буюк юртдошимизга эҳтиром сифатида Фарғона шаҳрида меъморий мажмуа барпо этилиб, унинг марказида алломанинг юлдузлар харитасини қўлида тутган ҳолда викор билан турган ҳайкали мавжуд. Бу жой нафақат фарғоналикларнинг, балки Фарғона водийсига ташриф буюрадиган ҳар бир кишининг зиёратгоҳига айланди.

Аҳмад Фарғонийнинг номи фазода ҳам абадийлаштирилган. Машҳур польшалик астроном Ян Гавелий ўзининг 1647 йилда чоп этилган «Селенография» китобида ёзишича, XVI асрдаёқ Ойдаги кратерлардан бири Аҳмад Фарғоний номи билан аталган.

да сакланаётган қўлёзма асарларида яшаб келмоқда. Мазкур қўлёзмалар дунёнинг бир неча тилларига таржима қилинган ва улардан жаҳондаги етакчи илм даргоҳларида узок вактлар ўқув қўлланмаси сифатида фойдаланилган. Ушбу жараён ҳозирда ҳам давом этаётир.

Жумладан, кремоналик Герардо XII асрдаёқ Аҳмад Фарғонийнинг «Жавоми илм ан-нужум вал ҳаракат ас-самовий» асарини лотин тилига ўгирган. XIII асрда эса мазкур китоб Европанинг бошқа тилларига ҳам таржима қилинган. Бу асардан қарийб XV асрга қадар асосий астрономия дарслиги сифатида фойдаланилган ҳам. Голланд арабшуноси ва математиги Яков Голиус

Мұхаммад НАРШАХИЙ

(899–959)

Мұхаммад ибн Жаъфар Наршахий (тұлғы исми Абу Бақр Мұхаммад ибн Жаъфар ибн Закарийя ал-Хаттоб ибн Шариқ ан-Наршахий) Х асрнинг биринчи ярмида Бухорода яшаган машхур тарихчи олимдир. У 943–944 йиллар давомида ёзилган ва И smoil Сомонийнинг эвараси, Бухоро хукмдори Амири Ҳамид Абу Мұхаммад Нуҳ ибн Наср ибн Аҳмад ибн И smoil ас-Сомонийга тақдим этилган машхур «Таҳқиқи ал-вилоят» асари Ўрта Осиёнинг IX–X асрларга оид маълумотларни ва сомонийлар сулоласи тарихини баён этувчи ягона ва қимматли мukammal манба ҳисобланади. «Таҳқиқи ал-вилоят» китобини баъзан «Ахбори Бухоро», «Бухоро тарихи» ва «Наршахий тарихи», деб ҳам атаганлар.


Наршахийнинг таржимаи ҳоли ҳақида түлік маълумот берувчи манба йўқ. Қадимги тарих китобларида ёзилишича, у Бухоро ахлидан бўлиб, Наршах қишлоғида дунёга келган. Аммо Наршах қишлоғининг қаердалиги ҳақида бирор аниқ фикр мавжуд эмас. Лекин «Бухоро тарихи» китобида Наршах қишлоғининг Бухородан шимол томонда жойлашгани ҳақида баъзи маълумотлар келтирилган. Бундан ташқари, олим ўз асарида Наршах ҳисори (қўргони, қальаси) ҳақида сўз юритади. Тарихдан маълумки, бундай қалъалар баланд тепаликларда курилиб, ҳимоя воситаси вазифасини ўтаган. Бу тепалар республикамизнинг турли қисмларида ҳозирга қадар ҳам мавжуд. Худди ана шундай тепалардан бири – Нарчоқтепа қолдиклари Бухоро вилоятининг Вобкент тумани ҳудудида сакланиб қолган. Тепа якинидаги қишлоқ эса Нарчоқ деб аталади. Асрлар давомида маҳаллий аҳоли тилида «Наршах» сўзининг «Нарчоқ» кўринишига келганини инобатга олсак, буюк олимни худди шу қишлоқда таваллуд топган, деб айтиш мумкин.

«Бухоро тарихи» асарининг араб тилидаги нусхаси бизгача етиб келмаган. Китоб 1128 йили Абу Наср Аҳмад ибн Мұхаммад ибн Наср ал-Қубовий (асли Фарғона вилоятининг Кува шаҳридан бўлиши мумкин) томонидан форс тилига ўтирилган ва таржима жарёнида бир қатор қисқартиришларға учраган. 1179 йилда Мұхаммад бин Зу-

фар китобни яна таҳрир килиб, кисқартириб кўчирган ва китобнинг ана шу икки марта кисқартирилган нусхасигина сакланиб қолган.

«Бухоро тарихи» асарида турли тарихий воқеалар тасвири билан бир каторда Бухоро атрофи табииати, топографияси, шаҳар ва қишлоқлари, мавжуд бойликлари, аҳолиси ва унинг асосий машғулотлари тўғрисидаги географик маълумотлар тарихий киёсий таҳлил нуқтаи назаридан жуда муҳим аҳамият касб этади. Жумладан, Наршахий Бухоро шаҳрининг Нумужкат, Мадинат ас-Суфрия («Мис шаҳар»), Мадинат ат-Тужор («Савдогарлар шаҳри»), Фохира деган номлари бўлганини айтиб, «Хурросонда ҳеч бир шаҳарга бунча қўп ном берилмаган», деб ёзди.

Наршахий Бухоро вилоятидаги шаҳарларни ҳам қисқача таърифлаган. Унинг ёзишича, «Афшина (Ибн Сино туғилган ҳозирги Бухоро вилояти Пешку туманидаги Афшона қишлоғи) катта бир шаҳар бўлиб, қалъаси бор. Бир неча қишлоқлар унга қарашлидир. Ҳафтанинг муайян бир кунида у ерда бозор бўлади». «Карминада (ҳозирги Навоий вилоятидаги Кармана шаҳри) муллалар ва шоирлар кўп бўлган. Бухородан то Карминағача 12 тошдир». Агар бир



Бухоро Арки.

тошнинг тахминан 8,6 километрга teng эканлигини хисобга олсак, Бухоро ва Кармана шаҳри ўртасидаги масофани (100 км. дан ортик) Наршахий ўз асарида тўғри ифодалаган.

Бухоро яқинидаги Пойкент шаҳри тўғрисида бундай ёзади: «Бирор Пойкентни кишлок деса, бу ер аҳолиси хафа бўлади. Агар бир киши Пойкентдан Бағдодга борса ва ундан «қаердансиз?», деб сўрасалар, «Пойкентданман» дейди-ю, аммо «Бухороданман» демайди». Қадимий бу шаҳар Бухоро шаҳридан 60 км узоқликда, ҳозирги Бухоро вилояти Қоракўл тумани ҳудудида жойлашган бўлиб, бизгача унинг вайроналаригина сакланиб қолган. Наршахийнинг ёзишича, «Пойкентдан то Фаробгача бўлган 12 тош масофалик жой қум чўлидир». Маълумки, Фароб ҳозирги Туркманистон ҳудудида, Амударё яқинида жойлашган шаҳардир.

Наршахий ўз асарида Зарафшон дарёсини «Рудизар» ва «Ҳарамком», деб тилга олиб, ушбу дарё ва унга туташ ҳудудларни шундай таъриф қиласди: «Самарқанд томонида бир катта дарё борки, уни Руди Мосаф – Мосаф дарёси деб атайдилар. Бу дарёда жуда кўп сув йигилган, бир талай ерларни ювиб-ўпириб, кўп лойқаларни суриб



Пойкент шаҳарчаси қолдиқлари.



Зарафшон дарёси.

келган ва натижада (унинг куйи кисми) текис ерга айланди ва у катта ботқоқликлар бўлиб қолган. Бухоро ўрнашган жой аста-секин тўлиб, дарё Сўғд ва бу лойқалар тўлган мавзе Бухоро бўлиб қолди.

Бу дарёнинг ...жаннатни эслатувчи гўзал мақомидан кўра бирор жой ва манзил йўқ, чунки унинг ҳамма жойи саройлар, боғлар, гулзорлар ва бўстонлар билан қопланган. Унинг чаманзорлари бирбирига туташиб кетган ва уларнинг ораларидан ариқлар ўтиб, чаманзорлар ва гулзорлар томон минг тарафга оқар эди. Бу чорбоғларда нашвати, бодом, ёнғоқ, гилос, чилонжийда ва анбар бўйли жаннатда бўладиган ҳар хил мевалар ғоятда яхши ва гўзал тарзда ўтқазилган эди».

Наршахий ўз асарида Зарафшон дарёсининг куйилиш жойи тўғрисида ҳам баъзи маълумотларни келтиради. Унинг ёзишича, «Ҳарамком суви Пойкентга оқиб боради. Пойкентдан кейин тўқайликларга ва катта кўлга туташади. Бу кўлни... Баргин Фарах дейдилар. Коракўл деб ҳам атайдилар. Ишончли кишиларнинг айтишича, унинг кенглиги 20 тошдир. «Масолик ва мамолик» китобида ёзишича, уни Сомчан кўли деб атайдилар. Бухоро сувининг ортиқчаси ўша жойга йигилади ва унда сув жониворлари яшайди. Хурсоннинг ҳамма жойидан куш ва балиқ жами бунга teng келмайди».



Денгизкүлнинг коинотдан күриниши.

Хозирги вактда Бухоро вилояты Коракүл туманинга энг яқин жойлашған күл – Денгизкүл ва Зарафшоннинг чап тармоғы Коракүлдаре унга қуилади. Ушбу күлнинг узунчөк эканини инобатта олсак, Наршахий ўз асарида 20 тош (170 километрга яқин) узунликдаги күл, деб айнан Денгизкүлни назарда тутган бўлиши мумкин.

Ўрта Осиёning VIII–XII асрлардаги тарихи ва тарихий географияси ҳақида сўз юритилар экан, Наршахийнинг номи тилга олинмаган биронта тадқиқотни топиш кийин. Шунинг учун ҳам йиллар ўтган сайин олим қолдирган дурдона асарнинг аҳамияти ошиб бораверади. Унинг муборак номи эса Шарқнинг буюк алломалари қаторида бундан буён ҳам фахр билан тилга олинаверади.

Эрик РАУДЕ (Малла)

(950–1003)


Шимолий Американи сайёх Христофор Колумб очган, деб саналса-да, баъзи манбаларда ушбу материкка Европа шимолида яшаган викинглар биринчи бўлиб етиб боргани ҳақида маълумотлар бор. Бундай маълумотлар Гренландияга биринчи бўлиб келган викингларнинг авлоддан-авлодга ўтиб келаётган халқ оғзаки ижоди намуналари, яъни «сага»ларида ҳам яшаб келмоқда. Ви-



кингларни Исландиядан Гренландияга бошлаб келган биринчи сардор эса асли келиб чикиши норвегиялик бўлган Эрик Рауде (Малла) ҳисобланади. «Малла» сайёҳнинг лақаби бўлиб, бу унга сочи ва соқолининг ранги учун берилган.

Эрик 950 йилда Норвегияда Торвальд Асвальдсон оиласида туғилган. Кирол Херальд Ажойибсоҳ ҳукмронлиги даврида унинг оиласи қотиллиқда айбланиб, Норвегиядан қувғин қилинган. Натижада Асвальдсонлар Исландияга келиб жойлашган. Эрикнинг феъли тезлиги Исландияда ҳам доимо унга муаммолар келтиради. Хуллас, 980 йилда Малла икки кишини ўлдиришда айбланган: биринчиси, ўз кўшнисини, яъни қарзга олган қайикни қайтаришни хоҳламагани учун, иккинчиси, бошқа бир викингни ҳалок этилган хизматкорлари учун қасос сифатида. Натижада Эрик Исландиядан ҳам уч йилга бадарға қилинган.

Шундан сўнг Рауде ўзига чиқарилган ҳукм муддатини ўташ учун гарбга томон сузишга ва ҳаво очиқ бўлган пайтда Исландиянинг гарбий қирғокларидағи тоғлар тепасидан кўриш мумкин бўлган музли ергача етиб боришга қарор қилди. Ушбу ер Гренландия оро-



Гренландиядаги муз тоғлари.

ли бўлиб, у Исландиядан 280 км узокликда жойлашган ва унга биринчи бўлиб 875 йилда норвег денгизчиси Гунбъёрн сузаб борган. Исландиядан кўринадиган ерлар Гренландия оролининг жанубишиндаги Форель тоги (баландлиги 3360 м) ва оролнинг энг баланд нуқтаси Гунбъёрн тоги (3700 м) бўлган. Ҳозирги тадқиқотлар шуни кўрсатмоқдаки, орол шимолдан жанубга 2690 км.га чўзилган ва унинг кенглиги шарқдан ғарбга 1300 км.га етади.

Шундай қилиб, Эрик Малла 982 йилда оиласи, хизматкорлари ва уй ҳайвонлари билан бирга Исландиядан ғарбга қараб сузаб кетган. Сузаб юрувчи музлар Маллага қирғоққа тушиш имконини бермагач, сайёҳ оролнинг жанубий кисмини айланиб ўтиб, Юлансхоб (ҳозирги Какарток ёнида) деган жой яқинида тўхтайди. Уч йил кувғинда юрган вақтида Эрик оролнинг ҳаммаёғини кезиб чикиб, ҳатто, оролнинг шимоли-ғарбий чеккасидан анча узокда бўлган Диско оролигача борган. Аммо бу ерда муқим яшайдиган бирор кишини учратмаган.

Кувғин муддати тугагач, Эрик Исландияга қайтиб келган ва бу ердаги маҳаллий викингларни ўзи борган оролга кўчиб боришга даъ-



Гренландиядаги аҳоли тураржойлари.

ват қила бошлаган. Эрик оролни Гренландия, яъни норвег тилидан таржима килганда «Яшил ер» деб атаган. Ушбу номнинг Эрик Рауде томонидан Гренландияга тўғри ёки нотўғри берилганилиги борасидаги мунозаралар ҳозирги кунда ҳам давом этмоқда. Баъзи олимларнинг фикрича, оролнинг иклими Ўрта асрларда юмшоқ бўлган ва Эрик келиб тушган Гренландиянинг жануби-гарбий қисмлари қалин яшил ўтлар билан копланган бўлиши мумкин. Бошқа мутахассислар эса Эрик бу номни оролга кўчиди борувчиларни кўпроқ жалб қилиш учун «тарғибот» мақсадида қўйган дейишади. Ҳозирда эса маҳаллий халқ тилида орол Калааллит Нунаат, яъни «Ер шаридаги энг катта орол», деб аталади.

Манбаларда ёзилишича, Эрик Малла 986 йилда Исландиядан 25 та кема билан Гренландия томон йўлга чикиб, ушбу кемалардан фақатгина 14 таси 350 киши билан оролга етиб келган. Натижада Эрик Малла Гренландияда Эйстрибийиг (Шарқий шахар) номли биринчи ахоли пунктини барпо этди. Манбаларда ёзилган ушбу маълумотлар Эрик Малла яшаган уй турган жойдан олинган археологик топилмаларни радиоуглерод таҳлили орқали ҳам тасдиқланган. Маълум бўлишича, Эрик Маллага тегишли бўлган бу топилмалар таҳминан 1000 йилга тўғри келади.

Эрик Рауде умрининг охирги йилларида денгиз саёҳатига чикмаган бўлса-да, унинг Шимолий кутбга яқин худудларни ўрганиш борасидаги бошлаган ишларини ўғиллари давом эттирган. Жумладан, таҳминан 1000 йилларда Эрик Рауденинг ўғли Лейф Эриксон Гренландиядан ғарбда катта ерни – ҳозирги Шимолий Американинг шимоли-шарқий қисмларини учратган. Эрикнинг бошқа ўғиллари Торвалд ва Торстейнлар ҳам Шимолий Америкага бир неча бор саёҳат килишган.

Манбаларда кўрсатилишича, 1000 йилда Лейф Эриксон 35 кишилик отряди билан Шимолий Америка қиргокларига сузид келади ва бу ерда учта минтақани очади: Хелтуланд (Баффин Ери ороллари бўлиши мумкин), Маркланд (эҳтимол, Лабрадор яримороли) ва жуда кўп узумзорлари бўлгани учун Винланд номи берилган ер (бу Ньюфаундлендинг ҳозирги Ланс Медоуз шаҳри якинидаги қирғоғи бўлиши мумкин). Ушбу ерларда викинглар томонидан бир нечта яшаш жойлари – уйлар барпо этилган. Манбаларда ёзилишича,

скандинавиялык викинглар, ҳатто, маҳаллий «скрёллинглар» – Шимолий Америка ҳиндулари билан ҳам алоқа ўрнатишган. Дастрлаб, улар ўртасида илик муносабатлар ўрнатилған, аммо кейинчалик хиндуларнинг доимий босқинлари натижасида викинглар Шимолий Америкадаги яшаш жойларини ташлаб кетишига мажбур бўлишган.

Эрик Рауде асос солган Гренландияга кўчиб келувчилар тез орада кўпайиб, орол энг гуллаган пайтда бу ерда 5000 кишигача яшаган. 1000 йиллар атрофида оролда икки асосий аҳоли пункти: Эйстрибийигг (Шаркий шаҳар, ҳозирги Какартока шаҳарчасининг ўрнида) ва Вестрибийигг (Фарбий шаҳарча, ҳозирги Готхоба) бўлган ва уларда 400дан ортиқ уйлар жойлашган. Агар ҳозирда Гренландияда 56 минг киши истиқомат қилишини ҳисобга олсак, 1000 йиллардаги орол учун бу бирмунча катта аҳоли пунктлари бўлган, деб айтиш мумкин.

Гренландия ороли хўжалиги Ўрта асрларда ҳам ҳозиргидан унча фарқ қилмаган. Ўша вақтларда бу ердан Европага турли денгиз ҳайвонлари ва уларнинг терилари ва ноёб балиқ турлари (треска) олиб кетиларди. Материқдан эса кемачилик ва қурилишда фойдаланиш учун асосан, ёғоч ва металл буюмлар олиб келинган.



Гренландия ороли жанубидаги замонавий шаҳарча.

Норвег сайёхи Эрик Рауде томонидан очилган Гренландия XVIII асрнинг бошига қадар Норвегияга тегишли бўлган. 1721 йилдан оролни Дания томонидан ўзлаштириш бошланган ва ушбу мамлакат 1744 йилда оролда ўз хукмронлигини ўрнатди. 1951 йилда Дания НАТОга аъзо бўлгач, АҚШ ва Дания ўртасида оролни ҳамкорликда химоя килиш ҳақида шартнома имзоланган. 2008 йилнинг ноябринда ўтказилган референдум натижаларига кўра, Гренландия автономия, яъни ўз-ўзини бошкариш ҳукукини кўлга киритган.

Шундай қилиб, Янги Дунёни очган Колумбдан кариб 500 йил илгари шимолий европалик викинглар Шимолий Американи кашф этишган, ва ҳатто, у ерда бирмунча вакт яшашган ҳам. Аммо X аср шароитида викингларнинг бу кашфиёти узоқ Гренландия музликларида номаълумлигича колиб кетган. Кейинги вақтларда эса бу тарихий ҳақиқат бирмунча тикланиб, Шимолий Америкага биринчи бўлиб борган европаликлар қаторида скандинавиялик викинглар, жумладан, Эрик Рауде (Малла)нинг номи ҳам тилга олинмоқда.

Абу Райҳон БЕРУНИЙ

(973–1048)



Абу Райҳон Беруний 973 йилнинг 4 сентябрида Хоразмда, Амударёning ўнг соҳилидаги Кот шаҳрида туғилган. X аср охирида Жанубий Хоразм вилоятининг пойтахти ҳисобланган Кот шаҳри ҳозирги Қорақалпоғистоннинг Беруний тумани ўрнида жойлашган эди. Олимнинг номи баъзи манбаларда Покистоннинг Синд штатидаги Берун шаҳри номи билан боғлиқ дейилса, бошқасида у Ҳинд вилоятининг Берун шаҳридандир дейилган. Мутахасисларнинг фикрича, Абу Райҳон – унинг асл исми эмас, бу унинг ҳомийиси – хоразмлик Райхона хонимнинг исмидан олингандир. Бундан ташқари, унинг гуллар ва ўсимликларни севиб ўргангани, чаккасига доим райҳон тақиб юрганлиги учун «Райҳон» номини олган, деган тахминлар ҳам бор.

Беруннийшунос Убайдулло Каримовнинг таъкидлашича, «олимнинг исми Муҳаммад, отасининг исми Аҳмад, Беруний эса унинг нисбаси, яъни келиб чикиши ва насл-насабини билдирувчи номдир. «Берунний» форсча «Берун» («ташқари») сўзидан олинган бўлиб, «шаҳар ташқарисида туғилган» деган маънони билдиради. Абу Райҳон эса унинг лақаби бўлиб, араб тилида Абу Райҳон «марҳаматли», «раҳмдил» деган маъноларни ҳам билдиради».

Абу Райҳон дастлабки таълимни ўз шаҳрида ва Хоразмнинг бошқа шаҳарларидаги маҳаллий мактабларда машҳур устозлардан олган. Болалигиданок жуда идрокли, анча талабчан ва билим олишга иштиёки зўр эди. 18 ёшида Беруний Хоразм обсерваториясида мустакил кузатиш ишлари билан шуғуллана бошлаган. 22 ёшида Бушкотир деган жойда кузатишлар ўтказиб, дастлабки кичик асарларини худди шу ерда ёзган. Сайёраларнинг холатига қараб кишиларнинг умрини башорат қилиш мумкин эмаслиги айтилган рисола – «Алдамчилик санъати», яъни «Юлдузлар ҳукмидан огоҳлантириш китоби» шулар жумласидандир.

Абу Райҳон Берунийнинг умри доимий саёҳат ва бир шаҳардан иккинчисига кўчиб юриб, тадқиқотлар ўтказиш билан ўтган. Жумладан, Беруний 995 йилда 22 ёшида Котдан чиқиб, ўша вактларда Техрондан шимолроқда бўлган Рай шаҳрига жўнаган. Аммо манбаларга кўра, у 997 йилда Хоразмга келиб кетган бўлиши мумкин. Буни Беруний ёзган кўйидаги мисралардан ҳам билса бўлади: «Биз Абулвафо Муҳаммад ибн Муҳаммад ал-Бузжоний билан, у Бағдодда, мен эса Хоразм шаҳрида эканлигимда, Ой тутилишини кузатиш тўғрисида шартлашган эдик; биз бу ҳодисани хижрий илии хисобида уч юз саксон еттинчи илии биргаликда кузатдик» (хижрий билан 387 йил 997 милодий йилга тўғри келади).

Беруний 998 йилда Каспий денгизининг жануби-шарқий бурчагида, денгиздан ичкаридаги алоҳида бир вилоятнинг маркази бўлган Журжон шаҳрига кўчиб келган. Журжонда истиқомат килган вактида, тахминан 1000 йилда – 27 ёшида «Қадимги ҳалклардан қолган ёдгорликлар» номли биринчи йирик асарини ёзиб тамомланган. 1004 йилда Беруний Хоразмнинг янги ҳокими маърифатпарвар Абул Аббос Маъмун чақириғига биноан яна ватанига қайтиб келган.



Эрон пойтахти Техрондаги Лалех бодининг жануби-ғарбий дарвозаси олдида Абу Райхон Берунийга ўрнатилган ҳайкал.

Агар Берунийнинг бутун умри давомида қилган саёҳатларини сарҳисоб килсак, у шимолда Хоразмга, жанубда Ҳиндистонга, ғарбда Каспий соҳили ва Бағдод оралиғида саёҳат қилган, илмий кузатишлар ўтказган. Манбаларда кўрсатилишича, Беруний Хоразмда – Кот ва Урганч (Журжония); ҳозирги Эронда – Журжон ва Рай; Ирокда – Бағдод; ҳозирги Афғонистонда – Жузжон, Балх, Бомиён, Кобул, Фазна; ҳозирги Покистонда – Ганди, Дунпур, Пешовар, Вайханд (Атток), Жайлам, Сиёлқут, Лоҳур, Нандна, Мўлтон шаҳарларида бўлган. Олим булардан ташқари Бухоро, Коракум чўли, Қизилқум шимоли, Бадахшонда ҳам бўлган. Шунинг учун ҳам Беруний бир неча тилларни, жумладан, қадимий хоразм тилини, форс-тожик тилини, ўзбек тили (эски туркӣ тил)ни, араб ва юнон тилларини билган.

Беруний Хоразмга қайтгач, илм аҳлининг қадрига етувчи Маъмун ёрдамида Хоразм олимларини бирлаштириб, «Маъмун академияси»га асос солишда иштирок этган. Беруний «Геодезия» асарида ёзишича, Маъмун академиясида илмий фаолият олиб борган вактида ихтиёрида турли асбоблар, жумладан, диаметри 3 метр кела-

диган ва оралик минутларга бўлинган квадрант бўлган экан. Аммо ўша вактлардаги сиёсий вазият туфайли «Маъмун академияси» киска муддат фаолият кўрсатган. Ҳаммамизга маълумки, мустақиллик шарофати билан Юртбошимизнинг бевосита бошчилигига ушбу тарихий «Маъмун академияси» яна қайта тикланди ва Хоразмда яна фаолият олиб бормоқда. 2008 йилда эса ушбу Академиянинг 1000 йиллиги ЮНЕСКО билан ҳамкорликда кенг нишонланди.

Беруний ҳаётининг 1017 йилдан кейинги кисми Афғонистоннинг Фазна шаҳрини давлатига пойтахт қилиб олган Султон Маҳмуд ёки бошқача қилиб айтганда Маҳмуд Фазнавий билан боғлиқ. Шу йили Маҳмуд Фазнавий Берунийни бошқа бир гурӯҳ олимлар катори Фазнага олиб кетган. Умрининг охирига қадар Абу Райхон шу шаҳар фуқароси бўлиб яшаган, тез-тез Ҳиндистонга саёҳат қилган ва ҳиндларнинг тарихи, фани, тили ҳамда маданиятини ўрганиб, ўзининг машҳур «Ҳиндистон» китобини ёзган. Мутахассисларнинг фикрича, ушбу асар ҳинд фани ва маданиятига қўйилган ҳайкал бўлиб, мамлакатнинг ҳақиқий энциклопедияси ҳисобланади.

Беруний Ҳиндистонда яшаган чоғида санскрит тилини ўрганган. Олим ушбу мамлакат этнографияси, географияси, биологияси, филологияси ва тарихига оид жуда муҳим маълумотларни турли манбалардан тўплаб, уларни «Ҳиндистон» асарига киритган. Бир қатор ҳалқларнинг йилномаларига асосланган холда Беруний турли, шу жумладан, дехқончиликни юритишга мўлжалланган тақвимлар тузишнинг умумий тамойилларини таклиф этган. Маълумотларга кўра, олим томонидан араб ёзуви асосида яратилган транскрипция тизими ҳинд сўзларини урду тилида талаффуз килишнинг замонавий тизимидан ҳеч ҳам қолишмайди.



Хоразм Маъмун
академияси.



Беруний тузган Дунё харитаси.



Дунёдаги биринчи глобусни яратган Берунийга Ашгабадда кўйилган ҳайкал.

Ҳиндистон ҳаётининг турли кирраларини ўрганиш жараёнида Беруний қиёсий усулдан кенг фойдаланган. Унинг ёзишича, «мен хиндларнинг назариясини қандай бўлса шу ҳолда келтиридим ва унга параллел равишда грекларнинг назарияси ҳақида сўз юритдим ва уларнинг ўртасидаги ўзаро яқинликни кўрсатишга ҳаракат килдим». Шунингдек, олим ўз асарида ҳинд ва ислом ғояларини ўзаро солиштирган, айниқса, сўфийлик таълимотини хиндларнинг йоглар назариясига бирмунча яқин таълимот сифатида алоҳида ажратиб кўрсатган. Беруний Ҳиндистонда яшайдиган халкларнинг урф-одатларини славянлар, тибетликлар, хазарлар ва туркий халкларнинг бу борадаги хусусиятлари билан қиёслаб ёритган.

Берунийнинг «Ҳиндистон» асари кенг қиррали илмий манба бўлиб, дунёнинг турли тилларига, жумладан, ўзбек, рус, француз, инглиз ва бошқа тилларга таржима қилинган. Ушбу асар Ҳиндистоннинг IX–X асрлардаги географияси, тарихи, ахолисининг турмуши ва маданиятига оид нодир манба сифатида ўз ахамиятини йўқотмаган.

1030 йилда Султон Маҳмуд Ғазнавий вафот этгандан кейин дастлаб унинг кичик ўғли Мухаммад, кейин катта ўғли Масъуд таҳтга

ўтирили. Илм-фанга катта эътибор берган Султон Масъуднинг топшириғига биноан Беруний ўзининг шоҳ асари – астрономия ва география қомуси «Қонуни Масъудий»ни ёзган. Беруний ўз асарларида келтирган маълумотларни турли манбалардан, хусусан, китоблардан олган. Бундан ташкари, олимлар билан бўлган сухбатлари, одий халқ, сайёхлар ва элчилардан эшитган ҳикояларидан ҳам ёзган асарларида кенг фойдаланган.

Шарқ манбаларига таянган холда Ҳ. Ҳасановнинг ёзишича, «Абу Райхон ёзган китоб ва рисолалар копга солинганида бир туялик юк бўлар экан». XIII аср географи Ёкут Ҳамавий Марв шахридаги (ҳозирги Туркманистон ҳудудида) Жомеъ масжидининг вакфномасида Беруний асарларининг 60 саҳифага майда килиб ёзилган рўйхатини кўргани ҳакида ёзади. Олим бу рўйхатни 65 ёшида тузган бўлиб, у «Фихрист» номи билан машҳурdir. Унда Берунийнинг 113 асари кўрсатилган бўлиб, ҳар бир асар ким ва нима учун ёзилгани келтирилади. Шунингдек, 70 асарнинг ҳажми ҳам кўрсатилган. Шарқшуносларнинг таҳминича, Беруний 150 тача асар муаллифидир, баъзи мутахассислар эса олим 180 тача китоб ёзган, деган фикрдалар.

Шарқшуносларнинг энг кейинги ҳисобига кўра, Беруний асарлари қуидагица тақсимланади: астрономияга оид – 70 та; математикага – 20 та; география-геодезияга – 12 та; картографияга – 4 та; иқлим ва об-ҳавога – 3 та; минералогияга – 3 та; фалсафага – 4 та; физикага – 1 та; доришуносликка – 2 та; тарих, этнографияга – 15 та; адабиётга оид асари эса 28 тадир.

Беруний Птолемейнинг «География»сига қисқача шарҳ ҳам ёзган ва унинг бу асари «Китоб тақосим ва ақолим» («Иқлиmlар бўлиниши китоби»), деб аталади. Мазкур асарнинг дунё табиий географиясига оид китоб экани унинг номидан ҳам кўриниб турибди. Юқорида кўрсатиб ўтилган асарлардан ташкари Берунийнинг «Осори боқия» («Ал-осор ал-боқия ан ал-курун ал-ҳолия» – «Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар», европалик шарқшунослар уни «Хронология» деб атайдилар), «Картография» («Тастиҳ ас-сувар ва табтиҳ ал-кувар»), «Геодезия» («Китобу таҳдиди нихоёт ал-амокин ли тасҳиҳ масофат ал-масокин» – «Туаржойларнинг ораларидағи масофаларни аниқлаш учун жойларнинг чегараларини белгилаш

ҳақида китоб») каби илмий тўпламлари география ва табиатшуносликка оид жуда кимматли маълумотларни ўз ичига олади.

Беруний Ернинг шар шаклида эканини илмий далиллар билан исботлаб берган эди. «Ҳиндистон» асарида олимнинг ёзишича, «Куёш кўринмай колишининг сабаби унинг Ердан узоклашиб кетишида эмас, балки Ернинг дўмбоклигидадир». Олимнинг фикрича, агар «Ер юмалоқ бўлмаганда... ёзда ва кишида кун ва тун ҳар хил бўлмас эди, улар ўзгариб турмас эдилар. Ер умуман юмалоқдир, бироқ айрим жойлари ғадир-будир, чунки тоғлари дўппайиб чикиб туради, ботиклари чукур кирган. Шундай бўлса-да, унинг шакли шарга ўхшаш, тоғларнинг баландлиги бутун Ерга нисбатан жуда кичикдир».

Ернинг шар шаклида эканлигидан келиб чиқиб, Беруний Американи кашф этган Христофор Колумбдан 450 йилча олдин Атлантика океанининг нариги томонида қуруқлик борлигини бащорат қилган. «Ҳиндистон» асарида ёзилишича, «...Ернинг чораги маъмурадир. Маъмурани ғарб ва шарқ томондан Мухит океани (Атлантика ва Тинч океан) ўраб турибди. Бу Мухит океани, Ернинг обод кисмини денгизларнинг нариги томонида бўлиши мумкин бўлган қуруқлик ёки одам яшайдиган ороллардан иккала томондан (ғарбдан ва шарқдан) ажратиб туради...». Алломанинг бу фикрлари XV асрдан бошлаб авж олган Буюк географик қашфиётларнинг амалга оширилиши учун ўзига хос пойдевор бўлган, десак хато бўлмайди.

Беруний сайёрамизнинг шаклини аниқ тасаввур этиш билан бирга, унинг тасвирини ҳам яратмоқчи бўлган. Олим ўзининг «Геодезия» асарида ёзишича, «жойлар ва шаҳарлар учун диаметри 10 чўзим келадиган яримкуorra (шар) ишладим. Унда масофаларга караб узунлик ва кенгликларни белгилаш мумкин эди». Беруний бу шаклни нимадан (ёғоч, коғоз, темир ёки лойдан) ясаганини айтмаган, аммо глобус ясагани аниқ. Хоразмда ясалган глобуснинг диаметри ниҳоятда катта бўлган бўлиши керак. Чунки у айтган «10 чўзим» тахминан 5 метрга teng келади. Таъкидлаш керакки, бу Шарқ оламидаги дастлабки глобус бўлиши билан бирга, энг биринчи бўртма (рельефли) глобус ҳам эди.

Шарқ илм-фани ривожига улкан ҳисса кўшган Берунийнинг илмий мероси яна узоқ вакт илмий тадқиқотлар учун муҳим манба бўлиб қолади. Қомусий олимнинг номи мамлакатимизда эъзозла-



Тошкентнинг Беруний метро бекати.

ниб, турли объектларда абадийлаштирилган. Жумладан, Қорақалпоғистондаги туман ва шаҳар, Тошкентдаги метро станцияси ва Тошкент давлат техника университети алломанинг номи билан аталади. Шунингдек, буюк алломанинг ҳайкаллари дунёнинг турли мамлакатларида ҳам ўрнатилган.


Абу Али ибн СИНО

(980–1037)

Европа мамлакатларида «Авиценна» номи билан машҳур Абу Али ибн Сино кўпчиликка тиб илми асосчиларидан бири сифатида маълум. Аммо Шарқ уйғониш даврининг йирик намояндадаридан бўлмиш Ибн Сино қомусий олим бўлиб, нафақат тиббиёт, балки фалсафа, астрономия, математика, география ва табиатшunosликка оид кўплаб асарлар ҳам ёзган.

Манбаларда ёзилишича, Ибн Синонинг отаси асли балхлик бўлган ва Бухорога кўчиб





Афшонадаги Ибн Сино музейи.

келгач, Хурмайсан қишлоғида яшаган. Унга қўшни бўлмиш Афшона қишлоғидан уйланган ва ўша ерда ўрнашиб қолган. X аср тарихчиси Наршахий таъбири билан «Афшина катта бир шаҳар бўлиб, қалъаси бор. Бир неча қишлоқлар унга қарашлидир. Одамлар у жойни табаррук дейдилар, ҳафтанинг муайян бир кунида у ерда бозор бўлади». Ибн Сино 980 йилда худди шу қишлоқда (ҳозирги Бухоро вилоятининг Пешкӯ туманида) дунёга келган.

Бир неча йилдан сўнг оила Бухоро шаҳрига кўчиб келгач, Ибн Сино савод чиқариб, турли фанларни ўргана бошлайди. Амир Нух ибн Мансур қаттиқ бетоб бўлиб қолганида даволагани учун Ибн Синоға мамлакатнинг энг сара асарлар йиғилган сарой кутубхонасида китоб мутолаа қилишга ижозат берган. Тинимсиз ўқиш ва изланишлар туфайли, Ибн Сино Бухоронинг энг билимдон олими ва моҳир табиби бўлиб етишди. Олим ўз асарларидан бирида «ёшими ўн саккизга борганида бор илмларнинг ҳаммасини эгаллаб бўлган эдим», деб ёзган.

Ўша пайтларда Бухорода ҳукм сурган вазият Ибн Синони дастлаб Бухородан Хоразмга, ундан Хурасоннинг Журжон ва Нишопур шаҳарларига кўчишга мажбур қилди. Кейинчалик Эроннинг Исфаҳон шаҳрида бир неча йил яшаб, умрининг охирги йилларини



Ҳамадон шаҳридаги Ибн Сино мақбарасининг ташки ва ички кўриниши.

шу мамлакатдаги Ҳамадон шаҳрида ўтказган ва 1037 йили ўша ерда вафот этган. Олимнинг мақбараси худди шу шаҳарда жойлашган бўлиб, ҳозир ҳам табаррук қадамжолардан биридир.

Маълумотларга кўра Ибн Сино 300 тача асар ёзган ва «Тиб конунлари» ва «Китоб аш-шифо» олимнинг энг йирик асарларидир. Бу асарларда астрономия, геология, физика, адабиёт, фалсафа, биология ва географияга оид ўз замонасига яраша илғор ва илмий мулоҳазалар мавжуд.

Ибн Синонинг география ва геология фанлари бўйича илгари сурган фикрлари оғиздан-оғизга ўтиб, ўша пайтларда фанда мавжуд баъзи нотўғри фикрларнинг қайта текширилишига сабаб бўлган. Фарбий европаликлар биринчи аср олими Птолемейнинг китобларига асосланиб, экватор атрофи жазирама иссиқ бўлади, у ерларда ҳамма нарса куйиб кетади, у томонларда ҳаёт йўқ, деб билганлар. Аммо XV аср бошида, Португалия кироли Генрих Денгизчи асир олинган мусулмон олимларини сўрок қила туриб, ғалати бир мулоҳазани эшитган: «Фарчи офтоб нақ тепангизда турса ҳам, экватор энг иссиқ жой эмас, у жойнинг иссиғини кечки шабада анча бўшаштиради. У томонда ҳаёт мавжуд, машхур олимимиз Ибн Сино шундай деб ёзганлар». Ибн Синонинг бу дадил фикри Птолемей таълимотига тамомила зид бўлса-да, буюк

географик кашфиётлар даврида амалга оширилган бир қатор саёҳатларга далда бергани, шубхасиз. Чунки XV аср ўрталаридан бошлаб жанубий ўлкаларга кетма-кет экспедициялар уюштирилган, 1487–1488 йилларда Хинд океанига Африканинг жанубидан ўтиб бориладиган денгиз йўли очилган, Америкага биринчи европалик қадам қўйган, янги ороллар ва худудлар кашф этилган.

Ибн Сино ҳаёти давомида тез-тез саёҳат қилган ва кўп юртларни кезган. Бухородан кейин Хоразмда, Туркманистонда, Эрон шаҳарларида ва Журжон (Каспий) денгизи бўйларида яшаган. Олим ўз асарларида бу жойларнинг хусусиятларини мисол тарикасида кўплаб келтирган. Олимнинг Хинд океани, Арабистон, Нил водийси, Узоқ Шимол, тропик мамлакатларни таккослаганлиги унинг ўша ўлкалар тўғрисида бир қатор китобларни ўқиганлигидан ва сайёҳлар билан жуда кўп сухбатлашганидан далолат беради.

Ибн Синонинг иқлими, атмосфера ва метеорологик элементлар тўғрисидаги изоҳлари ҳам илмий нуқтаи назардан жуда тўғри бўлиб, ҳозир ҳам аҳамиятини йўқотмаган. Олим, ҳавонинг таркиби мураккаб, у ҳақиқий ҳаво (водород ва кислород), сув буғлари, чанг, дуд ва олов бўлакчалари (углерод) аралашмасидан иборат, деб айтиб ўтган. Жойнинг иқлими шаҳарларнинг географик кенглигига, жойларнинг баланд-пастлигига, тоғ ва денгизларга яқинлигига, шамоллар йўлида турганлигига ва тупроқка (яъни ер юзасига) боғлик, деган дадил фикрларни баён этган. Агар замонавий иқлимшунослик фани асосларига назар солсақ, иқлим ҳосил қилувчи омиллар ҳозирги вактда ҳам айни шу тахлитда изоҳланади.

Ибн Сино ҳозирги замон геология, география, геоморфология, метеорология ва иқлимшунослик фанларида қўлланилаётган бир қатор конуният ва тушунчаларни яратишга муваффақ бўлган. Табиий шароитда турли унсурларнинг инсон саломатлигига таъсирини тўғри баҳолай олган. Олимга эҳтиром сифатида дунёнинг турли мамлакатларида, жумладан, Бельгиянинг Кортрейк шаҳрида ҳайкал ўрнатилган.

Носир ХИСРАВ

(1004–1072)

Носир Хисрав (тўлиқ номи Абу Муъиннiddин Носир Хисрав ал-Қубодиёний ал-Марвазий) Жанубий ва Жануби-Ғарбий Осиёдаги катор мамлакатларга саёҳат килган ва кўп саргузаштларни бошидан кечирган сайёҳдир. У 1004 йилда Балх шахри якинидаги қадимий Қабодиён кишлоғида таваллуд топган. Дастраси таълимни ўз кишлоғида олган. Кейин бир неча йил ўша вактлардаги пойтахт Балҳда яшади. Сўнг Марв (ҳозирги Туркманистон ҳудудида) шахрига кўчиб ўтган ва ўша ерда давлат хизматида бўлган. Марвда яшаган чоғида фалсафа, математика фанларини, қадимги юонон олимлари асарларини ва ўзидан олдин Ўрта Осиёда яшаб ўтган таникли олимлар меросини чукур ўрганди, ўз замонасининг етук кишиларидан бири бўлиб етишди.

1045 йилнинг кузида Носир Хисрав ўзининг биринчи саёҳатини амалга оширган. Марвни сув билан таъминлайдиган Мурғоб дарёси бўйлаб жанубга юрди ва унинг бошланиш жойигача етиб борди. Ушбу саёҳатдан илҳомланган Носир Хисрав 1046 йил баҳорида Арабистон сафарига жўнаган. Манбаларда ёзилишича, унинг бу сафари XI асрда амалга оширилган энг узок муддатли, қизиқарли саргузашт ва маълумотларга бой бўлган саёҳатлардан бири хисобланади. Мазкур саёҳат Марвдан бошланиб, Эроннинг шимолий кисми, Арманистон, Туркия жануби, Арабистоннинг Макка ва Мадина шаҳарлари, Ливан ва ҳозирги Истроил ётиб Мисргача давом этган. Носир Хисрав Мисрдан ҳозирги Тунис ҳудудига ҳам саёҳат қилган.

1052 йилда олим туялар карвони билан Африка шимолидаги чўлни кесиб ўтиб, Қизил денгиз орқали яна Арабистонга қайтди ва сўнг Макка орқали Ирокқа йўл олди. Носир Хисрав шу сафари





Басра – Ироқнинг энг қадимий шаҳарларидан бири.

чоғида Арабистон чўлларида жуда кўп машаққатларни бошдан ке-
чиранг. Ироқнинг Басра шаҳрига етиб келганида, ҳатто, юришга
ҳоли қолмаганди. Бу ҳакда ўзи шундай ёзган: «Биз Басрага кел-
ганимизда жулдур кийимда ва бедармон эдик, телба одамларга
ўхшардик. Уч ойдан бери соч-соқолимиз олинмаган... Менда ва
укамда фақат эски лунги қолди, совукдан елкамизга бир парча чу-
рик шолча ташлаганмиз. ...Ҳаммом ёнидаги болалар бизни жинни
деб билишди шекилли, кетимииздан эргашиб, масхара қилиб, бизга
тош ота бошладилар». Носир Хисрав Басрадан Эроннинг Ободон
бандаргоҳигача кемада борган ва у ердан тую карвони билан бу-
тун Марказий Эрон орқали ўтиб, 1053 йилда Балх шаҳрига қайтиб
келган.

Носир Хисравнинг бу саёҳати 7 йил давом этиб, ўзининг гувоҳлик
беришича, у тахминан 2220 фарсах, яъни 15 минг километрга яқин
масофани босиб ўтган. Шундан кейин, олим Ҳиндистоннинг ши-
молий вилоятларига саёҳат килди. Унинг ўз асарларида «Мен дунё-
нинг турли иқлиmlарида, Арабистон ва Эрон, Ҳинд ва Турк мамла-
катларида бўлганман», «Бу сингарини мен на Лохурда, на Мўлтонда

кўрганман», деб ёзганлари унинг Жанубий Осиё саёхатида ҳам бўлганидан далолат беради.

Носир Хисрав шарқ томонга ҳам саёҳат килишни орзу киларди. Ҳатто, «Саёҳатнома»да «...агар шарқка саёҳат қилсан, у ерларда кўрган нарсаларни тасвирлаб бераман», деб ёзган ҳам. Лекин Мисрда ўз билимини оширган олимнинг қарашлари, мулоҳазалари ва таълимоти ўша давр дин аҳлларига маъқул бўлмай, туғилган ютида таъқиб остига олинган. Шу сабабли олим Помир этакларига, Бадахшонга кетишга мажбур бўлди. Манбаларда келтирилишича, олим умрининг сўнгги йилларини Бадахшондаги Юмғон кишлоғида ўтказган ва шу ерда 1088 йилда тахминан 85 ёшида вафот этган.

Ўз саёҳатларидан олган таассуротлари, кузатишлари, диний-фалсафий мулоҳазаларини қўллаган ҳолда Носир Хисрав ўнлаб китоблар ёзган. «Сафарномаи Носири Хисрав» номли саёҳат кундалиги, «Рўшинойинома» («Маърифат китоби»), «Зод ал-мусофирин» («Мусофиirlар йўл анжоми»), «Жоми ал-хикматайин» («Хикматлар йигиндиси»), «Важҳиддин», «Саодатнома» («Баҳт китоби») каби асарлар шулар жумласидандир. Айниқса, олимнинг «Сафарнома»си география фани нуқтаи назаридан жуда муҳим маълумотларни ўз ичига олганини таъкидлаш жоиз.

«Сафарнома»да келтирилган маълумотлар Носир Хисрав ўз замонасида дунё географиясига оид билимларни чуқур ўзлаштирганидан далолат беради. Олим бу асарида ўзи саёҳат қилган мамлакатларнинг батафсил таъриfinи берган ва шу билан бирга ўзи бормаган ўлкалар ҳамда эшитган ҳодисалар тўғрисида ҳам ёзган. Носир Хисравнинг Эрон шимолидаги Табриз шаҳрини тасвирлаши фикримизга далил бўлади: «Бу – Озарбайжоннинг пойтахти. Гавжум шаҳар. Шаҳарнинг бўйи ва энини қадам-бақадам ўлчаб чиқдим – ҳар томонга 1400 қадамдан экан... Мен хисоблаб чиқдим, Балҳдан Райгача 350 фарсах масофадир... Рай билан Амул орасида Дамованд тоғи бор, у гумбазга ўхшаш... Айтадиларки, бу тоғнинг тепасида бир чоҳ борки, ундан дуд чиқади, олtingугурт ҳам бор»... «Айтадиларки, Обискун (Каспий) денгизнинг 1400 та дарё келиб қуйилади, денгизнинг бўйи 1200 фарсах ва унинг ўрталарида ороллар кўп».



Табриздаги қадимий Кўкмачит биноси.

Носир Хисрав Ливаннинг Марратан-Нуъмон номли қишлоғини тасвирлаб, шундай дейди: «Бу далаларда нуқул бугдой экадилар, ҳосили ҳам бисёр. Дараҳтлар ҳар хил: зайдун, писта, бодом ва узум. Шаҳарнинг суви ёмғирдан тўпланади ва қудуқдан олинади». Ўртаер денгизи бўйларида «тепалик жой бўлмаса, шаҳар қурмайдилар, токи денгиздан сув қалқиб келиши ва қирғоққа тўлкин урилишидан хавотирдалар». Олим келтирган бу сатрлар унинг қишлоқ ҳўжалик географияси ва жойни шаҳаршунослик нуқтай назаридан баҳолаш масалаларидан яхши хабардор бўлганлигидан далолат беради.

Сайёҳ Жануби-Ғарбий Осиёдаги шаҳарларни таърифлаб, шундай ёзади: «Рамла шаҳрининг ахолиси ёмғир сувини ичади. Ҳар хонадонда сувдон бор, унга ёмғир сувини йиғиб қўядилар»... «Ҳалаб – муҳташам шаҳардир... Чамамда, Балхдан кам эмас»... «Тараблусда яхши коғоз ишлайдилар, Самарқанд коғозига ўхшаш. Ундан яхшироқдир. Бу ерга Румдан, Фарангистондан, Андалус ва Мағрибдан кёмалар келиб туради. Бу ердан Румга ва Мағрибга кёмалар қатнайди»...

Носир Хисравнинг Нил дарёси тўғрисидаги маълумотлари ҳам қимматли: «Нил дарёси жануби-ғарбдан келиб, Миср ёнидан ўтади



Нил дарёсининг юқори оқими.

ва Рум денгизига куйилади... Нил суви кўпайганда Термиз ёнидаги Жайхуннинг (Амударё) сувидан икки баравар ортиқ кўринади... Айтадиларки, Асвон шаҳридан юқорига кемалар юра олмайди, чунки сув тор даралардан буркираб оқади ва баланд коялардан учиб тушади». Носир Хисрав томонидан айтилган XI асрдаги Нил дарёсининг юқори кисмларига оид бу маълумотлар ўша давр нуқтаи назаридан бирмунча илғор илмий холосалар хисобланади.

Олимнинг Арабистон яримороли ҳақида ёзиб қолдирган маълумотлари унинг бу ҳудудни тўла кезиб чикқанидан далолат беради. «Арабистон уч томондан денгиз билан ўралган, шундан яриморолдир. Шарқини – Басра денгизи, ғарбини – Қулзум (Қизил) денгизи, жанубини – Океан ўраб туради. Бу яриморолнинг узунлиги Куфадан Адангача (шимолдан жанубга) 500 фарсаҳча, эни шарқдан ғарбга, Уммондан Жорагача – 400 фарсаҳча»... Олим Арабистон денгизида кунига икки марта сув қалқишини ва бу ҳодисанинг Ойнинг ҳолатига боғликлигини қизиқарли далиллар билан исботлаб берган ҳам.



Носир Хисрав
саёхати (XI аср)

Носир Хисравнинг «Сафарнома»сига илова қилинган хаританинг
Х. Ҳасанов томонидан қайта тузилган нусхаси.

Носир Хисравнинг «Сафарнома»сига харита илова қилинган бўлиб, унда сайёҳ-олимнинг турли жойларга борганлиги ҳақидаги маълумотлар аник саналар билан кўрсатилган.

Аммо мутахассисларнинг фикрича, хаританинг мазмуни китобнинг матнига унчалик тўғри келмайди. Жумладан, харита кўра Носир Хисрав Қуддусдан Қохирага ўтган, кейин Арабистонга – Маккага борган. Аслида эса сайёҳнинг Қуддусдан тўғри Маккага борганлиги ва у ердан қайтгандан сўнггина Мисрга борганлиги «Сафарнома»да ёзилган. Носир Хисрав харитада Искандария денгизи деб Ўртаер денгизининг жанубий қисмини тушунган, Қайрувон эса Тунисдаги қадимий шаҳардир. Олининг Қайрувонда ва Бағдодда бўлганлигини «Мен Шомдан то Қайрувонга қадар ҳамма шаҳар ва қишлоқларни кезиб чиқдим... Мисрда кайиқ ва кемалар шунчалик кўпки, Бағдод билан Басранинг иккалавидаги қайиқ ва кемаларни бирга қўшганда ҳам ўшанча келмайди», деб «Сафарнома»да ёзган сатрлари исботлаб турибди.



Мисрдаги Искандария бандаргохи.

«Сафарнома»да олимнинг бевосита кузатишлари натижасида тўплланган турли мамлакатларнинг қазилма бойликлари, хўжалиги, савдо алоқалари, аҳолининг урф-одатлари, шаҳарларидаги тарихий бинолар тўғрисида ҳам маълумотлар бор. Ўз замонасининг етук кишиси бўлган Носир Хисрав, турли соҳаларда bemalol мушоҳада юрита олиши билан ҳамюртларини лол қолдирган. Қисқача айтганда, Носир Хисрав олим ва сайёх, шоиру файласуфларнинг хислатларини ўзида жамлаган кўп киррали киши эди. Ёзib қолдирган асарларидаги маълумотларга кўра, Носир Хисрав бир неча бор ўлим хавфини бошдан кечириб, ҳаётдан умидини узган ва шундай бўлса-да, ўз мақсади сари интилган тиниб-тинчимас сайёх, олим бўлган.

Носир Хисравнинг «Сафарнома» асари 1948 йилда илк бор қисқартириб рус тилига таржима қилинган ва ҳозирда унинг ўзбек тилидаги нусхаси ҳам китобхонларга ҳавола этилган. Ҳ. Ҳасановнинг фикрича, Носир Хисравнинг «Сафарнома»сидаги дунё тўғрисидаги тасаввури Абу Райхон Берунийнинг қарашларига бир қадар яқин. Бу эса Берунийнинг Ернинг тузилиши ҳақидаги илмий фикрларининг ўша даврларда минтақамизда яшаган олимлар ўртасида қанчалик кучли таъсирга эга бўлганлигидан далолат беради.


Маҳмуд КОШГАРИЙ

(1029–1101)



Маҳмуд Кошғарий (тўлиқ исми – Маҳмуд ибн ал-Ҳусайн ибн Муҳаммад ал-Қошғарий) – XI асрда яшаб ўтган марказий осиёлик машҳур қомусий олим. Отаси Қорахонийлар авлодига мансуб Ҳусайн ибн Муҳаммад Иссиқкўл бўйидаги Барсхон шаҳрининг амири бўлган. Кейинчалик Хитойнинг Қашқар шаҳрига кўчиб ўтган ва шу ерда 1029 йилда ўғли Маҳмуд дунёга келган.

Маҳмуд Кошғарийнинг хаёти тўғрисида бизгача жуда кам маълумот етиб келган.



Бағдод шаҳрига 762 йилда асос солинган.

Аммо шу нарса маълумки. Қорахонийлар авлодига мансублиги Махмудга ёшлиқ давридаёқ дастлаб туғилган шаҳрида, кейинчалик Бухоро, Самарқанд. Нишопур ва Бағдод шаҳарларида чуқур билим олиш имкониятини берган.

Махмуд Кошғарий болалигиданоқ турли тилларга, айникса, туркий қабилалар тиллари, фольклори ва этнографиясига жуда ки-зиқкан. Шунинг учун ҳам у ҳаёти давомида узок саёҳатларда бўлган ва ташриф буюрган шаҳар ва кишлокларидағи таассуротларини, турли урф-одатлар, афсоналар, маколлар ва тарихий хикояларни ёзib олиб, туркий қабилаларнинг тили ва шеваларига оид маълумотларни коғозга туширган.


Манбаларга кўра, Жануби-Ғарбий Осиёнинг бир қатор шаҳарларида бўлган Махмуд Кошғарий Бағдодда бир неча йил яшаган ва бу ерда араб тили ва адабиётининг энг нозик хусусиятларини ўрганганд. Аммо туркий тилларнинг хусусиятларини ўрганиш максадида олим бир неча йиллар мобайнида «Румдан Мочингача» – Ўртаер ва Қора денгиз бўйларидан то Хитойгacha саёҳат қилган, турли қабилалар яшайдиган ерлар, шаҳар ва кишлокларни кезган.

Бу ҳақда Кошғарий шундай деб ёзив қолдирган: «Мен турклар, туркманлар, ўғузлар, чигиллар, яғмолар, кирғизларнинг шаҳарларини, қишлоқ ва яйловларини кўп йиллар кезиб чиқдим, луғатларини тўпладим, турли хил сўз хусусиятларини ўрганиб, аниқлаб чиқдим. Мен бу ишларни тил билмаганим учун эмас, балки ушбу қабилалар тилларининг маъно ва шаклига оид хусусиятларни ва улардаги ки-чиқ фарқларини аниқлаш учун амалга оширдим... Уларга шунча дикқат килдимки, турклар, туркманлар, ўғузлар, чигиллар, яғмолар ва қирғиз қабилаларининг тиллари бутунлай дилимга жо бўлди. Уларни ҳар томонлама пухта, бир асосда тартибга солдим».

Узок муддатли сафарлари натижасида тўпланган тарихий, лингвистик, географик ва этнографик маълумотларни тизимлаштирган Махмуд Кошғарий 1072–1074 йиллар давомида Хитой ва Мўғулистандан тортиб то Византиягача бўлган ҳудудда яшовчи 30 га яқин туркий қабилаларнинг XI асрдаги ҳаёти, яъни тили, урф-одатлари ва турмуш тарзи нуқтаи назаридан қимматли бўлган буюк асари «Девону луготит турқ»ни (Туркий сўзлар луғати, бундан кейин «Девон») яратди. Шуниси эътиборга лойиқки, кўпгина замон-

дошларидан фарқли ўлароқ Маҳмуд Кошғарий ўз асарини араб ти-
лида эмас, балки туркий тилда ёзган. Манбаларда кўрсатилишича,
олим ушбу асарини бир неча бор таҳrir килиб, 1077 йилда Халифа
Муқтадирга тақдим этган.

«Девон»да туркий халқларнинг фольклорига оид материаллар –
маросим қўшиклари, эпослар, тарихий хотира ва афсоналар кенг
ёритилган. Шунингдек, бу асарда тиббиёт, астрономия, география ва
этнографияга оид қимматли маълумотлар келтирилган. Шарқшунос
олимларнинг фикрича, «Девон» XI асрдаги туркий халқлар ҳаёти,
улар маданиятига оид турли предметлар, турмуш тарзи, этноним-
лари, топонимлари, уруғ-қабила муносабатлари, уруғчиликка оид
тушунчалар, турли мансабдор шахсларнинг унвонлари, озиқ-овқат
маҳсулотлари, уй ва ёввойи ҳайвонлари, чорвачилиги, географик
терминологияси, шаҳарлари, касалликларнинг номи ва дори-дар-
монлари, металл ва минераллари, ҳарбий, спорт ва маъмурий соҳага
оид тушунчалари, турли тарихий ва афсонавий қаҳрамонларининг



Хитойнинг Қашқар шаҳридаги минора.

номлари, диний, этник маросимлари ва ҳатто, болалар ўйинлари хакида тўлиқ маълумот берувчи ягона ахборот манбаи ҳисобланади.


Махмуд Кошғарий «Девон»ни яратиш жараёнида ўз олдига факат туркий тилларга оид сўзларни ўрганиши максад қилиб кўйган. Шу боис олимнинг умумий туркий тилларни ўрганиш, тил шеваларининг қиёсий грамматикасини тузиш, фольклор ва этнография соҳасидаги хизматлари бениҳоя катта. Шу билан бирга Кошғарий турли табиий фанлар терминологиясини, жумладан, географик терминларни яратиш ишига ҳам катта ҳисса қўшган. «Девон»дан Махмуд Кошғарийнинг бебаҳо географик мероси – табиий географик терминлар, жой номлари ва уларнинг изохи, асарга илова қилинган дунё ҳаритаси, Ўрта Осиёда айрим қабилаларнинг жойлашиши хакидаги ахоли географиясига, астрономияга доир тақвим тизими, мучаллар ва уларнинг тарихига оид муҳим маълумотлар ўрин олган.

«Девон»га XI асрда яратилган дунёнинг ноёб ҳаритаси илова қилинган ва унда туркий қабилалар яшайдиган ва бошқа ерлар кўрсатилган. Ушбу ҳарита битта доирадан иборат бўлиб, унинг асосий қисми ҳозирги шарқий яримшарга тўғри келади. Манбаларга кўра, ҳаританинг арабча босма нусхасининг диаметри 24 см, ўзбекча нусхасиники эса 18 см га teng.

Махмуд Кошғарий ҳаритасининг қизик томони шундаки, унда ба-ланда тоғлар ёки йирик дарёлар қалин чизиклар билан, кичикроқлари ингичка чизиклар билан кўрсатилган. Ҳаританинг айланасига тўқ яшил ранг доира чизилганки, уни кўргач, ер юзини ҳамма тарафдан океанлар ўраб олган, деган тасаввур ҳосил бўлади. Бу эса ҳарита муаллифи Махмуд Кошғарийнинг картография қонуниятларидан етарли даражада хабардор бўлганлигидан далолат беради.

Тақдир тақазоси билан «Девон» тўғрисида М. Кошғарийнинг замондошлари ва ундан кейин яшаган олимлар бирор бир маълумот ёзиг қолдиришмаган. Асарнинг асл нусхаси сақланиб қолмаган ва ундаги маълумотлар Кошғарий замонидан 200 йил ўтиб, китобни 1266 йилда қайта кўчирган ҳаттот (китоб кўчирувчи) Муҳаммад ибн Абубакрнинг шарофати билан бизгача етиб келган.

Орадан саккиз аср ўтиб, 1904 йилда Венгрия Фанлар Академияси томонидан «Девон» илк бор нашр этилгач, ушбу асар лингвистлар, тарихчилар, географ ва этнографларнинг диққат-эътиборига



Махмуд Кошгариининг Дунё харитаси.

тушди. Орадан ўн йил ўтгач, 1914 йилда Истанбул бозорида асарнинг аслидан кўчирилган нусхасини қадимий қўллэзмалар ишқибози Али Амирий бир китобфурӯшдан тасодифан сотиб олган. Мазкур қўллэзма 319 варакли катта бир жилдан иборат бўлиб, вараклари титилиб, йиртилиб кетган бир ҳолатда эди. Шунинг учун ҳам Али Амирий туркшунос ҳамда эски китобларни таъмирловчи уста Рифат Киласлига ушбу қўллэzmани тартибга келтиришни топширади. Р. Киласли «Девон»дан нусха олиб, унинг биринчи ва иккинчи китобини 1915 йилда ва учинчи китобини 1917 йилда Истанбул шаҳрида чоп эттирган. Худди ана шу вактдан бошлаб «Девон»ни турли жиҳатдан кенг тадқиқ этиш ишлари бошланиб кетган.

Асарни тил нуктai назаридан ўрганиш ва чоп этиш билан жуда кўп мутахассислар шуғулланишган. Жумладан, немис олимни К. Броккељман асаддаги терминларни алифбо асосида ифодалаб, уларнинг немис тилидаги таржимасини чоп қилдирганди. Турк олими Босим Олатой 1914 йилда қўллэzmанинг нусхасини турк тилига таржима қилган ва уни 1934–1943 йиллар давомида уч томли китоб қилиб Анқарада нашр эттирган.

Ўзбек тилшунос олими Солиҳкори Муталлибов «Девон»нинг матнини ва мазмунини 1960–1967 йиллар давомида чукур ўрганиб, ўзбек тилига тўлиқ таржима қилган. Бу таржима туркшунос тадки-котчилар учун катта имкониятлар туғдириб, уларнинг ишини анча енгиллаштириди. Асарнинг уйғур тилидаги таржимаси Хитойда нашр килинган бўлса, Озарбайжон олими А. Демирчизоданинг маълумотига кўра, «Девон» Озарбайжон тилига ҳам таржима қилиниб, чоп этилган.

Маҳмуд Кошғарий 1101 йилда 72 ёшида вафот этган. Унинг мақбараси ҳозирги Хитойнинг Шинжон-Уйғур автоном райони Шуфу округидаги Вупар шаҳарчасида жойлашган.


Маҳмуд Кошғарийнинг «Девон»и қомусий асар бўлиб, у тил ва адабиёт, география, картография, астрономия, этнография ва бошқа бир қатор фанлар нуқтаи назаридан қимматли маълумотларни ўзида акс эттирган. Шу боис ҳам турли соҳа вакиллари Кошғарийни «ўзлариники» деб ҳисоблашади. Дарҳақиқат, олимнинг ёзган «Девон»идаги маълумотларни кўриб, беихтиёр «Кошғарий географми ёки филолог, этнографми ёки картограф», деган савол туғилади. Бу эса Кошғарийни ўз замонасининг етук қомусий алломаси бўлганидан далолат. Шунинг учун ҳам шарқшунос Н. Басқаков Маҳмуд Кошғарийни «туркий тилларни киёслаш борасидаги йўлчи юлдуз», деб атаган бўлса, яна бир таникли филолог-шарқшунос А. Самойлович олимни «XI асрнинг Радлови», дея таърифлаган эди.

ЗАМАХШАРИЙ

(1075–1144)

Буюк мутафаккир ва тафсирчи олим, дея тан олинган Абдул-косим Маҳмуд ибн Умар аз-Замахшарий 1075 йилнинг 19 марта Хоразмнинг Замахшар кишлоғида туғилган.

Аз-Замахшарийнинг ёзишича, ёшлигида отдан йиқилиб, бир оёги майиб бўлгач, отаси уни тикувчилик касбини эгаллашини истаган экан. Дастлаб отаси қўлида савод чиқарган ва жуда чиройли хуснихатга эга бўлган Аз-Замахшарий шаҳарга, яъни Кўхна



Кўхна Урганчдаги қадимий минора.

Бу унинг кейинги ижодига ўз таъсирини кўрсатган. Бағдодда бир фурсат яшагач, олим Маккага йўл олди ва Шом (Сурія), Арабистоннинг қатор шаҳарларида ва Яманда бўлган. Манбаларда ёзилишича, олим ўзининг кўплаб асарларини Маккада ёзган ва худди шу ерда буюк олим, деб тан олинган.


Жумладан, дунё фани ривожига қўшган ҳиссасига эҳтиром сифатида Аз-Замахшарий «Жоруллоҳ», яъни «Аллоҳнинг кўшниси», «Устаз уд-дуня» – «бутун олам устози», «Фаҳру Хварезм» – «Хоразм фахри» деган фахрли номларга сазовор бўлган.

1139 йилда олим Ватани Хоразмга қайтиб, умрининг охиригacha шу ерда яшаган. Аз-Замахшарий Кўхна Урганчда дафн этилган бўлиб, XIV асрда яшаб ўтган таникли араб сайди Ибн Баттута ўзининг эсдаликларида Аз-Замахшарийнинг гумбаз томли мақбарасини ўз кўзи билан кўргани ҳакида ёзган.

Урганч (Журжония) мадрасасида таълим олишга карор килди. Кейинчалик Бухоро ва Хурросон илм даргоҳларида билим даражасини янада оширган.

Аз-Замахшарий ҳаёти давомида тинмай саёҳат килган. Сайёҳ-олим Шарқ, хусусан, мусулмон мамлакатларини 1100–1122 ва 1127–1139 йилларда икки марта кезиб чиқкан. Олим Хурросон, Эрон, Арабистон, Ироқ, Яман, Шом (Сурія) нинг Марв, Нишопур, Исфаҳон, Бағдод, Ҳижоз, Дамашқ ва Макка шаҳарларида бўлиб, асарлари учун бой манба тўплаган.

1109 йилда Аз-Замахшарий Бағдодга йўл олди. У ерда турли адабиётларни ўрганган ва мударрислик қилган. Бағдодда яшаган вақтида ислом оламининг таникли олимлари билан ҳамсuxbat бўлди.



Замахшарий мақбараси.

Аз-Замахшарий сермахсул олим бўлиб, фаннинг турли соҳалариға оид элликка яқин асар ёзган, шулардан йигирма бештаси бизгача сақланиб қолган. Тилшуносликка оид «Асос ал-балога» («Сўзга усталик асослари», «Чечанлик пойдевори»), ислом оламида унинг 1134 йилда Куръони каримга ёзган шарҳларини (тафсир) ўз ичига олган «Ал-Кашшоф» асарлари жуда машҳур. «Ал-Кашшоф» асари Куръон тафсирига оид асарлар ўртасида энг мукаммали эканлиги шарқшунос ва арабшунос олимлар томонидан тан олинган. Шу боис мазкур асардан дунёнинг турли мамлакатлари дорилфу нунларида дарслик сифатида ҳалигача қўлланиб келинмоқда.

Мутахассисларнинг фикрича, Аз-Замахшарий тилшунослик, адабиёт, география, тарих ва бошқа қатор фанларни чуқур ўзлаштирган қомусий олим бўлган. Фаннинг мазкур йўналишларида мактаб яратган олимнинг 200 дан ортиқ шогирди бўлган. Асарлари ни бевосита ўрганиб, илму фаннинг сирларини эгаллаган 100 дан ортиқ олимлар ўзларини ғойибдан Аз-Замахшарийнинг шогирди, деб ҳисоблашган.

Тил ва адабиёт, тафсирга оид асарлар билан бир каторда Аз-Замахшарий «Асмоу ал-адвия вал жибол» («Водий ва тоғ исмлари»), деб аталган машхур географик асар ҳам ёзган. Китобнинг иккинчи номи «Китоб ал-амкина ва ал-жибол ва ал-мияҳ» («Жойлар, тоғлар ва сувлар ҳақидағи китоб») бўлиб, олим уни ўзи бевосита ташриф буюрган шаҳарларда олиб борган кузатишларига асосланиб ёзган. Асар араб тилида ёзилган бўлиб, илк бор 1855 йилда Нидерландиянинг Лейден шаҳрида нашр этилган.

Аз-Замахшарийнинг мазкур китоби Арабистон яриморолидаги шаҳарлар, кишлоқлар, мақбаралар, мачитлар, зиёратгоҳлар, тоғлар, водийлар, сув ҳавзалари номларининг изохи берилган мухим топонимик қомус, десак хато бўлмайди. Асарнинг эътиборли томони шундаки, муаллиф географик номларни алифбо тартибида берган, уларнинг маъноси, жойларга нега шундай номлар қўйилганлиги ва шунга боғлиқ қатор кизиқарли ҳикояларни келтиради. Китобда Фаластин, Сурия, Ирок ва Миср каби малакатларнинг номи тилга олиниб, улардаги шаҳарларга оид маълумотлар киритилган. Унда Ўрта Осиёдаги баъзи жой номлари учраса-да, лекин уларнинг изохи



Дамашқдаги қадимий бино.

йўқ. Шунинг учун мутахассислар Аз-Замахшарийнинг ушбу географик асари тугалланмаган ёки охиригача таҳрир қилинмаган, деб хисоблайдилар.

Ҳозиргача сакланиб қолган асарларининг умумий сони ва уларнинг аҳамиятига таянган ҳолда Аз-Замахшарийни нафакат исломшунос олим, балки Шарқ географиясининг ривожига ўзининг улкан хиссасини қўшган географ ва сайёх-олим, деб айтиш мумкин.

ИДРИСИЙ


(1100–1165)

Ер шарининг биринчи минг йиллик бошларидағи ҳолати, ундаги асосий географик объектлар тасвиirlанган хариталарни бир қатор олимлар тузишга муваффақ бўлган. Аммо улар орасида ўзи саёҳат қилиб, кўрган-кечиргандарини матнга ва харитага туширган сайёх-олимлар эса саноқли. Ана шундай олимлардан бири 1100–1165 йилларда яшаб ижод қилган араб географи Ал-Идрисийdir.

Ал-Идрисий (тўлиқ номи – Абу Абдуллоҳ Мұхаммад ибн Абдуллоҳ ибн Идрис ал-Ҳаммудий ал-Ҳасаний) Марокашнинг Сеут шаҳрида таваллуд топган. Кордовада (Испания) турли фанлардан, айникса, Ер ҳақидаги табиий фанлардан чуқур билим олган. Саёҳат килишга иштиёқи кучли бўлиб, 16 ёшидаёқ Кичик Осиёга сафар қилган.

Мутахассисларнинг фикрича, Ал-Идрисий Европа бўйлаб саёҳат қилиб, бу қитъадаги баъзи мамлакатларнинг XI–XII асрлардаги ҳаёти тўғрисида кимматли маълумотлар қолдириган дастлабки араб олимларидан саналади. Марокашнинг Жануби-Фарбий Европага географик жиҳатдан яқинлиги боис сайёҳ 1120 йиллар давомида Португалия, Франция, Англия, Шотландия, Ирландия ва Ғарбий Германияга бир неча бор саёҳат қилган. Шунингдек, сайёҳ Польша, Болгария, Византия, Болқон яримороли, Шимолий Африка ва







Ал-Идрисий томонидан 1554 йилда тузилган ва
«Рожер китоби»га илова қилинган харита.

Шарқий Европадаги бошқа баъзи давлатлар ҳакида бой географик маълумотлар тўплади.

1138 йилда турли мамлакатларга саёҳат қилувчи олимларни кўллаб-кувватловчи ва уларнинг сафар таассуротларини умумлаштириб, китоб тарзида чоп эттиришга яқиндан қўмак берувчи Сицилия кироли Рожер II нинг таклифига биноан Ал-Идрисий Палермо шаҳридаги қирол саройига келди. Рожер II нафақат турли мамлакатларда бўлган сайёхлар билан сухбат қуришни хуш кўтар, балки атрофдаги катор давлатларга ўз сайёхларини юбориб, уларга яқин ҳудудлардаги ҳаёт ва айникиса, хўжалик ҳамда ҳарбий салоҳият тўғрисида маълумотлар тўплашни топширас эди.

Ал-Идрисийнинг ёзишича, Сицилия қироли бир гурӯҳ олимларга Ернинг мукаммал тасвири туширилган ҳаритасини кумушдан ясаш ва шу асосда коғоз ҳариталар чоп этишга фармон берган. Рожер II шунингдек, Ал-Идрисийга грек ва араб географларининг Ер ҳакидағи тасаввурларини умумлаштирувчи илмий асар яратишни буюради. Шу тарика Ал-Идрисий «Нузҳат ал-муштақ фихтирақ ал-афак» ёки бошқача қилиб айтганда «Китаб ар-Ружарий», яъни «Рожер китоби», деб номланган машхур асарини 1154 йилнинг бошида ёзил тутатди. Ал-Идрисий бошчилигида яратилган Ернинг тасвири туширилган ҳарита мазкур китобга илова қилинади.



Ал-Идрисий томонидан
«Рожер китоби»га илова
қилинган Ер шари ҳаритаси.

«Рожер китоби» Ал-Идрисийнинг шахсий саёҳатлари натижалари, кўплад савдогарлар, сайёхлар ва маълумот тўплаш учун Сицилия кироли томонидан турли мамлакатларга юборилган кишиларнинг таассуротларини ўз ичига олган. Китобнинг кириш қисмida Ал-Идрисий фойдаланган асосий манбалар сифатида Птоломей, Орозий, Ал-Яқубий, Ал-Мақсудий ва Ал-Жайхоний каби қатор муаллифлар номини эслатиб ўтади.

Асарда Фарбий Африкадан то Хитойгacha бўлган ҳудудлар тўғрисида кенг маълумотлар келтирил-

ган. Айниқса, сайёхнинг Шимолий ва Марказий Африка, Пиреней яримороли, Сицилия, Италия, Франция, Шотландия, Ирландия, Германия, Польша, Болгария ва Кичик Осиё тўғрисидаги маълумотлари жуда кимматлидир. Ал-Идрисий ушбу худудларнинг бир-биридан узоклиги, гидрографияси, савдо ва маданий марказлари, у ерда яшаётган аҳолининг урф-одатлари, таомлари, кийиниши ва асосий машғулотлари ҳакида кизиқарли хотираларни ёзиб қолдирган.

Ал-Идрисий ўзининг машхур асарида Ер шарини еттита иклимга (зонага) бўлади ва улардан ҳар бири гарбдан шарққа караб яна 10 та зонага эга. Шуниси қизикарлики, «Рожер китоби»га кирган 70 та бўлимдаги матнга 70 та харита илова килинган. Немис географи К. Миллернинг ҳисоблаб чиқишича, Ал-Идрисийнинг асаридағи матнда 6000 дан зиёд, илова килинган хариталарда эса 2500 дан ортиқ географик обьектлар номи зикр этилган.

Мутахассисларнинг фикрича, хариталарда кенглик ва узоклик тушунчалари унчалик ҳисобга олинмаган. Шу боис, араб картографиясининг хариталарда географик координаталар бўлмаган сўнгги учинчи босқичи Ал-Идрисий номи билан боғлиқ, деб айтиш мумкин. Ал-Идрисийнинг бизгача етиб келган асарининг энг қадимги кўлёзмаси, шунингдек, Ер харитасининг нусхаси 1300 йилда кўчирилган бўлиб, Париж кутубхонасида сакланмоқда.

Яратган асарининг ўша даврда катта илмий қимматга эга бўлганига қарамасдан, араб географининг ишлари XII–XIII асрларда лотин тилида ижод қилган европалик муаллифлар учун номаълумлигича қолган. XVI асрга келиб «Рожер китоби»нинг Европа мамлакатларида чоп этилиши туфайлигина Ал-Идрисий энг таникли араб географларидан бирига айланган. Унинг машхур асари 1592 йил Римда араб тилида чоп этилган ва худди шу нашр 1619 йилда лотин тилига таржима қилинган. 1836–1840 йилларда эса «Рожер китоби» француз тилида нашрдан чиқди. Олим асарининг тўла нашри фақатгина XX асрда китобхонлар ва илмий жамоатчилик ҳукмига ҳавола этилган.

Марокашликлар илк Ўрта асрлар географиясининг ривожига катта ҳисса кўшган Ал-Идрисийдек юртдошлари борлиги билан фаҳрланишади. Шунинг учун ҳам Марокашдаги Ал-Хусайм шаҳридаги аэропорт машхур сайёх ва географ номи билан аталган.

Виллем РУБРУК


(1215–1291)

Турли манбаларда француз сайёхи, деб тилга олинадиган Виллем Рубрук (асли исми – Гийом де Рубрук) 1215 йилда ҳозирги Бельгия-нинг Фландрия ўлкасида туғилган. Манбаларга кўра, сайёх француз қироли Людовик IX нинг хизматида бўлиб, еттинчи салиб юриши даврида уни кузатиб борган ва ўша даврдаги барча воқеаларни қофозга туширган.

XIII асрда мўғулларнинг Европага соглан таҳди迪 натижасида Франция қироли Людовик IX Мўғулистон билан ҳамкорлик алоқаларини ўрнатиш ҳаракатига тушган. Французлар ўша пайтдаги Мўғул империясида яшайдиган насронийларни қидириб тошиш ва улар орқали Мўғулистон билан ҳамкорлик ўрнатишга умид қилишарди. Французларнинг бундай йўл тутишларининг ўзига хос сабаби бор. Чунки ўша вакъларда Европа мамлакатларида «Осиёнинг ичкари қисмларида қудратли насронийлар давлати – Иоанн Ресвите мамлакати борлиги» ҳакида турли ривоятлар тарқалган эди. Аммо ўша пайтдаги географик манбаларда ушбу афсонавий мамлакатнинг аник географик ўрни ҳақида бирор тайнинли маълумот бермай, бирида уни Ҳиндистон шимолида дейилса, бошқасида Марказий Осиёнинг ичкари қисмида, дея таъкидланарди.

Шу мақсадда 1253 йили француз қироли Людовик IX эски қадрдони, салиб юришидан кейин Суриядаги ибодатхонаро ҳөшибига айланган Виллем Рубрукни Мўғулистонга элчи қилиб жўнатган. Унинг саёҳати Ўргаер денгизида сузиш билан бошланиб, Қора денгизга ўтган ва қуруқликда Крим орқали давом этди. Сайёх Қrimдан Шарқий Европа текислигига ўша вакъларда яшаган кўчманчи кипчоқларнинг ерларига, ундан Волгабўйи ва Жанубий Урал орқали мўғулларнинг ерларига етиб борган ҳам. Рубрук бу ерларда насронийларни учратишга умид қилганди. Аммо деярли ҳамма ерда уруг-қабила муносабатлари устун бўлган мўғуллар, аниқроғи, кипчоқлар яшашига гувоҳ бўлган.

XIII асрнинг ярмига келиб мўғуллар ҳам атрофдаги, жумладан, Европа мамлакатларидаги давлатлар билан алоқалар ўрнатишни ис-



Виллем Рубрукнинг Осиёга саёхати харитаси.

таб қолганди. Шу боис, Рубрук саёхатининг норасмий характерга эга эканини қайта ва қайта таъкидлашига қарамасдан, Мўғалистонда уни француз киролининг мўғуллар билан тинчлик шартномасини тузишга келган элчиси сифатида қабул қилишган. Бу эса сайёхнинг мўғул ерлари бўйлаб турли сафарлар уюштириши учун кулай имконият яратди.

Жумладан, Рубрук Ботухоннинг кўчма чодирида бўлган ва у ердан ўша вақтлардаги Мўғалистоннинг янги пойтахти Қоракурум шаҳрига йўл олди. Сайёх ўз сафари давомида Мўғалистондаги турли табақа вакиллари, ҳатто, мўғул хони Хулагуҳон билан сұхбатда бўлган. У ўзи бўлган шаҳар ва қишлоқлардаги аҳолининг ҳаёти, бу жойларнинг табиати, географияси ва аҳолисининг урф-одатлари билан кизиқди. Виллем Рубрук европаликлардан биринчи бўлиб Каспий денгизининг мустақил ёпиқ сув ҳавза экани, унинг Ўртаер денгизи ва бошқа шимолий денгизлар билан боғланмаганлиги ҳақида ёзган.

В. Рубрук мўғуллар ва қипчоқларнинг этнографик хусусиятлари, турмуш тарзи, мўғуллар ҳукмронлик қилган худудларидаги аҳолининг урф-одатлари, диний маросимлари ҳақида қатор қизиқарли маълумотларни ёзib қолдирган. Европалик географларнинг Хитойда яшайдиган «серлар» ва «қатайлар» икки қабила, деган фикрлари нотўғрилигини кўрсатиб, уларнинг аслида Хитой хонлигининг асосий аҳолиси бўлган битта халқ эканини исботлаб берган.

В. Рубрук Осиёнинг ичкарисидаги насронийлар давлати ҳақидаги афсонанинг асоссиз эканини исбот қилишга уринди. Аммо мазкур чўпчакка ишониш сайёх яшаган даврдан кейин ҳам бир канча вақт европаликлар ўргасида сакланиб қолган. Сайёх икки йилча Мўғулистанда яшагач, 1255 йилда Волгабўйи, сўнг ҳозирги Озарбайжон ва Эрон орқали Сурияга, ўзи хизмат қилган ибодатхонага қайтиб келди.

Сайёх Сурияда бироз бўлгач, иккинчи саёҳатига чикиш тараддудига тушиб қолди. Аммо ибодатхона бошроҳи Рубрукка буни ман килиб, кирол учун икки йиллик саёҳатининг батафсил ҳисоботини тайёрлашни буюрган. Бунинг натижасида европаликлар ўша вактда Осиёнинг катта қисмини эгаллаган мўғуллар хукмронлик қилган худудлардаги ерларнинг географик тасвири, аҳолисининг турмуш тарзи, урф-одат ва анъаналарига оид қизиқарли маълумотларга эга бўлишган.

Манбаларда ёзилишича, кейинчалик В. Рубрук Ўрта асрларнинг буюк олими Рожер Бэкон билан бир неча бор сухбатда бўлиб, ундан ўзининг Осиёга сафари бўйича ёзган асарига оид қимматли маслаҳатлар олган. Ўз навбатида Рожер Бэкон ҳам ўз асарларида бир неча бор В. Рубрукнинг саёҳатига мурожаат қилган.

Рубрукдан кейин Осиёга борган европалик сайёҳлар ўз саёҳатларини фландриялик роҳиб йўналиши бўйлаб ташкил этишган. Жумладан, Марко Полонинг Шарқий Осиёга саёҳат қилган отаси ва амакиси ҳам Виллем Рубрук йўналиши бўйлаб ҳаракатланиб, Кримдан Кавказга, сўнг Каспий дengизининг шимоли орқали Бухоро томонга йўл олишган.

Виллем Рубрук Осиёнинг ичкари қисмларига саёҳат қилган биринчи европалик сайёх ҳисобланади. Унинг қолдирган сафар ҳисоботи ўша даврдаги Шарқий Европа, Жанубий Урал, Ўрта Осиё ва Хитойнинг баъзи худудлари географияси, тарихи ва этнографиясига оид қимматли манбадир.

Бельгияликлар, айниқса, Фландрия ўлкаси аҳолиси ўзларининг сайёҳ ҳамюрларига катта эҳтиром билан қарашади. Мазкур мамлакатда ҳар йили бир марта ўтказиладиган «Тарихий кеч» дастури доирасида мамлакатнинг кўплаб шаҳар ва қишлоқларида В. Рубрук хотирасига, унинг ҳаёти, жумладан, Осиё саёҳатига бағишланган тадбирлар ўтказиш одат тусига кирган.

Марко ПОЛО

(1254–1324)

Ҳар бир чет эллик сайёхга катта шубха билан қаралган XII–XIII асрларда Европадан Осиёга келиб савдо ишларини усталик билан юритиш ва ҳатто, ўзга юргон хизматига кириб, маслаҳатчи даражасига эришиш катта жасорат ва зукколикни талаб этади. 1254 йилнинг 15 сентябрида венециялик савдогар оиласида дунёга келган Марко Поло Ўрта асрлардаги Осиё давлатларининг ҳаёти билан европаликларни таништиришга мусассар бўлган жасур сайёх эди.



XIII асрга келиб янги бозорларнинг очилишидан манфаатдор бўлган венециялик ва генуялик савдогарлар европалик кўплаб сайёхларнинг Марказий Осиё, Ҳиндистон ва Хитойга қилаётган сафарларига бефарқ қарай олмас эдилар. Марко Полонинг отаси Никколо Поло, амакиси Маффеолар дунёнинг янги очилган қисмларида заргарлик буюмлари ва шарқона ширинликлар билан олди-сотди килувчи моҳир савдогарлар бўлишган. Европада ишлаб чиқарилган маҳсулотларни сотишнинг янги бозорларини ўзлаштириш мақсадида Марко Полонинг отаси ва амакиси XIII асрнинг иккинчи ярмида Шаркий Осиёга сафар қилишга қарор қилишган.

Венециялик бу икки савдогар 1260 йилда Кримга йўл олишиди. Улар ўз саёҳатида фландриялик сайёҳ Виллем Рубрук йўналиши бўйлаб ҳаракатланиб, Кримдан Кавказга, сўнг Каспий денизининг шимоли орқали Бухоро томонга бурилдилар. Ўша вақтларда ушбу минтақада Ботухоннинг укаси Беркахон уруш ҳаракатларини олиб бориши туфайли ака-ука савдогарлар ортга қайтаолмай, Бухорода уч йил қолиб кетишиди. Сўнг Хонбалик (ҳозирги Хитой пойтахти Пекин) томон кетаётган эронликлар карвонига қўшилиб, 1266 йилда Пекин шаҳрига – Хубилайхон саройига етиб боришган.

Тез орада саройда қабул қилинган Марко Полонинг отаси ҳамда амакиси хондан ортга бехавотир қайтиш ҳуқуқини берувчи олтин ёрлиқни олишга мусассар бўлишди ва эвазига Хубилайхоннинг хати-ни Рим Паласига етказиш мажбуриятини олишди.

Никколо Поло 1271 йилда Шаркий Осиёга қылган иккинчи саё-ҳатига ўзи билан ўн етти яшар ўғли Маркони ҳам олиб кетди. Марко Поло қатнашган экспедиция Венециядан Лайаццога (ҳозирги Туркияning Жайхон шахри) йўл олди ва Арзирум орқали Ирокқа ет-гач, Фрот дарёсининг куйилиш қисмидан кемада Форс кўрфазидаги Хўрмуз (ҳозирги Бандар-Аббос) бандаргоҳига жўнади.

Марко Поло ҳамроҳлари билан Хўрмуздан тұя ва отларда Осиё қитъасининг ичкарисига йўл олиб, Хурросон ўлкаси ва Помир тоғлари орқали Шаркий Туркистондаги (ҳозирги Хитойнинг Шинжон-Уйғур автоном райони) Қашкар шаҳрига етиб келади. Йўлнинг кейинги қисми бирмунча қийин кечиб, сайёҳларнинг Такла-Макон чўлини кесиб ўтиб, Гоби саҳросининг чеккасидан юри-

МАРКО ПОЛОНИНГ ОСИЁГА САЁҲАТИ



Миқёси
2000 км

— Венеция-Акра-Хўрмуз-Пекин-Паган
— Паган-Пекин-Хўрмуз-Константинополь-Венеция

шига түгри келган. Сүнг Хуанхэ дарёси бўйлаб Пекин шаҳрига етиб келишган.

Ақлии Марко Поло Пекинга етиб келиши биланоқ, ўзини Хубилайхонга таништирган ва хайриҳоҳлигини сезгач, унга ўз хизматини таклиф этган. Хубилайхон Европа билан алоқаларни ривожлантириш лозимлигини инобатта олиб, Марко Полонинг таклифини қабул қилди ва шу йўсинда венециялик ёш сайёҳ Хубилайхоннинг маслаҳатчисига айланди. Бу эса Маркога Хитой бўйлаб турли саёҳатлар уюштириш ва унинг ерларини кенгрок ўрганиш имконини берган.

Марко Полонинг ёзишича, хон унга турли топшириқларни берар, ялинишларига қарамасдан Венецияга қайтишга рухсат бермас ва ҳатто, уч йил давомида Янчжоу шаҳрининг ҳокими этиб тайинлаган эди. Шундай қилиб, Марко Поло Хитойда 1275 йилдан 1291 йилгача, жами 16 йилдан ортиқ вақт қолиб кетган.

1291 йилда Европага қайтишга хондан рухсат олишга эришгач, Марко Поло Зайсун (ҳозирги Хитойнинг Фуцзянь провинциясидаги



Венеция – сув устида қурилган шаҳар.

Сяминь) бандаргоҳидан йўлга чикиб, Малакка яриморолини айланаб ўтиб. Суматра ороли, Бангл қўлтиғи ва Ҳиндистон яримороли бўйлаб сузиб, Эроннинг Ҳўрмуз портига етиб келган. Бу ердан қуруқлик орқали Ҳамадон ва Табриздан ўтиб, Туркияниг Қора дengиз бўйидаги Трабзон шаҳрига етиб олган. Марко Поло Трабзондан ҳеч қандай тўсикларсиз Константинополь (ҳозирги Истанбул) шаҳрига ва сўнг Ўртаер денгизи орқали Венецияга қайтиб келган. Шаркий Осиёга қилинган саёҳати Марко Поло оиласига шоншуҳратдан ташкари катта бойлик ҳам келтирди.

Марко Полонинг Хитойдан Европага қайтганидан кейинги ҳаёти тўғрисида маълумотлар унча кўп эмас. 1298 йилда у ўзининг кичикроқ шахсий кемасида унча узок бўлмаган саёҳатга чиккан. Ўша вақтларда генуяликлар ва венецияликлар ўртасида бўлаётган уруш сабабли Марко Поло генуяликлар томонидан асирга олинган. Марко Полонинг шуҳрати туфайли генуяликлар унга нисбатан бирмунча юмшоқ муомалада бўлишган.

Қамоқдалигида Марко Поло Италияниг Пиза шаҳри фуқароси Рустиканога амалга оширган саёҳатлари таассуротларини айтиб ёзdirган ва кейинчалик ушбу кўлёзма «Дунёning ранг-баранглиги ҳақида китоб» номи билан чоп этилган.

Генуяликлар тутқунидан озод бўлгач, Венецияга қайтиб келди ва умрининг охирига қадар узок муддатли саёҳатларга чиқмади. Сайёҳ 1324 йилнинг 24 январида Венецияда 70 ёшида вафот этган.

«Дунёning ранг-баранглиги ҳақида китоб»да ҳозирги Ўзбекистон худудидаги баъзи шаҳарлар ҳақида ҳам қизиқарли маълумотлар бор. Марко Поло Бухорони ўша пайтлардаги иирик савдо маркази экани, атрофига баланд деворлар қурилгани ва шаҳардаги биноларнинг куёшда ярқирайдиган гумбазларининг ажойиблиги тўғрисида ёзган. Сайёҳ: «...шаҳарнинг савдо расталари ипак, чинни, фил суяги ва усталик билан ишланган металл буюмлар билан тўлиб кетган эди», дея маълумот келтиради ўз асарида. Самарқандни эса сайёҳ «буюк ва улуғвор шаҳар» дея тасвирлаб, жуда кўп боғлари борлигини айтиган. Сайёҳ Самарқанддан ахолиси санъат ва хунармандчиликда тажрибали бўлган Қарқон шаҳрига йўл олган. Мутахассисларнинг фикрича, сайёҳ Қарқон, деб бунда Қўкон ёки Фарғона шаҳрини назарда тутган бўлиши мумкин.



Марко Полоға Самарқанд шаҳрида ўрнатилган хотира тоши.

Марко Поло Жануби-Шарқий ва Шарқий Осиёга илк бор саёҳат килган ва бу ердаги мамлакатларни тасвирлаб берган дастлабки европалик сайёҳ ҳисобланади. Унинг ёзиб қолдирган асарлари, жумладан, «Дунёнинг ранг-баранглиги ҳакида китоб»и бир қанча ноаниқликларга эга бўлишига қарамай, Ўрта асрлардаги Осиё мамлакатлари – Эрон, Хитой, Мўғулистон, Ҳиндистон, Индонезия ҳамда Марказий Осиёдаги давлатларнинг географияси, этнографияси ва тарихига оид жуда қимматли тарихий манбадир. Бу асар ҳақиқатан ҳам, Европадаги энг оммабоп тарихий манба бўлиб, у бўйича турли Европа тилларида 2300 дан ортиқ илмий ишлар қилинган.

«Дунёнинг ранг-баранглиги ҳакида китоб» асари XIV–XV асрларда яшаган денгизчи-сайёҳлар, картографлар ва ёзувчилар фаолиятига ҳам катта таъсир кўрсатган. Маълумотларга кўра, асл мақсади Ҳиндистонга денгиз йўлини топиш бўлган, аммо Американи каашф қилган Христофор Колумбнинг экспедицияси давомида Марко Полонинг ушбу китоби машҳур сайёҳнинг кемасида бўлган экан.

ИБН БАТТУТА

(1304–1377)



Ўрта асрларда Шарқ мамлакатларида яратилган илмий-географик адабиётлар ўтасида «рихлат» (сафар) жанрида, яъни сайёҳларнинг ўз кўзлари билан кўриб, олган таассуротлари асосида турли мамлакатларни тасвирлаган асарлар мухим ўрин тутади. Ушбу жанрда маҳорат билан битилган дастлабки асарлардан бири «Ибн Фадлоннинг Волгага саёҳати» 922 йилда Бағдодда чоп этилган. Аммо мутахассисларнинг фикрича, буюк араб сайёҳи Ибн Баттутанинг

дунёning турли мамлакатларига қилган саёҳатлари натижаларини ўз ичига олган «Мушоҳада қилувчиларга қизикарли шаҳарлар ва турли юртларнинг мўъжизалари ҳақида совга» ёки инглизча нашрида «Ибн Баттутанинг саёҳати» асари мазкур жанрда яратилган географик асарларнинг энг машҳури саналади.



Танжа – Марокашнинг энг йирик ва қадимий шаҳарларидан бири.

Ибн Баттута (тўлик номи – Абу Абдуллоҳ Мұхаммад ибн Абдуллоҳ ал-Лаватий ат-Танжий) 1304 йилнинг 24 февралида Марокашнинг Танжа (ҳозирги кўпчилик манбаларда Танжер) шаҳрида факих (ислом ҳуқуқшуноси), шайх Абдуллоҳ ал-Лаватий оиласида таваллуд топган. Ибн Баттутанинг авлодлари барбарларнинг лават қабиласидан бўлгани боис, уларнинг исми шарифига ал-Лаватий нисбаси қўшиб ишлатилади.

Ибн Баттутанинг болалик йиллари ҳақида жуда кам маълумотлар сакланиб қолган. Аммо ўзига бирмунча тўқ оиласдан бўлган Ибн Баттута ёшлигига мадрасада турли фанлардан чукур билим олган. Отаси унинг ўзига меросхўр бўлиши, яъни фаҳиҳлик лавозимини эгаллаши тарафдори эди. Аммо дунё мамлакатларини кезиш, улар ҳақида турли маълумотларни тўплаш бўлажак сайёҳ-олимнинг бутун фикру хаёлини банд этганди.

Ибн Баттута 21 ёшга тўлгач, яъни 1325 йилда Маккага ҳаж сафари қилиш ниятида йўлга чиқкан. Ҳаж сафари давомида дунёдаги энг йирик чўл – Саҳрои Кабирни пиёда кесиб ўтиш вақтида бошидан кечирган машаққатларга қарамай, Ибн Баттута ўз саёҳатини давом эттиришга қарор қилди.

Ушбу саёҳати давомида Ибн Баттута Миср худудини кесиб ўтиб, кемада Жиддага боришини режалаштирганди. Аммо ўша пайтлардаги араб қабилалари ўртасидаги низолар сайёҳни Қоҳирага қайтишга



Ибн Баттутанинг саёҳатлари харитаси.

мажбур қилган. Шундан сўнг Ибн Баттута Яқин ва Ўрга Шаркнинг ўша вакълардаги энг гуллаб-яшнаган шаҳарлари Куддус, Дамашқ, Макка, Басра, Бағдод ва Табризда бўлди. Сўнг Маккага қайтиб келиб, отасининг орзусини амалга оширган ва бир неча йил факих лавозимида иш олиб борган.

Бундан ташқари, саёҳати давомида олган билимлари туфайли сайёҳ мадрасада дарс бериш ҳукуқига эга бўлиб, Маккадаги илм даргоҳларида машҳур юртдошимиз И мом ал-Бухорийнинг «Ал-Жомий ас-Сахиҳ» деб номланган машҳур ҳадислар тўплами бўйича маърузалар ўқиган. Аммо олимнинг ўз саёҳатларини яна давом эттириш режасидан сира-сира воз кечгиси келмасди.

Хуллас, 1330 йилда Маккадан йўлга чиқкан сайёҳ Қизил денгизни кесиб ўтиб, Яманнинг Адан портига келди. Ўша вакъларда Яманда фақат иккита шаҳар – Сано (Яманнинг ҳозирги пойтахти) ва Забид (ҳозирда Ямандаги кичик порт шаҳар) бирмунча кўзга кўринган савдо марказлари эди. Адандан кичикроқ кема ёллаган Ибн Баттута дастлаб Сомалида, сўнг ўша пайтда Африка шарқидаги энг бой шаҳарлар саналган Момбас ва Килвада бўлган. Сайёҳнинг ёзишича, ушбу шаҳарларда унинг эътиборини тортган нарса – ерли аҳолининг кора танли эканлиги эди. Африка шарки бўйлаб саёҳатдан қайтиш учун сайёҳ Арабистон яриморолининг жануби бўйлаб сузиб, Форс кўрфазига келган. Сўнг Арабистон яриморолини пиёда кесиб ўтиб, Маккага қайтиб келди.

Сайёҳнинг Румга (араблар Кичик Осиёни шундай аташган) сафари 1332 йилнинг кишида Алая портидан бошланиб, сўнг ҳозирги Туркиянинг Антalia, Ладик, Кўня, Қайсери ва Сивас шаҳарлари бўйлаб давом этган. 1333 йилнинг охирида сайёҳ Қора денгизнинг Синоп портида бўлди.

Шарқ мамлакатларига саёҳат қилиш иштиёқида бўлган тиниб-тинчимас Ибн Баттута юнонлар кемасида Кримнинг Кафе (ҳозирги Украинанинг Феодосия) шаҳрига, сўнг Азов денгизига ва у орқали ниҳоят, Шимолий Кавказга етиб келган.

Кавказнинг Пятигорск шаҳрида Ибн Баттута 1334 йилнинг майида Олтин Ўрда хони Ўзбекхон томонидан катта хурмат билан қабул қилинган. Тарихчилар ўргасида Ибн Баттутанинг Волга-Булғориясига қиласан сафари борасида бирмунча мунозарали фикр-




Кавказдаги Пятигорск шаҳри.

лар мавжуд. Баъзи олимлар (И. Хрек, С. Яничек) Ибн Баттута Волга Булғориясида бўлмаган, чунки XIV аср шароитида атиги 20 кун ичидаги ушбу ҳудудга саёҳат қилишга жисмонан улгурмаган бўлар эди, деб ҳисоблашади. Мазкур олимларнинг фикрича, Ибн Баттута Волга Булғориясига сафари ҳақидаги маълумотларни унинг ўзи ёки асарларини кўчирган котиби Ибн Жузай томонидан Абул Жубайр ва Абул Фид каби бошқа араб сайёхлари асарларидан олинган бўлиши мумкин.

Нима бўлганда ҳам, сайёҳ Олтин Ўрда хони хизматкорлари билан бирга Ҳожи-Тархонга (ҳозирги Россиянинг Астрахань шаҳри) саёҳат қилиб, у ердан Ўзбекхоннинг рафиқаси, Византия императори Андроник Шнинг қизи Боялун-хотинни ўз отаси хузурига кузатиб бориш шарафига мұяссар бўлган. Византия пойтахтида бир ойча бўлиб, 1334 йилнинг ноябрь ойи ўрталарида сайёҳ яна Волгага, Олтин Ўрда хонлиги пойтахти Сарой-Беркага қайтиб келган.

1334 йилнинг охирида сайёҳ Олтин Ўрдани тарк этиб, хоразмлик савдогарлар карвони билан бирга Ўрта Осиё томон йўл олди. Ибн Баттутанинг ёзишича, у кўшилган савдо карвони Олтин Ўрдадан Хоразмгача ўттиз кун йўл юрган. Карвон кунига икки марта – куёш



Бухоро ислом маданиятининг маркази сифатида доим
сайёхлар эътиборида бўлган.

тифи қиздирганда ва қоронғи тушганда тўхтаган. Карвоннинг дам олиш учун тўхташ вақти эса дуккаклилардан (нўхат, мош, ловия) шўрва тайёрлашга қанча вақт талаб этилса, шунча эди. Ибн Баттута савдогарлар карвонида доим куритилган гўшт бўлиши ва уни шўрвага солиб, қатиқ қўшиб ичилгани ҳақида ёзган. Кўзланган манзилга тезроқ етиб бориш мақсадида ҳар бир сайёҳ овқатланиш ва ҳатто, ухлаётган вақтида ҳам араваларда ҳаракатланишида давом этган. Ибн Баттутанинг 1334–1349 йилларда 15 йил давом этган энг узоқ саёҳатининг асосий қисми шу тариқа бошланган.

Ўрта Осиёда Ибн Баттута йирик савдо марказлари хисобланган Урганч, Бухоро, Нахшаб (Қарши) ва Самарқанд щахарларига саёҳат килиб, уларнинг Ўрта асрлардаги ҳаёти тўғрисида қимматли маълумотлар тўплашга муваффақ бўлди. Урганчда сайёҳ Олтин Ўрда хонлигининг қудратли нўёни Кутлуг Темур томонидан катта хурмат билан қабул қилинган. Сайёҳ Хоразмда бирмунча узоқроқ вақт бўлиб, бу ердаги аҳолининг турмуш тарзи, хонларнинг ҳаёти ва зиёратгоҳ жойлари ҳақида қимматли маълумотларни ёзиб қолдирган. Ибн Баттута Хоразм халқи ҳақида ўз эсдаликларида шундай ёзади: «...бу-

тун дунёда хоразмликлардан хуш-фөйлрок, хорижликларга нисбатан олийхиммат ва меҳмондўст кишиларни мен ҳали учратганим йўқ...».

Ибн Баттута Амударё тўғрисида ҳам қимматли маълумотларни ёзиб колдирган: «...Хоразм ортидан жаннатдан бошланувчи тўртта дарёнинг бири Жайхун (ҳозирги Амударё) оқади. Бу дарё худди Итил (ҳозирги Волга дарёси) дарёсига ўхшаш – қишида музлайди ва шунда одамлар унинг устидан юришлари мумкин. Дарё беш ойча муз билан қопланган бўлади. Музнинг эриш вақтида унинг устидан юрган одамларнинг баъзилари чўкиб кетиб, ҳалок бўлади. Ёз кунларида дарё бўйлаб кемаларда Термизгача сузиб бориб, у ердан буғдой ва арпа олиб келинади. Бунинг учун ўн кун вакт керак бўлади...».

Сайёҳ Хоразм қовунларининг бутун дунёга тараалган донғи ҳақида шундай ёзади: «Дунёнинг (мусулмон дунёси назарда тутилган) шарқида ҳам, ғарбида ҳам Бухоро қовунларидан ташқари Хоразм қовунларига тенг келадигани йўқ... Унинг пўсти яшил, мағзи қизил, жуда ширин ва шу билан бирга қаттиқ. Шуниси кизиқарлики, уни бўлакларга бўлиб, худди бизда қуритилган анжирни тайёрлаганлари каби қуёшда қуритиб, саватларга солиб, Хоразмдан Ҳиндистон ва Хитойнинг узок шаҳарларига олиб борадилар. Барча қуритилган мевалар ичидаги унга тенг келадигани йўқ...».

Ибн Баттута Хоразм тупроғида яшаб ўтган машхур мутасаввиф сүфийларнинг зиёратгоҳлари ҳақида ҳурмат билан ёзган. Сайёҳнинг хабар беришича: «...Хоразмга кираверишда ислом оламида машхур табаррук зотлардан бири шайх Нажмиддин ал-Кубро қабри ёнида барпо этилган завия (муқаддас жойларда дарвешлар ва зиёратчилар учун қурилган маҳсус бино, хонақо) мавжуд... Шаҳардан ташқарида машхур олим, имом Абул Қосим Маҳмуд ибн Умар аз Замахшарийнинг дахмаси жойлашган бўлиб, унинг устига мақбара қурилган...».



Ибн Баттута ўзбек қовуни ҳақида бутун дунёга маълум килган.

Хоразмдан 18 кун йўл юрган Ибн Баттута Бухорога келди. Унинг Бухоро ҳакида қолдирган маълумотлари ҳакида олимлар ўртасида турли мунозаралар мавжуд. Чунки сайёҳ бу шаҳар ҳакидаги маълумотларни бирмунча бузиб тасвирлаган, деган фикрлар бор. Бухорадан кейин сайёҳ Нахшаб (хозирги Қарши) шаҳрига йўл олиб, унинг сultonи Тармасирин ҳакида қатор маълумотларни ёзib қолдирган.

Ибн Баттута Нахшбдан кейин Самарқандга қилган сафари таассуротлари ҳакида ҳам тўлқинланиб ёзган. Унинг ёзишича: «...мен Самарқандга йўл олдим. Бу энг ийрик ва гўзал шаҳарлардан бири-дир. У Водий ал-Кассарин (Зарафшон дарёси) қирғоғида жойлашган бўлиб, ушбу дарёдан чархпалаклар ёрдамида боғларга сув олинади. Шаҳар аҳолиси кечки намоздан кейин ушбу дарё бўйига сайр ва ўйинкулги қилиш учун йиғилишади. Бу ерда ўтириш учун таҳтасупалар ҳамда мева ва бошқа егуликлар сотиш учун расталар бунёд этилган...».

Самарқандда бунёд этилган турли меъморий обидаларни сайёҳ шундай таърифлаган: «... Дарё (Зарафшон) қирғоғида улкан сарой ва бинолар қад кўтарган ва улар Самарқанд аҳлининг нақадар уста меъморлигидан далолат беради... Бу ерда шаҳар девори ёки дарвозалари йўқ. Шаҳар ичida боғлар жуда кўп. Самарқанд аҳли хорижликларга нисбатан феъли кенг ва меҳмондўст кишилардир...».



Самарқанддаги Регистон ансамбли.

Ибн Баттута Самарқанддан кейин Термизда Амударёни кечиб ўтиб, Хурсоннинг Балх шаҳрига келди. 1333 йилнинг ёзини Ибн Баттута шимоли-шаркий Эрон ва Афғонистон бўйлаб саёҳат қилиш билан ўтказган ва Нишопур, Машҳад, Жом, Бистом ва Кобул шаҳарларида бўлган. Ҳиндикуш тоғларидан ошиб ўтган сайёҳ савдо карвони билан Ғазна орқали Ҳиндистонга йўл олган ва ниҳоят, 1333 йилнинг сентябрь ойида у Ҳинд дарёсини кечиб ўтиб, бир умр орзу килган мамлакати Ҳиндистон тупроғига етиб келган.

Деҳли сultonлигига Ибн Баттута сulton Муҳаммад Туғлоқ хизматига кирган. Сайёҳ Ҳиндистонда саккиз йил яшаб, дастлаб қози, сўнг фақиҳ лавозимларида фаолият олиб борган.

1342 йилнинг ёзида Ибн Баттута хинд сultonи элчиси сифатида Хитойга саёҳат қилди. Ибн Баттутанинг Хитой тўғрисида ёзиб колдирган маълумотлари учун аниқ бўлмагани боис, баъзи мутахассислар сайёҳнинг ушбу мамалакатга саёҳатига бирмунча шубҳа билан қарашади. Хитойда бир катор саргузаштларни бошдан кечиргач, Ибн Баттута Шарқий Осиёдаги Кантон бандаргоҳига етиб келган. У ердан сайёҳ Малайзия ва Бенгалия орқали Ҳиндистонга, сўнг денгиз йўли билан Тунис ва Италиянинг Сардиния ороли орқали 1349 йилда Марокашга қайтиб келди.

Ҳиндистон ва Хитойдаги элчилик тажрибасининг натижаси ўлароқ, Ибн Баттута 1350–1351 йилларда Марокаш сultonи то-




Ибн Баттута Саҳрои Кабирни пиёда кесиб ўтган.

монидан Гранадага (ҳозирги Испаниянинг Андалусия провинцияси ҳудудидаги шаҳар) дипломатик миссия билан ташриф буюрган. Ушбу саёҳати давомида сайёҳ ўша вақтлардаги Гранада ва Андалусиянинг ҳаёти тўғрисида қимматли маълумотларни ёзил көлдириган.

1352 йилда тиниб-тинчимас сайёҳ яна йўлга отланиб, бу сафар Африкани ўрганишни ўз олдига мақсад қилиб кўйди. Саёҳатни қамровига кўра Ибн Баттутанинг энг йирик экспедицияларидан бири, дейиш мумкин. Мали мамлакатига йўл олган сайёҳ Саҳрои Кабирни пиёда кесиб ўтган. Саҳродаги таассуротларидан энг ёркини сифатида сайёҳ ушбу ҳудудда яшайдиган аҳолининг туз ва тия териларидан курилган уйлари ҳакида ёзган эди. Йўл бирмунча машаққатли ва хатарли бўлишига қарамасдан, Ибн Баттута Саҳрои Кабирни муваффакиятли кесиб ўтиб, Африканинг Мали давлатига етиб келган. Ушбу мамлакатнинг энг бой шаҳарларидан бири Тимбуктуда бўлган сайёҳ, бу ерда маҳаллий хоқон Сулаймон томонидан катта эҳтиром билан кабул килинган.

1354 йилнинг бошида Ибн Баттута Африка сафаридан Марокашга қайтиб келган ва маринидлар сultonи Ибн Илоннинг буйруғига



Малининг Тимбукту шаҳридаги бино.

биноан ўзининг барча саёҳатлари ҳакидаги таассуротларини гранадалик олим шайх Ибн Жузайга сўзлаб берди. 1355 йилнинг декабрида Ибн Жузай Ибн Баттутанинг эсдаликларини умумлаштиришни тугаллаган. Бу билан Ибн Жузай Марко Полонинг Шарқ мамлакатларига саёҳатига оид эсдаликларини ёзиб олган Рустикано каби тарихда ёркин из қолдирган.


«Ибн Баттутанинг саёҳати» китоби риҳлат жанрида битилган мумтоз асардир. Сайёхнинг Мали, Марказий ва Шимолий Африка, Саудия Арабистони, Сурия, Ливан, Фаластин, Крим, Кавказ, Олтин Ўрда, Ўрта Осиё, Афғонистон, Хитой ва Ҳиндистон ҳакидаги эсдаликлари ушбу ҳудудларнинг Ўрта асрлардаги ҳаёти тўғрисидаги кимматли тарихий манба ҳисобланади.

Ҳисоб-китобларга кўра, ўзининг 28 йиллик саёҳатлари давомида Ибн Баттута дунёнинг уч китъасидаги бир неча юз шаҳарларда бўлиб, 120 минг километрдан ортиқ масофани босиб ўтган. Бундай масофани эса ҳозирги вактда босиб ўтишга ҳар қандай тадқиқотчи ҳатто, замонавий техника воситаларидан фойдаланган тақдирда ҳам қодир бўлавермайди.

Сайёҳ ўзи борган ерларнинг ўша даврдаги ҳаётини иложи борича тўлақонли ва ҳаққоний тарзда ёритишга ҳаракат килган. Шунинг учун ҳам унинг эсдаликлари жуда оммабоп бўлиб, 1818 йилда лотин, 1829 йилда инглиз, кейинчалик эса дунёнинг бошқа кўпгина тилларига таржима қилинган.

Олим 1377 йилда 74 ёшида вафот этган. Ўрта асрлардаги ҳаётини тадқиқ этиш борасидаги чексиз хизматлари боис, Ибн Баттута билан нафақат марокашликлар, балки бутун мусулмон мамлакатлари ахли фаҳрланади. Шу боис, буюк сайёхнинг номи турли обьектларда абадийлаштирилган. Жумладан, Бирлашган Араб Амирликларининг Дубай шаҳридаги энг йирик савдо марказларидан бирига Ибн Баттута номи берилган. Савдо маркази бир вақтлар сайёҳ борган ерлар: Андалусия, Шимолий Африка, Эрон, Хитой ва Ҳиндистон номлари билан аталган. Савдо марказига кираверишда эса Ибн Баттутанинг катта портрети ўрнатилган бўлиб, тагида араб ва инглиз тилларида сайёҳ тўғрисида маълумотлар ёзилган.

Куръони каримни рус тилига таржима қилган рус арабшунос олими И. Крачковский сайёхнинг географик билимларни ривож-



Дубайдаги Ибн Баттута савдо маркази.

лантиришдаги ҳиссаси ҳакида шундай ёзган: «Машхур Ибн Баттута барча мусулмон мамлакатларини айланиб чиққан охирги буюк сайёҳ ва универсал географ-амалиётчи эди. Унинг саёҳати... ҳали ҳам эҳтиром билан тилга олинади... Ўрта асрлардаги Олтин Ўрда ва Ўрта Осиё ҳакидаги бирор-бир илмий ишни Ибн Баттутага мурожаат қиласдан бажаришнинг иложи йўқ...». Таникли немис географи Р. Хеннигнинг фикрича, «XIV асрда яшаган мароқашлик Ибн Баттута қадимги дунё ва Ўрта асрлар билган сайёҳларнинг энг буюги сифатида тан олиниши лозим».

Руи Гонсалес де КЛАВИХО

(? – 1412)



Соҳибқирон Амир Темур хукмронлик қилган XV асрдаги Мовароуннаҳр ва унинг баъзи шаҳарлари ҳакида ёзилган тарихий-географик манбалар ичida машхур испан сайёхи Руи Гонсалес де Клавихонинг Самарқандга қилган сафари кундалиги муҳим ўрин ту-

тади. 1403 йилда Кастилия кироли Энрике III нинг Амир Темур саройидаги элчиси этиб тайинланган Клавихо Самарқанд ва унинг атрофида кизиқарли кузатишларни олиб борган ва уларни «Самарқандга – Темур саройига 1403–1406 йиллардаги саёҳат кундалиги» номи билан чоп этилган ўз эсадаликларида акс эттирган. Клавихонинг «Кундалик»лари унинг 1403–1404 йиллари Туркия, Эрон ва Мовароуннахрда, хусусан, Амир Темур саройида кўрган-билганирини ўз ичига олган муҳим асардир.

Клавихонинг туғилган йили номаълум. Аммо шуниси маълумки, у бой оиласда таваллуд топган ва ёшлигига турли фанлардан яхши таълим олган. Отаси ва ўзи ҳам Кастилия кироли Энрике III нинг саройида амалдор лавозимида хизмат қилишарди. Кирол Клавихони Амир Темур саройига элчи этиб тайинлаган. Тарихий манбаларда келтирилган маълумотларга қараганда, XIV асрнинг 80–90-йилларида Амир Темур давлатининг шон-шуҳрати Европа мамлакатларигача бориб етган. Британия, Франция, Испания, Генуя ва Византия сингари давлатларнинг ҳукмдорлари Амир Темур билан сиёсий ва савдо-иктисодий муносабатлар ўрнатишга интилиб, Самарқандга мунтазам равишда ўз элчиларини юбориб турганлар.


Кастилиядан 1403 йилнинг 22 майида йўлга чиқкан испан элчиси Клавихо 15 ойдан кейин Самарқандга этиб келган. Клавихонинг Самарқандга бу сафари Амир Темурнинг 1402 йилда Испанияга Хўжа Муҳаммад қози бошчилигига юборган элчилигига қилинган жавоб эди.

Клавихонинг Самарқандга сафари жуда узок, хавф-хатар ва машаққатларга тўла бўлган. Клавихо ва унинг ҳамроҳлари Испаниянинг жануби-шарқида жойлашган Кадис шаҳридан кемада Ўртаер денгизи бўйлаб сузиб, сўнгра Туркиянинг Истанбул, Трабзон, Арзирум, Эроннинг Табриз, Техрон, Машҳад ва Хурасоннинг Марв ва Балх шаҳарлари орқали куруқликда узок йўл босишган.

Клавихо ва унинг шериклари Термиз шахри ёнида Амударёдан кечиб ўтишган. Амударё тўғрисида Клавихо ўзининг «Кундалик»ларида шундай ёзган: «21 август пайшанба куни катта бир дарёга этиб келдик. Бу бошқа бир дарё бўлиб, Парапамисдан бошланади. У текисликдан оқэди, аммо унинг оқими ҳайрон коларли даражада тез ва суви лойқа. Кишда унинг суви камаяди, чунки бу вактда

тоғда совук бўлади ва кор эримайди, апрель келиши билан эса унинг суви кўпаяди ва бу ҳол тўрт ой давом этади. Дарё Боку денгизига қуйилади ва Самарқанд хонлиги ерларини Хуросон ерларидан ажратиб туради... Шу пайшанба куни элчилар дарёни кечиб ўтиб, Термиз деб номланган катта бир шаҳарга етиб келдилар...» Клавихо шу ерда дарёнинг икки томонидаги аҳоли икки тилда гапиришини, аммо улар бир-бирини яхши тушуниши ҳакида ёзиб ўтган.

1404 йилнинг 28 августида Клавихо бошчилигидаги испан элчилари ўша вакълардаги яна бир катта шаҳар Кешга (Шахрисабз) етиб келган. Бу шаҳар ҳакида Клавихо шундай ёзади: «Шаҳар ҳар томондан кичик дарёлар, ариқ ва каналлар билан кесилган текисликда жойлашган. Шаҳарни ҳар томондан қишлоқлар ва боғлар ўраб олган, атроф худудларда эса жуда кўп аҳоли яшайдиган қишлоқлар, каналлар ва ўтлоқлари бўлган текислик ястаниб ётади. Шунга кўра, бу ер ёзда жуда чиройли бўлса керак. Суғориладиган ерларда буғдой, узум, пахта, қовун ва бошқа мевали дараҳтлар ўстирилади. Шаҳар атрофи чукур қазилган тупроқ кўрғон билан ўралган ва унинг дарвозалари олдида кўтарма кўприклар бор. Темурбек жаноблари ана шу Кеш шаҳрида туғилган, унинг отаси ҳам шу ердан...».



Клавихонинг Самарқандга саёҳати даврида Амударё узра бундай кўприклар бўлмаган.



Шахрисабздаги қадимий Кўк гумбаз мачити.

Кешда икки кун турган элчилар карвони 1404 йилнинг 31 августида Самарқанд атрофидаги қишлоқлардан бири Мисрга етиб келган. Клавихо Самарқандда олти ойча туриб, ушбу шаҳар ва унинг атрофидаги ерлар ҳакида батафсил маълумотларни тўплаган. Клавихо ёзган «Кундалик»да ўша вақтларда Амир Темур салтанатидаги шаҳарларнинг умумий аҳволи, аҳолининг турмуш тарзи, Темур ташабуси билан барпо этилган бинолар: қасрлар, масжидлар, мадрасалар, хонақохлар, савдо расталари, дўқонлар, устахоналар, Темур давлатининг Хитой, Ҳиндистон, Олтин Ўрда, Мўғулистан ва бошқа мамлакатлар билан бўлган сиёсий ва савдо алоқалари ҳакида эътиборга молик маълумотлар келтирилган.

Элчи сифатида Клавихо ўз эсадаликларида Амир Темур саройида ўрнатилган тартиб қоидалар, турли мамлакатларнинг элчиларини қабул қилиш маросимлари ва уюштириладиган зиёфатлар ҳакида батафсил ёзган. Бу эса Мовароуннаҳрда давлатни бошқариш тизими Амир Темур даврида атрофидаги бошқа давлатларга нисбатан анча кучли бўлганлигидан далолат беради. Клавихонинг бу қимматли маълумотлари Ўрта Осиёнинг ўша вақтлардаги ижтимоий-сиёсий

тариҳини, аҳолининг турмуш тарзини ўрганишда муҳим тариҳий манбалардан бири ҳисобланади.

Жумладан, Клавихо Самарқанд ва унинг атрофидаги аҳолининг мағнуготи ва савдо молларининг нархи ҳакида шундай ёзади: «Бу юрт дон-дун, май, мева-чева, парранда гўшти, бошқа ҳар хил гўшт, кўйингки, ҳамма нарсага бойдир... бир жуфт семиз қўйнинг нархи дукат» (дукат – Испанияда ўша вақтда амалда бўлган бир олтин танга). Самарқанд шаҳрида ҳар йили Хитой, Ҳиндистон, Татаристон ва бошқа мамлакатлардан, шунингдек, бениҳоят бой Самарқанд салтанатининг ўзидан келтирилган моллар сотилади...».

Самарқанднинг маҳаллий аҳолисини Клавихо чигатойлар, деб атаган ва уларнинг турмуш тарзи ҳакида кизиқарли маълумотларни ёзиб қолдирган. Сайёҳнинг фикрича, маҳаллий аҳоли «...мехнатсевар, моҳир чавандоз, камон отувчи мерган... иссиқ ва совукка, очлик ва ташналика чидамлилиқда жаҳондаги бошқа эллардан саботлироқ ва чидамлироқ ҳалқ».

1405 йилнинг февраль ойида Амир Темур вафотидан кейин Клавихонинг элчилиги аҳамиятини бирмунча йўқотган ва сайёҳ 1406 йилнинг март ойида ватани, яъни Кастилияга қайтиб келган. У ерда ўзининг Самарқанд сафари таассуротларини тартибга солиб, ушбу



Самарқанд бозорлари ҳозир ҳам чет элликлар билан гавжум.

саёҳат давомида кўрган-кечиргандарини хронологик тарзда кунмакун ифода этган.

Клавихонинг ушбу асари биринчи марта 1582 йилда, яъни саёҳёт ўз кундаликларини тартибга солиб, ёзib тугаллагандан 175 йил кейин Испаниянинг Севилья шаҳрида «Буюк Темурнинг хаёти ва фаолияти» номи билан чоп этилган. Орадан 200 йил ўтиб, 1782 йилда асар Мадридда худди шу номда иккинчи марта нашр этилган. Унинг учинчи нашри ҳам Мадридда 1949 йилда испан тилида чоп этилган. Асарнинг рус тилидаги таржимаси И. Срезневский томонидан 1881 йили Петербургда чоп этилган. Таникли ўзбек адабиётшунос олими, профессор Очил Тоғаев Клавихонинг «Кундалиги»ни ўзбек тилига ўтириб, чоп эттирган.

Клавихонинг «Кундалиги» нафақат XV аср бошларидағи Мовароуннахрнинг хаётига бағишиланган мухим асар, балки Амир Темур давлатининг Испания қироллиги ҳамда башқа қатор мамлакатлар билан ўрнатган дўйстона дипломатик ва савдо-иктисодий алоқаларидан дарак берувчи мухим сиёсий-тариҳий аҳамиятга эга манба ҳам ҳисобланади.

Ҳофизи АБРУ

(1362–1431)

Темурийлар сулоласининг тарихчиси ва географи Ҳофизи Абру (асл исми – Шаҳобиддин Абдуллоҳ ибн Лутфиллоҳ ал-Ҳавоғий) 1362 йилда Ҳирот шаҳрида таваллуд топган. Манбаларга кўра, фаолиятини Амир Темурнинг юришларидан бирида мунший (котиб) вазифасидан бошлаган. Зукко олим, кучли шахматчи сифатида ҳам танилиб, умрининг охиригача темурийларнинг сарой йилномачиси сифатида фаолият олиб борган. Ҳаёти давомида кўп марта саёҳатга чиқкан, Евроосиёнинг Ҳиндистондан то Шомгача бўлган ерларини, Кавказ ва ҳозирги Россиянинг баъзи вилоятларини кезган. Унинг ўзи бу ҳақда шундай ёзib қолдирган: «Йироқ сафарлар асносида шимоли-ғарбий томондан Мовароуннаҳр, Туркистон, Даشت Қипчоқ, Ҳурсон, Ироқ, Озарбайжон, Эрон, Муғон, Гуржистон, Катта ва Кичик Арманистон диёрлари, Рус ва Шом ерларининг бар-

часини, Фрот дарёси соҳилларини... Хазар соҳилларини... шаркий томондан эса Зобул ва Кобулларни... Мўлтон, Уч ва Ҳиндистоннинг энг йирик шаҳри Дехлини кўрдим, Ганг дарёси кирғокларигача бир неча бор бордим».

1414 йилда Ҳофизи Абру Ҳирот ҳокими Шоҳрухга тақдим этилган географик асар «Китоб ал-масолик ва ал-мамолик»ни («Йўллар ва мамлакатлар китоби») форс тилига таржима қилиш ҳакида топшириқ олган. Ҳ асрда яшаган географлар Абу Зайд ал-Балхий ва Абу Исҳоқ ал-Истаҳрий томонидан ёзилган бу икки жилди асар мусулмонлар яшайдиган ерларнинг ғарбдан шарққа томон бўлган тасвирини ўз ичига олган. Китобнинг биринчи жилдидаги Мағрибдан то Карманага қадар бўлган мусулмон давлатларининг тасвири, турли тарихий воеалар географик макон билан узвий боғлиқликда келтирилган. Қўлёзманинг унча тўлиқ сакланмаган иккинчи жилди эса Ҳурросон ва Мовароуннахрнинг географик тасвирини ўз ичига олганди. Ҳофизи Абру китобни таржима қилиш жараённида унга ўзининг кўрган-билгандарини ва бошқа китоблардан ўқигандарини ҳам кўшган ва шу орқали янги бир асар «Зубдат ат-таворих»ни («Тарихлар қаймоғи») яратган.

Ҳозирги вақтда «Тарихлар қаймоғи»нинг уч нусхаси маълум бўлиб, улардан бири Оксфорддаги кутубхонада, иккинчиси – Санкт-Петербургдаги Салтиков-Шчедрин кутубхонасида ва учинчиси Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академиясининг Абу Райхон Беруний номидаги Қўлёзмалар институти фондида сакланмоқда. Бу учала манба бирга кўшилганида Ҳофизи Абру географиясининг тўла мазмунини акс эттириши мумкин.

Ҳ. Ҳасановнинг фикрича, Ҳофизи Абронинг юқорида кўрсатилган асаридаги географик мерос асосан, икки соҳада ёрқин кўриниади: географик тасвир (матн) ва «суратлар» – хариталар чизишда. Бунда дастлаб оламнинг умумий баёни берилган, етти иклимининг қисмлари таърифланган, сўнгра океанлар, дентлизлар, кўллар, тофлар ва айрим вилоятлар (Араб диёри, Мағриб, Рум, Арман, Ирок, Ҳузистон, Ҳурросон ва бошқалар)нинг ер майдони ва табиий шароитлари баён этилган. Бундан ташқари китобда айрим шаҳарларнинг (Ҳирот, Марв, Балх, Машҳад ва бошқалар) таърифи келтирилиб, уларнинг хариталари ҳам чизилган. Ҳофизи Абру асарида ер юзи-уларнинг хариталари ҳам чизилган. Ҳофизи Абру асарида ер юзи-

нинг умумий тасвиридан кейин айрим мамлакатларниг тавсифи берилган бўлиб, у дунё ҳаритасига берилган изоҳ бўлиши мумкин, деган фикрлар ҳам бор.

«Тарихлар қаймоги» асарида Мовароуннахрга қуидагича таъриф берилади: «Ернинг маъмурасидаги Мовароуннаҳр аксари етти икlimning бешинчисидадир. Бу мамлакат ғарб томонда Ҳолидот оролларидан ҳисоблаганда 95-даражадан бошланади – бу Хоразмнинг узунлигидир ва то Қашкар ва Ҳўтангача уларнинг узунлиги 107 даражада, яъни 12 даражага ёйилган..»

Асарда Самарқанднинг тарихи қисқача баён этилиб, ундаги ва атроф ерлардаги қалъалар, саройлар, мачитлар, боғлар (боги Амирзодаи Шоҳруҳ, боги Зағон, боги Баланд, боги Амирзодаи Улуғбек, боги Майдон, боги Шамол, боги Дилкушо, боги Чинор, боги Бехишт), ариқлар (жуйбори Бозор, жуйбори Маздохин, жуйбори Каранд, жуйбори Обираҳмат) ва қишлоқларга таъриф берилган.

Самарқанд туманлари тўғрисида эса асарда бундай дейилган: «Шовдор – Самарқанднинг жанубида, дуруст ҳавоси бор, ахолиси бакувват ва соғлом... Ёркат – бу туманинг суви аксари чашмадан чиқади. Галлачилик билан машғул. Мовароуннахрнинг бошқа мавзеларига нисбатан бу туманда яилов камрок...»

Ҳофизи Абру Кўҳак (Зарафшон) дарёсининг қуилиш кисми ҳакида сўз юритиб, дарёнинг суви қуи оқимда, сув кўпайган мавсумда Амударёгача оқиб боришини ҳам айтади. Олим Бухоро атрофидаги ҳудудларни таърифлаб шундай ёзади: «Бухоронинг меваси ҳамма мевалардан яҳши ва шириндир, хусусан Бухоро олҳўриси бутун ер юзига чиқарилади. Бухорода қайнатилган қиёмни асалдан фарқ қилиб бўлмайди. Тамоми даштда мол бисёр. Бухорода ўтинни аксар боғлардан йигишади. Ташқаридан ҳам келтиришади. Бухоро яқинида бир төғ борки, у Самарқанд билан Кеш орасидаги тоғга туташдир ва Усрушно ноҳиятига қадар чўзилган, то Фарғона чегарасигача ва унинг атрофига пайванддир. Ва яна Бухоронинг хосиятларидан дейдиларки, одамларидек ғарибдўст кишилар хеч мавзеда йўқдир...» Ушбу сатрлар шундан далолат берадики, Ҳофизи Абру Бухоро ва унинг атроф ерларидаги нафақат табиий шароит ва рельеф, балки хўжалигининг айрим хусусиятлари, ахолисининг машғулотлари ва этнографик хусусиятларини ҳам чукур ўргантган.



Шаҳрисабздаги Оқсарой комплекси.

Ҳозирги Қашқадарё ва Сурхондарёning йирик шаҳарларини таърифлаб, Ҳофизи Абру шундай ёзган: «Кеш – уни Шаҳрисабз ҳам дейдилар... эни уч фарсанг ва бўйи уч фарсанг... Яқинида тоғ бор, у тоғда харсангтуз бор, тиник ва баъзан рангдор, ундан ҳар хил буюмлар тарошланади... сувлари фаровондир... Қарши суви (ҳозирги Қашқадарё) Кеш сувининг (Танхоздарё ва Оқдарё) колдигидир. Ҳар хил мевалар кўп. Кўпгина мевалар унинг чегарасидан чикарилади. Кеш – Мовароуннахрнинг иссиқ жойидир...»

«Нахшаб – Кеш атрофига, уни Насаф ҳам дейдилар. Ҳозир Қарши номи билан машхур. Бу қадимий шаҳар бўлиб, текис ерда жойлашган. Ундан то тоғгача икки кунлик йўл, Кеш тарафдан ва бошқа тарафдан то Жайхунга кадар чўл... Нахшаб вилоятида Кеш сувидан бошқа дарё йўқ ва у ёзда гоҳи қуриб қолади ва суви бўлмайди. Баъзан боғлар қудуклардан сув олади. Тегирмонларни чорва моли қўшиб айлантирадилар...». Олим «Қарши» сўзининг этимологиясига ҳам ўз эътиборини қаратади. «Подшоҳнинг қасрини туркий тилда Қарши дейдилар. Кебек подшоҳ у ерда кўшк бунёд этган ва шундан Қарши номи машхурдир...». «Термиз – Жайхун канори бўйидаги шаҳар, Кўҳандиз (арк) ва шаҳристони бор... Экинзорлари Чагониён (Сурхондарё)дан сув ичади...».



Сирдарё.

Ушбу маълумотлар шуни кўрсатадики, Ҳофизи Абру ўлкамизнинг XIV асрдаги географияси билан анчайин пухта таниш бўлган. Унинг ўз вақтида Ўзбекистон худудларига берган табиий, иқтисодий географик ва демографик таърифи ҳозирги вақтда ҳам кўп жиҳатдан ўз аҳамиятини сақлаб келмоқда. Айниқса, унинг Амударё ва Сирдарё дарёлари тўғрисидаги маълумотлари тарихий географик нуқтаи назардан қимматлидир. Ҳофизи Абру ёзади: «Балх дарёсики, уни Жайхун дейдилар. Бу дарёни араб тилида Жайхун айтадилар ва Хурсонда Оби Омуяя дейдилар (чунки Омуяя қишлоғида бу дарё орқали Хурсондан Бухорога ўтиладиган кечик бор). Бу сувнинг манбаи Бадахшон томонда..., Хутлон ва Вахш чегарасида бешта катта дарё унга кўшиладики, шу мавзени Панжоб деб айтадилар. Қадимий тўплам китобларда ёзилганки, бу дарё Хоразм кўлига оқади, аммо у кўл ҳозир йўқ бўлиб қолган. Сув Хазар (Каспий) денгизига қараб йўл солган... Хоразмдан то Хазар денгизига қуйилганга қадар дарё аксари чўл устидан оқади...».

Сирдарёнинг минтақадаги иккинчи йирик дарё эканлигини ва унинг бошланиш ва қуилиш қисмини Ҳофизи Абру бундай таъ-

рифлайди: «Хўжанд дарёсики, уни Сайхун дейдилар ва Шош дарёси ҳам дейдилар. Сайхун дарёси Жайхундан кичикрок, унинг манбаи Туркистон төғларидадир, дарё Турк вилоятидан оқиб ўтади ва Ахсикатга кадар боради. Сўнгра дарё жануби-гарб томонга окиб, то Хўжандгача боради. Ундан кейин Форобга окади... Ундан сўнг ҳам оқавериб, Хоразм чўлида Жайхунга кўшилади ҳамда Хазар денгизига кўйилади».

Хофизи Абронинг «Тарихлар қаймоғи» китоби йирик илмий географик асар бўлиб, тили анча содда ва аниқдир. Унинг картографик мероси илмий жиҳатдан катта аҳамиятга эга. Асарда ҳар бир географик мавзунинг охирига сурат (харита ёки чизма) илова қилинган. Ушбу хариталарда жуда кўп жой номлари келтирилган бўлиб, Рум денгизида Сицилия, Кипр (Кипр), Сардония (Сардиния), Самос, Малта ва бошқа ороллар кўрсатилган. Фарбий томонда бўғоз (Гибралтар) Атлантика океанига кўшилган. Шунингдек, асарда Ҳинд океанидаги кўлтиклар ва ороллар: Қулзум (Қизил денгиз), Ҳабаша (Сомали денгизи ва Адан қўлтиғи), Занж денгизлари (Мозамбик бўғизи) ҳам ўз аксини топган.

«Тарихлар қаймоғи»га илова қилинган суратлар ичида энг қимматлиси 34×45 см ўлчамга эга бўлган дунё харитасидир. Мутахассисларнинг фикрича, бу ўша вақтгача яратилган кўлёзмаларга илова қилинган энг катта ўлчамдаги дунё харитаси ҳисобланади. Хаританинг энг муҳим томонларидан бири унда даража тўрининг чизилганилигидир. Ҳ. Ҳасановнинг маълумотига кўра, Ўрта асрлар Шарқида яратилган хариталарнинг фақатгина учтасида, жумладан, Нажиб Бакрон (1209 йил), Ҳамдаллоҳ Қазвиний (1340 йил) ва Хофизи Абру (1420 йил) томонидан тузилган хариталарда даража тўри бўлган.

Хофизи Абронинг ёзган асрлари Хурросон, Эрон ва Ўрта Осиё-нинг XV асрнинг биринчи чорагидаги бирмунча тўлиқ тарихий ва географик тасвирини ўз ичига олган асар сифатида қимматлидир. Ундан Хурросоннинг ўша замонлардаги сиёсий алоқалари, жумладан, 1419–1422 йилларда Ҳирот ҳокими Шоҳруҳ томонидан Хитойга юборилган элчилар карвони ташриф буюрган барча вилоят, шаҳар ва қишлоқлар тўғрисидаги батафсил маълумотлар ҳам ўрин олган.


Мирзо УЛУФБЕК

(1394–1449)

Буюк олим ва давлат арбоби, темурийлар сулоласининг ёркин намояндаси Мирзо Улуфбекнинг номи дунё фани сахифаларига зарҳал ҳарфлар билан битилган. Унинг астрономия, математика, геометрия, география ва бошқа қатор фанлар ривожига кўшган улкан ҳиссаси, Ўрга асрларда амалга оширган ҳисоб-китобларининг аниқлиги ҳозирги замон илм аҳлини ҳамон лол қолдириб келмоқда.



Мирзо Улуфбекнинг номи бутун дунёга буюк мутафаккир сифатида маълум. Аммо у дастлаб, бобоси Амир Темурга ва сўнг отаси Шоҳрухга турли юришларда ҳамроҳ бўлган. Мовароуннаҳр ҳукмдори бўлгач, кейинчалик ўзи ҳам мамлакатнинг турли қисмларини кезган. Сафарлари давомида кўрганларини



Самарқанддаги Улуфбек мадрасаси.

ўзининг илмий фаолиятида кенг кўллаган. Шунинг учун Улуғбекни сайдохонасининг мумкин.


Мирзо Улуғбек (тўлиқ исми шарифи – Мирзо Муҳаммад ибн Шоҳруҳ ибн Темур Улуғбек Кўрагон) 1394 йил 22 марта Амир Темурнинг ҳарбий юришлари чоғида Эрон Озарбайжонидаги Султония шаҳрида дунёга келган. Амир Темур суюкли набирасининг тарбиясини катта рафикаси Сароймулкхонимга топширади ва ана шундан кейинги 11 йил давомида берилган тарбия Мирзо Улуғбекнинг буюк инсон бўлиб шаклланишида катта роль ўйнаган.

1409 йилда темурзода Шоҳруҳ ўғли Улуғбекни Самарқанд ҳокими этиб тайинлаган ва 1411 йилдан бошлаб эса Мирзо Улуғбек бутун Мовароуннаҳр бошқарувини қўлга олиб, Самарқандни илмифан марказига айлантирди.

Мирзо Улуғбек фан ҳомийси бўлиш билан бирга, мамлакатда маърифат ривожига ҳам катта аҳамият берган алломадир. У Мовароуннаҳрда бир эмас, уч мадраса курдирди. Булардан бири Самарқандда (1417–1420), иккинчиси Бухорода (1417) ва учинчиси Фиждувондадир (1433). Ҳатто, Бухородаги мадраса пештоқига ҳадисдан олинган лавҳани: «Илм олиш ҳар бир муслим ва муслима учун фарздор», деб ёздириб кўйган.

Тарихчиларнинг ёзишича, Улуғбек кучли хотира соҳиби: геометрия, математика, астрономия, тарих, адабиёт, мантиқ, мусиқадан ҳамда Қуръон, ҳадис ва

фиқҳ илмларидан яхши хабардор бўлган. Аммо Мирзо Улуғбек ҳаётининг асосий қисмини астрономияга бағишлигаран ва ушбу фаннинг XV асрдаги ривожида унинг хизмати бекиёс. Чунки Ўрта асрларгача мавжуд бўлган юлдузлар жадвалининг сифати, яъни аниқлиги, ўша замон астрономларини қониктирмас эди. Шу боис, осмон жисмларини кузатиш учун Самарқандда Мирзо Улуғбек бош-




Улуғбек расадхонасинынг тарихий кўриниши макети.

чилигига расадхона бунёд этиш ва уни жихозлаш ишлари амалга оширилган.

Маълумки, расадхона 1427–1429 йилларда курилган ва уни барпо этиш режаси бўлажак аллома Мирзо Улуғбекда болалик чоғидаёқ туғилган эди. Чунки олим ёшлигига Техрон ёнидаги Мароға обсерваториясини кўриб, ҳавас билан «мен ҳам шундайни қураман», деб аҳд қилган экан. Улуғбекнинг ёши 26–27 ларга етганда у олимлар билан яқиндан танишган ва улар билан кўп сұхбатлар курган. 1420 йилларга келиб унинг атрофида 60–70 тача математик ва астроном олимлар тўпландиган. Улуғбек қурдирган расадхонанинг асосий қисми радиусини 40,2 метрдан иборат квадрант ташкил этган ва унда астрономик ўлчашларни амалга ошириш учун бир қатор бошқа асбоб-ускуналар ҳам ўрнатилган.

Расадхона биноси уч қаватли бинодан иборат бўлган. Мирзо Улуғбек ўзи бунёд эттирган расадхона ва илм-маърифат марказига турли соҳалардаги 100 дан ортиқ илм ахлини тўплаб, кенг жабҳада илмий кузатиш ишларини олиб борган. Булар Қозизода Румий, Фиёсиддин Жамшид, Али Қушчи, Мавлоно Аҳмад, Муҳаммад Қавоғий, Абул Али Биржондий, Мирим Чалабий, Муиниддин Коший каби ўз замонасининг забардаст олимлари эди.



Улуғбек расадхонасининг пештоки ва ундаги квадрант.

Афсуски, расадхона биноси Улуғбек вафотидан кейин қаровсиз колиб, аста-секин емирила бошлаган ва XVII асрнинг охирига келиб, устки кисми бутунлай бузилган. Иншоотнинг ер остидаги кисми эса тупрок остида колиб, кўимилиб кетган. Рус археолог олими В. Вяткиннинг 1908 ва 1914 йиллардаги Самарқандда олиб борган археологик изланишлари натижасида Улуғбек расадхонаси колдиклари жойи аниқланиб, кейинчалик уни ўрганиш ишлари давом эттирилган.

Мирзо Улуғбек Самарқандда расадхона замирида «Улуғбек академияси»га асос солган ва бу ерда олиб борилган илмий кузатишлари натижасида «Зижи жадиди Кўрагоний» («Кўрагонийнинг янги астрономик жадвали») ва «Тўрт улус тарихи» каби машҳур асарлари яратилган. Тарихчи олим Давлатшоҳ Самарқандийнинг ёзиича, «Улуғбек геометрия борасида Эвклидга, астрономия соҳасида эса Птоломейга ўхшарди».

«Зижи жадиди Кўрагоний» асарида 1018 та ҳаракатланмайдиган юлдузнинг координатлари ҳайрон қоларли даражадаги аниқлиқда кўрсатиб берилган. Мутахассисларнинг тан олишича, ушбу юлдузлар жадвали грек олимларидан милоддан аввалги II асрда яшаган Гиппарх ва милодий I-II асрларда ижод килган Птоломей тузган жадваллардан кейинги даврда яратилган энг аниқ астрономик манба хисобланади.

«Зижи жадиди Кўрагоний»даги тригонометрик жадваллар ҳам ўзининг аниқлиги билан алоҳида ажralиб туради. Жумладан, Мирзо Улуғбек астрономиядаги муҳим ўзгармас миқдор – бир даражанинг синуси қийматини вергулдан кейин 18 та белги миқдоридаги аниқлиқда хисоблашга мувваффақ бўлган.

Кўёш бир йилда бир марта айланиб чиқадиган фазовий доира – эклиптиканинг оғиши қийматини аниқлашда Мирзо Улуғбек дунё астрономия фанида энг олдинги ўринларда туради. Унинг 1437 йилда амалга оширган хисоб-китобларига кўра, эклиптиканинг оғиши $23^{\circ}30'17''$ га teng ва бу қиймат ҳозирги замондаги хисоб-китоблардан бор-йўғи $0'32''$ га фарқ қиласди. Шунинг учун ҳам Улуғбек томонидан хисобланган бир астрономик йил 365 кун 6 соат 10 минут 8 секундга teng ва бу ҳозирги замон маълумотларидан атиги 58 секундга фарқ қиласди.

Улуғбекнинг ёзиб қолдирган асарларида бир қатор географик маълумотлар ҳам мавжуд. «Зижи жадиди Кўрагоний»даги жадвалларда дунёдаги 683 та аҳоли пунктигининг географик координатлари хакидаги маълумотлар келтирилган. Жумладан, Улуғбекнинг ёзишича, у яратган расадхона $39^{\circ}37'28''$ географик кенглигда жойлашган. Ҳозирги вақтдаги ўлчашлар шундан далолат берадики, ушбу иншоотнинг жойлашган ўрни $39^{\circ}40'37''$ географик кенглигка тўғри келади. Агар Ўрта асрлардаги кузатиш ускуналари ва услубларини хисобга оладиган бўлсак, Улуғбек амалга оширган ўлчаш натижаларини жуда аниқ, деб эътироф этиш мумкин.

Бундан ташқари, самарқандлик тарихчи олим Мутруби Самарқандийнинг 1605 йилда ёзилган «Тазкират уш-шуаро» асарида Улуғбек томонидан яратилган шарқий яримшарнинг харитаси ўрин олган. Муаллифнинг ёзишича, ушбу ноёб харита Самарқанддаги Улуғбек мадрасаси деворидаги хаританинг кичрайтирилган нусхаси. Унда шарқий яримшар ярим айлана тарзида, ўзига хос иқлимга эга бўлган етти минтақага бўлинган, дарёлар ва денгизлар турли рангларда белгиланган. Харитада Миср, Басра, Мўлтон, Хўжанд, Бухоро, Ҳазорасп, Хоразм, Қашқар, Сайхун, Синҳ ва бошқа бир қатор жой номлари кўрсатилган.

Мутруби Самарқандийнинг маълумотига кўра, Самарқанддаги Улуғбек мадрасасида толиблар диний билимлар билан бир қаторда адабиёт, метафизика, арифметика, география ва бошқа дунёвий фанларни ҳам ўрганишган. Муаллифнинг ёзишича, география фани айни Улуғбек тузган харита ёрдамида ўрганилган.

Мирзо Улуғбек яратган Самарқанд астрономия мактабининг ушбу фан ривожига кўшган улкан хиссаси дунё олимлари томонидан кенг тан олинган. «Зижи жадиди Кўрагоний» асари XVII аср-



Тошкентнинг Олимлар шаҳарчасидаги Улуғбек ҳайкали.

да Оксфордда инглиз тилига ва кейинчалик бир қанча шарҳлар билан дунёнинг бошқа тилларига ҳам таржима килинган. 1648 йилда астроном Ян Гавелий томонидан Польшада чоп этилган «Юлдузли осмон каталоги»га дунё астрономларининг рамзий иғилишини тасвирловчи гравюра илова килинган бўлиб, ундан дунёнинг машхур олимлари қаторидан Улуғбек ҳам ўрин олган. «Зижи жадиди Кўрагоний»да келтирилган юлдузлар жадвали узоқ вакт давомида дунёдаги энг яхши қўлланма сифатида фойдаланиб келинди ва ҳозирги вактда ҳам у ўзининг илмий-тарихий аҳамиятини йўқотган эмас.

Мирзо Улуғбекни ҳақли равишда юлдузлар илмининг султони, деб аташ мумкин. Олимга чексиз хурмат ҳосиласи сифатида мамлакатимизнинг қатор шаҳарларида ва ҳатто, чет мамлакатларда ҳам ҳайкаллар ўрнатилган. Дунё фанига қўшган катта ҳиссасига эҳтиром сифатида Мирзо Улуғбекнинг номи фазода ҳам абадийлаштирилган. Жумладан, XIX асрда яшаб ижод килган немис астрономи Иоганн Генрих фон Медлер ўзи очган Ойдаги кратерни Мирзо Улуғбек номи билан атаган.

Абдураззоқ САМАРҚАНДИЙ *(1413–1482)*

Американи кашф этган Христофор Колумб аслида Европадан Ҳиндистонга борадиган денгиз йўлини топмоқчи бўлгани тарихдан маълум. Аммо унинг бу орзусини португал сайёхи Васко да Гама 1498 йилда Африкани айланиб ўтиб, Европадан Ҳиндистонга денгиз йўлини очиш орқали амалга оширган. «Уч денгиз оша саёҳат» асари муаллифи, рус сайёхи Афанасий Никитин ҳам 1466–1472 йилларда Россиядан Ҳиндистонгача бўлган қулай йўлни кашф этиш максадида саёҳатга чиққанди.

Аммо юқорида номлари тилга олинган европалик сайёҳлардан анча олдин, 1441–1444 йилларда (А. Никитиндан 25 йил, Васко да Гамадан 56 йил олдин) Ҳиндистонга денгиз орқали бориш йўлини биринчи бўлиб босиб ўтган ва ушбу йўналишдаги худудларни географик жиҳатдан тасвирлаб берган сайёҳ, ҳам ортимиз Абдураззоқ Самарқандийдир.

Машхур сайёх, элчи ва тарихчи Абдураззок Самарқандийнинг (тўлиқ исми шарифи – Камолиддин Абдураззок ибн Жалолиддин Исҳоқ Самарқандий) отаси асли самарқандлик бўлиб, Шоҳруҳ хизматида юрганида Ҳиротда яшаган. Абдураззок 1413 йил 7 ноябрда Ҳиротда туғилган, кейин узок вақт Самарқандда яшаган.

Абдураззок ўз даврининг ўқимишли ва акли ўткир кишиларидан бўлгани сабабли, Шоҳруҳ уни ҳурмат қиласа ва муҳим вазифаларни ишониб топширади. Жумладан, сайёх, аввало, Ҳиндистонга, сўнгра Ғilonга (Каспий денгизининг жануби-ғарбида, хозирги Эрон ҳудудида) элчи этиб тайинланиб, ушбу юртларга юборилган.

Маълумки, Ҳиндистонга сафар қилган Ўрта Осиёлик олим ва сайёхларнинг аксарияти бу ишни қуруқлик орқали амалга оширишган. А. Самарқандий эса минтақамиздан чиккан географ ва сайёхлар ичидаги биринчи бўлиб 1441–1444 йилларда Ҳиндистонга ғарбдан – Ҳинд океани орқали кемада сузиг борган ва унинг жанубий вилоятларида бўлган. У саёҳати давомида Ҳурисоннинг қумли чўллари, Марказий Осиёning жануби, Озарбайжон, Эрон ва Ирок орқали ўтиб, Форс кўрфазидан Арабистон денгизига чиккан ва мазкур денгиз орқали Ҳиндистонга етиб борган.

Ҳиндистон сафари натижаси ўлароқ, А. Самарқандий «Ҳиндистон сафари достони ва ер ажойиботларининг шархи, ғаройиботларнинг баёни» асарини ёзди. Бу асар бошқача қилиб «Ҳиндистон сафарномаси» деб ҳам аталади. Абдураззок Самарқандийнинг «Ҳиндистон сафарномаси» асосий асари хисобланмиш «Матлаи саъдайн ва мажмаи баҳрайн» («Икки саодатли юлдузнинг чикиш ва икки денгизнинг қўшилиш жойи») китобига алоҳида боб тарзида киритилган. Бу бобни ёзишда муаллиф ўзи кўрган-билганларидан иборат бой материалларнинг мавжудлигини ва замондошларининг узоқ мамлакатлар ҳақидаги ажойиб ҳикоялар ва аниқ маълумотлар билан жуда қизиқсанлигини инобатга олган.

«Ҳиндистон сафарномаси»да олим Ҳиндистон, унинг табииати, тоғлари, денгиз ва дарёлари, бу ерда яшайдиган ҳалклар, уларнинг урф-одатлари, аҳолининг машгулоти, шаҳарлари, ўсимлик ва ҳайвонот дунёсининг ўзига хослиги, қазилма бойликлари ва бошқа табиий ресурслари ҳақида қимматли маълумотларни келтирган.



Хиндистон – кўхна маданият ўчоқларидан бири.

Хиндистонга килган саёҳати давомида Самарқандий Хиндистон яримороли жанубидаги Каликут, Бажонагар ва Хирлиш шаҳарларида бўлиб, уларнинг ахолиси, хунармандчилиги, санъати, савдо-сотифи, ҳайвонот ва ўсимлик дунёсини кузатган ҳамда бу маълумотларни асарида баён этган. Шунингдек, А. Самарқандийнинг «Хиндистон сафаронома»си Яқин Шарқ ва Марказий Осиёга қўшни бўлган бошқа мамлакатларнинг XV асрдаги географияси, тарихи ва этнографиясига оид қимматли қўлланма ҳам хисобланади.

Ўзбек шарқшуноси А. Ўринбоев Абдураззок Самарқандийнинг «Хиндистон сафарномаси»ни бир неча нусхаларига солиштириб чикиб, ўзбек тилига таржима килган ва асарнинг мукаммал илмий изоҳларини тайёрлаб, чоп эттирган.

Олим «Хиндистон сафарномаси»да шундай ёзади: «1441 йили... Хўрмуз вилояти ва денгиз соҳилларига қараб сафарга отландим. Бу достонда... ҳар хил ажойиб-ғаройиблар сўз ипига терилади, уч йил муддат ичида кўрган-кечирган ҳолатим ва кўрқинчли воқеаларим муфассал, ҳам қисқа ҳолда қайтадан баён қилинади. Сўнг факир ил-



Каликутдаги денгиз қирғоғи.

гари вайда килганига мувофик Хурсон, Мовароуннахр, Форс, Ирок ва Озарбайжонларда бўлиб ўтган воқеалар баён қилинади...».

Хўрмуз (ҳозирги Эроннинг Бандар-Аббос) бандаргоҳининг ўша вакълларда жуда катта халқаро савдо маркази бўлгани ва А. Самарқандийнинг эса географияни яхши билгани юкоридаги сатрлардан кўриниб турибди. Олим истеъодли қаламкаш бўлгани боис ҳар бир ҳодисани бадиий образ ва ўхшатишлар, якъол ифодалар билан тасвирлаган.

Хўрмуз бандаргоҳидан жўнаган сайёҳ ва унинг ҳамроҳлари 18 кун деганда Ҳиндистоннинг Каликут шаҳрига етиб боришган. Бу шаҳар Ҳиндистоннинг жануби-ғарбидаги жойлашган бўлиб, ҳозирда унинг номи Кожикоде ва бу ерда 450 мингдан ортиқ аҳоли истиқомат қиласди. Бу шаҳар ҳақида Самарқандий шундай ёзади: «Коликут хавфсиз ва обод бир бандаргоҳdir, кўп мамлакат ва диёrlарнинг савдогарлари жам бўлиши ва денгиз соҳилидаги ерларнинг, хусусан, Ҳабаша, Зирбод ва Зангібор мамлакатларининг молларидан кўплаб нафис нарсалар топилиши билан у Хўрмузга ўхшаб кетади...», «...Коликутдан Маккай Муборакка кемалар қатнаб туради ва кўпинча мурч олиб боради. Бу бандарда ҳамма нарса топилади...».

Шуниси эътиборга лойикки, Абдураззок Самарқандийдан 56 йил кейин португал сайёхи Васко да Гама кемалари айни шу Каликут бандаргохига келиб тўхтаган. Абдураззок Самарқандий Каликутдан Бажонагарга ўтиб, у ерда ўз элчилик вазифасини ўтаб, хиндларнинг хаёти, урф-одатлари, байрамлари ҳамда ўлканинг савдо-сотиги, одамлари, ҳайвонлари ва ўсимликларини кузатиб, кўрган-кечирган ажойиботларнинг ҳаммасини сафарномасида таърифлаган. Орқага – Ҳиндистондан Ҳўрмуз бандаргохига қадар бўлган йўл эса 75 кунда босиб ўтилди. Кейин сайёх-элчи куруқлик орқали Ҳиротга қайтган. Унинг Ҳиндистонга бўлган мазкур саёҳати жами уч йил давом этганди.

Абдураззок Самарқандийнинг Ҳиндистон сафари ушбу сирли диёрни нафакат ўрта осиёликлар, балки европаликлар учун ҳам кашф килган. Манбаларга кўра, Самарқандийдан анча кейин Ҳиндистонга борган рус сайёхи А. Никитин ва голланд сайёхи Васко да Гама ўз саёҳатларини ташкил этишда маълум даражада ҳамюртимизнинг тажрибасидан фойдаланишган экан. Хуллас, А. Самарқандийни Ҳиндистонга борадиган ҳам куруқлик, ҳам денгиз йўлини кашф этган илк сайёхлардан бири, деб айтиш мумкин.



Каликут шаҳри ҳозирда.

Афанасий НИКИТИН

(1433–1475)

Россиянинг Тверь шаҳридан бўлган Афанасий Никитин Озарбайжон ва Эрон орқали Ҳиндистонга саёҳат килган таникли рус сайдиҳи, савдогари ва ёзувчисидир. Ҳиндистон сафаридан қайтаётib Африканинг Эфиопия ва Сомали қирғоқларида, Уммон ва Туркияда бўлган. Ушбу саёҳатининг натижаси сифатида «Уч денгиз оша саёҳат» (Каспий, Арабистон ва Қора денгиз) номли тарихий-географик ва адабий қимматга эга бўлган йўл қайдномасини ёзган.

Афанасий Никитин Россиянинг Тверь шаҳрида дәжкон оиласида дунёга келган. Унинг аниқ туғилган йили ҳакида аниқ бир маълумот йўқ. Шу боис кўпгина манбаларда унинг туғилган йили номаълум, дея келтирилади. Аммо унинг замондошлари ёзиб колдирган баъзи манбаларда унинг туғилган йили 1433 йил, деб кўрсатилган.


Худди таваллуд топган санаси каби Афанасий Никитин ҳаётининг дастлабки йиллари ҳакида деярли маълумотлар йўқ. Дәжкон оиласида туғилганига карамасдан, Афанасий тадбиркорлиги туфайли моҳир савдогар бўлиб етишди. Манбаларда ёзилишича, у турли мамлакатлардаги савдо уйлари билан ҳамкорлик қилишга ҳаракат қилган. XIII–XIV асрларда европалик сайдиҳларнинг Осиё мамлакатларига килган сафарлари, Ҳиндистон тўғрисидаги кизиқарли маълумотлар, ўлканинг турли ноёб молларга, зираворларга бойлиги ҳакидаги хикоялари сайдиҳни бу мамлакатта саёҳат уюштиришга унданган.

XV асрда Волга дарёси Россиянинг савдо кемалари қатнайдиган асосий йўл бўлган. 1468 йилнинг баҳорида Афанасий Никитин иккита савдо кемасини қиммат моллар, асосан турли ҳайвонларнинг мўйналари билан тўлдириб, уларни Куйи Волга ва Шимолий Кавказда сотиш ниятида йўлга чиқди. Нижний Новгород шаҳрида Афанасий Никитиннинг савдо карвони рус князи Иван Шнинг қабулидан қайтаётган ширвонлик элчиларга кўшилди. Волга дарёси қуйилиш жойига бехатар етиб келган савдо карвони Астрахань хони Қосимхон





Афанасий Никитиннинг Ҳиндистонга саёҳати харитаси.



Дарбантдаги қўҳна қалъа.

билин келиша олмаган. Натижада кемалар турли қарокчилар томонидан таланди. Никитин орқага қайта олмасди, чунки сотишга олиб кетаётган молларининг асосий қисмини қарзга олган эди. Шунинг учун манбаларда ёзилишича, туркий ва форс тилини тузуккина билган Афанасий Никитин омон қолган молларини чет мамлакатларда катта фойда билан сотиш илинжида Дарбантга (хозирги Россиянинг Догистон Республикаси ҳудудида) жўнади. Мазкур шаҳарда сайёҳ бир йилча қолиб кетган ва Ширвон шоҳи ёрдамида Астраханда асир олинган баъзи ҳамроҳларини кутқаришга муваффақ бўлди. Аммо молларини қайтариб ололмаган.

Афанасий Никитин Дарбантдан Бокуга ва ундан эса Эроннинг Мозандарон шаҳрига жўнаган. Бу ерда майда савдогарлик билан шуғулана туриб, форс тили бўйича малакасини оширди. Сайёҳ шу кўйи Эронда икки йилча қолиб кетди. Айниқса, Жуннар қалъасида Никитин узокроқ вақт қолишга мажбур бўлган. Чунки бу ернинг хони унинг насронийлигини эшишиб, оти ва молларини тортиб олган. Аммо Никитиннинг ёзишича, хуросонлик Мухаммад исмли кимса хондан Афанасийни афв этишини сўраган ва сайёҳ узок вақт тутқун бўлишдан кутулиб қолди.

1471 йилнинг баҳорида Никитин Форс кўлтигини Арабистон денгизи билан туташтириб турувчи Хўрмуз бўғизида жойлашган йирик бандаргоҳ Хўрмуз (хозирги Эроннинг Бандар-Аббос) шаҳрига келди. Ушбу бандаргоҳ Ҳиндистон, Кичик Осиё, Миср ва Хитой ўртасидаги асосий савдо йўллари кесишадиган нуқта эди. Сайёҳ Хўрмуз шаҳри хақида ўзининг сафар қайдномасида шундай ёзади: «Хўрмузда куёш тафти жуда кучли бўлиб, кишини ёндирай дейди. Хўрмузда бир ой бўлгач, от сотиб олиб Пасха байрами арафасида кемага ўтириб Ҳинд ери сари йўл олдим». Савдогар яхши даромад олиш учун таваккал қилишдан кўрқмаслик кераклигини яхши билган ва Ҳиндистонда чопқир отлар қиммат экани билан келиша олмаган. Натижада кемалар турли қарокчилар томонидан таланди. Никитин орқага қайта олмасди, чунки сотишга олиб кетаётган молларининг асосий қисмини қарзга олган эди. Шунинг учун манбаларда ёзилишича, туркий ва форс тилини тузуккина билган Афанасий Никитин омон қолган молларини чет мамлакатларда катта фойда билан сотиш илинжида Дарбантга (хозирги Россиянинг Догистон Республикаси ҳудудида) жўнади. Мазкур шаҳарда сайёҳ бир йилча қолиб кетган ва Ширвон шоҳи ёрдамида Астраханда асир олинган баъзи ҳамроҳларини кутқаришга муваффақ бўлди. Аммо молларини қайтариб ололмаган.

Афанасий Никитин Дарбантдан Бокуга ва ундан эса Эроннинг Мозандарон шаҳрига жўнаган. Бу ерда майда савдогарлик билан шуғулана туриб, форс тили бўйича малакасини оширди. Сайёҳ шу кўйи Эронда икки йилча қолиб кетди. Айниқса, Жуннар қалъасида Никитин узокроқ вақт қолишга мажбур бўлган. Чунки бу ернинг хони унинг насронийлигини эшишиб, оти ва молларини тортиб олган. Аммо Никитиннинг ёзишича, хуросонлик Мухаммад исмли кимса хондан Афанасийни афв этишини сўраган ва сайёҳ узок вақт тутқун бўлишдан кутулиб қолди.

1471 йилнинг баҳорида Никитин Форс кўлтигини Арабистон денгизи билан туташтириб турувчи Хўрмуз бўғизида жойлашган йирик бандаргоҳ Хўрмуз (хозирги Эроннинг Бандар-Аббос) шаҳрига келди. Ушбу бандаргоҳ Ҳиндистон, Кичик Осиё, Миср ва Хитой ўртасидаги асосий савдо йўллари кесишадиган нуқта эди. Сайёҳ Хўрмуз шаҳри хақида ўзининг сафар қайдномасида шундай ёзади: «Хўрмузда куёш тафти жуда кучли бўлиб, кишини ёндирай дейди. Хўрмузда бир ой бўлгач, от сотиб олиб Пасха байрами арафасида кемага ўтириб Ҳинд ери сари йўл олдим». Савдогар яхши даромад олиш учун таваккал қилишдан кўрқмаслик кераклигини яхши билган ва Ҳиндистонда чопқир отлар қиммат экани билан келиша олмаган. Натижада кемалар турли қарокчилар томонидан таланди. Никитин орқага қайта олмасди, чунки сотишга олиб кетаётган молларининг асосий қисмини қарзга олган эди. Шунинг учун манбаларда ёзилишича, туркий ва форс тилини тузуккина билган Афанасий Никитин омон қолган молларини чет мамлакатларда катта фойда билан сотиш илинжида Дарбантга (хозирги Россиянинг Догистон Республикаси ҳудудида) жўнади. Мазкур шаҳарда сайёҳ бир йилча қолиб кетган ва Ширвон шоҳи ёрдамида Астраханда асир олинган баъзи ҳамроҳларини кутқаришга муваффақ бўлди. Аммо молларини қайтариб ололмаган.



Хўрмуз бўғизининг коинотдан кўриниши.

нини эшитиб, яхши бир араб отини сотиб олган. Уни Ҳиндистонда фойда билан сотишни мұлжаллаган зди.

Сайёхнинг денгиз оркали Ҳўрмуз бандаргохидан Ҳиндистоннинг Човул шаҳрига етиб олиши учун олти ҳафта вакт кетган. Отини дархол сота олмаган Никитин, Ҳиндистоннинг турли шаҳарлари бўйлаб саёҳатга отланди. Сайёх кўрган-кечирғанларини сафар қайдномасига батафсил тушириб борарди. Афанасий маҳаллий аҳолининг турмуш тарзи-ю, унинг машғулотига қадар кенг қамровли маълумотларни қоғозга туширган. Жумладан, Никитин хиндларнинг қандай овқат тайёрлаши, отлар ва уй ҳайвонларини қандай бокиши, қандай кийиниши ва савдо қилиши каби маълумотларни кизикарли тарзда ифодалаган.

Фақатгина Бахмонийлар давлати пойтахти Бидар (хозирги Ҳиндистоннинг Карнатака штати, Бидар округи маркази) шаҳрида сайёх отини ўзи хоҳлаган нархда сотишга муваффақ бўлган. Бидар шаҳри XV асрда йирик шаҳар бўлиб, унинг шуҳрати кўпгина мамлакатларга ёйилган зди. 1472 йилнинг январь ойида Никитин муқаддас Парват шаҳрига келди ва шу ерда бир ярим йил яшади. Ҳиндистоннинг олмос провинцияси хисобланган Райчурнинг бошқа бир шаҳри – Диуда сайёх олти ой яшаган.

Тверлик савдогар Ҳиндистон бўйлаб уч йилча саёҳат килган, аммо сафар натижалари уни қониктирумagan. Сайёх бу ҳақда шундай ёзиб қолдиран: «бизнинг еrimiz учун фойдали ҳеч нарса йўқ... фақатгина бўёқ ва қалампир арzon... Аммо бу молларни божсиз олиб келишга йўл бермайдилар. Божлар жуда кўп ва денгизда қароқчилар ҳам...».

Афанасий Никитиннинг Ҳиндистон сафари ҳакида ёзганлари бу мамлакатнинг 1471–1473 йиллардаги ижтимоий ҳаёти ва содир бўлган тарихий воқеалари ҳақидаги муҳим манбадир. Никитин ўша вактлардаги ҳинд сultonлари ва дехқонларининг турмуш даражаси ўртасидаги фарқни, турли табака ва дин вакилларининг бир-бирлари билан ўзаро муносабатларини ҳам назардан четда қолдирумagan. Афанасий Никитиннинг мазкур сафар кундалиги Ўрта асрлардаги Ҳиндистон ҳаёти билан нафақат Россияни, балки бутун Европани таништириди ҳам.

1473 йилнинг бошида Афанасий Никитин Ҳиндистоннинг Дабхол (Дабул) шаҳридан кемада ватанига қайтишга қарор қилди. Кема йўл-

йўлакай Африканинг Эфиопия ва Сомали кирғокларида ва Уммоннинг Маскат шаҳрида бўлиб, уч ойлик сузишдан сўнг Ҳўрмуз бандаргоҳига етиб келган. Никитин Ҳўрмуздан шимол томон йўл олиб, 1474 йилнинг кузида Шероз, Исфаҳон, Кашиан, Табриз ва Эрзинжон орқали сайёҳ Туркиянинг Кора дengиз бўйидаги бандаргоҳ шаҳри Трабзонга етиб олган. Аммо маҳаллий амалдорлар бу ерда унинг барча молларини тортиб олиб, факат сафар кундалигини қолдиришди. Сайёҳ рус савдогарларини учратиш ва улар ёрдамида уйига етиб олиш илинжида Кафе (хозирги Украина нинг Феодосия) шаҳрига қараб йўл олди.

1474 йилнинг 5 нояброда Никитин Феодосияга етиб келиб, шу ерда кишини ўтказган. Мутахассисларнинг фикрича, сайёҳ худди шу шаҳарда ўзининг сафар давомида ёзган кундалигидаги ёзувларни тартибга келтирган ва ўз кузатишлиарини қўшимча равишда қоғозга туширган. 1475 йилнинг баҳорида сайёҳ Днепр дарёси бўйлаб шимол томон йўл олди. Аммо Никитинга ўз шаҳри Твергача етиб бориш насиб этмади. У 1475 йилнинг баҳорида Смоленск яқинида вафот этган. Унинг сафар кундалигини эса бошқа савдогарлар Москвага етказишиган ва бу қимматли ёзувлар Рус давлати йилномасига киритилган.

Йилномага киритилган Афанасий Никитиннинг «Уч дengиз оша саёҳат» сафар кундалиги XV–XVI асрларда бир неча бор қайта кўчирилган ва ҳозиргача унинг олтига нусхаси маълум. Улардан биринчиси XIX асрда архивлардан топилган ва тарихчи-географлар учун қимматли тадқиқот манбаи бўлиб келмоқда.

Никитин Ўрта асрлардаги Ҳиндистон ҳаётини оддий ва ҳаққоний килиб тасвирилаган биринчи европалик сайёҳ ҳисобланади. Сайёҳнинг қолдирган сафар кундалиги иркӣ ёндашувдан холи бўлиб, бошқа дин вакилларига нисбатан бағрикенглиги билан ажралиб ту-



Бидардаги Рангин Маҳал
(Рангли Ўрда).



А. Никитинга Тверь шаҳрида ўрнатилган ҳайкал.

аталган. Россиянинг Тверь ва Украинанинг Феодосия шаҳарларида сайёҳ шарафига ҳайкал ўрнатилган.

Захириддин Мұхаммад БОБУР

(1483–1530)



XVI аср бошларида таниқли шоир ва давлат арбоби Захириддин Мұхаммад Бобурнинг Ҳиндистон заминида бобурийлар салтанатига асос солиб, XIX асрга қадар мазкур сулоланинг ушбу мамлакатда бунёдкорлик ва маърифатпарварлик ишларини олиб боргани тарихдан яхши маълум. Захириддин Мұхаммад Бобур 1483 йил 14 февралда Андижон шаҳрида туғилган. Отаси, Амир Темурнинг панневараси Умаршайх Мирзо Фарғона вилюяти ҳокими бўлган ва онаси Кутлуг Нитор


ради. Никитин ўзининг бу саёҳати билан, XV асрнинг иккинчи ярмида, яъни португал сайди Васко да Гама томонидан Европадан Ҳиндистонга денгиз йўлининг очилишидан 35 йил олдин, бу юртга ўз максади сари олға интилувчи ҳар кандай киши саёҳат қила олиши мумкинлигини исбот килган.

Афанасий Никитиннинг «Уч денгиз оша саёҳат», деб номланган биттагина кўллэзма колдирганига қарамасдан, унинг номи географик кашфиётлар тарихидаги буюк сайёҳлар қаторида тилга олинади. Сайёҳнинг номи билан тог чўққиси ва Ҳинд океанинг экватор яқинидаги узунлиги 275 километрдан ошувчи сувости тоғлиги


хоним Тошкент хонлари авлодидан эди. 1494 йили Умаршайх Мирзо вафот этгач, 12 ёшли Заҳириддин таҳтга ўтириб, Фарғона вилояти ҳокими бўлган. Аммо таҳтга ўтиргандан кейинги 11 йил давомида Ўрта Осиёда рўй берган турли сиёсий ўзгаришлар уни қариндошлари ва 250 тача пиёда аскарлари билан аввал Бадахшон, сўнг Кобулга кетишига мажбур этган.

Бобур дастлаб Афғонистонда ўрнашганди. 1519 йилда Ҳиндистонга йўл олиб, 1526 йил апрелда унинг шимолий қисмини эгаллашга муваффақ бўлди. Бобур Ҳиндистонда йирик давлат тузишга муваффақ бўлган ва пойтахт сифатида Жамна (Ямуна) дарёси бўйидаги Агра шаҳрини танлаган. Таниқли шоир ва давлат арбоби 1530 йил 26 декабрда вафот этган. Дастлаб Агра шаҳридаги мувакқат мақбарага дағн этилган, кейинчалик ҳоки Афғонистон пойтахти Кобулга кўчирилган ва ҳозирда шоирнинг мақбараси Кобулдаги Боги Бобурда жойлашган.

Заҳириддин ёшлигиданоқ турли саёҳатларни яхши кўрган. Бундай сафарларда чиниқкан ҳам. Ёш бўлишига қарамай, ўлкамизнинг географик қиёфасини тасаввур қила олган. Олим 15–16 яшарлигига Фарғона, Самарқанд ва Тошкент оралиғини бир неча мар-



Ҳиндистоннинг Агра шаҳридаги Бобурийлар саройи. Қизил қалъа.



Кобул шаҳридаги Бобур мақбарасининг таъмирдан кейинги кўриниши.

та кезиб чиққан. 19 ёшга тўлган йили Ҳисор тарафидан токқа кўтарилиб, Фондарё ва Искандарқўл орқали Зарафшон водийсига ўтиб, Самарқандга келган. У бу хақда шундай ёзади: «...Қамруд дарасига кириб, юқори томонга караб кетдик. Тор ва учма йўлларда, баланд ва тик довонларда кўп от ва түя қолди. Уч-тўрт манзил қўниб, Сиратоғ довонига етдик. Довонмисан-довон. Ҳеч қачон бундай баланд ва учма йўллар билан юрмаган эдик. Кўп ташвиш ва машқатлар билан хатарли тор ва учмалардан ўтиб, юз азобу заҳматлар билан ҳалокатли баландликлар, тор довонлардан ошиб, Фон туманига келдик. Фон тоғларининг орасида бир катта кўл бор, унинг муҳити – сатҳи тахминан бир шаърий келади, ажаб кўлдир; гаройиботдан холи эмас...» Бобурнинг мазкур сафари бундан 480 йилча илгари амалга оширилганлигини инобатга олсак, унинг саргузаштларга қанчалик ишқибоз бўлганига амин бўлиш мумкин.

Бобурнинг ёзишича, 21 ёшигача Фарғонадан Бухорогача, Тошкентдан Ҳисор ва Ҳиротгача бўлган барча шаҳар ва қишлокларда ҳамда дашту тоғларда бўлган. Фарғона водийсида у борган энг шарқий жой – Ўзган шаҳридир. Ўзбекистоннинг гарби, Бухоро ва

Карши хам Бобурга яхши таниш эди. Шунингдек, Эрон билан Афғонистон чегарасида, ўша даврнинг энг йирик пойтахтларидан бўлган Ҳиротда бир қанча вақт яшаган. Шу тариқа умрининг деярли 36 йилини сафарларда ўтказган ва ўн минглаб километр йўл босган, Бобур Фарғонадан Банголагача (Ҳиндистондаги Бенгалия) борган.

Саёҳатлари мобайнида эса Бобур ўзининг шоҳ асари «Бобурнома» учун бой маълумотлар тўплаган. Манбаларда келтирилишича, ёнида доимо хотира дафтари бўлган ва у кўрган, билган, эшитганларини дарров ёзиб кўярди. Кейинчалик ёзувларини тартибга солиб, кўшимчалар киритиб, таҳрир қилиб, яхлит асар кўринишига келтирган.

Дарҳақиқат, олимнинг яратган бадиий асарлари билан бир қаторда Ўрта Осиё, Афғонистон ва Ҳиндистон давлатларининг географияси, тарихи, ижтимоий-иктисодий ҳаёти, табиати, этнографияси ва тиббиётига оид муҳим маълумотларни ўзида акс эттирган «Бобурнома» алоҳида ўрин тутади. «Бобурнома» Заҳириддин Мұхаммад Бобурнинг Фарғонадаги ёшлик ҷоғларидан то Ҳиндистонда подшоҳ бўлганигача бошдан ўтказганларининг муфассал таърифидир.




Бобур Ҳисор тоғларидағи Искандарқўлга бир неча марта борган.

Асарда Фарғонадан Ҳиндистонгача бўлган кенг ҳудудда Бобурнинг ўзи кўрган жойлари, уларнинг табиати, бойлиги, одамлари, урфодатлари, ҳайвонот ва ўсимликлари ҳакидаги маълумотлар батафсил ёритилган.

Шуниси эътиборлики, исталган фан ёки касб вакили мазкур китобдан ўзи учун керакли маълумотни топа олади. «Бобурнома» эски ўзбек тилида ёзилган бўлиб, ҳозирги вактда замонавий ўзбек тилига ўтирилган.

«Бобурнома»да келтирилган маълумотлар шундан далолат беради, олим нафакат табиатшунослик ва географияни, балки биология, зоология, этнография, тарих ва бошка фанлардан яхши хабардор бўлган. Жумладан, «Бобурнома»да мингдан ортиқ географик номлар – мамлакат, шаҳар, қишлоқ, қалъа, дашт, тоғ, довон, дара, дарё, кўпrik, кечув, кўл, чашма, боғ, ялов, ўтлок ва бошка жойларнинг номлари тилга олинади. Бундан ташқари, Бобур бир канча узоқ мамлакатларнинг (Арабистон, Ирок, Эрон, Озарбайжон, Рум, Тибет, Хитой, Кошғар) номларини ҳам келтирганки, бу олим-



Косонсойдаги 700 ёшли чинорни Бобур кўрган бўлиши мумкин.

нинг ўша вактлардаги дунё географиясидан ҳам яхши хабардор бўлганлигидан далолатdir.


Бобур ўз асарида турли жойларнинг иклими, рельефи, аҳолиси ва бошка хусусиятларини тасвирлар экан, уларни бир-бири билан таққослашда қиёсий усулдан усталик билан фойдаланган. Бу эса ҳозирги замон географиясида кенг кўлланиладиган усуллардан биридир. Жумладан, Бобур Ўш билан Косон (ҳозирги Наманганд вилоятидаги Косонсой)ни таққослаб шундай ёзади: «Андижонга сув Ўшдан келганидек, Аксига сув Косондан келади. Ҳавоси яхши. Сафоли боғчалари бор... Хушҳаволикда Ўш билан Косоннинг ўхшашлиги бор...»

«Бобурнома»да турли жойларда яшайдиган аҳолига оид хусусиятлар ҳам таққосланиб, ғоят қизиқарли маълумотлар берилган: «...Хурросон ва Самарқандда туркий ва аймоклар кўчманчилардир. Афғонистонда эса ҳазора ва афғонлар кўчиб юрадилар».

«Бобурнома»да турли жойлардаги тоғларнинг табиати, уларнинг геоморфологияси ва ҳатто, ёнбағир экспозициясига оид маълумотлар илмий тарзда ёритилган. Жумладан, Бобур Ҳисор тоғларининг жанубий этакларида ёғингарчилик кўп бўлиши тўғрисидаги маълумотларни келтиради. Фарғона водийси иклимининг қишидаги ҳолати нимага боғлиқ эканлигига тўғри баҳо бериб, бунга сабаб ҳаво оқимларининг ғарбдан шарққа қараб эсшини ва улар асосан, Бекобод орқали водийга кириб келишини аниқ кўрсатиб ўтган.

«Бобурнома»да ўлкамизнинг дарё ва кўлларига оид маълумотлар жуда кўп. Дарёларнинг чуқурлиги, музлаши, сув сарфи ва манбалари асарда батафсил таърифланган. Бобур XVI аср бошидаёқ Осиё қитъасидаги Ҳиндукӯш ва Ҳимолай тоғлари шимол ва жануб дарёлари сувини ажратувчи тоғлар эканини кўрсатган.

Асарда шунингдек, жуда кўп гиёҳ ва дараҳтлар, уларнинг хосиятлари ва аҳамияти муаллиф томонидан уста табиатшунос сифатида таърифланган. У шундай ёзади: «Фарғона вилоятининг теваракатроғидаги тоғларда яхши яйловлар бор. Тобулғу шу тоғларда бўлади, бошка ҳеч қаерда бўлмайди. Тобулғу шундай бир бутасимон дараҳтдирки, пўсти қизил, ундан ҳасса, қамчи дастаси, күшларга ин қиладилар; йўниб камон ўқи ясадилар, анча яхши дараҳтдир...»



Кокос дарахти ва унинг меваси.

«Бобурнома»да Ҳиндистон ўсимликлариға ҳам кенг ўрин берилган. У ернинг барча дарахт, мева, гиёх ва гуллари жуда батафсил тасвирланади. Асарда тилга олинган тропик ўсимликларнинг номи терминология нуқтаи назаридан ҳам улкан аҳамиятга эга. Хусусан, асарда банан дарахти кейла, деб аталган ва кокос пальмаси (анба) ҳакида маълумотлар бор. Чунончи, ҳозирги вақтда 33 фоизи эндемик турлардан иборатлиги илмий жиҳатдан исботланган Ҳиндистон ўсимлик дунёсининг хусусиятлари Бобур яшаган даврлардаёқ унинг асарида кенг далиллар билан асослаб берилган.


Бобур асарида ҳайвонот дунёсини тўрт типга бўлган: қуруқлик ҳайвонлари, паррандалар, сувда ва сув ёқаларида яшайдиган қушлар, сув ҳайвонлари. Бу эса Бобур XVI асрдаёқ ҳайвонот дунёсini таснифлаш билан шуғулланганлигини кўрсатади. Айниқса, унинг Ҳиндистон фили тўғрисидаги маълумотлари ғоят кизикарли. «...Ёввойи ҳайвонлардан бири филdir. Ҳиндистонлик уни «хаатий» дейди... Фил йирик жуссали ва зийрак жонивордир. Ҳар нима десалар билади ва ҳар нима буюрсалар қиласди...». Бобур каркидон ҳакида шундай ёзган: «Яна бири каркдир. Бу ҳам йирик жонивор. Катталиги уч сигирча бўлади... Бир шохи бор бурнининг устида, узунлиги бир кариҷдан кўпроқ...»



Ҳиндистон фили.

«Бобурнома»да келтирилган жой ва табиий объектларнинг номлари ўша ерда яшайдиган аҳоли тилида келтирилган. Бу эса топонимиканинг асосий қоидаларидан бири, яъни жой номлари таржима қилинmasлигини муаллифнинг яхши англаганидан далолат. Фарғона водийсининг жануби-шарқидаги тоғларни (ҳозирги номи Туркистон тизмаси) Бобур Андижон тоғлари, шимолдаги тоғлар (Талас)ни эса Еттикент тоғлари, деб атаган. «Бобурнома»да Ўрта Осиё, Афғонистон ва Ҳиндистондаги юзлаб географик номлар, жумладан, Конибодом, Ҳодарвеш, Кўҳисафид, Назаргоҳ, Тошкент, Самарқанд, Сиволак кабилар тарихий ва луғавий жиҳатдан изоҳлаб берилган.

«Бобурнома»нинг ўзига хос томони шундаки, унда муаллиф турли ҳудудларнинг табиати, географик хусусиятлари, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси ҳамда хўжалик имкониятларини яхлит мажмуа сифатида содда тилда тасвирлайди. Бобур туғилган жойи Фарғона водийси ва умрининг бир қисми ўтган Ҳиндистоннинг географик ўрни, тоғлари, сувлари, чўл, яйлов ва боғлари тўғрисида уларнинг ҳозирги замон ҳолатига тўғри келадиган киёсий маълумотларни келтирган. Шу нуктаи назардан «Бобурнома»ни ўзбек тилида ёзил-




Хиндистоннинг Агра шаҳридаги Тож Маҳал мақбараси.

ган дастлабки энг йирик табиий, тарихий, географик илмий асар, Бобурни эса Ўрта Осиё, Афғонистон ва Ҳиндистон географиясини биринчи бўлиб ўзбек тилида тасвирлаган олим, деб айтиш мумкин.

Бобурийлар сулоласи Ҳиндистонда буюк давлат барпо қилиш билан бир қаторда, ушбу юртда ободончилик ишларини олиб боришган ва мамлакатда илм-маърифатнинг юксалишига катта ҳисса қўшишган. Шунингдек, Бобур ва унинг авлодлари томонидан Тож Маҳал, Шоҳ Акбар мақбараси, Агра ва Дехлидаги Қизил қалъалар каби маҳобатли меъморий обидалар барпо этилганки, улар ҳозирда ҳам нафақат ҳиндистонликларнинг, балки бутун дунёдан ташриф буорадиган сайёхларнинг севимли зиёрат масканлари ҳисобланади.

Бобурнинг қолдирган илмий мероси муҳим тарихий-географик манба сифатида ҳозирги вақтда ҳам олимлар томонидан кенг ўрганилмоқда. «Бобурнома» араб, форс, ҳинд, инглиз, немис, француз, голланд ва турк тилларига таржима қилинган



Андижон шаҳридаги Бобур ҳайкали.

бўлиб, кўплаб нусхалари жаҳоннинг нуфузли кутубхоналарида сақланмоқда. XIX асрда Марказий Осиёни ўрганган венгриялик сайд А. Вамберининг фикрича: «Бобурнинг «Бобурнома»си Юлий Цезарнинг «Комментария»лари каби жаҳон адабиётида катта ўрин эгаллади».

ДУНЁНИ ЎЗГАРТИРГАН ГЕОГРАФИК КАШФИЁТЛАР



XV асрнинг ўрталариға қадар Ер шарининг Европа, Марказий ва Жанубий Осиёдаги баъзи худудларидан ташқари кўпгина кисми европаликларга ҳали номаълум эди. Уларнинг аксарияти XVII асрнинг ўрталариға қадар денгизда сузишнинг ривожланиши туфайли амалга оширилган саёҳатлар натижасида кашф этилган. Бундай саёҳатлар дунё тараққёти суръатларининг кескин тезлашишига олиб келди, албатта. Уларни география тарихига оид илмий адабиётларда ҳакли равишда «буюк географик кашфиётлар даври» деб аташ қабул қилинган.

Мутахассисларнинг фикрича, буюк географик кашфиётларнинг амалга оширилишида XV аср ўрталарида Европа мамлакатларида вужудга келган тарихий-иқтисодий шароит мухим роль ўйнаган. Чунки бу вактга келиб Европада маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми кескин кўпайган ва турли табиий ресурсларга, жумладан, кимматбаҳо металларга бўлган эҳтиёж ошган. Бу эса ўз навбатида янги ерларни кидириб топиш ва улардаги мавжуд табиий бойликларни Европага келтириш учун қулай денгиз йўлларини кашф этишга интилишнинг кучайишига олиб келди.

Ҳиндистон ва Шарқий Осиёга борадиган қулай савдо йўлларининг кашф этилиши ўша пайтда европалик савдогарлар учун ташки иқтисодий алоқаларда авж олган воситачиликка барҳам бериш ва Осиё мамлакатларига маҳсулотни тўғридан-тўғри сотиш, улардан керакли молларни харид килиш имкониятини яратиши мумкин эди.

Бундан ташқари, XV асргача фан-техника тараккиётидаги ўзгаришлар, жумладан, дунё океанида хатарсиз сузишни таъминлай оладиган елканли кемалар ва компаснинг яратилиши, денгиз хариталари тузишнинг такомиллашиши ҳамда Ернинг шарсимонлиги хақидаги ғоянинг баркарорлашиши ҳам буюк географик кашфиётларни амалга оширишга шарт-шароит яратиб берган.

Буюк географик кашфиётлар даврини мутахассислар шартли равишда учга бўлишади: XV аср охири – XVI аср ўрталари, XVI асрнинг иккинчи ярми – XVII аср ўрталари гача ва XVII асрнинг иккинчи ярми – XVIII асрларда амалга оширилган географик кашфиётлар. Биринчи даврда Америка китъасини ўрганиш, Европадан Ҳиндистонга денгиз йўлини очиш ва Ер шари бўйлаб айланма саёҳатлар амалга оширилган бўлса, иккинчи давр эса Шимолий ва Шарқий Осиё, Арктика, Тинч океани ҳамда Австралия ва Янги Зеландияга уюштирилган саёҳатларни ўз ичига олади. Учинчи даврда эса Австралия кенгрок тадқиқ этилган, Тинч океанининг турли қисмлари чукур ўрганилган.


Биринчи даврда амалга оширилган асосий саёҳатлар сифатида қўйидагиларни санаб ўтиш мумкин. XV асрнинг 80-йилларида португал денгизчилари, жумладан, Бартоломеу Диаш биринчи бўлиб, Африканинг ғарбий ва жанубий қирғоқларини ўрганиб чиқишган ва Атлантика океанидан Ҳинд океанига бўлган денгиз йўлини аниқлашган.

1492–1494 йилларда Х. Колумбнинг биринчи экспедицияси томонидан Багам, Катта ва Кичик Антиль оролларининг кашф этилиши европаликларнинг Америкага интилишини кучайтирган бўлса, 1497–1499 йиллар давомида португал сајёҳи Васко да Гама томонидан араб йўл бошловчилари ёрдамида уюштирилган саёҳат Европадан Ҳиндистонга денгиз йўлининг кашф этилиши ва шу орқали европаликларнинг Осиё мамлакатлари билан бўлган савдо алоқаларини кенгайишига олиб келган.

БУЮК ГЕОГРАФИК

Харитада рақамлар
билин күрсатылған





Буюк географик кашфиётлар даврида амалга оширилган саёхатлар харитаси.

1498–1502 йилларда Х. Колумб, А. Веспуччи ва А. Охеда каби испан ва португал сайёхлари Жанубий Американинг шимолий ва Бразилия ёнидаги кирғокларини очишган. Шуниси кизиқарлики, Атлантика океанидан Тинч океанига ўтиш мумкин бўлган Х. Колумб топа олмаган Панама бўйнидаги энг киска йўл 1513–1525 йилларда испан сайёхи В. Нуње де Бильбао томонидан кашф этилган. Бу кашфиёт бутун Жанубий ва Марказий Американинг турли томондан тадқиқ этилишига туртки берди.

Ўрта асрларгача мавжуд бўлган Ернинг шарсимонлиги ҳақидаги ғоя ва тахминлар 1519–1522 йилларда португал сайёхи Фернандо Магеллан томонидан биринчилардан бўлиб Ер шари бўйлаб амалга оширилган айланма саёҳат натижасида ўз исботини топди. Шундан сўнг бир қатор испан сайёхлари 1526–1552 йилларда Жанубий Американинг Тинч океан кирғоклари, Анд тоғлари, Ориноко ва Амазонка дарёларининг куйилиши жойларини кашф этишган. Шимолий Американинг шарқий кирғоклари француз сайёхлари Ж. Веррацано (1524) ва Ж. Картье (1534–1535), инглиз сайёхи Ж. Кабот (1494), ушбу материқдаги Аппалачи тоғлари, Колорадо ва Миссисипи дарёлари водийлари испан сайёхлари Э. Сото ва Ф. Коронадо томонидан 1540–1542 йилларда ўрганилган.

Иккинчи даврдаги саёҳатларнинг аксарияти шарқий ва ғарбий яримшарларнинг шимолий қисмлари бўйлаб амалга оширилган. Ермакнинг 1581–1584 йиллардаги Ғарбий Сибирга юришидан кейин, бир қатор рус сайёхлари – И. Москвитин, Е. Хабаров ва бошқалар XVII асрнинг биринчи ярмида Енисей ва Лена дарёларини ўрганиб, бутун Шимолий Осиёни кесиб ўтган ҳолда Охота денгизигача етиб боришган.

Арктикани ўрганишда голланд сайёхи В. Баренцнинг ҳиссаси катта. У Европадан Хитойга борадиган Шимолий денгиз йўлини топиш илинжида 1594 йили Новая Земля оролини, 1596 йили Шпицберген оролларини чукур ўргангандиган. Арктиканинг Шимолий Америка ва Атлантикага туташ қисмини, жумладан, Гренландия ороли, Баффин ери, Лабрадор яримороли ва Гудзон кўлтиқларини инглиз денгизчи-сайёхлари Г. Гудзон, У. Баффин, Ж. Дейвис ва бошқалар тадқиқ этишган.

Рус сайёхларидан С. Дежнёв 1647–1649 йилларда Осиёнинг шимолий кирғокларидағи бир қатор орол ва яриморолларни кашф этди. Мазкур сайёх Беринг бүғози орқали Тинч океанига ўтишга муваффак бўлиб, Осиё китъасининг Америка билан туташ эмаслигини амалда исбот қилган. Аммо С. Дежнёвнинг мазкур саёҳати натижалари узок вақт кенг оммага маълум бўлмай, Ёкутистон архивларида қолиб кетган.

Тинч океанидаги қатор оролларнинг кашф этилишида испан сайёхи Л. Торреснинг, XVII асрнинг биринчи ярмида Австралия, Тасмания ва Янги Зеландиянинг тадқиқ этилишида голланд саёҳлари В. Янссон ва А. Тасманларнинг хизмати бекиёс бўлганини таъкидлаш жоиз.

XVII асрнинг иккинчи ярми – XVIII асрларни ўз ичига олган учинчи даврда амалга оширилган саёҳатлар давомида Тинч океани бирмунча кенгрок тадқиқ этилиб, Дунё океанидаги қатор ороллар кашф этилган.

Ушбу даврда рус сайёхи Витус Беринг Осиёнинг шимоли-шарқий кирғокларини тадқиқ этган. Мазкур сайёҳ Осиё ва Шимолий Американинг ўзаро туташ бўлмай, балки денгиз бўғизи билан ажralганини исботлаб, ушбу худудларни илк бор харитага туширган. Инглиз сайёхи Ж. Кук томонидан Австралия, Янги Зеландия ва Тинч океанидаги қатор ороллар ўрганилиб, Янги Зеландиянинг Австралиядан ажralган алоҳида иккита оролдан иборатлиги исботланган. Ж. Кук саёҳатларининг натижаси ўлароқ, Австралия илмий адабиётларда алоҳида материк сифатида тилга олина бошлади.

Кўриниб турибдики, буюк географик кашфиётлар бутунжаҳон аҳамиятига молик воқеа сифатида дунё тарихига кирган. Бунинг натижаси ўлароқ, мавжуд материкларнинг кирғоқ чизиклари ҳолати аникланиб, Ер шари қуруқлигининг асосий қисми ўрганилди. Шунингдек, фаннинг турли тармоқлари – география, ботаника, зоология, этнография ва бошқа соҳаларда янги илмий тадқикот обьектларининг пайдо бўлишига сабаб бўлди. Европага қатор янги экинлар – картошка, помидор, маккажўхори ва тамаки олиб келиниб, етиштирила бошлаган.

Буюк географик кашфиётлар даврида янги денгиз йўлларининг очилиши, савдо-сотиқнинг бутунжаҳон миқёсида ривожланиши-

га ва бу эса ўз навбатида сайёрамизда мухим ижобий ижтимоий-иктисодий ўзгаришларга турткы бўлди. Аммо таъкидлаш жоизки, буюк географик кашфиётлар янги очилган ерларнинг аста-секин мустамлакаларга айланишига, қулдорлик ва қул савдоси каби қатор салбий унсурларнинг юзага келишига ҳам сабаб бўлган.

Христофор КОЛУМБ

(1451–1506)



Географик кашфиётлар тарихида катта из қолдирган шахс. Машхур сайёхлар орасида ҳаётининг турли қирраларини ёритувчи асарлар сони бўйича ҳам Христофор Колумбга тенг келадигани кам топилади. Чунки 1451 йилнинг кузида Италия шимолидаги Генуя шаҳрида туғилган сайёҳ ҳаёти сир-синоатларга бойлиги билан ҳалигача турли соҳалардаги тадқиқотчилар эътиборини ўзига тортиб келмокда.

Мутахассисларнинг фикрича, жасур сайёҳ X. Колумб 55 йиллик умрийнинг тўртдан уч қисмини дengiz saёҳатларида ўtkazgan. Жумладан, у 1465 йилда дастлаб Генуя флотига ёлланган бўлса, 1470 йилдан 1485 йилга қадар Португалия флотида хизмат қилди. У, асосан, савдо кемаларига ёлланиб, бўш вақтларида хариталар тузиш, табиий фанларга оид билимини ошириш билан машғул бўларди.

X. Колумбда Европадан Ҳиндистонга борадиган дengiz йўлини топиш ҳақидаги ғоянинг қачон ва қаерда пайдо бўлгани тўғрисида аниқ маълумотлар мавжуд эмас. Аммо сайёҳнинг ёзишича, унинг бу лойиҳаси Ернинг шар шаклида эканлиги ҳақидаги қадимги замон олимлари қолдирган маълумотлар ва XV асрда Европада яшаган олимларнинг Ер ўлчамларига доир унча аниқ бўлмаган ҳисобкитобларига асосланган эди.

Дengiz орқали Ҳиндистонга бориш йўлини топиш лойиҳасини амалга ошириш учун тақдим этган сўровига португал қиролидан

рад жавобини олган Х. Колумб 1485 йилда Испаниянинг Кастилия провинциясига кўчиб ўтди. Худди шу ерда андалусиялик савдогар ва банкирлар ёрдамида ўзининг биринчи денгиз экспедициясини ташкил этишга муваффақ бўлган.

Х. Колумбнинг биринчи экспедицияси 1492–1493 йиллар давомида 90 кишидан иборат экипаж билан учта – «Санта-Мария», «Пинта» ва «Нинья» кемаларида амалга оширилган. 1492 йилнинг август ойида экспедиция Канар оролларидан гарбга томон сузиб, Атлантика океанини кесиб ўтди. Х. Колумб йўлйўлакай Саргасс денгизини кашф этиб, 1492 йилнинг 12 октябрида Багам архипелагига этиб келган ва



Х. Колумб Американи кашф этган «Санта Мария» кемаси.



Христофор Колумбнинг Америкага келиши.

унга Сан-Салвадор, деб ном берган. Ушбу сана хозирда Америка кашф этилган кун сифатида расман тан олинган.

Жасур сайёх 1492 йилнинг октябрида яна бир нечта бошқа Багам оролларига томон сузуб, ўша йилнинг декабри бошларида Куба кирғокларини кашф этган ва Гаити оролигача етиб борган. 1493 йилнинг март ойида эса «Нинья» кемасида Испанияга эсон-омон қайтиб келди. Унинг биринчи экспедицияси натижалари Европада катта сиёсий шов-шувларга сабаб бўлган.

Х. Колумбнинг иккинчи экспедицияси 1493–1496 йилларда ташкил этилиб, унда 2,5 мингдан ортиқ экипаж билан 17 та кема иштирок этган. Адмирал унвони ва янги очилган ерларнинг вице-кироли сифатида сайёх 1493 йилнинг ноябрь ойида Доминика, Гваделупа ва 20 дан ортиқ Антил оролларини кашф этиб, Пуэрто-Рикогача етиб борган. Колумб 1494 йилнинг баҳорида олтин топиш илинжида Гаити оролининг ички қисмларини ўргангандан ўша йили ёзда Кубанинг жанубий кирғоклари, Хувентуд ва Ямайка оролларини кашф этган. 1496 йилнинг ёзида Колумб янги очилган ороллар тўғрисида жуда бой маълумотлар билан яна Испанияга қайтган.

Х. Колумбнинг 1498–1500 йилларда амалга оширилган учинчи экспедицияси 6 та кемадан иборат бўлиб, улардан учтасини бевосита сайёхнинг ўзи бошлаб борган. 1498 йилнинг июль ойи охирида экспедиция Тринидад ороли ёнидан ўтиб, Пария қўлтиғига кириб борган ва Ориноко дарёсининг қуилиши жойи ҳамда Пария яриморолини кашф этган. Жанубий Америка қиғоқлари яқинидаги яна бошқа оролларни ҳам кашф этгач, Гаити оролига қайтиб келишган. 1500 йилда эса Х. Колумб Ҳиндистонга бориш йўлини топа олмаганликда айбланиб, ҳибсга олинди ва Испанияга жўнатилди. Аммо кашф этган ерларнинг олtinga бойлиги каби ҳолатларни ҳисобга олган испан ҳукумати кейинчалик уни озод қилган.

Ҳиндистонга борадиган денгиз йўлини топиш учун яна испан ҳукуматидан рухсат олишга эришган X. Колумб 1502–1504 йиллар давомида 4 та кемада ўзининг тўртинчи экспедициясини амалга ошириди. 1502 йилнинг ёзида Мартиника ороли ва Гондурас қўлтиқларини кашф этди. Ҳудди шу ерда биринчи бўлиб қадимги майя цивилизацияси вакилларига дуч келган. 1502 йилнинг августидан 1503 йилнинг май ойига қадар Марказий Америкадаги Кариб



Ямайка ороли Кариб дегизидаги энг гүзәл гүшалардан бири.

дегизининг 2000 км.дан ортиқ масофадаги кирғокларини текшириб чиққан. Фарбга ўтиш йўлини топмагач, сайёҳ шимол томонга сузди. Аммо 1503 йилнинг июнь ойида Ямайка ороли яқинида ҳалокатга учраган. Ёрдам эса фақат бир йилдан сўнггина етиб келиб, X. Колумб 1504 йилнинг ноябрь ойида оғир касал ҳолида Испанияга қайтган.

Х. Колумб Америго Веспуччи томонидан Американи янги қитъа сифатида кашф этганига қадар Ҳиндистонга борганига ишонар эди. Шунинг учун ҳам ўзи кашф этган ерлардаги туб аҳолини хиндулар деб атаган. Ҳиндулар иборасининг ҳозирги кунда ҳам ишлатилишидан хабардорсиз, албатта.

Американи кашф этган сайёҳ сифатида барибир X. Колумб тан олинса-да, Шимолий Америкага биринчи бўлиб борган европалик ҳисобланмайди. Чунки ундан бир неча юз йил мұқаддам Гренландияда яшаган викинглар ушбу материкнинг шимолий қирғокларигача етиб боришиган. Аммо фақат X. Колумбнинг саёҳатигина жаҳон тарихида оламшумул бурилиш ясаганини таъкидлаш жоиз.



Христофор Колумбнинг Мадрид шаҳридаги ҳайкали.

Шаҳридаги марказий хиёбонларидан бирига, Германиянинг Бремерхавен шаҳрида буюк денгизчи-сайёхнинг ҳайкаллари ўрнатилган.



Замондошларининг ёзишича, Х. Колумб ўрта бўйли, бақувват ва ҳамсухбатларини ўз фикрига ишонтира олиш иқтидорига эга, доно киши бўлган экан. Сайёхнинг географик кашфиётлар тарихида қолдирган меросига эҳтиром рамзи сифатида дунёдаги кўпгина табиий ва ижтимоий объектларга унинг номи берилган. Жумладан, Жанубий Америкадаги давлат, Канададаги провинция, АҚШдаги федерал округ ва дарё, Шри-Ланка пойтахти, шунингдек, турли мамлакатлардаги кўплаб дарё, тоғ тизмалари, кўллар, шаршаралар, шаҳарлар, парклар ва кўприклар унинг номи билан аталади. Шимолий ва Жанубий Америкадаги кўплаб шаҳарларда сайёхнинг ҳайкаллари мавжуд. Шунингдек, Испаниянинг Барселона

Америго ВЕСПУЧЧИ

(1454–1512)

Американинг кашф этилиши деганда, табиийки, кўз олдимизга беихтиёр буюк сайёҳ Христофор Колумб келади, албатта. Аммо Х. Колумб Европадан Гарбда кашф этган ерларни Ҳиндистон деб ўйлаб, уларни бирор бир асарида «Янги дунё» деб атамаган. Аммо бу вазифани Х. Колумбнинг замондоши, флоренциялик сайёҳ Америго Веспуччи

амалга оширган ва янги дунё унинг номи билан «Америка», деб аталган.

Америго Веспуччи 1454 йилнинг 9 марта Италиянинг Флоренция шаҳрида нотариус оиласида дунёга келган. Ёшлигиданок турли фанлардан яхши хабардор бўлган олим амакиси Жоржио Антонио Веспуччи кўлида тарбия олиб, лотин тили, физика, математика, астрономия ва география фанларини чуқур ўзлаштириди.

1478–1480 йилларда Флоренциянинг Париждаги элчиси бўлган бошқа амакиси Гвидо Антонио Веспуччи билан бирга элчихонада ҳам фаолият олиб борган. Францияга турли мамлакатлардан келган элчилар билан мулоқотлар ёш Америгода узоқ ўлкаларга саёҳат қилиш орзусини уйғотган. 1483 йилда А. Веспуччи савдогар сифатида Испаниянинг Севилья шаҳрида жойлашган флоренциялик Ж. Берардининг савдо уйига хизматга кирди. Ушбу савдо уйи X. Колумбнинг 1493 йилги иккинчи экспедициясини маблағ билан таъминлаганини хисобга олсак, А. Веспуччи X. Колумб билан шу вақтдан буён таниш бўлган, дейиш мумкин.

Ж. Берардининг вафотидан кейин, яъни 1495 йилда А. Веспуччи савдо уйи раҳбари вазифасини эгаллади. Испан хукумати 1495 йилда X. Колумб билан алоқаларини тўхтатганидан кейин А. Веспуччи Хиндистонга ташкил этилиши лозим бўлган экспедициялар таъминоти ҳуқуқини қўлган киритган. Шу билан бирга савдо уйининг муваффакиятли ривожи А. Веспуччида турли савдо экспедицияларида бевосита қатнашиш ва янги дунёни ўз кўзи билан кўриш иштиёқини кучайтириди.

А. Веспуччи дастлаб, штурман сифатида адмирал Алонсо до Охеданинг биринчи экспедициясида иштирок этган. Сайёхнинг Испания қироли Фердинанд Аргонский томонидан маъкулланган Янги Дунёга биринчи саёҳати 1497 йилнинг 10 майида бошланган.

Етарли исбот ва далиллар (хариталар, кема кундалиги ва бошқа) бўлмаганлиги боис, ушбу саёҳат ҳақида жуда кам нарса маълум. Экспедиция Гвиана кирғокларигача етиб бориб, 1498 йилнинг 15 октябрида Испанияга қайтиб келган. Аммо кейин кўпчилик бу саёҳатнинг натижаларига, сайёхнинг умуман, Америка кирғокларига сузуб борганига шубҳа билан қарай бошлади. Шу сабаб Американи янги материк экани ҳақида хабар берганига қарамасдан, уни бирин-



Америго Веспуччининг Марказий ва Жанубий Америкага саёҳатлари харитаси.

чи очган киши сифатида барибир буюк сайёҳ Христофор Колумб эътироф этилган.

1499 йил 20 майда Америго Веспуччи тўртта кемада Кадис шахри яқинидаги Пуэрто де-Санта-Мария портидан янги саёҳатга жўнаган. Экспедиция 24 кунлик сузишдан кейин Суринам кирғокларига етиб бориб, 3° шимолий кенглигик бўйлаб уни ўрганиб чиқди. Ушбу йўналиш X. Колумб томонидан 1498 йил октябрда тузилган янги харита асосида танланган эди.

А. Веспуччи Маркайбо қўлтигини ўрганаётib, сувда, ёғоч устунлар устига қурилган қишлоқларни учратди ва бу жойни Кичик Венеция, яъни Венесуэла деб атади. Шундан сўнг сайёҳ Пария бурнидан 200 миль ғарбга сузиз, Вест-Индия оролларига кириб, 1500 йилда Кадисга қайтди.

1500 йилнинг охирида Португалия қироли Мануэль I таклифига биноан ушбу давлатга йўл олди ва ушбу мамлакат кемаларида Лиссабон кирғокларидан янги дунёга яна икки бор уюштирилган саёҳатларда иштирок этди. Ушбу саёҳатларнинг биринчиси, 1501 йил майдан 1502 йил сентябргача, иккинчиси эса, 1503 йил майдан 1504 йил июнгача давом этган.



Америго Веспуччи саёхатга чикқан елканли кема.

А. Веспуччи ўз саёхатларида экспедиция бошлиғи бўлиб эмас, балки кўпроқ космограф, картограф ва кема бошқарувчиси сифатида иштирок этган. Фақатгина, Бразилия қирғоқларининг катта кисми ўрганилган иккинчи экспедиция вақтида у кичикроқ кемага кўмондонлик қилган.

Х. Колумб томонидан денгиз ишлари бўйича Португалия қироли Мануэль I нинг энг ашаддий рақиби ҳисобланган испан қироли Фердинанд II га А. Веспуччи тавсия этилгач, 1505 йилда яна Испания қироллигининг денгиз хизматига қайтган. 1508 йил марта да эса Ҳиндистонга ташкил этиладиган саёхатларда бош кема бошқарувчиси этиб тайинланди. А. Веспуччи 1512 йилнинг 22 февралида 58 ёшида Севильяда вафот этган.

Америго Веспуччининг ўша замонда яшаган таникли кишиларга ёзган дўстона хатлари буюк сайёхдан колган ягона ёзма эсаликлар ҳисобланади. Ана шундай кишилардан бири Лоренцио ди-Пьерфранческо дель-Медичи географик кашфиётлар ишқибози бўлган Лотарингия қироли Рене II га А. Веспуччининг саёхатлари хақида хабар берган ва ўлимидан кейин сайёхнинг хатлари Флоренцияда нашр этилган.



Америго Веспуччи гатани
Флоренцияда күйилган ҳайкал.

аташ таклифи биринчи марта лотарингиялик китоб савдоси билан шуғулланувчи Мартин Вальдзеемюллер томонидан илгари сурилган.

М. Вальдзеемюller 1507 йилда Гилакомила тахаллуси билан А. Веспуччи саёхатларига бағишлиланган китобни нашр этган ва ушбу асар күпчиликнинг эътиборини ўзига тортиб, яна тўрт марта қайта нашр этилган. Унинг «Янги дунё»ни А. Веспуччи шарафига «Америка» деб аташ таклифи тез орада кўпчилик томонидан қўллаб-куватланган. Жумладан, ушбу ном 1520 йилда чоп этилган умумгеографик харитада, шунингдек, 1522 ва 1530 йилларда нашр килинган хариталарда ҳам акс этганди.

XVI асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб босиб чиқарилган географик хариталарда картографлар «Америка» номини Марказий ва Шимолий Америкага нисбатан ҳам ишлата бошлашган.

1507 йилда венециялик космограф ва картограф А. Цорцининг энг янги географик кашфиётларни, шу жумладан, А. Веспуччининг кундаликларини ўз ичига олган «Янги дунё» деб номланган олти томли тўплами чоп этилган. Ушбу асар 1508 йилда дастлаб, Миланда лотин, сўнг немис тилида ва 1516 йилда француз тилида китоб бўлиб чиқди.

Маълумотларга кўра, 1504 йилдаёк европалик китоб савдоси билан шуғулланувчи Иоганн Оттмар «Учинчи саёҳат» китобини чоп этабтиб «Янги дунё» номини А. Веспуччи номи билан боғлаган. 1506 йилда Францияда нашр этилган географик атласда эса Жанубий Америка шимолий қисмининг харитаси чоп этилган ва муаллиф бу янги ерларни «Америго ери» деб номлаган.

Аммо «Янги дунё»ни А. Веспуччи номи билан «Америка», яъни «Америго мамлакати», деб



Кук оролларида Америго Веспуччиға бағишилаб қиқарылған қиймати 50 АҚШ долларига тенг күмуш танга.

Замондошларининг таърифига кўра, А. Веспуччи ҳалол, жуда заковатли ва кузатувчан киши бўлган. Х. Колумб ўлимидан олдин ўтлига А. Веспуччини ҳалол ва ишончли шахс сифатида таърифлаб, у билан ҳамкорлик килишни тавсия этган экан. Шу билан бирга жуда камтар инсон бўлиб, ҳеч қачон амалга оширган саёҳатлари орқали шон-шараф қозонишга интилмаган.

ВАСКО ДА ГАМА (1469–1524)

Ҳиндистон қадим замонлардан бери европалик олим ва сайёхларнинг эътиборини ўзига қаратганди. Улар, шунингдек, Якин Шарқ орқали Ҳиндистонга куруқлик орқали борувчи карвон йўлларининг анчайин хатарли эканидан ҳам тузуккина хабардор эдилар. XV асрнинг охиirlарига келиб, денгизда кемалар қатнови ва юриши анча ривожланган баъзи Европа мамлакатларида ушбу сирли диёрга борадиган узлуксиз денгиз йўлини кашф этишга бўлган интилиш кучайди.




Маълумки, дастлабки уриниш 1492 йилда Х. Колумб томонидан амалга оширилган ва бунинг натижаси ўлароқ Америка қитъаси каашф этилган. Аммо буюк географик кашифиеўлар тарихида португалиялик денгизчи Васко да Гаманинг номи биринчи бўлиб Европадан Ҳиндистонга борадиган денгиз йўлини очган сайёҳ сифатида қолди. Колумб бошлаган ишни охирига етказгани боис, Васко да Гамани замондошлари «Колумбдан ўзган сайёҳ» сифатида таърифлашган.

Васко да Гама 1469 йилда Португалияниң Синиш шаҳрида туғилган ва Эворе шаҳрида таълим олиб, бошқа фанларга караганда кўпроқ денгиз навигацияси, картография ва географияни чукур ўрганди. XV асрда Португалия мустамлакаси бўлган Африканинг Гвинея қўлтиғи атрофларида португаль флоти таркибида хизмат қилган.

XV асрнинг 90-йилларига келиб Африкани денгиз бўйлаб айланниб сузиб ўтиш мумкинлиги ва Шарқий Африкадаги ҳудудларнинг сув йўллари орқали Ҳиндистон билан савдо алокалари олиб бориши маълум бўлди. Шунинг учун 1497 йилда Португалия қироли Мануэль I Васко да Гамага Африкани айланниб ўтиб, Ҳиндистонга денгиз саёҳати уюштириш ва йўлни харитага туширишга фармон берган.

1497 йилнинг 8 июлида сайёҳ 168 кишилик экипаждан иборат тўртта кемада Ҳиндистон саёҳатига йўл олди. Ҳудди Колумбники каби Васко да Гама экспедицияси ҳам дастлаб, Лиссабондан ғарбга йўл олган аммо кейин шарқка бурилган. Атлантика океанида ёйсимон йўналишда сузиб, 1497 йил 20 ноябрда Африканинг энг жанубий нуқтасидан ўтдилар. Африкани айланниб ўтиш жойининг топилгани экспедиция аъзоларида Ҳиндистонга бориши йўлини тошишга бўлган умидни кучайтирган, албатта. Денгиз сайёхлари Африканинг энг жанубий нуқтаси бўлган бурунни «Яҳши умид» номи билан атадилар.

Васко да Гама 1497 йил декабрда ҳозирги Жанубий Африка Республикасининг шарқий қирғокларини каашф қилди. 1498 йилнинг январь ойида Замбези дарёсининг куйилиш жойидан ўтиб, шарқий қирғоклар бўйлаб шимоли-шарққа сузишда давом этди ва ўша йилнинг март ойида Мозамбикка етиб борди. Малинди шаҳрида араб йўл кўрсатувчисини ёллаган сайёҳ унинг ёрдамида 1498 йил 20 майда Ҳиндистоннинг жануби-ғарбий қирғокларидағи йирик савдо маркази ҳисобланган Каликут (ҳозирги Кожикоде) шаҳрига етиб келди.




1497–1499 йилларда Васко да Гама томонидан Ҳиндистонга
денгиз йўлининг очилиши.

Каликут рожаси томонидан яхши кутиб олинган Васко да Гама, Ҳиндистонда бир муддат туриб, 1498 йил октябрда яна Португалия томон йўлга чиқди. Аммо 1499 йилнинг сентябридагина Лиссабонга етиб олди. Экспедиция давомида турли хавф-хатарлар, фожиали ҳолатлар сабабли сафарга чиқсан 168 денгизчидан фақат 55 кишигина эсон-омон Португалияга қайтишга муваффак бўлган. Аммо анчайин катта курбонлар бериб бўлса-да, Васко да Гаманинг Португалия қироли топшириғига кўра, Европадан Ҳиндистонгача бўлган дengiz йўлини кашф этишга эришганини таъкидлаш жоиз.

Португалияда Васко да Гамани катта тантана билан кутиб олишиди. Унга дворян мартабаси ва 1500 йилда «Ҳинд океани адмирали» унвони берилган. Сайёҳ 1500–1520 йиллар давомида Ҳиндистонга бир неча бор экспедиция уюштирган ва 1524 йилда Ҳиндистондаги Португалия колонияларининг бешинчи губернатори ва вице-қироли этиб тайинланган. Аммо сайёҳ бу вазифада унчалик узок ишламади.

Умрининг асосий қисмини Ҳиндистонга борадиган дengiz йўлини кашф этиш ва уни ўрганишга бағишлаган Васко да Гама 1524 йилнинг 24 декабрида Каликутдан жанубдаги Кочине шаҳарчасида вафот этди.



Португалия пойтахти Лиссабондаги Васко да Гама кўприги.

1998 йилда Васко да Гаманинг Хинди斯顿га қилган биринчи саёҳатининг 500 йиллиги Европада кенг нишонланди. Шу йили Лиссабондаги Тежу дарёсининг қўйилиш жойида қисқа муддат – 10 ой ичида Европадаги энг узун 17185 метрли кўприк қурилиб, сайёҳ номи билан аталди. Шунингдек, Бразилиянинг Рио де-Жанейро шаҳри футбол клуби ва Хинди斯顿нинг Гоа штатидаги шаҳарга ҳам Васко да Гама номи берилган.

Фернандо МАГЕЛЛАН

(1480–1521)

Буюк географик кашфиётлар тарихига португалиялик машхур сайёҳ Фернандо Магеллан Ернинг шарсимон эканлигини тасдиқлаган ва сайёрамиз атрофи бўйлаб биринчи айланма денгиз саёҳатини амалга оширган киши сифатида киритилган. XVI аср бошлирида Ернинг шарсимонлиги ҳақидаги далилларнинг етарли эмаслиги сабабли бунга борйүғи бир фараз сифатида қараларди. Таъкидлаш жоизки, Магеллан саёҳатининг муваф-



фақиятли тугашига ишонмаган. Аммо саёҳат муваффакиятли якунланиб, Ернинг шарсимионлиги исбот килинди. Ушбу саёҳатдан ватанига қайтиш унинг ўзига насиб этмаган бўлса-да, ўлими олдидан ўз мақсадига эришганидан хабар топган.

Фернандо Магеллан 1480 йилда Португалиянинг Траз-уж-Монтиш провинциясидаги Саброза шаҳрида тугилган. Сареш бурнида жойлашган денгиз мактабида таълим олган. Вояга етгач, португал флотида оддий денгизчи бўлиб хизмат килди. 1509–1512 йилларда Ҳинд океанига ташкил этилган португал экспедицияларида иштирок этган ва Малакка яриморолигача сузib борган. Магеллан ушбу саёҳатлар давомида денгиз ишида жуда улкан тажриба орттириди.

Манбаларда келтирилишича, Магеллан бир қанча вақт Мозамбик ва Ҳиндистанда яшаган. 1512 йилда эса Лиссабонга қайтиб келган. 1517 йилда эса сайёҳ Испанияга келиб, кирол Карл V нинг хизматига кирди. 1493 йилда қабул қилинган Тордесильяс шартномасига мувофиқ, 1494 йилда ўрнатилган демаркация чизифидан ғарбда очиладиган ерлар, яъни Яшил Бурун оролларидан 1770 км узоқликдаги меридиандан ғарбдаги ерлар Испанияга, шарқдагилари эса Португалияга тегишли бўлиши керак эди. Ўша вақтларда Ернинг ҳажми ҳакида аниқ маълумотлар етарли бўлмай, узоқликни аниқ ўлчай оладиган олимлар жуда кам топиларди. Шунинг учун қўпчилик картографлар Жануби-Шарқий Осиёдаги Молукк оролларини (Spice Islands) Испанияга тегишли, деб хисоблашган.

Ҳозирги замон ҳисоб-китоблари шуни кўрсатадики, ҳақиқатда Тордесильяс шартномасига кўра ўтказилган демаркация чизиги $49^{\circ}33'$ ғарбий ва $130^{\circ}27'$ шарқий узоқлик меридианлари орқали ўтади, яъни Молукк ороллари ўша вақтда Португалияга тегишли бўлиши лозим эди. Манбаларга кўра, моҳир денгизчи буни билсада, ўзини билмаганга олган. Испан ҳукумати эса Магелланга Молукк ороллари демаркация чизифидан ғарбда жойлашгани ва аслида Испанияга тегишли эканини исботлашни топширди.

1518 йилнинг 22 марта саёҳат режаси испан қироли томонидан маъқулланиб, унга Магеллан раҳбар этиб тайинланди. Фернандо агар Атлантика орқали ғарбга сузилса, Жанубий денгизга чиқиш ва «Қаттиқ ер» орқали ўтган бўғизни (ҳозирги Магеллан бўғизи назарда тутилган бўлса керак) топиш мумкинлигига ишонарди. Бун-



Ф. Магелланнинг 1519–1522 йиллардаги Ер шари бўйлаб биринчи айланма саёҳати.

дан кўзланган асосий мақсад, ўша вақтда португаллар томонидан назорат қилинадиган ва испан дengизчилари учун бирмунча хавфли бўлган Яхши умид бурни орқали эмас, балки Европадан ғарбга қараб сузиб, Шарққа, яъни Жануби-Шарқий Осиёга боришнинг муқобил йўлини топиш эди.

Экспедиция учун Севилья шаҳрида бешта кема – «Тринидад» (Магелланнинг флагман кемаси) «Сан Антонио», «Консепсьон», «Виктория» ва «Сантьяго» тайёрланган. 1519 йилнинг 20 сентябрьда 265 кишилик экипаждан иборат бешта кемани ўз ичига олган экспедиция Гвадалквивир дарёсининг қуйилиш қисмидаги Санлукар-де-Баррамеда бандаргоҳидан чиқиб, ғарбга томон жўнади. Таржимон сифатида Магеллан малайялик хизматкори Энрикени олганди. Бундан ташқари, флотилиянинг бир неча офицери ҳам Бразилия ва Тинч океанида яшайдиган маҳаллий аҳоли тилини билишган.

1519 йил 26 сентябрда дengизчилар Канар оролларидаги Тенерифе оролига етиб келиб, 3 октябрда Бразилияга йўл олдилар. Ўша

йили 29 ноябрда сайёхлар Сант-Августин бурнидан жануби-гарбга сузib, 13 декабря Бразилияning Рио-де-Жанейро шаҳрига етиб келишган. 1520 йилда Сан-Хулиан бандаргоҳига етиб келган экспедиция, жанубий яримшарда киш бошланиши муносабати билан шу ерда кишлиб қолди.

Экспедиция тўхтаган жойда сайёхлар испанларга нисбатан бўйи бирмунча баланд ва катта оёкларга эга маҳаллий хиндулар яшашига гувоҳ бўлдилар. Шунинг учун ҳам бу ерни Магеллан Патагония, яъни «Катта оёклилар ери», деб атаган. Бугунги кунда Чилининг Магеллан бўғизида жойлашган Пунта-Аренас шаҳридаги марказий майдонда буюк сайёҳ шарафига ўрнатилган меморий мажмуанинг пастки қисмида катта оёкли патагониялик нинг ўтирган ҳолдаги ҳайкали мавжуд.

Пасха байрамини нишонлаш чогида экспедицияда иштирок этган португал ва испан капитанлари ўртасида орқага қайтиш лозимлиги масаласида низо чиқкан. Магеллан капитанлардан бирини унвонидан маҳрум этиб, кирғоққа тушириб қолдиришни буюрган. Экспедиция 1520 йил 24 августда Сант-Хулианни тарқ этди.

1520 йилнинг сентябрида экспедиция тўртта кемада (улардан бири «Сантьяго» ҳалокатга учради) океанга чиқиб, жануб томон суза бошлади. Октябрь ойи охирида кемалар кейинчалик сайёҳ номи берилган Магеллан бўғизига етиб келди.

Нотаниш бўлган бўғиз орқали сузиш жуда қийин кечган. Бунинг устига энг олдинда бораётган яна бир кема «Сан-Антонио» бир оз шикастланган. Шу сабабли кема бўғиздан чиқибоқ, Оловли Ер ороли жанубини айланиб ўтиб, Испанияга қайтиб кетди. Қолган уч кемада Магеллан бўғизини сузib ўтиш учун экспедицияга 38 кун керак бўлган.



Магеллан бўғизининг
коинотдан кўриниши.



Чилининг Пунта-Аренас шаҳри марказий хиёбонида ўрнатилган
Ф. Магеллан ҳайкали.

1520 йилнинг 28 нояброда «Тринидад», «Консепсьон» ва «Виктория» кемалари бўғизни сузуб ўтиб, Жанубий денгиз худудига кириб боришган. Экспедиция кемаларининг бу худудни нисбатан тинч сузуб ўтгани боис Магеллан бу ерларни Тинч океан, деб атайди. Чучук сув ва озиқ-овқат захиралари тугаб бораёттан бир шароитда, 1520 йилнинг 18 декабрига қадар Магеллан кемалари Чили якинидаги қирғоқ бўйлаб сузуб, кейинчалик шимолишаракка йўл олган. 1521 йилнинг 24 январида экспедиция аъзолари Туамоту архипелаги орқали сузуб, 6 марта Тинч океан шимолидаги Мариана ороллари қирғоқларига тушишган. Денгизчилар 99 кунлик сузишдан кейин биринчи марта оёқ-



Мариана оролларидаги чаморро халқи оҳактошдан ясаган
«муқаддас устун»лар.

лари остида ерни хис этиб, тоза мева-сабзавот ва озиқ-овқатдан баҳраманд бўлдилар.

Магеллан Мариана оролларида уч кун туриб, 1521 йилнинг 9 марта жануби-ғарб-ғарбга, кейинчалик Филиппин, деб аталган оролларга караб сузди. Мазкур ороллардаги икки қабила бошликлари можаросига аралашиб қолган сайёх 1521 йил 21 апрелда Лапу-Лапу қабиласи сардори томонидан ўлдирилган.

Ер шари бўйлаб айланма саёҳатга чиққан Магеллан экспедициясининг бешта кемасидан фақатгина биттаси «Виктория» 1522 йилнинг 6 сентябрида бор-йўғи 18 нафар экипаж аъзоси билан Испаниянинг Севилья шаҳрига қайтиб келган.

Сайёхнинг хотираси катор географик объектларда абадийлаштирилган. Жумладан, Оловли ер оролини Жанубий Америкадан ажратиб турувчи бўғиз, атмосферадаги булутлар, космик аппарат, пингвинларнинг бир тури ва Маршалл ороллари якинидаги Тинч океанидаги сув ости тоғлари Магеллан номи билан аталган.


Виллем БАРЕНЦ

(1550–1597)

XV–XVI асрлардаги буюк географик кашфиётлар мустамлакачилик босқичининг бошланишига, Европа мамлакатлари ўртасида янги ерлар учун рақобат ва курашга ҳам сабаб бўлди. Бу борада испанлар ва португаллар анча илгарилаб кетишганди. Голландлар, инглизлар ва французлар эса таниқли географ, тарихчи Паоло Жовио ўз асарларида келтирган Хитой ва Ҳиндистоннинг бойликларига эришиш учун шимолий денгиз йўлини топиш тараффудига тушди. П. Жовио

1525 йилда Рим Папаси Климент VII хузурига Рус императори Василий III томонидан юборилган элчилар тилмоидан рус кемалари қадим замонлардан бери Шимолий Муз денгизи орқали Уралнинг нариги томонига сузишини эшитиб, ушбу сув йўли орқали Хитойга бориш мумкинлигини тахмин қилган.





Планций ва Баренц тузган Европа ва Осиё шимолий
кирғоқлари харитаси.

П. Жовионинг тоғасини яна бир голланд олими Пётр Планций шогирди Виллем Баренц билан янада ривожлантириб, Европа ва Осиё қытъалари шимолий қирғоқлари харитасини түздилар. Мазкур хаританинг шарқий томонида Аниан бүғизи, яъни ҳозирда бизга Беринг номи билан маълум бўғиз ҳам тасвиrlанган эди. Планций шимолий дengizdаги музлар Сибирь дарёлари орқали оқиб келади ва қирғоқдан бир қадар узокдаги дengиз муздан холи ва у орқали Хитойга сузид бориш мумкин, деган фикрда бўлган. Ушбу фаразни текшириш Планцийнинг энг истеъодли шогирди, дengизчи-сайёх Виллем Баренц чекига тушди.

Виллем Баренц 1550 йилда Нидерландиянинг Терсхеллинг оро-лида туғилган. «Баренц» унинг фамилияси эмас, балки отасининг исмидир. Мутахассислигига кўра картограф бўлган Виллем Баренц устози П. Планций билан Ўртаер дengизида текширишлар олиб бориб, мазкур дengизнинг атласини тузишган. Европадан Осиёга муқобил шимолий дengиз йўлини топиш мақсадида уюштирган учта

Арктика экспедицияси Виллем Баренцни бутун жаҳонга танитди. Баренц Шимолий Муз океани музларини узок кутб кунлари даврида Куёш эритишига ва муздан холи йўлнинг мавжудлигига ишонар эди. Қискаси, Баренц унча-мунча денгизчи журъат килолмайдиган хатарли саёҳатни амалга оширишга жазм этган.

1594 йилда В. Баренц раҳбарлигидаги биринчи экспедиция шимоли-шарқий денгиз йўлини топиш мақсадида Амстердам шаҳридан йўлга чиқкан. 1594 йил 10 июлда Баренц Новая Земля оролига етиб борди ва ўша ердан шимол томонга йўл олди. Баренцнинг ёзишича, сайёҳ бу сафари давомида 77 даражада шимолий кенгликкача сузуб борган. Аммо архипелагнинг шимолий чекка нуқтасига етиб боришиганда кутб қишининг суронли кунлари ва озиқ-овқат захирасининг тугаши сайёҳни ортга қайтишга мажбур қилган. Экспедиция муваффақиятсиз тугаган бўлса-да, денгизчилар ватанларига оқ айик терилари ва талайгина морж тишларини олиб келдилар. Баренцнинг шимолий денгизда сузиш мумкинлиги ҳақидаги маълумотлари голланд ҳукуматининг шимоли-шарқий денгиз йўлини топиш умидини янада кучайтирган.

Шу боис голланд шаҳзодаси Мориц Оранский Баренцга зудликда иккинчи экспедицияга тайёргарлик кўришни буюрган. Шундай килиб Баренцнинг иккинчи экспедицияси 1595 йилда еттита кемада йўлга чиқиб, Вайгач ороли билан материк ўртасидаги Югорский шар бўғизи орқали ўтишга уриниб кўрган. Аммо экспедиция Югорский шар бўғизига жуда кеч – август ойида етиб келди ва бу пайтда бўғиз деярли муз билан қопланиб бўлганди.

Экспедиция аъзолари Югорский шар бўғизи атрофидаги материка маҳаллий аҳоли – ненецларни учратиб, улардан «Куёш



Новая Земля оролининг коинотдан кўриниши.



Баренц ороли.

Баренцга ишонмай, уни фақат иккинчи кема штурманни вазифасига тайинлашган. Экспедиция Скандинавия қирғоқларидан сузид ўтиб, Шпицберген («Қиррали ороллар») архипелагини кашф этиб, харитага туширган. Ҳозирда Шпицберген оролидаги халқаро хукукий мақомга эга бўлган ва Россия Федерациясига тегишли ягона аҳоли пункти Баренцбург, деб аталади.

Учинчى Арктика сафари давомида экспедиция 80-даражада шимолий кенглиkkача сузид боришга муваффақ бўлган. Сўнг Новая Земля оролини айланаб ўтиб, Кара дengизигача этиб бордилар. Аммо Ледяная (Музли) бухтасида муз орасида қисилиб қолган кемада колиш ўта хавфилигини тушунган сайёҳлар қирғоқка тушшиб, кишилаб қолишиди. Ноябрь ойидан бошланган қутб туни экспедиция аъзоларини ўзларини ҳам совукдан, ҳам оқ айиқлар хужумидан химоя килиш учун ҳамжиҳат бўлиб ҳаракат қилишга мажбур килган. Денгизчи-сайёҳлар турли мўйнали ҳайвонларни овлаб, терисидан кийим тикишган ҳамда тураржойларининг деворларини ўрашган.

чиқадиган томонда катта сувнинг чеки йўқ»лиги ҳакида эшишишган. Экспедиция ҳам тезрок шарққа сузишга интиларди. Баренц шерикларини «агар Объ дарёсигача сузид борсак, у ерда ҳеч кийинчиликсиз кишлаш мумкин», деб ишонтиришга ҳаракат қилган. Аммо оч оқ айиқлар экспедиция аъзоларидан икки кишини ғажиб ташлаши сайёхнинг ҳамроҳларини вахимага солиб, уларни яна орқага қайтишга мажбур қилган.

Аввалги икки экспедициянинг муваффакиятсиз тугагашига қарамай, 1596 йил 16 майдада голланд хукумати яна иккита кемадан иборат учинчи экспедицияни Арктигадаги дengиз ўйлини излашга юборди. Аммо бу сафар раҳбарликни Баренцга ишонмай, уни фақат иккинчи кема штурманни вазифасига тайинлашган. Экспедиция Скандинавия қирғоқларидан сузид ўтиб, Шпицберген («Қиррали ороллар») архипелагини кашф этиб, харитага туширган. Ҳозирда Шпицберген оролидаги халқаро хукукий мақомга эга бўлган ва Россия Федерациясига тегишли ягона аҳоли пункти Баренцбург, деб аталади.

Учинчى Арктика сафари давомида экспедиция 80-даражада шимолий кенглиkkача сузид боришга муваффақ бўлган. Сўнг Новая Земля оролини айланаб ўтиб, Кара дengизигача этиб бордилар. Аммо Ледяная (Музли) бухтасида муз орасида қисилиб қолган кемада колиш ўта хавфилигини тушунган сайёҳлар қирғоқка тушшиб, кишилаб қолишиди. Ноябрь ойидан бошланган қутб туни экспедиция аъзоларини ўзларини ҳам совукдан, ҳам оқ айиқлар хужумидан химоя килиш учун ҳамжиҳат бўлиб ҳаракат қилишга мажбур килган. Денгизчи-сайёҳлар турли мўйнали ҳайвонларни овлаб, терисидан кийим тикишган ҳамда тураржойларининг деворларини ўрашган.



Оқ айик – дунёдаги эңг йирик йирткіч ҳайвон.

1597 йилнинг июнь ойига келиб Кара дengизидаги музлар эриган бўлса-да, Баренцнинг кемаси турган бухта ҳали муз билан қопланган эди. Кутб ёзининг қискалигини ҳисобга олиб, экспедиция аъзолари кеманинг муздан бўшашини кутмай, иккита кичик қайикда Кола яриморолига етиб олишга уриниб кўришган. Сайёхлар дengиздаги йирик муз бўлаклари орасида қисилиб қолишдан қўрқиб, қайиқларни муз парчасининг устига тортиб чиқаришга ва бир неча кун сузиб юрувчи муз устида ҳаракат қилишга мажбур бўлишган.

Сузиш давомида цинга касаллигига чалинган Баренц ўз ҳамроҳлари ёқкан гулхан атрофида ўтирганча жимгина оламдан кўз юмган. Экспедиция учун бу катта йўқотиш эди. Шунинг учун ҳам сайёхлар бошидан кечирган ҳар бир воқеани батафсил қоғозга тушириб борган экспедиция йилномачиси Геррит де Фер чукур қайғуга тушганидан Баренцнинг дағн маросими ҳақида эсдалигида ҳеч нима ёзмаган.

Олти кун ўтгач, 1597 йил 20 июнда экспедициянинг омон қолган аъзолари Арктика сувларида сузиб юрган иккита рус кемасини учратиб, улар ёрдамида Кола яриморолига етиб келган. Сайёхлар



Виллем Баренцнинг вафоти.

Ледяная бухтасидан Кола яриморолигача бўлган 2000 километрдан ошиқ масофани босиб ўтиш учун жами бир ярим ой вақт сарфлаган. Йўлнинг турли мاشакқатларини бошдан кечирган сайёхлар учун Мурманскдан Амстердамгача бўлган қисми нисбатан енгил кечиб, 1597 йил 1 ноябрда Голландияга қайтиб келишган.

Баренц вафотидан 300 йил ўтгач, 1871 йилда норвег сайёхи Эллинг Карлсен Баренц ва унинг ҳамроҳлари қишилаган Ледяная бухтасини ўрганиб, бу ерда экспедиция билан боғлиқ жуда кўп буюмларни топган. Унинг ёзишича, музлар орасида қолган сайёхлар қурган уй «худди кеча қурилгандек сақланган эди ва унинг кўриниши экспедиция ийлномачиси Геррит де Фернинг эсдаликларига мос келади».

Э. Карлсендан беш йил кейин шу бухтага келган инглиз сайёхи Чарльз Гардинер ҳам жуда кўп қизиқарли буюмлар, жумладан, компаслар, XVI асрга тегишли қўнғироқли соат, найзалар, мис пуллар, ошхона анжомлари ва энг асосийси, кичкинагина ўқ гилзали.

сига жойланган Баренцнинг сўнгги хатини топган. Бузилиб кетган ўчоқ ёнидан эса шимоли-шаркий дengиз йўлини топишига қаттиқ ишонган Баренцга тегишли лотин тилидаги «Хитой тарихи» китоби чиқди.

XVII асрнинг бошларига келиб Африка жанубидаги Яхши Умид бурнidan Зонд бўғизигача тўғри борадиган дengиз йўлининиг очиши сабабли Шимолий дengиз йўлини кидиришга бўлган қизикиш кескин сусайди. Бунинг натижасида Европа мамлакатларида Арктик экспедицияларни ташкил этиш ишлари тўхтаб қолган.

Жасурлиги билан ҳамиша ҳамроҳларига ўrnak бўлган Виллем Баренц географик кашфиётлар тарихида Арктикада кишлаб қолган биринчи европалик сайёҳ сифатида қолган. Олимнинг буюк географик кашфиётларга қўшган улкан ҳиссасига эҳтиром сифатида Шимолий муз океанидаги аввалги Мурман дengизи 1853 йилдан бошлаб Баренц дengизи, деб аталган. Шпицберген архипелагидаги орол, ундаги аҳоли пункти ва Новая Земля оролининг ғарбий кирғокларидаги оролларга ҳам сайёҳ номи берилган.



Шпицберген архипелагидаги ягона ҳалқаро мақомга эга бўлган Баренцбург шаҳарчаси.

Абел ТАСМАН

(1603–1659)



Абел Янссон Тасман машхур голланд денгизчи-сайёхи, тадқиқотчиси ва савдоғари. 1642–1644 йиллар давомида ташкил этган денгиз экспедициялари туфайли дунё сайёхлари ва географлари томонидан тан олинганды. Абел Тасман европаликлардан биринчи бўлиб Янги Зеландия, Тонга ва Фижи оролларига етиб борган ва бу худудларнинг хусусиятларини тасвирла-

ган. Тасман томонидан амалга оширилган экспедициялар натижасида Австралиянинг яхлит материк эканлиги исботланди. Ушбу материкнинг гарбий кирғоқлари ҳозирги замон хариталаридағы күришишга эга бўлди.

Абел Тасман 1603 йилда Голландиянинг Гронинген шаҳри чеккасида туғилган. 30 ёшга тўлгач, Ост-Индия компанияси кемасига



Абел Тасманнинг 1642–1644 йиллардаги саёҳатлари харитаси.

ишга ёлланиб, Малайя архипелагининг кўпгина оролларини кезиб чиқкан. 1636 йилда яна Голландияга қайтиб келди. Аммо ватанида ишлари юришмагач, 1638 йилда яна Ява оролига йўл олган. Орадан бир йил ўтгач, Батавияда (хозирги Индонезиянинг Жакарта шаҳри) Голландия Хиндистони генерал-губернатори Ван Димен томонидан Тинч океанининг шимолий қисмига уюштирилган экспедициядаги икки кемадан бирига капитан этиб тайинланган.

Абел Тасман экспедициясининг асосий вазифаси гўёки «испанлар кашф қилган сирли оролларни қидириб топиш эди». Ўша пайларда европаликлар орасида бу ороллар олтин ва кумушга бой, деган миш-мishлар тарқалганди. Аммо экспедиция Тинч океани бўйлаб шимолга, Куриль оролларига қадар сузуб бориб, ҳеч қандай сирли оролларни топмаган. Лекин мазкур саёҳат Тасманинг уста денгизчи бўлиб етишишида муҳим роль ўйнагани шубҳасиз.

1642 йилда Ван Димен Австралия ёки Жанубий материк билан Янги Гвинея туташ ёки туташ эмаслигини текшириш мақсадида яна экспедиция ташкил этди ва унга ёш капитан А. Тасман раҳбар этиб



Тасмания оролидаги миллий боғ.

тайинланди. Шунингдек, унга Явадан Европага энг яқин денгиз йўлини топиш ҳам топширилганди. А. Тасман 1642 йил 14 августда йўлга чикиб, ўша йилнинг 5 сентябрида Маврикий оролига етиб келган. 8 октябрда ушбу оролдан жанубга, сўнг жануби-шарққа сузган. 6 ноябрда эса Тасман кемалари $49^{\circ}4'$ жанубий кенгликка етди. Аммо кучли бўрон туфайли ундан жануброққа сузишнинг иложи бўлмади. Шундан кейин сайёх 44° жанубий кенглик бўйлаб 150° шарқий узунликкача, сўнг шарқ томонга 160° шарқий узунликка қадар сузишни режалаштирган.

Шундай килиб, Абел Тасман биринчи бўлиб Австралиянинг жанубий кирғокларидан анча узокда, ўзидан олдин 1627 йилда шу ерларни тадқиқ қиласкан бошқа голланд сайди П. Нейтс йўналишидан $8-10^{\circ}$ даража жануброқдан сузиб ўтган. У шарқ томонга 600 милча сузиб, $44^{\circ}15'$ жанубий кенглик ва $147^{\circ}3'$ шарқий узунликда шундай ёзган эди: «...ҳамма вакт тўлкинланиш жануби-шарқдан келмоқда ва ҳар куни бир хил йўналишда сузиб юрувчи сув ўтларини кўраётган бўлсак-да, жанубда бу яқин ўртада катта ер йўклигини тахмин қилиш мумкин». А. Тасманинг бу холосаси тўғри эди. У сузган йўналишдан жанубдаги энг катта ер Антарктида бўлиб, экспедиция сузган ерлардан анча узокда жойлашганди.



А. Тасман кашф этган Кук бўғизининг коинотдан кўриниши.

1642 йилнинг 24 нояброда Тасман экспедицияси жуда баланд кирғоққа дуч келди. Бу ҳозирги Тасмания оролининг жануби-гарбий қисми бўлиб, экспедицияда иштирок этган географ Ж. Уокернинг келтиришибча, Маккуори-Харбор қўлтиғидан шимолроқдаги қояли кирғоқ эди. А. Тасман эса мазкур ерларни харитага туширган ва Вандимен ерини Нейтс ери билан туаштирган. Шу тариқа Тасмания Австралия материгининг туртиб чиққан ерига айланган ва уни XIX аср бошларига қадар барча хариталарда шундай тасвирилашган.

1642 йил 5–13 декабрь кунлари экспедиция Тасмания ва Австралияни Янги Зеландиядан ажратиб турувчи денгизни кесиб ўтиб, жанубий оролнинг, кейинчалик Жеймс Кук Феруэлл бурни деб атаган, шимоли-ғарбий чеккасига етиб борди. Бурунни айланниб ўтган А. Тасман иккала оролни ажратиб турувчи бўғизни (хозирги Кук бўғизи) кашф этган.

1643 йилнинг 4 январида Тасман Янги Зеландиянинг энг чекка шимоли-ғарбий нуқтасига етиб борди. Аммо денгизда турган бўрон сайёхга Шимолий оролни тўла ўрганиш имконини бермаган. Шунинг учун ҳам Янги Зеландия ўша замон хариталарида Жанубий материк (Австралия)нинг бир қисми бўлиб қолаверган. Тасман саёҳатидан кейин орадан 127 йил ўтгач, яъни 1770 йилда Ж. Кук томонидан бу ерларнинг тўлиқ харитаси тузилган ва у Жанубий материкнинг қисми эмас, балки майдони Буюк Британиянидан каттароқ иккита катта оролдан иборат экани исботланди.

А. Тасман 1643 йилнинг 5 январида, хозирги замон хариталарида кўрсатиладиган Уч қирол (Три-Кингс) оролларини кашф этиб, шимоли-шарққа йўл олган. Ўша йилнинг 19 январида унинг кемалари Тонга архипелагига етиб бориб, унинг асосий уч ороли – Тонгатабу, Эуа, Намукуни кашф этган ва уларга Амстердам, Миддельбург ва Роттердам, деб ном берган. Аммо Тасман қўйган бу номлар кейинчалик унуптилиб, улар яна аввалги номлари билан атала бошланган.

Тонга оролларидан шимоли-ғарбга йўл олган А. Тасман, 1643 йил 6 февралда Фижи оролларини кашф этди. Сўнг сайёх шимоли-ғарбга сузиб, Банкс ва Санта-Крус ороллари шарқидан ўтгач, 22 марта катта атоллга етиб борди ва унга Онтонг-Ява деб ном берди. Кейин Тасман Янги Гвинея ва Молукк ороллари орқали Ява оролига ва 1643 йилнинг 14 июнида Батавия (Жакарта)га қайтиб келган.

Таникли тарихчи ва географ Ж. Бейкер Тасманинг ушбу саёҳатини «койил қоларли даражадаги муваффакиятсизлик», деб баҳолаган эди. Чунки экспедиция сузган йўналиш жуда катта радиусга эга бўлиб, Австралия, Тасмания ва Янги Гвинеяни ўзига қамраб олганди. Шу боис, Тасман саёҳати натижасида очилган ерларнинг алоҳида ёки яхлит битта ер эканлиги хақидаги баъзи саволларга жавоб топилмаган.

Лекин кашф этилган ороллар, бурунлар ва денгиз кўлтикларининг сонига кўра, Абел Тасманинг бу икки йиллик экспедицияси XVII асрдаги энг маҳсулдор саёҳатлардан хисобланади. Тасман 40° жанубий кенглиқдаги Ҳинд ва Тинч океанлари ўртасида барқарор гарбий шамоллар эсувчи янги денгиз йўлини кашф этган. Шунингдек, сайёҳ Австралия жанубини ювиб турувчи океаннинг катта кенглиқка эга эканини кайд этган.

Сайёҳнинг замондошлари унинг бу кашфиётларига унчалик эътибор қилмаган бўлишса-да, Австралия қирғоқларини тўлиқ текширган инглиз сайёҳи Жеймс Кук уларга юқори баҳо берган. Кукнинг фикрича, унинг «биринчи ва иккинчи денгиз саёҳатлари муваффакияти Абел Тасманинг колдирган маълумотлари билан бевосита боғлиқ».

Кейп-Йорк яриморолининг Янги Гвинеяга туташ ёки туташ эмаслигини текшириш учун Тасман 1644 йилда унча катта бўлмаган учта кемада саёҳатга чиққан. Экспедиция Кейп-Йорк яриморолининг гарбий қирғоқларидан ўтиб, Карпентария кўлтигининг жанубий қирғоқлари бўйлаб сузган. Бир катор кичик оролларни кашф этиб,

Австралиянинг ҳали ўрганилмаган шимоли-гарбий қирғоқларини 21° жанубий кенглиқка қадар текширидилар. Сайёҳ биринчи бўлиб Австралиянинг қирғоқ чизиги шимолигарбий бурундан Карпентария кўлтиғига қадар узлуксиз эканини исботлади.

Абел Тасманинг ушбу саёҳатлари географик кашфиётлар нуктai назаридан катта аҳамиятга эга бўлса-да, ўзи хизмат қилган Ост-Индия компанияси умидларини оқламаган. Чунки саёҳатлар давомида ҳеч қандай моддий бойликлар, олтин ёки кумуш топилмаган. Сайёҳ ишсиз колди. Фақат 1651 йилга келиб унинг барча ҳукуклари қайта



Янги Зеландия миллий боғидаги
А. Тасман осма кўприги.

тикланган. Аммо у денгиз компаниясида хизмат килишдан воз кечиб, умрининг охирига қадар савдо-сотик билан шуғулланган.

Дунё географик кашфиётлари тарихига кўшган хиссасига эҳтиром сифатида Австралиянинг жанубий қирғокларидағи Тасмания ороли, Тинч океанидаги Австралия ва Янги Зеландия оралиғидаги денгиз ва ундан ботик, Тасманиянинг маъмурий маркази Хобарт шахридаги 1,3 км узунликдаги кўприк, Тасмания оролидаги мағистраль йўл, Янги Зеландиядаги миллий боғ ва ўша ердаги осма кўприк, тоғ чўққиси, кўл, кўлтиқ ва маъмурий бирлик унинг номи билан аталган.

Семён ДЕЖНЁВ

(1605–1673)

Семён Иванович Дежнёв – таникли рус денгизчи-сайёхи, Шимолий ва Шарқий Сибирнинг тадқиқотчисидир. У даниялик рус сайёхи Витус Берингдан 80 йил олдин Осиё ва Шимолий Американи ажратиб турувчи Беринг бўғизидан биринчи бўлиб ўтган.

С. Дежнёв 1605 йилда Россиядаги Великий Устюг шаҳри яқинидаги Пинеге қишлоғида туғилган. Сибирдаги хизматини Тобольск шаҳрида оддий казак сифатида 1630 йилда бошлаган, кейинчалик Енисейскка, 1638 йилда эса Ёкут (Якутск) шаҳрига келган. Бу ерда ясок (солик) йиғувчи бўлиб хизмат қилган чоғида Алдан, Юқори Яна дарёлари ҳавзаларида, 1641 йилда эса Индигирка дарёсининг чап ирмоги Оймякон дарёси ҳавзасида бўлган. 1640–1642 йилларда Шимолий Сибирдаги турли мўйнали хайвонларнинг яшаш жойларини аниқлаш мақсадида амалга оширилган сафар давомида бир қатор ерларни кашф килишда иштирок этган.

1643 йилнинг ёзида С. Дежнёв икки нафар ҳамроҳи билан Колима дарёсининг қуишлиши қисмигача бориб, бу ерда Нижнеко-





Семён Дежнёв саёхати харитаси.



Июнь ойида ҳам муз билан қопланган Колима дарёси.

лимск қароргохи (остроги)га асос солдилар. Колимада 1647 йилгача бўлган. 1648 йилнинг ёзида эса С. Дежнёв ҳамроҳлари билан денгизга чиқиб, сув йўли орқали Анадир дарёсигача боришга уриниб кўрди. Аммо Колима дарёсининг қуиилиш қисмида сузуб юрувчи йирик музлар туфайли яна Нижнеколимск қароргохига кайтиб келган.

1648 йил 20 июнда С. Дежнёв яна очик денгизга чиқди. Сафар давомида кўп кийинчиликларни бошдан кечирган. Ўша йили сентябрь ойида Чукотка яриморолини шимолдан айланиб ўтиб, Осиё ва Шимолий Американи ажратиб турувчи бўғиздан сузуб ўтган. Катта Чукотка бурнида (кейинчалик Дежнёв бурни) сайёхлар бир оз муддат тўхтаб, бўғиздаги оролларда яшовчи эскимосларнинг меҳмони бўлишган.

1649 йилда С. Дежнёв Анадир дарёсининг қуиилиш қисмидаги кирғоққа келиб, шу жойда Анадир қароргохига асос солди. Бу ерда у 1659 йилгача яшаб, Анадир дарёси ҳавзасини тадқик этган, харитасини тузган ва шунингдек, Анюй дарёсининг баъзи қисмларини ўрганган.

Ўзининг амалга оширган тадқиқлари ҳакида С. Дежнёв Якутскдаги тегишли маҳкамаларга ҳисбот ёзиб берган. Жумладан, Беринг бўғиздан ўтганлиги ҳакида Якутск воеводаси И. Акинфовга шундай ёзади: «эскимослар яшайдиган ороллар ёнидан денгиз-океан орқали ўтдим ва «Катта ернинг» (Осиёнинг) кирғоқлари ҳеч қаерда «Янги Ер» (Америка) билан туташмаган».

Тарихда биринчи марта ушбу бўғиздан сузган ва уни кашф этган С. Дежнёв муҳим географик масалани ҳал қилди. Чунки мазкур саёҳат натижасида Американинг мустақил континент экани ва Европадан Хитойга Шимолий денгиз йўли орқали бориш мумкинлиги исботланган. Аммо сайёҳнинг ҳисботи Якутскада қолиб кетган ва кенг жамоатчиликка маълум қилинмаган.

Европа мамлакатларида ушбу кашфиёт ҳакидаги маълумотнинг бўлмаганлиги сабабли, Америка ва Осиё ўртасидаги бўғизнинг кашфиётчиси, деган ном Витус Берингга насиб этган ва ушбу бўғизга унинг номи берилган.

XVIII асрнинг ўрталарида тарихчи Г. Миллер Ёқутистон архивида С. Дежнёвнинг ҳисботини кўриб колди. Ана шу вақтдан



Россия шон-шараф боғидаги
Семён Дежнёв ҳайкали.

тариқасида Шимолий Муз океанидаги орол, яриморол, күлтиқ ва Ёкутистондаги қишлоқ унинг номи билан аталган. Сайёхнинг ватани Великий Устюг шаҳрида ва Россия шон-шараф боғида унга ҳайкал ўрнатилган.

Витус БЕРИНГ

(1681–1741)



Витус Ионассен Беринг (русча номи – Иван Иванович Беринг) машхур рус денгизчи-сайёхи, рус флотининг командори. Асли келиб чикиши даниялик, аммо умрининг асосий қисмини Россияда ўтказган. Осиё билан Шимолий Америка ўртасидаги бўғизнинг мавжудлигини бошқа бир рус сайёхи Семён Дежнёв 1648 йилда исботлаган бўлса-да, Витус Беринг дунё географик тадқиқотлар тарихига ушбу бўғизни топган сайёх сифатида кирган.

Витус Беринг 1681 йилда Даниянинг Хорсенс шаҳрида туғилган. Ёшлигигида ёк голланд кемалари жамоаси таркибида иккى марта Ҳиндистонга дengiz саёчатини амалга оширган. 1703 йилда Амстердам шаҳридаги дengиз кадетлик корпусини туттагач, Россиянинг Болтиқ флотига лейтенант сифатида хизматга қабул килинди. 1710 йилда капитан-лейтенант Беринг Азов флотига хизматга ўтказилиб, бу ерда Пётр I нинг 1711 йилдаги Прут сафарида иштирок этган. Денгизчилик касбидан яхши хабардор В. Беринг 1712–1723 йилларда Россиянинг Болтиқ флотидаги турли кемаларга қўмондонлик қилган. 1724 йилнинг февраль ойида ўз хоҳишига биноан флотдан бўшаган В. Беринг шу йилнинг август ойида Пётр I нинг бўйруғи билан биринчи даражали капитан (флот полковниги) унвонида яна қайта флотга қабул килинган.

В. Беринг 1725–1730 ва 1732–1742 йилларда рус флоти томонидан амалга оширилган биринчи ва иккинчи Камчатка экспедицияларига бошчилик килди. Биринчи Камчатка экспедициясининг асосий вазифаси «Осиё Америка билан туташганми ёки улар ўртасида дengиз борми?», деган саволга жавоб топиш эди. Шу мақсадда сайёҳ 1728 йилнинг 8 июня «Муқаддас Гавриил» кемасида Нижнекам-



Беринг бўғизининг коинотдан кўриниши.



Камчатка яримороли.

Шарқий Осиёнинг Тинч океани кирғоқларини текшира туриб, Беринг Авачин кўлтиғи ва бухтасини кашф этган. Кейинчалик Беринг денгизи, деб номланган номаълум баҳрнинг 3,5 минг километрлик гарбий кирғоқларини биринчи бўлиб харитага туширди.

В. Беринг Петербургга қайтганидан сўнг икки ой ўтгач, яъни 1730 йилнинг апрелида Осиёнинг шимолий қирғоқларини тадқик этиш ва у орқали Япония ва Америкага борадиган денгиз йўлини топиш режасини таклиф этди. Шу мақсаддат 1732 йилда Иккинчи Камчатка экспедициясига тайёргарлик ишлари бошлаб юборилди.

Экспедиция узок вакт давомида Шарқий Сибирь ва Камчатканинг турли қисмларини ўрганди. Аммо экспедициянинг асосий мақсадига эришиш – Осиё ва Американи ажратувчи бўғизни топиш учун 1741 йилнинг июнида иккита кема, яъни Иккинчи Камчатка экспедицияси сафарга жўнаган. Денгизчилар Авачин кўлтиғидан

чатск бандаргоҳидан йўлга чиқкан. 1728 йилнинг июль ва август ойлари давомида Шимоли-Шарқий Осиёнинг Тинч океани кирғоқларини, шу жумладан Камчатка, Карагин ва Крест кўлтиқларини, Провидения бухтасини, Муқадас Лаврентий оролини харитага туширган.

Экспедиция Чукотка денгизида сузиш давомида Беринг бўғизидан ўтган ва $67^{\circ}24'$ шимолий кенглигкача борган. Аммо Беринг қуюқ туман туфайли Америка кирғоқларини кўрмаган. Шу боис, Осиё ва Америка ўртасидаги бўғиздан ўзи билмаган ҳолда ўтганини сезмаган ва ортга қайтган. 1729 йилнинг ёзида Беринг Камчаткадан шарқ томонга караб 200 км узокка сузишта муваффак бўлган, аммо кучли шамол ва қуюқ туман туфайли яна ортига қайтишга мажбур бўлди. Шимоли-

чикиб, XVIII асрнинг баъзи хариталарида 46° ва 50° шимолий кенглик оралиғида тасвирланган Жуан да Гама оролини излаб тошиш мақсадида жануби-шарққа қараб йўл олдилар. Бир ҳафта очик дengизда сузган дengизчилар Тинч океанининг шимолий қисмидаги, ҳатто, кичкинагина ер ҳам йўқлигига амин бўлишгач, шимоли-шарқ томонга суза бошлаган. Аммо 1741 йил 20 июнда иккала кема бир-бирини йўқотиб қўйди ва Беринг «Мукаддас Пётр» кемасида уч кун иккинчи кемани излайди. Қидирув ҷоғида кема олдин 400 км жанубга, кейин шимоли-шарққа қараб сузди ва Аляска қўлтиғининг марказий қисмини биринчи бўлиб кесиб ўтди.

1741 йилнинг 17 июлида дengизчилар 58° шимолий кенгликдан юқорироқда баланд тоғ тизмасини кўрдилар. Бу Шимолий Америка эди. Ўша йили 20 июля сайёхлар Каяк оролига келиб, экспедиция географи Стеллер ва кема штурмани кирғоққа тушишган. Аммо озиқ-овқат танқислиги экспедицияни эртасига ёк ортига қайтишга мажбур қилган.

Беринг бўғизини харитага туширгач, сайёх кирғоқ бўйлаб гарбга томон сузган ва туман тарқаган пайтларда баланд Чугач тоғларини




Петропавловск-Камчатский шаҳри.

кузатган. Худди шу вақтда Беринг Туманли (Чириков), бешта оролдан иборат Евдокеев оролларини, «Катта ердаги» (Алеут яримороли) қорли тоғларни (Алеут тоғлари) кашф этган ва Алеут яриморолининг чеккасида Шумагин оролларини очган ва бу ерда маҳаллий аҳоли – алеутларни учратган. Фарб томон суза туриб, Беринг баъзан куруқлик (Алеут занжир ороллари)ни кузатган.

1741 йилнинг 4 ноябрида кема кейинчалик Беринг номи билан аталган номаълум оролга етиб келди. Худди шу ерда Беринг ва кўплаб экипаж аъзолари касаллик туфайли вафот этган. Экспедициянинг колган 46 нафар аъзоси жуда қаттиқ ва оғир қишини ўтказишгач, кема қолдикларидан кичикроқ кема ясад, елкансиш, фақат эшқаклар ёрдамида узоқ сузуб, 1742 йилнинг августида Петропавловск (хозирги Россиянинг Петропавловск-Камчатский) шаҳрига етиб олишган.

Экспедиция хисоботи эса бутунжаҳон географик тадқиқотлари тарихига зарҳал сахифа бўлиб кириб, Берингни дунёга машхур қилди. Беринг олиб борган географик тадқиқотлар нақадар тўғрилигини биринчи бўлиб инглиз сайёҳи Жеймс Кук эътироф этган.



Даниянинг Хорсенс шаҳрида В. Беринг шарафига ўрнатилган хотира тахтаси.

Чукотка ва Аляска ўртасидаги бўғизни Беринг номи билан аташни ҳам айнан Ж. Кук таклиф қилган. Географик тадқиқотларга кўшган хиссасига эҳтиром сифатида Тинч океанидаги денгиз, орол, музлик, кўлтиқ, Осиё ва Шимолий Американи қадимда боғлаб турган ва кейинчалик йўқолиб кетган қуруқлик (Берингия), кўл, дарё ва яриморол сайёҳ номи билан аталган. Тинч океанидаги сайёҳ вафот этган Беринг оролида Унинг ҳайкали ўрнатилган.


Кейинги вақтларда Семён Дежнёв ва Витус Беринг кашф этган кенглиги 86 км бўлган Беринг бўғози орқали Евросиё ва Шимолий Американи боғлайдиган автомобиль кўприги ёки сув ости туннели куриш таклифлари олдинга сурilmоқда. Аммо бу масалада турли хил фикрлар мавжуд. Баъзилар бундай иншоотларни куриш ҳозирги замон имкониятларидан юкори, деб айтса, бошқалари бўғизнинг коқ ўртасида жойлашган Ратманов оролини (хар иккала кирғоқдан узоқлиги 42–43 км) хисобга олинса, лойиха иншоотининг узунилиги Швейцариянинг Альп тоғларидаги 57 км.ли Готард ёки Япониянинг Хонсю ва Хоккайдо оролларини туташтирувчи 53,9 км.ли Сэйкан сув ости туннелларидан бирмунча қисқа ва унинг амалга оширилиши нисбатан осон бўлишини айтишмокда.

Жеймс КУК

(1728–1779)

Жеймс Кук машҳур инглиз денгизчи сайёхи ва картографи, қатор янги ерларни кашф этган шахс ҳисобланади. Дунё океанини тадқиқ қилиш мақсадида амалга оширилган Ер шари бўйлаб учта айланма саёҳатларга бошчилик қилган ва бир талай муҳим географик кащфиётлар қилган. Жумладан, сайёҳ XVIII асрнгача жуда қам ўрганилган Ньюфаундленд ороли ва Канаданинг шаркий кирғоқларини, Австралияни, Шимолий Американинг ғарбий қирғоқларини, Тинч, Ҳинд ва Атлантика океанларини тадқиқ этган ва харитага туширган. Картографияга





Жеймс Кукнинг Ер шари бўйлаб айланма саёҳатлари харитаси:

→ – биринчи саёҳат; → – иккинчи саёҳат;
→ – учинчи саёҳат.

алоҳида эътибор берганлиги боис, Кук томонидан тузилган хариталар аниклиги билан алоҳида ажралиб турган ва XIX асрнинг охирига кадар улардан денгизчилар кенг фойдаланишган. Жеймс Кук денгизчилар учун энг хавфли саналган дард – цинга касаллигига карши самарали кураш усулини ўзлаштириб, ўзига хос инқилоб ясади. Шунинг учун ҳам сайёҳ ташкил этган экспедицияларда ушбу касаллик туфайли йўқотишлар жуда кам бўлган.

Жеймс Кук 1728 йилнинг 27 октябрида Буюк Британиянинг Жанубий Йоркшир графлигидаги Мартон қишлоғида туғилган. 1736 йилда Куклар оиласи Грейт Айтон қишлоғига кўчиб ўтиб, Жеймс шу ердаги мактабда таълим олди. 18 ёшга тўлганда, яъни 1746 йилда кўмир ташийдиган «Фрилав» савдо кемасига юнга бўлиб ишга ёллангач, бўлажак сайёхнинг денгиздаги ҳёти бошланган. Кейинчалик Кук кема капитани ёрдамчиси сифатида Голландия, Норвегия ва Болтик денгизи бандаргоҳларига саёҳат қилди.

1755 йилда савдо кемасининг хўжайини Кукка «Френдшип», дебномланган алоҳида кемага қўмондонлик қилишни таклиф қилсада, сайёҳ рад жавобини берган. Шу йилнинг июнь ойида Британия Кироллик харбий-денгиз флотига оддий денгизчи бўлиб хизни

матта киргап ва бу борада тузуккина тажрибаси борлиги сабабли бир ой ўтгач, боцман этиб тайинланди. 1762–1767 йилларда кема күмөндөни сифатида Ньюфаундленд ороли кирғоқларини ва унинг ички кисмларини тадкик килган. Шунингдек, Сант-Лаврентий ва Гондурас күлтиклари хариталарини түзди.

Жеймс Кук Ер шари бүйлаб амалга оширилган учта айланма саёхатга бошчилик килган. Жумладан, 1768–1771 йилларда «Индейворт» кемасида Тинч океанига амалга оширилган биринчи экспедиция Жанубий материкни топиш ва Австралия кирғоқларини, айникса, унинг ҳали ўрганилмаган шарқий кисмини тадкик этишини ўз олдига мақсад қилиб қўйганди.

Кук экспедицияси 1768 йилнинг 26 августида Плимут шаҳридан чишиб, 1769 йилнинг апрелида Таити оролига этиб борган. Тинч океанида яна тўртта оролни кашф этиб, очик денгизда 2,5 минг км сузиб, 1769 йилнинг октябррида кор билан копланган баланд тоғли номаълум ерга этиб келдилар. Бу Янги Зеландия бўлиб, сайёҳ уч ой давомида унинг барча кирғоқларини текшириб чиқкан. Текширишлар натижасида Кук ушбу орол Абел Тасман айтганидек, Жанубий



Кукнинг «Индейворт» кемаси.



Австралия кенгуруси.

табиатшунос Жозеф Бэнкс ҳайвонни худди шу номда таърифлаб, ўз маълумотларини иккинчи экспедиция натижалари билан бирга эълон этишган ва шу тариқа европаликларга кенгуру маълум бўлди.

Кук Австралия кирғокларини Катта маржонқоя тўсиклари океандан ажратиб туришини текшираётib, Австралия ва Янги Гвинея ўртасидаги бўғизга дуч келган ва «Янги Гвинея Австралия билан туташми ёки йўқ?», деган саволга аниқлик киритган. Худди шу бўғиз орқали Кук Батавияга (хозирги Индонезия пойтахти Жакарта шахри) келган. Кук цинга хасталигига қарши курашнинг самарали усулини топганини юқорида эслатиб ўтдик. Аммо тропик беззаккасаллиги туфайли унинг кўплаб ҳамроҳлари вафот этган. 1771 йилнинг 14 марта Кук экспедицияси Кейптаун бандаргоҳига келганда, кемада ишга яроқли 12 кишигина қолган эди. Кейптаунда кема-

ернинг бир кисми бўлмай, балки ўртасидан бўғиз билан ажратиб турувчи иккита йирик оролдан иборат эканини тасдиқлаган ва харитага туширган. Кейинчалик бу икки оролни ажратиб турувчи бўғиз Кук номи билан аталган.

1770 йилнинг апрель ойида Кук биринчи бўлиб Австралиянинг шаркий кирғокларига келган. Сайёҳ Австралиянинг умумий узунлиги 4000 км.га teng шаркий кирғоги ва Катта маржонқоя тўсикларининг барча кисмларини (2300 км) ўрганган ва харитага туширган. Кук Австралияда но маълум ҳайвонга дуч келган ва маҳаллий аборигендан «бу қандай ҳайвон?», деб сўраганда, инглизчани билмаган абориген ўз тилида «тушунмайман», деб жавоб берган ва бу сўз «кенгуру» қабилида талаффуз этилган. Жеймс Кук ва

екипажи түлдирилиб, экспедиция 1771 йилнинг 12 иулида Британияга қайтиб келган.

1772–1775 йилларда «Резолюшн» ва «Эдвенчэр» кемаларида Жеймс Кукнинг иккинчи экспедицияси ташкил этилган бўлиб, унинг асосий мақсади Жанубий материкни (Антарктида) топиш ва Янги Зеландия оролларини тўларок тадқиқ этиш эди. Мазкур Ер шари бўйлаб айланма саёҳат XVIII асрнинг иккинчи ярмида амалга оширилган географик қашфиётлар ва тадқиқотлар ичida энг кўзга кўринган воқеа бўлди. Кук бошчилигидаги экспедиция Океания ва Жанубий Атлантика ороллари хариталарига аниқлик киритиши, уларнинг геологияси, ҳайвонот ва наботот оламини ўрганиш бўйича катта ҳажмдаги тадқиқотларни амалга оширган. Кукнинг экспедицияси 1773 йилнинг январида денгиз саёҳатлари тарихида биринчи бўлиб 40° шарқий узоклиқда Жанубий кутб доирасини кесиб ўтиб, 66° жанубий кенглиқдан ҳам жануброкка сузишга эришди. Ўша йили Жанубий материкни қидириб топиш мақсадида яна икки марта $71^{\circ}10'$ жанубий кенглиқкача сузиб борди. Биринчи марта усти ясси айсбергларни учратган сайёҳ уларни «сузиб юрувчи муз ороллари», деб атаган.




Кук айсбергларга биринчи бўлиб таъриф берган.

Кутб якинида куруклик борлигига Кук каттиқ ишонарди. Бирок музларнинг тўпланишини ҳисобга олиб, жануб томонга бошка сузиш мумкин эмас, деган холосага келган. Бу билан сайёх «аҳоли яшайдиган улкан Жанубий материкнинг (Антарктида) мавжудлиги» ҳакидаги турли тахмину фаразларга чек кўйди. Рус сайёхлари Ф. Беллинсгаузен ва М. Лазаревлар 1820 йилда ўзларининг Жанубий кутб атрофи бўйлаб айланма саёхати натижасида Антарктида материгини кашф этдилар ва Кукнинг юкоридаги холосаси нотўғри эканини исботладилар.

Жанубий материкни топа олмаган Кук Янги Зеландия томон йўл олган. Бу ерда экспедиция аъзолари маҳаллий аҳоли ўртасида каннибализм (одамхўрлик) ҳолати мавжудлигининг шоҳиди бўлишган. Шу ахволни кўрган ва озик-овқат ғамлаб олиш учун кирғокка тушган экипаж аъзоларидан 10 кишининг сирли ғойиб бўлишидан вахимага тушган «Эдвенчер» кемаси Кук оролни текшириш билан банд бўлган пайтда ўзбошимчалик билан Англияга жўнаб кетган. Биттагина «Резолюшн» кемаси билан қолган Кук Янги Зеландия қирғокларидаги Шарлотта кўлтиғидан яна кутб томон йўл олган ва 1773 йилнинг 21 декабрида иккинчи марта Жанубий кутб доираси ни кесиб ўтса-да, барибир Антарктида қирғонини топа олмаган.

Шундан сўнг Кук 1774 йилнинг марта мартида Пасха оролига, апрелнинг бошларида Маркиз оролларига ва апрелнинг охирида Тайти оролига етиб борди. Таитидан сўнг сайёх Хуахине, Раиатеа, Дўстлик, Физжи оролларига ҳам лангар ташлади. Экспедиция томонидан 1774 йилнинг 3 сентябрида Янги Каледония ороли кашф этилган. 1774 йилнинг октябррида сайёх Янги Зеландиянинг Шарлотта кўлтиғига қайти ва бу ерда бир ойча туриб, Кейптаунга йўл олди. Кейптаунга келгач, Кук учинчи ва охирги марта кутб томон сувганида Жанубий Георгия оролини кашф этган. Аммо сайёх бу сафар ҳам Антарктидани топа олмаган. Шундан сўнг Кук тўппа-тўғри Англияга жўнаб, 1775 йилнинг 30 июлида ватанига қайтиб келди.

Кукнинг учинчи экспедицияси 1776–1780 йилларда «Резолюшн» ва «Дисковери» деб номланган иккита кемада Шимолий Америка-нинг шимолидаги денгизлар орқали Тинч океанидан Атлантика океанига ўтадиган шимоли-ғарбий сув йўлини топиш мақсадида ташкил этилган. Экспедиция 1776 йилнинг июлида йўлга чиққан




Кергелен ороли харитаси.

ва Кейптаунга кета туриб, Канар оролларидағи Тенерифе оролида тұхтаган. 1776 йил декабрда эса Кейптаундан чиққан Кук Тасмания томон йўл олиб, Хинд океани жанубидаги Кергелен оролини кашф этган. Тасманияда озиқ-овқат, сув ва ўтин захираларини тұлдиргач, экспедиция 1777 йилнинг февралыда Янги Зеландиядағы Шарлоттта қўлтиғига келди. Бу ерда Кук аввалги сафари чоғида ҳамроҳларининг нобуд бўлишига сабаб бўлган каннибал аборигенларни бошқа гўштларни ҳам истеъмол қилишга ўргатиш мақсадида уларга Англиядан олиб келган кўйлардан бир қисмини ажратган.

Кук кемалари Янги Зеландиядан Таити томон йўл олди ва қарши шамол туфайли дастлаб, Дўстлик оролларига, сўнгра 1777 йилнинг августида Таитига етиб борган. Ўша йилнинг декабрида экспедиция шимолий яримшар томон ҳаракат қилди ва 22 декабрда экваторни кесиб ўтиб, 24 декабрда Рождество оролини кашф этди. 1778 йилнинг 18 январида Кук Гавай оролларини кашф килиб, уларга Сэндвич ороллари, деб ном берган.

Кук 1778 йилнинг апрелида Аляска томон боришга қарор қилди. Ўша йили август ойида Беринг бўғизи орқали Шимолий кутб доирасини сузуб ўтиб, Чукотка дengизига етиб олди. Аммо сузуб юрувчи йирик музларнинг кўплиги сабабли ортига қайтиб, рус сайёхлари томонидан очилган Алеут оролларига келиб, тадқиқот ишларини давом эттириди. 1778 йил ноябрь ойи охирларида Кук экспедицияси Гавай оролларига қайтиб келиб, бу ерда факат 1779 йил январь ойи ўрталарида кема тўхташи учун қулай жой топган.

Дастлаб, Гавай оролларидаги бир неча минг кишилик маҳаллий аҳоли билан экспедиция аъзолари ўртасида илиқ муносабат ўрнатилди. Бунга гавайликларнинг Кукни ўз худоларидан бири, деб қабул қилишгани сабаб. Сайёхнинг кемасидаги турли буюм ва анжомлар гавайликлар учун муқаддас туюлиб, аста-секин у-бу нарсаларни ўғирлай бошлидилар. Гавайликлар ҳатто, сайёх сузуб келган кеманинг энг муҳим қисмларини синдириб олиб кетиб, унинг ишдан чиқишига сабаб бўлишган. Бунинг натижасида экспедиция аъзолари ва маҳаллий аҳоли ўртасида тўқнашувлар юзага келди. Кеманинг ўғирлаб олиб кетилган қисмларини қайтариб олиш илинжида Ж. Кук гавайликлар сардори Каланиопуни гаровга



Алеут тоғларидаги Августин вулқони.

олди. Сардорлари ҳәётининг хавф остида қолганини пайқаган гавайликлар Кук кемасини ўраб олиб, Каланиопуни қайтариб беришни талаб килиб, денгизчиларга очикдан-очиқ пўписа қила бошлишган. 1779 йилнинг 14 февралида ана шундай тўқнашувларнинг бирида Жеймс Кук маҳаллий абориген томонидан орқасига найза санчиб, ўлдирилган. Экспедиция аъзолари Кук жасадининг каннибал аборигенлардан ортган қолдикларини орадан анча кун ўтиб, яъни 22 февралда денгизга дафн этдилар.

Кукнинг ҳалок бўлганига қарамасдан учинчи экспедиция жуда са-марали бўлганини таъкидлаш жоиз. Бу саёҳати давомида Кук ороллар занжирига кирувчи 3 та атоллни, Лайн архипелагидаги 2 та оролни ва 5 та Гавай оролларини кашф қилган. У Шимолий Американинг шимоли-ғарбий кирғоқларини $44^{\circ}20'$ шимолий кенглиқдан $70^{\circ}44'$ шимолий кенглиқка қадар ўрганиб, Принц-Уильям, Кук, Бристол ва Нортон кўлтикларини кашф этди. Шунингдек, Муқаддас Иля тоғлари, Кенай, Аляска ва Стоард яримороллари, Аляска ва Алеут тоғ тизмаларини ўрганганди. Осиё билан Америка ўртасида Беринг бўғизи мавжудлигини тасдиқлаб берди.

Жеймс Кук бутун ҳаёти давомида «интилиш ва мақсадга эришиш» деган шиорга қатъий амал қилиб яшаган. Унинг хотираси 20 дан ортиқ географик объектларда абадийлаштирилган бўлиб, улар орасида учта кўлтиқ, икки гурух ороллар ва иккита бўғиз мавжуд.



Гавай оролларидағи
Кук ҳайкали.

ЯНГИ ДАВР ГЕОГРАФИК ТАДҚИҚОТЛАРИ

Александр ГУМБОЛЬДТ
(1769–1859)



Немис табиатшуноси, географи ва сайёхи Александр Гумбольдт илмий карашларининг ниҳоятда кенглиги билан замондошларини ҳайрон колдиргани боис «XIX асрнинг Аристотели» деган номга сазовор бўлган эди. Серқирра олим Европа, Марказий ва Жанубий Америкадаги турли мамлакатлар табиатини чуқур ўрганган. А. Гумбольдт ўз асарлари билан Ер қобигидаги қаттиқ, суюқ ва ҳаво қобиқлари ўргасидаги қонуниятларни ўрганишга қаратилган табиий географияга асос солған десак, хато бўлмайди. Ўсимликлар географияси фани ва ҳаёт шакллари ҳақидаги таълимот асосчиларидан бири бўлган А. Гумбольдт вертикал зоналлик ғоясини илмий исботлаб берган, Умумий Ер билими, иклимшунослик каби фанларнинг ривожи учун асос яратган.

Фридрих Генрих Александр фон Гумбольдт 1769 йилнинг 14 сентябрида Берлинда туғилган. Берлинда яшаб, хусусий тарбиячилар қўлида турли фанлардан билим олгач, 1787 йилда акаси Вильгельм билан Одердаги Франкфурт шаҳрига кўчиб ўтди ва шу ердаги университетга ўкишга кирди. Одерда бир йил ўқигач, яна Берлинга қайтиб, Геттингем университетида грек тили, технологиялар ва ботаникани ўрганган. Шу билан бирга мустақил равишда классик адабиёт, тарих, табиатшунослик ва математика фанлари билан қизиккан.



Рейн дарёси.

А. Гумбольдт 1790 йилнинг март ойида Рейн дарёси бўйлаб дастлаб Голландияга, сўнг у ердан Франция ва Британияга саёҳат килди. Геология фани сирлари билан якиндан танишиш ва Фрейберг академиясининг шуҳрати олимни Германиянинг Фрейберг шахрига етаклади ва бу ерда геология ва минералогия фанларини чуқур ўрганди. Олим 23 ёшидаёқ геология, ботаника ва физиология фанлари бўйича кенг билимларга эга бўлиб, бу соҳалардаги ўзининг қатор изланишларини чоп эттирган ҳам.

А. Гумбольдт 1799 йилда Марказий ва Жанубий Америка бўйлаб узок муддатли саёҳатга чиқиб, беш йилдан сўнг, яъни 1804 йилда Европага қайтиб келган. Мазкур саёҳатга қадар Жанубий Американинг ички минтақаларидаги фақат битта шаҳар – Кито аниқ географик координаталарга эга эди ва ушбу материк геологияси ҳақида эса европаликларга деярли хеч нарса маълум эмас эди.

Саёҳатлари давомида А. Гумбольдт Жанубий Америкадаги қатор ахоли пунктларининг географик координаталарини, 700 дан ортиқ тепалик ва тоғ чўққиларининг гипсометриясини аниклади. Худудни географик, геологик ва орографик нуқтаи назардан тадқиқ этди, унинг иқлимига оид қимматли маълумотларни тўплади ва



ўзига хос томонларини кўрсатиб берди. Шунингдек, олим тўрт минг турдан ортиқ, шу жумладан, 1800 га яқини фан учун янги бўлган ўсимликларни ўз ичига олган йирик ботаник коллекция йиғишга муваффақ бўлган ҳам.

Германиялик олим томонидан Амазонка ва Ориноко дарёлари тизимишининг ўзаро боғлиқлиги исбот килиниб, қатор дарёлар, тоғ тизмаларининг йўналишлари, Жанубий Американинг гарбий кирғокларидаги дengiz okimi xaritaga туширилган. Жанубий Америка мамлакатлари аҳолиси, этнографияси, археологияси, тарихи ва сиёсий аҳволи ҳам А. Гумбольдт назаридан четда қолмаган ва олим бу борада катта ҳажмдаги қимматли маълумотлар тўплаганини таъкидлаш лозим.


А. Гумбольдт ва унинг шогирдлари томонидан Америка саёҳати натижасида йиғилган маълумотларни умумлаштириш ва чоп этиш учун 26 йил вакт сарф қилинган. «Америка саёҳати» асарининг

1-жилди 1807 йилда ва сүнгги 30-жилди 1833 йилда чоп этилган ва жами 1425 та жадвални ўз ичига олади.

1827 йил ноябрдан 1828 йил апрелгача Берлинда давом этган илмий мунозараларда «дунё табиатининг тасвири ҳакида» қилган маърузалари учун А. Гумбольдт Күёш тасвири туширилган ва «Дунёни ёркин нурлар билан ёритаётган шахс», деган ёзув туширилган медалга сазовор бўлган.

Рус императори Николай II «мамлакат ва фан манфаати» учун Россиянинг шарқига саёҳат уюштиришни таклиф этгач, А. Гумбольдт 1829 йилда Петербург шаҳрига келди. Сайёх дастлаб Москвага, кейин Нижний Новгородга бориб, у ердан Волга дарёси орқали Қозон шаҳрига, кейин Пермь ва Екатеринбург шаҳарларига саёҳат килди. Куйи ва Ўрта Урал тоғларини бир неча ҳафта давомида геологик жиҳатдан ўрганиб, Сибирь кенгликларини тадқиқ қилган.

Олимнинг Россиядаги саёҳати давомида илмий жиҳатдан ўрганган сүнгги жой Астрахань шаҳри ва Каспий денгизи бўлган, чунки у ўз асрларидан бирида «Каспий денгизини кўрмасдан ўлишни хечам хоҳламас эдим», деб ёзган эди. Гумбольдтнинг Россияга сафари натижалари уч жилдли китоб бўлиб «Марказий Осиё» номи билан босилиб чиқкан.



А. Гумбольдтнинг Россияга саёҳати харитаси.



А. Гумбольдтнинг Берлин шаҳридаги ҳайкали.

Фан олдидағи хизматлари учун 1842 йилда А. Гумбольдт Фридрих II томонидан таъсис этилган ҳарбий орден билан тақдирланган. Фридрих Вильгельм IV эса уни Германия ва Европадаги фан, санъат ва адабиётнинг буюк вакилларига бериладиган орден билан мукофотлаган. Бундан ташқари, олим дунёнинг турли мамлакатлари, хукуматлари ва илмий ташкилотларининг кўпсонли мукофотларига ҳам сазовор бўлган. Унинг номи катор географик, ботаник ва зоологик адабиётларда абадийлаштирилган, турли географик обьектлар, дарёлар, тоғлар ва дениз оқимларига унинг номи берилган.

Александр Гумбольдт фаолиятининг илмий-оммабоп томони ёзилиши 1796 йилдаёқ режалаштирилган «Коинот» номли асарида ўз аксини топган. Ушбу асарнинг биринчи жилди 1845 йилда «Коинот: табиий оламни тасвирилаш режаси» номи билан нашр этилган. Унинг муқаддимасида Гумбольдт шундай ёзган: «Ижодий ҳаётимнинг юксаклик даврида қарийб ярим аср қалбимда олиб юрган асаримни немис оммасига тақдим этаман». «Коинот» асари XIX асрнинг биринчи ярмидаги илмий билимларнинг жамланмаси ҳисобланади. Китобнинг кўпчилик қисмларида ёритилган билимлар ҳозирги замон нуқтаи назаридан бир оз эскирган бўлса-да, аммо у ўз даврининг билимлари даражасини акс эттирувчи ёрқин асар бўлиб қолаверади.

А. Гумбольдт 1859 йилда 90 ёшида вафот этган. Замондошларининг сўзларига кўра, табиат олимга бекиёс куч-ғайрат ато этган ва у 90 ёшида ҳам тетик ва соғлом бўлиб, «Коинот» асарининг 5-жилди устида иш олиб бораётган эди.

Фаддей БЕЛЛИНСГАУЗЕН


(1778–1852)

XVIII асрнинг иккинчи ярмида жанубий денгизларни текширган инглиз сайёхи Ж. Кук бу ерларда йирик музларнинг сузиги юриши ва улкан муз далаларининг мавжудлиги сабабли жанубга денгиз орқали сузиги бориш мумкин эмас, деган фикри айтган эди. Унинг бу фикри турли мамлакатлар томонидан жанубий материкни кидириш бўйича экспедициялар ташкил этишни 45 йилча тўхтатиб қўйган. Аммо рус денгизчиси Фаддей Беллинсгаузен бошчилик килган биринчи рус Антарктика экспедицияси Ж. Кукнинг фикри нотўғри эканлигини исботлади. Рус сайёхи Антарктида қирғоқлари бўйлаб айланма саёҳат қилиб, биринчи бўлиб унинг яхлит материк сифатида мавжуд эканини бутун дунёга маълум қилган.

Ф. Беллинсгаузен 1778 йилда Болтик денгизидаги Сааремаа оролида (хозирги Эстония худудида) туғилган. Оролда яшагани боис болалигидан улкан денгиз кентгликларида саёҳат килишни орзу киларди. Бу хақда ўзи шундай ёзган: «Мен денгиз ўртасида туғилдим ва худди балиқ сувсиз яшай олмагани каби мен ҳам денгизсиз яшай олмайман». Фаддей Кронштадтдаги денгиз кадетлик корпусига ўкишга кириб, денгиз илмини ўрганди. 1803–1806 йилларда рус сайёхи Иван Круzenштерн бошчилигида Ер шари бўйлаб айланма денгиз саёҳатида иштирок этган. 1810–1819 йилларда Россиянинг Болтик ва Кора денгиз флотларида турли кемалар кўмондони сифатида хизмат килди.

Ф. Беллинсгаузен И. Круzenштерн тавсиясига биноан 1819–1821 йилларда яна бир машхур рус сайёхи Михаил Лазарев билан дунё бўйлаб сузишни амалга оширган биринчи рус Антарктика экспедициясига раҳбарлик қилган. «Восток» ва «Мирний» деб номланган иккита кемада йўлга чиққан экспедициянинг асосий вазифаси Жанубий кутб денгизларини текшириш ва у ерда материк бор ёки йўқлигини аниклашдан иборат эди.





Биринчи рус Антарктика экспедицияси 1819 йилнинг 4 июнида Кронштадтдан йўлга чиқиб, 2 ноябрда Бразилиянинг Рио-де-Жанейро шаҳрига етиб келди. Сайёҳ бу ердан дастлаб Кук томонидан очилган Янги Георгия оролини айланиб ўтиб, тўғри жанубга сузган. 56° жанубий кенглиқда учта Маркиз де Треверс оролларини кашф қилгач, Ф. Беллинсгаузен Жанубий Сандвич оролларини текширган. Сўнг 59° жанубий кенглиқ бўйлаб шаркқа ва музларнинг холатига қараб икки марта жанубга имкон қадар сузиб, 69° жанубий кенглиқка борган.

1820 йил 16 январда Ф. Беллинсгаузен экспедицияси Антарктидани кашф қилган. Сайёҳ ушбу материикка йил бор $69^{\circ}21'28''$ жанубий кенглиқ ва $2^{\circ}14'50''$ гарбий узоклиқка қадар (хозирги шельф музлиги яқинида) яқин келган. Беш кун ўтгач, 21 январда экспедиция иштирокчилари иккинчи марта материикни кўришган ва 5–6 февраль кунлари Антарктида кирғоқларига етиб боришган.

Антарктидада киш кириши муносабати билан 1820 йилнинг марта Ф. Беллинсгаузен ва М. Лазарев кўмондонлик қилган ке-



Маккуори оролидаги пингвинлар галаси.

малар бир-биридан ажралиб, ҳали ҳеч ким бормаган Ҳинд ва Жанубий океанларни 55° жанубий кенглик ва 9° гарбий узоклик оркали кесиб ўтиб, Австралиянинг Жексон (ҳозирги Сидней) бандаргохига етиб келишган. Австралиядан экспедиция Тинч океанига йўл олиб, қатор атолл ва оролларни (Беллинсгаузен, Восток, Симонов, Михайлов, Суворов ва Россияниклар) кашф қилган ва Сиднейга қайтиб келган.

1820 йил ноябрда Антарктидада ёз келиши билан экспедиция яна жанубий денгизлар томон йўл олган ва Тасмания оролидан 1,5 минг км жануби-шарқда 54° жанубий кенгликда жойлашган майдони 120 кв.км бўлган Маккуори оролини текширган. Ушбу оролдан кемалар дастлаб тўғри жанубга, кейин шарққа сузиб, Кутб доирасини уч марта кесиб ўтган.

1821 йил 10 январда 70° жанубий кенглик ва 75° гарбий узокликда Беллинсгаузен яхлит муз майдонини учратган ва шунинг учун шимолга караб сузишга мажбур бўлган. Шундан сўнг сайёҳ

68° ва 69° жанубий кенгликлар оралиғида Пётр I ороли ва Александр I кирғонини кашф этиб, Янги Шотландия оролига келган. Экспедициянинг бутун йўналишини харитага туширган Ф. Беллинсгаузен бошчилигидаги сайёҳлар 751 кунлик узок саёҳатдан сўнг 1821 йил 24 июлда Кронштадтга қайтиб келишган.

Ф. Беллинсгаузен экспедицияси ушбу саёҳат давомида 100 минг км дан ортиқ масофани босиб ўтган ва бу Ер шарини экватор бўйлаб икки ярим марта айланиб чиқкан билан баробар. Саёҳат давомида экспедиция 527 кун сузган, шундан 122 куни 60-параллелдан жанубда ва 100 куни музликлар орасида амалга оширилган. Ушбу саёҳат даво-



Ф. Беллинсгаузенning
Кронштадтдаги ҳайкали.

мида сайёхлар томонидан 29 та янги оролнинг номи харитага туширилган.

Ф. Беллинсгаузен экспедициясининг сафари инсоният тарнихида амалга оширилган энг муҳим ва энг қийин саёҳатлардан хисобланади. Сайёҳ ушбу сафари билан жанубий денгизларнинг чеккасига сузиб бориш мумкин эмас, деган нотўғри фикрни инкор килиб, дунёдаги олтинчи материикни кашф этган. Ф. Беллинсгаузен ва М. Лазаревнинг саёҳати шарофати билан жанубий материикни тадқиқ килиш ишлари авж олди ҳамда бу жараён ҳозир ҳам давом этмоқда.

Сайёҳнинг дунё географик тадқиқотлари хазинасига кўшган хиссасига эҳтиром сифатида Тинч океанидаги денгиз, Сахалин оро-лидаги бурун, Туамоту архипелагидаги орол, Лаптевлар денгизида-ги орол ва қўлтиқ, Ойдаги кратер, Антарктидадаги музлик ва Ватер-лоо оролидаги кутбий станцияга Ф. Беллинсгаузен номи берилган.

Давид ЛИВИНГСТОН

(1813–1873)

Буюк географик кашфиётлар даврида аксарият саёҳатлар янги мустамлакаларни очиш мақсадида уюштирилгани боис, Ер шарининг европаликларга номаълум бўлган қисмларидағи маҳаллий аҳоли сайёҳларга бирмунча шубҳа билан қарашган. Аммо номаълум ерларни очган сайёҳларнинг кўпчилиги ўзлари кашф этган жойлардаги ерли аҳолининг ахволини яхшилаш борасида бирмунча хайрли ишларни амалга оширишган. Ана шундай сайёҳлардан бири Африка қитъасининг марказий ва жанубий қисмларини чуқур ўргангандан ва бу материикни биринчи бўлиб кесиб ўтишга муваффақ бўлган шотландиялик тадқиқотчи Давид Ливингстондир.

Д. Ливингстон 1813 йилда Глазго шаҳри яқинидаги Блантайр шаҳарчасида туғилган. 10 ёшидан тўқимачилик фабрикасида ишлаб, турли фанларни мустақил ўрганди. 23 ёшида коллежни, сўнг Глаз-





Калахари – дунёдаги энг иссик чүллардан бири.

го университетини тутатиб, врач мутахассислигини олган. Кейин Англия миссионерлар жамиятига мурожаат қилиб, ўзини Жанубий Африкага юборишларини сұраган.


Д. Ливингстон 1840 йилда Калахари чўли жанубидаги Куруман шахрига етиб келди ва етти йил давомида бечуанлар мамлакатида истикомат қилиб, турли саёҳатларни амалга ошириди. Ўша даврларда сайёхда Жанубий Африкадаги барча дарёларни тадқиқ қилиш ғояси туғилған. Айтиш керакки, сайёҳ бутун умри давомида Африка китъасининг ички кисмларига табиий сув йўлаклари орқали бориш йўлларини қидирған. Шу боис ҳам Африкани кашф қилиш тарихида Д. Ливингстон номи ҳақли равища «дарёларни изловчи сайёҳ» сифатида қолған.

1849 йилда Д. Ливингстон Калахари чўлини жанубдан шимолга кесиб ўтиб, биринчи бўлиб унинг ландшафтларига таъриф берган. 1851 йилда уюштирилган саёҳат ўша пайтгача европаликларга но маълум бўлған Замбези дарёсининг кашф этилишига сабаб бўлди. Кейинги беш йил давомида бир неча бор ташкил этилган экспедицияларда ушбу дарё ҳар томонлама ўрганилди. Д. Ливингстон


рахбарлигига Атлантика океани қирғоқларидан бошланган экспедиция Замбези дарёсининг Ҳинд океанига қўйилиш жойигача бўлган ҳудудларни тадқиқ этиб, дарёнинг кемачилик нуктан назаридан имкониятларини ўрганган.

Д. Ливингстон европаликлардан биринчи бўлиб маҳаллий макололо кабиласи «Мози-оа-туня», яъни «гумбурловчи тутун», деб атайдиган шаршарани кашф этишга муваффак бўлиб, унга ўша пайтдаги инглиз кироличаси шарафига «Виктория шаршараси», деб ном берган. Ҳакиқатан ҳам, баландлиги – 120, эни – 1800 метр бўлган ушбу шаршара дунёдаги энг йирик шаршаралардан бири бўлиб, шовқини узок-узоклардан эшитилиб туради. Шаршара Африканинг Замбия ва Зимбабве давлатлари ўргасида жойлашган. Шаршара дунё ноёб табиий обидалари рўйхатига киритилган. Мазкур ҳудудда турли саёҳат йўналишлари ташкил этилган ва улар бутун дунёдан ташриф буорадиган сайёҳлар билан гавжум.

1856 йил май ойида Д. Ливингстон экспедицияси Ҳинд океани қирғоқларига етиб келган ва сайёҳ европаликлардан биринчи бўлиб



Замбези дарёсидаги Виктория шаршараси.



Виктория шаршарасида Замбия давлати ўрнатган ёзув.

Африка китъасини кесиб ўтган. Африкага саёҳатларининг натижаси сифатида Д. Ливингстон 1857 йилда «Тадқиқотчи ва миссионернинг Жанубий Африкага саёҳати» асарини ёзган ва бу китоб унинг европалик олимлар ўртасида тузуккина танилишига сабаб бўлди. Бундан ташқари, Африкани тадқиқ этишдаги хизматлари учун Британия Қироллик География жамияти сайёҳни олтин медаль билан тақдирлаган.

1858–1864 йилларда Д. Ливингстон Африкага бир неча бор экспедиция уюштириб, Замбези ва Лиамбе дарёларининг битта дарё ҳавzasига тегишли эканини исбот килган ҳамда Нъяса кўли, Ширве дарёси ва бошқа бир қатор кўлларини кашф этиб, ҳаритага туширган. 1865–1871 йиллар давомида сайёҳ Марказий Африкадаги бир қатор гидрографик тизимларни, жумладан, Танганьика ва Нъяса кўлларини, Конго ва Нил дарёларининг бошланиш қисмларини тадқиқ этиб, бу борадаги европалик олимлар ўртасида ўша пайтда мавжуд бўлган баъзи бир нотўғри тасаввурларга чек қўйган.

1871 йилда Д. Ливингстон Танганьика кўлининг шимолий қисмларини ўрганиб, ўзидан олдинги сайёҳлар берган маълумотлар нотўғри эканини ва ушбу кўл Нил дарёсининг бошланиш қисми эмаслигини исбот қилди.

Д. Ливингстонни «шер оғзидан кутулиб колган сайёх» хам дейишиди. Бунга сабаб шуки, Намибиянинг Куруман шахри ёнида шер овига чикқанда, унга шер ҳамла қилган. Сайёх шунчалик кўркиб кетадики, натижада товуши чикмай, жойида қотиб колган. Кўркув билан боғлиқ ўзига хос фалажлик ҳолати сайёхни муқаррар ўлимдан саклаб қолган, дейиш мумкин. Чунки ўлик жонзотлар гўштини тановул килмайдиган ҳайвонлар подшоси қимирламай колган сайёхни хидлаб кўргач, ўлган, деб ўйлаб, четланган. Бу ҳолат Д. Ливингстонни кузатиб келаётган ерли аборигенларнинг унга нисбатан бўлган хурматининг янада ошишига олиб келган ва сайёх уларнинг наздида «муқаддас киши»га айланган.

Д. Ливингстон 1873 йилнинг 1 майида Бангвеулу кўли якинидаги Читамбо қишлоғида вафот этган. Британия ҳукумати сайёхни хурмат-эҳтиром билан Лондонда дафн этишини маълум қилди. Аммо Ливингстонга меҳри баланд бўлган африкаликлар унинг жасадини инглизларга беришдан бош тортишган. Узок музокаралардан сўнг африкаликлар сайёхнинг юрагини олиб, Бангвеулу кўли атрофига дафн этдилар. Бу ҳаракатларини африкаликлар «инглизлар сайёхнинг



Намибиянинг Мабоце водийсида «шер оғзидан кутулган»

Д. Ливингстонга ўрнатилган ҳайкал.



Виктория шаршаси яқинидаги
Д. Ливингстон ҳайкали.

асосий қисмини Африкани ўрганишга бағишилаган ва ушбу қитъа бўйлаб 50 минг километрдан ортиқ масофани босиб ўтган. У қора танли африкаликларни химоя қилишни ёқлаб чикқан юкори та-бақали биринчи европалик эди. Сайёх Африкада ўша пайтларда авж олган кул ва одам савдосига кескин қарши чикқан ва ушбу қитъа билан тенг ҳамкорлик қилиш тарафдори бўлган.

Шунинг учун африкаликлар Д. Ливингстонни жуда ҳурмат қи-лишар ва саёҳатлари давомида унга ҳар томонлама ёрдам беришар эди. Африкаликлар сайёхни ҳозирга қадар ҳам чуқур ҳурмат би-лан эсга оладилар. Малавидаги Ливингстония шаҳри, Замбиядаги Ливингстон (Марамба) шаҳри, Конго дарёсининг куйи оқимидаги шаршаралар, Нъяса кўли қирғокларидаги тоғларнинг сайёх номи билан аталганлиги африкаликларнинг Д. Ливингстонга бўлган юк-сак эҳтиромидан дарак беради. Шунингдек, Виктория шаршара-сининг этагида Д. Ливингстон ҳайкали ўрнатилган бўлиб, Малави давлатидаги энг йирик шаҳар Блантайр, яъни сайёх туғилган жой номи билан аталган.

танасини олиб кетишича-да, унинг юраги Африка билан абадий кола-ди», дея изоҳлашган.

Сайёхнинг танасини эса аф-рикаликлар тузлаб, куритиб, 9 ой давомида 1500 км масофани босиб ўтиб, Шарқий Африкада-ги Багамойо бандаргоҳига олиб келдилар ва денгиз орқали Лон-донга жўнатдилар. Сайёх Вест-минстер аббатлигидағи қироллар ва машхур кишилар мавзолейи-да дафн этилди. Сайёх умрининг охирги йилларидаги кундалиқ-лари асосида яратилган «Давид Ливингстоннинг сўнгги саёҳати» асари 1874 йилда Лондонда чоп этилган.

Д. Ливингстон ўз ҳаётининг

Пётр СЕМЁНОВ-ТЯН-ШАНСКИЙ

(1827–1914)

Пётр Петрович Семёнов-Тян-Шанский машхур рус географи, ботаник ва энтомологи, статисти, давлат ва жамоат арбобидир. У Тянь-Шань тоғларини чукур ўргангандар. Марказий Осиёга бир неча бор илмий экспедиция ташкил этган ва Россиянда 1897 йилда ўтказилган биринчи аҳолини рўйхатга олишнинг ташкилотчиси бўлган. Олимнинг асли фамилияси Семёнов бўлиб, фанга қўшган улкан ҳиссаси ва Тянь-Шань тоғларининг кашфиётчиси сифатида рус императори нинг 1906 йил 23 ноябрдаги фармонига мувофиқ фамилиясига Тянь-Шанский қўшила бошлаган.

Тянь-Шанский 1827 йилда Россиянинг Рязань шахри яқинидаги Урусово қишлоғида туғилган. Дастлабки таълимни ўз қишлоғида



Тянь-Шань тоғлари.

олган, сўнгра юнкерлар мактабига ўкишга кирган. Ёшлигиданок географияга ҳавас уйғонган ва олимнинг ёзишича, болалигидагу унинг энг яхши кўрган ўйини материк, давлат, шаҳар, дарё каби турли географик обьектлар номлари ёзилган лото бўлган. Кейинчалик бўлажак олим Санкт-Петербург университети физика-математика факультетининг табиий фанлар бўлимига эркин тингловчи сифатида ўкишга қабул қилинган. Тян-Шанский 1848 йилда университетни тугатгач, фан билан жиддий шуғулланишга қарор килди. Номзодлик имтиҳонини муваффақиятли топшириб, 1849 йилда олим Рус география жамиятининг ҳақиқий аъзоси этиб сайланган ва узоқ вактлар табиий география бўлимининг котиби бўлиб фаолият олиб борган.

1851 йилда Тян-Шанский Ока ва Дон дарёларининг ҳавзасига саёҳат килиб, Шарқий Европадаги ўсимликлар дунёсининг шаклланишдаги роли ҳақида рисола ёзган. 1853 йилда Тян-Шанский Берлин университетига ўкишга кириб, бу ерда уч йил давомида география ва геологиядан маъruzалар тинглади. Дарсдан бўш пайтлари олим Германия, Италия ва Швейцария бўйлаб саёҳатга чиқкан. Гер-



Дон дарёси.

манияда олим машхур немис табиатшуноси А. Гумбольт ва К. Риттерлар билан танишган ва Осиёнинг ички қисмларига саёҳат килиш режаси билан ўртоқлашиб, уларнинг фикрини олган. Шунда А. Гумбольдт ўзининг «Тянь-Шань (хитойчада «Осмонўпар тоғлар» маъносини билдиради) тоғларининг вулканик ҳаракатлар натижасида пайдо бўлганлиги» ҳақидаги назариясига исбот топиш ниятида шу тоғ минералларидан намуна олиб келишни илтимос қилган. Германиялик машхур олимнинг бу фикрлари Тянь-Шанскийнинг бўлажак экспедицияни ташкил этиш ҳақидаги режасини амалга оширишга бўлган интилишни янада кучайтирган.

Петербург шаҳрига қайтиб келган Тянь-Шанский География жамияти раҳбарларини Тянь-Шанга экспедиция ташкил этиш зарурлигига ишонтира олди. Шундай қилиб, сайёҳ олим 1856 йилнинг баҳорида Петербургдан йўлга чиқиб, Москва, Қозон ва Урал орқали кунига 400 чакиримдан ортиқ (425 км.га яқин) йўл юриб, 1 июнда Иртиш дарёси кирғокларига етиб келган. Ушбу дарёдан бир кун давом этган кечувдан сўнг олим илк бор Олтой тоғларини кўрди.

1856 йилнинг август ойида Тянь-Шанский Семипалатинскдан йўлга чиқиб, Балхаш кўлига етиб келган. Бу ҳақда олим шундай ёзган эди: «Ўзининг қуриб қолган чеккаси Олакўл билан биргаликда Балхаш Марказий Осиё тоғ тизмаларини қирғиз даштларидан ажратиб туради». Сайёҳ Балхаш кўлидан жануби-шарқдаги «кўзни қамаштирадиган доимий қорлар билан қопланган ва жануби-гарбга йўналган тоғ тизмаларини» Жунғория Олатови, деб номлаган. Ушбу тизма ортида Или дарёси водийсидан ўтган Тянь-Шанский Верний (ҳозирги Алмати) шаҳрига етиб келди.

1856 йилнинг сентябрь-октябрь ойларида Тянь-Шанский тоғлар оша Иссиқкўл томонга икки марта саёҳат ўюштирган.



Иссиқкўл ва унинг атрофидаги тоғларининг коинотдан кўриниши.

Биринчи саёҳат тизманинг шарқидан ўтиб, бу тизма ҳакида олим «худди девор каби шаҳарнинг жанубида тик кўтарилилган»ини ёзган ва уни Илиорти Олатови, деб номлайди. Сайёҳ Кунгай Олатовидан ошиб ўтиб, тизманинг жануби-шаркида Туп ва Жирғалап дарёларининг водийлари бўйлаб Иссиқкўлга етиб келган. Верний шаҳрига саёҳ худди шу йўл билан яна орқага қайтиб борган. Олим ушбу сафари давомидаги таассуротларини: «...Жанубда кўм-кўк Иссиқкўл ястаниб ётар ва у қор билан копланган узлуксиз тоғ тизмаларига туташиб кетган. Бу узок вакт орзу қилинган Тянь-Шань тоғлари бўлиб, унинг Терской Олатови тизмаси эди», дея тасвирлаган.

Олим иккинчи сафари чоғида Вернийдан ғарбга қараб юриб, жануби-ғарбда баланд тоғ тизмасини кўрган, аммо унга етмасдан Боам дараси орқали Иссиқкўлнинг шимоли-ғарбий кирғоғига етиб келган. Сайёҳ ушбу сафари натижасида Чув дарёси Иссиқкўлдан оқиб чиқади, деган турли миш-мишларга чек қўйган ва ушбу кўлдан бирорта дарёнинг оқиб чиқмаслигини исботлаган. Тянь-Шанский Иссиқкўлдан Кунгай Олатови тизмасига кўтарилиган ва Чув дарёсининг ўнг ирмоғи водийсини кесиб ўтиб, Илиорти тизмасининг энг баланд жойидан ошган ҳолда Вернийга қайтиб келган.

Тянь-Шанский 1857 йилнинг ёзида ҳамроҳлари билан навбатдаги саёҳатни амалга ошириш учун йўлга чиқди. Улар дастлаб, Илиорти Олатовининг шимолий ёнбағри бўйлаб шаркқа Чилик дарёсигача юришган, сўнг параллел жойлашган Согет ва Тўртайғир тоғлари ўртасидаги ясси тоғ орқали Или дарёси ирмоғи Чориннинг юкори қисмига етиб олдилар. Тўртайғир тоғининг ингичка чўққисига кўтарилиган Тянь-Шанский европаликлардан биринчи бўлиб, узок вакт Тянь-Шань тоғларининг энг баланд нуқтаси ҳисобланган Хонтангри чўққисини кўрган. Сўнг Кунгай Олатови тизмасини ошиб ўтган сайёҳ Терской Олатовининг шимолий ёнбағирларини батаф сил ўрганди.

Тянь-Шанский Терской Олатовининг довонига чиқиб, жанубда Сирдарёнинг ўнг ирмоғи бўлган Норин дарёсини кўрди. Шунингдек, сайёҳ довонда туриб 30 дан ортиқ қорли чўққиларни кузатган. Хонтангри чўққиси ёнбағрида олим улкан музликни учратган ва кейинчалик унга сайёҳнинг номи берилган. Тянь-Шанский худди



Хонтангри чўкқиси.



Норин дарёси.

ана шу музлик якинида зоологлар аллақачон қирилиб кетган, дұхисблаган ва бир вақтлар Марко Поло күрган улкан бурاما шох тоғ құчқорларини ураттган. Бундан ташкари, олим яна фанга ы маълум түртгта янги үсимлик турларини тасвиirlаб берди.

Тянь-Шань тоғларига уюштирилган экспедиция муваффакият бўлиб, олим үзининг иккинчи саёҳатини «Марказий тоғли Оси нинг шимоли-ғарбий қисмини илмий жиҳатдан чукур текшири учун тайёргарлик (рекогносцировка)», деб атаган эди. Саёҳат наф жалари эса кутилгандан ортиқ бўлган. Олим Кунгай Олатовини 150 км, Терскей Олатовини эса 260 км масофада текширган, Илис ти Олатовини тадқик этиб, унинг Тянь-Шаннинг бошқа тизмала билан боғланганлигини ва ушбу тоғларнинг олд занжири эканѓини исботлади. Сарижаз дарёсининг юкори қисмидаги музлини аниқлаб, Чув дарёсининг Иссиқкўлдан оқиб чикмаслигини аксинча, сув кўпайган пайтда үзининг Кутамолди ирмоғи орқа Иссиқкўлга кўйилишини кўрсатиб берган.



Марказий Тянь-Шань тоғ занжирининг коинотдан кўриниши.

Олим мазкур саёхати натижасида Ўрта Осиё тоғларида вулкон ҳодисаси йўклигини инкор этиб бўлмас далиллар билан исботлаган. Хуллас, Гумбольдтнинг Тянь-Шань тоғлари вулкон отилишидан пайдо бўлганлиги ҳакидаги назариясига исбот топа олмади.

Сайёх Тянь-Шань тоғларидаги баландлик минтақалари ва кор чизигининг баландлигини аниклаб, Марказий Осиёдаги тўртга йирик дарё тизимидан учтасига кирувчи Норин, Текес ва Торим дарёларининг бошланиш қисмларини географик жиҳатдан ўрганган. Олим биринчи бўлиб Тянь-Шань тоғларининг параллел тизмалар занжиридан иборатлиги ва улар ўртасида водийлар ҳосил бўлганини аниқлаган. 1888 йилда Закаспий вилояти ва Туркистонга килган саёхати давомида эса асосан, энтомологик тадқиқотлар билан шуғулланган ва натижада «Туркистон ва Закаспий ўлкаси 1888 йилда», деб номланган мақолани ёзган.

Географик тадқиқотлар билан бир қаторда Тян-Шанский турли давлат маҳкамаларида ҳам ишлаган. Жумладан, 1864–1897 йилларда марказий статистика қўмитасида фаолият олиб бориб, Россиянинг турли соҳаларга оид статистик тўпламларини ишлаб чиқишга бош-қош бўлган. Шунингдек, олим XVI ва XVII аср голланд рассомларининг асарларини йиғиб, улар асосида лавҳалар ёзган. Кейинчалик йикқан шахсий бир неча юз голланд рассомлари асарларидан иборат коллекцияни Эрмитажга совға қилган.

Тян-Шанский қирқ йилдан ортиқ (1873–1914) вақт давомида Рус география жамиятига бошчилик қилди. Унинг бошчилигига ва бевосита иштирокида дунё географик кашфиётлар тарихига кирган бир қатор йирик илмий экспедициялар ташкил этилган. Олим кўплаб асарлар муаллифи бўлиб, 1860 йилда чоп этилган «Энциклопедик лугфат»га бир қатор географик мақолалар ёзди. Шунингдек, Тян-Шанский 1893 йили Чикагодаги бутунжаҳон кўргазмаси учун чоп этилган «Сибирь. Буюк Сибирь темир йўли», деб номланган тўпламни тузувчилидан биридир.

Дунё география фанининг ривожланишига катта ҳисса кўшган саёх олим Пётр Семёнов-Тян-Шанскийнинг номи Ўрта ва Марказий Осиё, Кавказ, Аляска ва Шпицбергендаги географик объектларда абадийлаштирилган. Шунингдек, Тян-Шанскийнинг номи 100 дан ортиқ ўсимлик ва ҳайвон турларига берилган.

Арминий ВАМБЕРИ

(1832–1913)



Марказий Осиёни турли даврларда илмий жиҳатдан ўрганган европалик олим ва сайёхлар талайгина. Аммо XIX аср ўрталарида ҳаётининг турли қирралари ва хусусиятлари европаликларга унча яхши таниш бўлмаган учта хонликдан иборат миңтақага саёҳат қилган сайёхлар жуда кам. Ана шундай сайёхлардан бири 1832–1913 йилларда яшаб ижод қилган венгриялик шарқшунос олим Арминий Вамбери.

А. Вамбери Венгрияning Дунай бўйидаги Дуна-Шердагели қишлоғида дунёга келган. Отасидан эрта ажралган Вамбери болалигида оғир касалликка чалиниб, бир умрга оксок бўлиб қолди. Шунга қарамай, турли католик мактабларида таҳсил олишга интилган. Аммо кўпроқ билимларини мустақил равишда оширган ва бадавлат оиласарнинг фарзандларига тил ўргатиш билан тирикчилик қилган. Болалигига ёқ А. Вамбери венгер, немис, словак ва яхудий тилларини биларди. Кейинчалик лотин, француз, инглиз, испан, италия, дания ва швед тилларини ўрганган. 20 ёшида рус ва қадимги юонон тилларини ўзлаштириб, турк, араб ва форс тилларини ўргана бошлаган.

Шарқ тилларига ва саёҳатларга бўлган катта қизиқиш унда узок юртларга сафар қилиш орзусини уйғотди. Шу сабабли 1857 йилда А. Вамбери Истанбулга келган ва аста-секин турк зодагонлари ва европалик дипломатлар ўртасида муаллим ва олим, деган ном чиқарган. Истанбулда тўрт йил яшаган А. Вамбери қадимги шарқ кўлёзмаларини чуқур ўрганди ва 1861 йилда Венгрия Фанлар Академиясининг мухбир-аъзоси этиб сайланди.

А. Вамберида Туркиядан кейин узок Ўрта Осиёга саёҳат қилиш режаси туғилди. Бунинг асосий сабаби борасида у шундай ёзган эди: «венгер тилининг олтой тиллари оиласига кириши ҳаммага маълум. Биз венгерларни қизиқтирадиган бу масала, илмий ва мил-

лий нұқтаи назардан мени Шарққа саёхатимга ундовчи асосий сабаб ҳисобланади. Жонли тилларни ўрганиш орқали мен венгер тили ва туркій лаҗжаларнинг ўхшашик дара жасини ўрганишга карор килдим».

1863 йилнинг март ойида А. Вамбери Венгрия Фанлар Академияси маблағи ҳисобига миллати турк бўлган Рашид афанди номи билан дарвеш киёфасида Ўрта Осиёга сафар килиш мақсадида Трабзондан Техронга йўл олди. Эронда Макка зиёратидан қайтаётган ҳожилар карвонига кўшилиб, улар билан бир неча вақт Марказий Эронда тўхтаб, Табриз, Занжон ва Қазвин каби шаҳарларда бўлған. Сўнг ҳожилар кирво ни Исфаҳон, Шероз ва Мозандарон орқали Каспий денигинин жануби-шарқий қирғоқлари томон йўл олди. Шу ердан сайёх жазира мақсади Қоракум чўли орқали Хоразм воҳасига етиб келсан.

Хива хонлигига бир муддат бўлгач, Қизилкум чўли орқали Бухорога етиб олди. У Самарканд, Қарши, Керки, Андхой, Маймана, Ҳирот, Машҳад орқали Техронга қайтган. А. Вамбери Ўрта Осиёга



Вамбери Рашид Афанди.




Арминий Вамберинин! Ўрта Осиёга саёхати ҳарита-чизмаси

сафарини бошлагандан роппа-роса бир йил ўтиб, яъни 1864 йилнинг марта Техрондан Истанбулга, у ердан Будапештга қайтиб келди.

Ҳиротда бўлган базм чоғида афғон амирининг ўғли Ёқубхон бир гурух дарвешлар орасидаги Вамберининг мусика оҳангига мос ра-вишда оёғини ерга уриб турганига эътибор қаратиб қолибди. Шунда Ёқубхон «Осиёда ҳеч ким мусиқани бу тариқа тингламайди», деб ўйлаб, дарвешнинг мусулмонлигига шубҳа қилиб, уни сұхбатта чорлайди. Улар ислом дини, мукаддас жойлар ва Афғонистон ҳакида узок сұхбатлашадилар. Ёқубхоннинг Вамберига қаратса «сен ҳожи ва олимсан, аммо мусулмон эмас, европаликсан», деб айтган гапига сайёҳ «йўқ, мен туркман», деб жавоб берган. Шунда Ёқубхон: «Майли шундай бўлақолсин. Мен сенга ёмонлик тиламайман. Оллоҳ ёр бўлсин», деб Вамберини кўйиб юборибди.

1864 йилда А. Вамбери Ўрта Осиёга, хусусан, Хива ва Бухоро хонликларига саёҳати натижаларини ўз ичига олган, Европа, Россия ва Шимолий Америкада катта қизикиш уйғотган «Ўрта Осиё бўйлаб саёҳат» номли асарини эълон қилган. Ушбу асарнинг деярли барча Европа тилларига таржима қилингани ҳам унга бўлган катта қизикишдан далолат. Асарнинг бу қадар машҳур бўлиб кетишини А. Вамберининг ўзи «ундан олдин ҳеч бир европалик сайёҳ Ўрта Осиёга бу қадар ўзига хос усуlda, яъни бошқа миллат ва дин ва-кили қиёфасида саёҳат уюштирмаганлигига», деб изоҳлаган эди. Венгриялик сайёҳ минтақанинг энг узок чеккаларига кириб боришга ва улар ҳақида завқли ҳикоя қилишга муваффақ бўлган.

А. Вамберининг Бухородан Самарқандга қилган сафари таас-суротларини ўқир экансиз, китобда Бухоро воҳаси, Зарафшон дарёси, Маликчўл ва унда қолдиклари ҳозиргача сақланиб қолган кар-вонсарой ҳамда сардоба ҳақидаги маълумотлар географик жиҳатдан нақадар аниклик билан тасвирланганига амин бўласиз.



Работи Малик сардобаси.

Венгер сайёҳи ёзган китобнинг яна бир кимматли томони шундаки, муаллиф уни ислом дини асослари, маҳаллий халқ урфодатлари ва тилини билган киши сифатида баён килган. Унинг сафар таассуротлари қайд этилган китоби Марказий Осиёнинг европаликлар учун нотаниш бўлган халклари, ерлари, сувлари, иклими ва ландшафти ҳакида бирмунча тўлиқ маълумотларни беради. Асарда ўзбеклар ва туркманлар тўғрисида, айниқса, бу халкларнинг келиб чикиши, тарихи, уруғчилик муносабатлари ва урф-одатлари ҳакида ўша замон нуктаи назаридан бирмунча янги маълумотлар келтирилган.

А. Вамбери саёҳати давомида Хива, Бухоро ва Самарқандда бўлиб, олган таассуротлари ва кўрган-эшитганларини бузмасдан, объектив тасвирлаган. Мутахассисларнинг фикрича, сайёхнинг «Ўрта Осиё бўйлаб саёҳат» асари XIX асрда тарихий-география ва этнография соҳасида яратилган илмий адабиётлар орасида муҳим ўрин тутади. Муаллиф Туркманистон, Хива ҳонлиги ва Бухоро амирлиги аҳолисининг ижтимоий-хўжалик ҳаёти, табиий-экологик шароитига аниқ ва ёркин таъриф берган. Шунингдек, сайёҳ бутун минтақа учун муҳим ҳисобланган сунъий сугоришнинг аҳамияти тўғрисида тўхталиб, асосий ирригация тармоқларини санаб ўтган. Бундан ташқари, муаллиф минтақа мамлакатларининг ташки иктисадий-савдо алокалари бўйича ҳам кимматли маълумотлар келтирган.

Хива, Бухоро ва Самарқанддаги такрорланмас тарихий обидаларнинг венгер сайёҳи томонидан таърифланиши европаликларда Марказий Осиё мамлакатларидағи бой маданий меросларга кизиқишининг ортиши учун турткى бўлди. А. Вамберининг жонли тиллар, халқ оғзаки ижоди ва адабиёт ҳакидаги материаллари эътиборга лойик. У оғиздан-оғизга ўтиб келаётган бой халқ мероси ҳамда Навоийнинг классик адабиёт намуналари билан европаликларни таништириди.

А. Вамберининг саёҳатлардан олган таассуротларини ўз ичига олган «Ўрта Осиё бўйлаб саёҳат» асари турли далиллар билан жуда ишонарли ёзилгани сабабли баъзи олимлар уни сохталиқда, маълумотларни қалбакилаштиришда айблашган, ҳатто. Аммо вакт ўтиши билан бу айловнинг нотўғрилиги ва сайёхнинг китобхонлар

ишончига сазовор бўлган маълумотлар ўз кўзлари билан кўрган та-
ассуротлари экани ундан кейин миңтақага ташриф буюрган кўплаб
бошқа европалик сайёхлар томонидан тасдиқланган. Шунинг
учун бу асар ҳозирги кунда ҳам географ, тарихчи, адабиётшунос-
лар ва бошқа фанлар мутахассислари эътиборидан четда колгани
йўқ ва ундаги кимматли маълумотларни олимлар ўрганишда давом
этмоқда.

Николай ПРЖЕВАЛЬСКИЙ

(1839–1888)



Николай Михайлович Пржевальский –
таникли рус сайёхи ва табиатшуноси, Рус
география жамияти ва Фанлар Академияси-
нинг ҳақиқий аъзоси, Марказий Осиёга бир
неча экспедицияларни ташкил этган олим. У
Смоленск губернияси Починково уездидаги
Кимбورو қишлоғида ҳарбий оиласида ту-
ғилган. Ёшлигиданоқ саёҳат қилишга қи-
зиккан Николай 1855 йилда Смоленск гимна-
зиясини тугатди. Кейинчалик беш йил даво-
мида армияда хизмат килган. Бу вақтда бир
неча бор илмий тадқиқот ўтказиш учун Амур вилоятига ўтказиши-
ларини сўраб мурожаат қилган ва ҳар сафар рад жавобини олган.

1861 йилда Бош штаб академиясига ўқишга кириб, шу ерда
ўзининг биринчи географик асари «Амурбўйи ўлкасининг ҳарбий-
географик тавсифи»ни ёзган ва бу иши учун Рус география жамия-
тининг аъзоси этиб сайланган. 1863 йилда академияни тутатиб,
Польшада Варшава юнкерлар билим юртида география ва тарихдан
дарс берди. Шу билан бирга савиасини ошириш учун мустақил ра-
вишда илмий тадқиқотлар олиб боришини ҳам тўхтатгани йўқ. Сайёҳ
бу ерда Африкани тадқиқ қилиш тарихини чукур ўргангандан ҳамда
кейинчалик Пекинда нашр этилган география дарслигини ёзган.
Кам ўрганилган мамлакатлар худудини географик жиҳатдан чукур
тадқиқ қилиш олимнинг орзузи эди.

Н. Пржевальский 1867 йилдан 1886 йилгача кетма-кет бешта иирик экспедицияни ташкил этган: Уссури ўлкасига (1867–1869), Мұғалистан, Хитой ва Тибетга (1870–1873), Лобнор күли ва Жунгорияга (1876–1877), Марказий Осиёга ва биринчи Тибет (1879–1880) ва иккинчи Тибет (1883–1885) саёхатлари.

1867 йилда Пржевальский ўзи орзу қилган Шаркий Сибирга – Уссури ўлкасига хизматта юборилган. Бу ерда у ўзининг биринчи экспедициясини уюштириб, Уссури ўлкаси бўйлаб Буссе станицасигача борди. Кушларнинг кўчидан юриши вақтида унга бой орнитологик материаллар берган Ханка кўлинин ўргангандан. 1867 йилнинг охирида сайёҳ Жанубий Уссури ўлкасини тадқик қилиб, уч ой давомида 1060 чақирим, яъни қарийб 1100 км йўл босган. Мазкур саёхати давомида олим аксарияти фанга номаълум 300 дан ортик ўсимликлар ва куш турларини тасвирлаган. Унинг бу саёхати натижасида «Амурбўйи вилояти жанубининг четдан келган ахолиси ҳакида» ва «Уссури ўлкасига саёхат» асарлари ёзилган.

1870 йилда Н. Пржевальский Хитой, Мұғалистан ва Тибетга биринчи саёхатини амалга оширди. Сафар Пекин шаҳридан бошлианиб, Далай-Нор кўлининг шимолий қирғозларига томон бўлган. Калган шаҳрида бир оз фурсат дам олгач, Сума-Ходи ва Инъ-Шань тоғларини тадқик этган. Олим Сарик дарё (Хуанхэ) оқимини ўрганиб, Хитой манбаларида кўрсатилган ушбу дарёнинг тармоқланиши ҳакидаги фикрнинг нотўғри эканини исботлади. Сўнг сайёҳ Ала-Шань чўли ва Ала-Шань тоғларидан ўтиб, Калганга қайтиб келган. 10 ой давом этган бу саёхати давомида М. Пржевальский 3500 чақирим (3700 км) йўлни босиб ўтди.

1872 йилда Пржевальский Тибет тоғларига бориш мақсадида Куку-Нор кўли томон йўлга чиқиб, Цайдам чўли орқали Мур-Усу (Кўқдарё) дарёсининг юкори



Ханка кўлининг аэрофотосурати.

қисмига чиқкан. 1873 йилда Тибетга ўтиш бўйича килинган муваффакиятсиз уринишлардан кейин, Н. Пржевальский Гоби чўлининг марказий қисми ва Ургу шахри орқали Кахти шахрига қайтиб келган. Мазкур саёҳати натижасида олим «Мўғалистон ва танғутлар мамлакати», деб номланган географик асарини ёзди. Ўзининг уч йиллик мазкур саёҳати давомида Пржевальский 11000 чақирим, яъни 11700 км йўлни босиб ўтган.

1876 йилда Н. Пржевальский Кулжадан Тянь-Шань ва Жунғория тоғлари орқали Или дарёси, Торим дарёси бўйлаб Лобнор кўли томонларга ўзининг иккинчи саёҳатини амалга оширди. Манбаларга кўра, Н. Пржевальский Марко Полодан кейин сирли Лобнор кўли бўйларига борган иккинчи европалик сайёхdir. XVIII асрнинг бошларидағи Хитой хариталарида Лобнор кўли Пржевальский топган ерда эмас, ундан шимолроқда кўрсатилган эди. Олим кўлни тадқиқ этиб, унинг аниқ жойлашган ерини харитага туширган ва ушбу сув ҳавzasидан жануброқда Олтинтоғ тизмасини кашф этган. 1877 йилнинг баҳорини Лобнор кўлида ўтказиб, орнитологик кузатишлар олиб борган, сўнг Курлу ва Юлдус орқали Кулжага қайтиб келган. Ушбу саёҳатининг натижаси сифатида Н. Пржевальский «Кулжадан Тянь-Шань орти ва Лобнорга», деб номланган асарини ёзиб, нашр эттирган.




Лобнор кўли суви камайганда
кулоқ кўринишига эга.

1879 йилда эса Н. Пржевальский 13 киши ҳамроҳлигига Зайсан шаҳридан ўзининг учинчи, Марказий Осиё экспедициясига йўл олди. Дастваб, Урунгу дарёси бўйлаб, кейин Хами воҳаси, Са-Чжеу воҳаси ва Нань-Шань тизмаси орқали Тибетга, Мур-Усу дарёси водийсига чиқдилар. Тибет хукумати М. Пржевальскийнинг Йхасага киришига рухсат бермади ва маҳаллий аҳолининг дарғазаб

бўлганини кўрган сайёҳ Лхасага атиги 250 чакирим етмасдан Танг-Ла довонидан ўтиб, Ургуга кайтишга мажбур бўлди. 1881 йилда Россияга қайтгач, Пржевальский ўзининг учинчи саёҳати натижаларини тизимлаштириб, уларни 1883 йилда «Зайсандан Хами орқали Тибетга ва Сарик дарёнинг юқори қисмларига» номи билан чоп эттирган. Бу асарда сайёҳ томонидан ўша вактгача фанга номаълум бўлган ва кейинчалик олимнинг номи берилган янги от тури тасвирланган.

1883 йилда Н. Пржевальский ўзининг 21 кишилик тўртинчи Марказий Осиё саёҳатига чиқди. У Каҳтидан Ургу орқали аввал юрган йўли бўйлаб Тибет тоғига йўл олган ва Сарик (Хуанхэ) дарёсининг бошланиш қисмини ҳамда унинг Мур-Усу дарёси ўртасидаги сувайирғични тадқиқ қилган. Сайёҳ европаликларга ўша вактгача номаълум бўлган Тибетнинг шимолий қисмидаги баланд чўккиларга эга бўлган улкан тоғли ўлкани тадқиқ қилган ва харитага туширган. Шу ердан олим Цайдам чўли орқали Лобнор кўлига, сўнг Иссиқкўл бўйидаги Коракўл (аввалги Пржевальск) шахрига этиб келди.

Мазкур саёҳати давомида олим 7800 кмдан ортиқ йўлни босиб ўтган. Сайёҳнинг тўртинчи саёҳати узок давом этиб, фақат 1885



Пржевальский оти.

йилнинг охиридагина ўз нихоясига етди. Ушбу саёҳат натижалари эса «Кахтидан Сарик дарёнинг бошланиш қисмига», деб номланган китобда ўз аксини топган.

1988 йили Н. Пржевальский Марказий Осиёга навбатдаги саёҳатини ташкил этди. Экспедиция Самарқанд орқали Хитой чегаралари томон йўл олган. Аммо Қораболта дарёси водийсида сайёҳ ичтерлама касаллигига чалинди. 1888 йилнинг 1 нояброда Иссиккўл бўйидаги Қоракўл шаҳри яқинидаги Пристань-Пржевальск шаҳарчасида вафот этган. Олимнинг қабри устига ҳайкал ўрнатилган бўлиб, унда оддийгина қилиб «Сайёҳ Н.М. Пржевальский», деб ёзиб қўйилган.

Н. Пржевальскийнинг фан олдидаги энг йирик хизмати унинг Кунь-Лунъ тоф тизимини, Шимолий Тибетнинг тизмаларини, Лобнор, Куку-Нор кўллари ҳавзасини ҳамда Хуанхэ дарёсининг бошланиш қисмларини географик ва табиий-тарихий жиҳатдан чукур тадқиқ этганлигидадир. Шунингдек, Пржевальский Гоби чўли,



Н. Пржевальскийнинг Иссиккўл бўйида жойлашган Қоракўл шаҳридаги қабри ва олим номидаги музей.

Ордос ва Ала-Шань тоғлари ҳамда Цайдам ботигини географик жихатдан тасвирлаб, Марказий Осиёдаги фанга номаълум 20 та тоғ тизмаси, еттига катта ва қатор кичик кўлларни биринчи бўлиб ҳаритага туширган.

Олим биринчи бўлиб қашф этган ерларининг аксариятини ҳаритага туширишда уларнинг маҳаллий халқ тилида айтиладиган номларини сақлаб қолган. Шунинг учун ҳам Британия география жамияти Н. Пржевальскийни «дунёнинг энг буюк сайёхи», деб таърифлаган. Петербург Академияси эса сайёхни «Марказий Осиё табиатининг биринчи тадқиқотчисига» медали билан тақдирлаган. Шунингдек, у Марказий Осиёдаги тадқиқотлари учун Париж география жамиятининг олтин медалига сазовор бўлиб, унинг номи дунёнинг машҳур сайёхлари қаторида тилга олинади.

Машҳур сайёх ва олимнинг хотираси турли географик объектларда абадийлаштирилган. Жумладан, Иссиқкўл бўйидаги пристань – шаҳарчага, тоғ тизмаси, Олтой тоғларидаги музлик, турли ҳайвон ва ўсимлик турлари, Иссиқкўл бўйидаги Қоракўл шахрига (1889–1922 ва 1939–1992 йилларда) ва бошқа кўплаб объектларга Пржевальскийнинг номи берилган.

Николай МИКЛУХО-МАКЛАЙ

(1846–1888)

Николай Николаевич Миклухо-Маклай – машҳур рус сайёхи, этнографи, антропологи, биологи ва географи бўлиб, Жануби-Шарқий Осиё, Австралия ва Океаниянинг туб аҳолисини, шу жумладан, Янги Гвинея оролидаги папуаслар ҳаётини чуқур ўрганган олим. 160 дан ортиқ илмий асарларнинг муаллифи. Мустамлакачилик ва ирқчиликка қарши қурашган, ўз тадқиқотларида барча ирқ вакилларининг ақлий даражаси бир хил эканлигини илмий далиллар билан исботлаб берган.



Миклухо-Маклай 1846 йил 5 иулда Новгород губерниясининг Боровичи шаҳри якинидаги Рождественское қишлоғида туғилган. Сайёхнинг фамилияси Миклуха ва унга Маклай кўшимчаси унинг Янги Гвинеяга қилган сафарларидан кейин кўшилган. Дастлаб Петербургдаги мактабда, сўнг гимназияда ўқиган Миклухо-Маклай 1863 йилда 17 ёшида Петербург университетининг физика-математика факультетининг табиий фанлар бўлимига «эркин тингловчи» сифатида кабул қилинган. Аммо ўрнатилган тартиб-коидаларга риоя қилмаганлиги учун бир йилдан кейин уни университет талабалари сафидан чиқаришди.

Шундан сўнг Миклухо-Маклай ўқиши давом эттириш учун чет элга жўнаб кетди. Дастлаб, икки йил давомида Германиянинг Хайдельберг университетида физиклар, табиатшunosлар, хукуқшunos ва файласуфларнинг маъruzalарини тинглаган. Сўнг Лейпциг университетининг тиббиёт факультетида анатомияни ўрганди ва бир вақтининг ўзида табиий факультетлардаги маъruzalarda иштирок этди. Анатомияга бўлган кучли қизиқиш олимда бир умрга қолди. Шунингдек, Йенадаги тиббиёт факультетида ҳам бу борадаги билим ва тажрибасини оширган. Айниқса, ўша пайтлардаги машҳур зоолог олим Эрнст Геккел Миклухо-Маклайда мустақил илмий изланишлар олиб бориши борасида кучли таъсир кўрсатган, дейиш мумкин.

Табиий-тарихий соҳадаги таълим олиш жараёнини тутатган Миклухо-Маклай хаётнинг келиб чиқиши, турларнинг ривожланиши, органик дунёнинг эволюцияси каби кенг миқёсдаги илмий муаммолар билан машғул бўлишни режалаштирган эди. У 1866 йили Э. Геккел билан ҳамкорликда Канар оролларига ўзининг биринчи саёҳатини амалга оширган.

1869 йилда Қизил денгизга саёҳат қилган Миклухо-Маклай жуда бой ва қимматли илмий материал тўплашга муваффак бўлди. Маҳаллий аҳоли томонидан таъкиб килинишдан сақланиш учун Миклухо-Маклай сочини устарада қирдириб, юзини бўяган, арабча кийим кийиб, маҳаллий тил ва ислом динининг баъзи коидаларини ўзлаштирган.

Шундан сўнг сайёҳ Константинополга (ҳозирги Истанбул) ва у ердан Одессага йўл олиб, Кримнинг жанубий қирғоклари ва Волга дарёсиning қуийи окимларида тадқиқотлар олиб борди. 1869 йилда Москванинг қуийи окимларида тадқиқотлар олиб борди.



Кримнинг жанубий кирғози.

квада бўлиб ўтган рус табиатшунослари ва тиббиёт ходимларининг 2-сьездидаги зоологик ҳамда биологик станциялар ташкил этиш таклифи билан чиқкан ва унинг таклифи кўллаб-куватланган. Бир оз вақт ўтгач, Қора, Каспий, Оқ ва Болтиқ дengизлари ҳамда Волга дарёсида биринчи ана шундай илмий станциялар ташкил этила бошланган ҳам.

1869 йилда Миклухо-Маклай Петербургдаги Фанлар Академиясида илиқ кутиб олинган. Рус география жамиятида Қызыл дengиз фаунаси, кирғоклари тузилиши ва ахолисининг турмуш тарзи, урфодатлари тўғрисида маъзуза килган. Худди шу пайдан бошлаб олимда бундан ҳам каттароқ худудларни тадқиқ қилиш учун Тинч океан оролларига саёҳат қилиш ва ибтидоий одамлар турмуш тарзи, характеристири ва ақлий даражаси билан танишиш режаси пайдо бўлган.

Мазкур режани амалга ошириш максадида 1870 йилнинг 27 октябринда «Витязь» номли рус ҳарбий кемасида Ер шари бўйлаб айланма саёҳатга чиқкан Миклухо-Маклай сафарини Кронштадтдан бошлади. Кема йўналишининг Жанубий Американинг жанубидаги Магеллан бўғизи орқали ўтиши Миклухо-Маклайга Ат-



Папуаслар чайласи.



Папуас.

лантика ва Тинч океанларининг турли кисмларида илмий кузатишлар олиб бориш имконини берган. 1871 йил сентябрда Маклай умумий майдони 785 минг кв.км бўлган Янги Гвинея оролининг шимоли-шарқий кирғоидаги Астролябия бухтасига келиб тушиб, икки ҳамроҳи билан чайлада яшай бошлаган. Олим биринчи бор келиб тушган ушбу қирғоқ рус тилидаги манбаларда Маклай кирғоги, деб аталади.

Миклухо-Маклай Янги Гвинея-нинг маҳаллий аҳолиси бўлган папуаслар томонидан совук қарши олинган. Сайёхнинг ёзиича, «папуаслар турли ишоралар билан оролдан кетишни талаб қилишарди ва

шу даражага етиб борар эдикى, улар хар куни отадиган ёй ўки менинг ёнгинамдан ўтиб кетар эди». Аммо кўп ўтмай папуаслар сайёх билан иноклашиб қолишган. Папуаслар 1872 йилнинг декабрида Маклайнни олиб кетишга келган рус харбий кемасига сайёхни чиқишига қўйишмай, унга ўзларининг дўстликлари ҳакида таъкидлаб, олимни Янги Гвинеяда доимий яшаб қолишга ундашган. Ҳатто, унга янги уй қуриб бериб, хоҳлаган папуас қизга уйлантириб қўйишни ваъда қилишган. Аммо сайёх папуасларга, албатта, кайтиб келишига ваъда бериб, ватанига жўнаб кетган.

Ўзининг папуаслар билан ўрнатган дўстона алоқалари сабаби ҳакида Маклай шундай ёзган: «Хулоса шундан иборатки, ёввойи одамлар билан мулокотда энг биринчи навбатда ўзини тута олиш ва сабр-токат талаб этилади». Маклайнинг папуасларга бўлган очик дўстона муносабати маҳаллий аборигенларни ўзига ром этган ва улар олимни ўзларининг тилида «каарам-тамо» – «Оидан келган одам», деб аташган. Сайёхнинг ватани Россия эса папуаслар наздида Ойда жойлашган мамлакат эди.

Папуаслар билан ўtkазган йиллари Миклухо-Маклайга кўп нарса берди, жумладан, олим ўргангандан маҳаллий аҳолининг мулокот воситаси – меланезия папуаслари тили олимнинг сафар хисоботи орқали бутун Европа фанига маълум бўлди. Папуаслар олимнинг фамилияси – Миклухони айтишда қийналишгани учун уни ўз талаффузларига мослаб «Маклай» деб аташган. Ана шунинг учун хам



Папуаслар қишлоғи.

олим папуасларга нисбатан бўлган чексиз ҳурмат сабабли кейинчалик ўз фамилиясига ушбу қўшимчани қўшиб ишлатган.

Маклай нафақат маҳаллий аҳоли тилини яхши ўзлаштириб олиш ва улар билан хушмуомала бўлиш, балки папуасларнинг ҳаётида ҳам фаол иштирок этиш билан ҳам уларнинг ҳурматини қозонган. Турли урушлар пайти ёки папуаслар овга кетганда ёш болаларга караб туришни олимга ишониб топшириб кетардилар. Олимнинг уста дипломатлиги папуасларнинг турли гурухлари ўртасида вакти-вакти билан юз бериб турадиган урушларнинг оддини олишга ҳам ёрдам берган ва сайёҳ, уларни тинч йўл билан ҳал қила олган.

Миклухо-Маклай Янги Гвинеяга ҳаммаси бўлиб беш марта сафар килган ва олим ҳакида оролнинг аҳолиси ўртасида «Оидан келган одам» каби турли ривоятлар тарқалиб улгурган эди. Сайёҳ оролнинг қаерида бўлмасин, ҳамиша папуасларнинг ўзига нисбатан дўстона муносабатини ҳис этган. 1879–1880 йилларда Маклай Меланезия оролларига, жумладан, Янги Каледония оролига экспедиция ўюптириди ва бу орада Янги Гвинеяда яна бир марта бўлди.

Маклай папуасларнинг европалик трэдорлар (кул савдоси билан шуғулланувчилар) томонидан бошқа мустамлакаларга қул килиб со-



Папуасларнинг анъанавий маросими.

тиб юборилишига ва маҳаллий ахолини турли йўллар билан бошка ерларга кўчишга ундаидиган миссионерларга карши қурашишга харакат қилган. Аммо бу жараён шу даражада илдиз отган эдики, уни тўхтатишга биргина Маклайнинг саъй-ҳаракати камлик киларди.

Миклухо-Маклайнинг Тинч океани бўйлаб амалга оширган саёҳатлари унинг антропологик тадқиқотлари учун мустаҳкам замин яратган. Узоқ сафарлари давомида Маклай бир неча бор Австралия-нинг Сидней шаҳрига дам олиш учун келган ва шу ерда 1884 йилда Маргарита Робертсон исмли аёлга уйланган. Унинг икки ўғли – Александр-Нильс ва Владимир-Оллан бўлган.

1887 йилнинг май ойида ҳолдан тойган Миклухо-Маклай ўзининг охирги сафаридан Петербургга қайтиб келган ва шу ерда 42 ёшида 1888 йилнинг 14 апрелида вафот этган. Олимнинг вафотидан сўнг рафиқаси ва икки ўғли Австралияга қайтиб кетишган ва умрларининг охиригача Сиднейда яшашган.

Маклайнинг саёҳатлари давомида ёзган кундаликлари география, этнография, антропология, зоология, биология ва бошка қатор фанлар учун ҳали ўзининг кашф этилишини кутиб ётган бебаҳо хазина ҳисобланади. Олимнинг илмий мероси ҳалигача тўлиқ чоп этилган эмас. Маклай ҳаётлигига 76 та ишини чоп этишга ултурган ва шуларнинг ўзигина сайёхнинг кенг шуҳрат қозонишигта олиб келган. У ўз асарларидан бирида Тинч океани оролларида яшовчи болаларча содда ҳалқларнинг ҳаётига Европа цивилизациясининг кириб келиши ва бу тўқнашувнинг қандай салбий оқибатларга олиб келгани ҳақида ёзган эди.

Олимни ҳанузгача Папуа-Янги Гвинея давлатида ҳурмат билан эслашади. Ушбу давлатдаги Маклай кирғозидан ташқари Маданге шаҳрида Миклухо-Маклай кўчаси



Россиянинг Новгород вилоятидаги Миклухо-Маклай ҳайкали.

мавжуд. Буюк олим ва сайёх таваллудининг 150 йиллиги муносабати билан БМТнинг таълим, фан ва маданият ишлари бўйича ташкилоти (ЮНЕСКО) 1996 йилда Миклухо-Маклайни «Дунё фукароси», деб эълон килган. Шу йили Сидней университетида сайёхнинг бюсти ва 2011 йилда Индонезия пойтахти Жакарта шаҳрида унинг ҳайкали ўрнатилган. Олимнинг номи Россия, Украина ва бошқа кўпгина мамлакатлардаги географик обьектларга берилган. Миклухо-Маклай туғилган кун – 5 июль этнографларнинг касб байрами сифатида нишонланади.

Фритьоф НАНСЕН

(1861–1930)



Арктиканни муз билан қопланган дунёдаги энг йирик орол – Гренландияни ўрганишда ҳамда жанубий кутбни тадқиқ килиш усусларини яратишда норвег сайёхи Фритьоф Нансеннинг хизматлари катта.

Ф. Нансен 1861 йилда Норвегия пойтахти Осло шаҳри яқинида дунёга келган. Отонаси саёҳатлар ишқибози, ўзларининг кўп вақтларини ўрмонларда ва балиқ ови билан ўтказувчи кишилар бўлган. Шу боис Ф. Нансенда ёшлигиданоқ табиатга муҳаббат ва саёҳат килишга иштиёқ кучли бўлган.

1880 йили Ф. Нансен Осло университетига зоология мутахассислиги бўйича ўқишига кирган. Мазкур фан турли экспедицияларни ташкил этиш имконияти мавжудлиги учун ҳам сайёхнинг эътибори ни ўзига торганди. Икки йил ўтгач, Ф. Нансен Арктика томон йўл олган «Викинг», деб номланган овчи кемага ишга ёлланган. Ана шу вақтда Гренландиянинг жозибадор муз тоғларини биринчи марта ўз кўзи билан кўрди. Худди ана шу муз тоғларининг гўзаллиги, улардан ҳосил бўлган турли шакллар уни ўзига шайдо қилиб, Гренландияни пиёда кесиб ўтишига мўлжалланган биринчи экспедицияни ташкил этишига ундалган.



Гренландиядаги Катта музли каньон.

Саёҳат режаси бўйича Ф. Нансен Гренландиянинг ҳеч ким яшамайдиган шарқий кирғоқларига иложи борича яқин сузуб келиб, кемани шу ерда қолдириб, муз тоғлари оша оролнинг ғарбига томон пиёда ўтишини мўлжаллаганди. 1888 йилнинг май ойида даниялик хомий маблағлари ҳисобига сайёҳ беш нафар ҳамроҳ билан Гренландия саёҳатини бошлади.

Оролнинг муз майдонлари билан қопланган шарқий кирғоғига етгач, сайёҳлар кемани тарк этишган, аммо музликларнинг бир неча миль жанубга силжигани уларни шимол томонга ҳаракат қилишга мажбур қилган. Бу ҳолат анча қўшимча вақт талаб этиб, экспедициянинг арктик қиши киргунга қадар орол ғарбига етиб бориш режасини амалга оширишни бирмунча кийинлаштириб юборди. Бундан ташқари, тоғлар, музликлар ва ўта паст ҳарорат Ф. Нансен саёҳатини мушкуллаштирган. Шунга қарамай сайёҳ ва ҳамроҳлари 37 кун йўл юриб, 1888 йилнинг сентябрь ойи охирларида Гренландиянинг ғарбидаги эскимослар қишлоғига етиб келишди. Бу пайтда денгизда навигация мавсуми тугаганлиги боис, Ф. Нансен гуруҳи



Эскимосларнинг қордан ясалган уйи – иглу.

эскимослар қишлоғида мажбурий қишлишга қолган ва бу вақтини сайёҳ маҳаллий аҳоли турмуш тарзини ўрганишга бағишлаган.

Ўз тажрибаси ва эскимослар ҳаётини кузатиш натижаларини ўзаро умумлаштирган ҳолда сайёҳ қутбларга чангидага ва итлар күшилган чаналарда саёҳат қилишининг классик услубини яратган. 1889 йилнинг май ойида Ф. Нансен экспедицияси Норвегияга қайтиб келди ва сайёҳларни ватанида қаҳрамон сифатида кутиб олдилар.

Шу йили Ф. Нансен ўзининг Гренландияга саёҳати ҳақидаги таассуротларини умумлаштириб, 1890 йилда «Гренландия орқали биринчи ўтиш», 1891 йилда «Эскимослар ҳаёти», деб номланган икки асарини ёзиб тутатди. Бу орада Ф. Нансен шимолий кутбга биринчи бўлиб етиб бориш ва у ерда куруқлик борми ёки йўклигини аниқлаш мақсадида янги экспедиция ташкил этиш тарафдудига тушган. Кутб музларида бир неча йилдан бери сузиб юрган америкаликлар кемаларининг тузилишини яхшилаб ўрганга, сайёҳ «Фрам» («Олга»), деб номланган ва музнинг кучли босимига бардош бера оладиган айланана тубли кема ясаттирган.



Ф. Нансенning 1893–1896 йиллардаги экспедициялари
йұналиши чизмаси.

1893 йилнинг ёзида Ф. Нансен «Фрам» кемасида 12 кишилик екипаж билан йүлга отланган ва кутб томон 450 миль сұзгач, музда тиқилиб қолған. Сайёх ва ҳамроҳлари итлар қүшилған чаналарда йүлни давом эттиришиб, қаттік машаққаттарға қарамасдан, биринчи бўлиб $86^{\circ}13'33''$ шимолий кенглиқ нұктасига етиб бордилар.

«Фрам» кемасининг қаердалигини билмаган ҳолда, кутбшунослар Франц-Иосиф ери архипелагида кишлашга қарор килиб, моржлар ва оқ айиқларни овлаб, морж терисидан ясалған чодирларда яшашган. 1896 йил май ойида сайёхлар инглиз кемасини учратынғач, унинг ёрдамида узок сузиб, ўша йили август ойида «Фрам»га қайтишга муваффак бўлдилар. Ўзининг кутб саҳролари оша уч йиллик саёҳати натижаларини Ф. Нансен 1897 йилда чоп этилган иккى томлик «Чекка шимол», деб номланған асарида ёритган.

ХХ асрнинг бошларыда халқаро миқёсда машхур кутбшунос олим сифатида ном чикарган Ф. Нансен 1906–1908 йилларда Норвегиянинг Буюк Британиядаги биринчи элчиси лавозимида иш олиб борган ва бу вактда «Шимолий туманлар орасида» номли китобини ёзган.



Ф. Нансенning Осло шаҳридаги ҳайкали.

ва олим 1908 йилдан бошлаб Осло университетида ташкил этилган океанография кафедрасига бошчилик қилган. Бу вактда у «Денгизни тадқиқ қилиш халқаро кенгаши»ни тузишда ёрдам кўрсатган, унинг лабораторияларига раҳбарлик қилиб, бир неча Арктик экспедицияларда иштирок этган.

Ф. Нансен 1920 йилда Норвегиянинг Миллатлар Лигасидаги биринчи вакили этиб тайинланган. Бу вазифада у Биринчи жаҳон уруши натижасида асир олинган ҳарбий тутқунларни ўз ватанига қайташ, очлик юз берган мамлакатлардаги аҳолига жаҳон ҳамжамиятининг хайрия ёрдамини ташкил этиш ва турли худудлардаги мажароларни тинч йўл билан ҳал этишда фаол иштирок этди. Бу борадаги хизматлари учун 1922 йилда тинчлик соҳасидаги Нобель мукофоти билан тақдирланган.

Буюк қутбшунос сайёх, географ, зоолог, океанолог ва дипломат Ф. Нансен 1930 йилнинг 17 майида чанғи сайдидан сўнг мадори қуриб, 69 ёшида вафот этган. Олимнинг номи қатор географик объектларда ва халқаро мукофотларда абадийлаштирилган ва дунё-

Дунёдаги энг машҳур кутбшунос олим сифатида Ф. Нансен инглиз сайёхи Роберт Скоттга унинг Жанубий кутб экспедициясини ташкил этишда маслаҳатчи бўлган. Маълумки, Ф. Нансенning маслаҳатларига амал қилмаган ва кутбга юришни пони отлар ва моторли чаналарда ташкил этган Р. Скотт жанубий кутбни биринчи бўлиб забт эта олмаган. Аммо Ф. Нансенning маслаҳатларига ва унинг «Фрам» кемаси тажрибасига катъий амал қилган ватандоши Р. Амундсен 1911 йил охирида Жанубий кутбга биринчи бўлиб этиб борган.

Кутб саёҳатлари Ф. Нансенда океанга нисбатан меҳр уйғотган

нинг турли мамлакатларида унинг хайкаллари ўрнатилган. Жумладан, Ойдаги кратер, Франц-Иосиф ери архипелагидаги ва Кара денизидаги ороллар, Антарктида, Тянь-Шань тоғлари ва Канададаги тоғ чўқкилари Ф. Нансен номи билан аталган. Шунингдек, Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Қочоклар ишлари бўйича олий комиссари идорасининг йиллик мукофоти – «Нансен медали» мавжуд.

Роберт СКОТТ

(1868–1912)

Роберт Фолкон Скотт Антарктида материгини тадқик қилишга катта хисса қўшган, Жанубий кутбга Руаль Амундсендан кейин иккинчи бўлиб етиб борган буюк инглиз сайди. Бутун умрини денигизчилик билан ўтказган ва дунёning турли қисмларида саёҳатда бўлган.

Роберт Скотт 1868 йилнинг 6 июнида Буюк Британиянинг Девон графлигидаги Девонпорт шаҳарчасида туғилган. 12 ёшида, яъни 1880 йилда бўлажак кутбшунос инглиз флотига ёш юнга бўлиб хизматга кирган. Болалигига Скоттнинг соғлиги унча яхши бўлмаган ва шу боис ўзини чиниқтириш учун мунтазам спорт билан шуғулланган. Гэмпшир графлигидаги Фэрэм коллежини тугатгач, кўплаб кемаларда хизмат қилган ва 1886 йилда Вест-Индияга юборилган. Вест-Индияда бўлган вақтида Британия Кироллик география жамиятининг президенти К. Меркем билан танишган ва унинг тавсияси билан 1901–1904 йиллардаги биринчи йирик инглиз Антарктида экспедициясига бошчилик қилган.

Антарктика экспедицияси давомида Р. Скотт «Дискавери» кемасида Антарктидадаги Виктория ерининг кояли гарбий кирғонини тўла тадқик қилди. Росс щельф музлиги бўйлаб унинг гарбий чеккасига қадар сузиб, кейинчалик яриморол эканлиги маълум бўлган «Эдуард VII ери»ни кашф этди. 1902 йилнинг охирида Р. Скотт Росс щельф музлигини кашф этишда давом этиб, унинг шарқий чеккаси





Антарктидадаги Росс шельф музлиги

бўйлаб ҳар иккала томонга 1200 км йўл босиб, 600 км масофада чўзилиб ётган Трансантарктика тоғларини ўрганганди.

1903 йилнинг охирида Р. Скотт Антарктика воҳасининг муз ва қордан холи водийсини биринчи бўлиб каашф этиб, баланд тоғли Виктория ери платоси бўйлаб 500 км масофани босиб ўтган. Ушбу саёҳати туфайли Р. Скотт олтита давлат География жамиятларининг олтин медаллари билан такдирланди.

1905 йилдан 1909 йилга қадар Роберт Скотт мамлакат бўйлаб саёҳат қилиб, турли мавзуларда маърузалар қилди. Яна моторли чаналарни синааб, ўзининг 1910–1913 йилларда бўлиб ўтган иккинчи Антарктика экспедицияси учун маблағ тўплаган. Шундай қилиб, Скотт ўзининг иккинчи экспедициясига 1910 йилнинг июнида «Терра нова» кемасида жўнаб кетди. 1911 йилнинг февралида Мак-Мердо кўлтиғида лагерь қурган Р. Скотт шельф музлигининг шарқий қисмини ўргана туриб, Кит бухтасида жанубий кутбни забт этишга қарор қилган яна бир сайдек – норвегиялик Руаль Амундсеннинг кемасига дуч келган.

Антарктидадаги музли плато

Ит күшилган чаналар билан Жанубий күтбага йўл олган Р. Амундсендан фаркли ўлароқ, Р. Скотт ўз экспедициясининг Антарктика музликларида ҳаракат қилиши учун моторли чаналар ва пони отлардан фойдаланган. Жанубий күтбагача икки томонга бўлган масофа 2760 км ва шуни ҳисобга олиб, Р. Скотт 1911 йилнинг 1 ноябрида йўлга чиққан. Аммо қаттиқ совуқ күтб иқлими шароитида моторли чаналарга солинадиган керосин музлаб қолиб, пони отлар тез-тез корга ботиб, музда сирпаниб, юришга кийналган. Шунинг учун ҳам Р. Скотт экспедицияси ит күшилган чаналарда күтб томон тез ҳаракатланган Амундсен экспедициясига қараганда жуда секин юрган.

Биринчи бўлиб моторли чаналар ишдан чиққан, сўнгра пони отларнинг ҳам кўпчилиги нобуд бўлган. Шунинг учун сайёхлар экспедицияда мавжуд кам сонли ит күшилган чаналарнинг ҳар бирига 90 килограммдан юк ортиб, Росс шельф музлигининг 60 километрли ўзани бўйлаб олдинга юришган. Аммо 1911 йилнинг декабрь ойида ҳаво ҳарорати -20 даражадан паст ва кучли бўрон шароитида бир кунда атиги $5-6$ км йўл босиб ўтилган.



Пингвинлар Антарктида манзарасининг ажralmas қисми.

1911 йилнинг 20 декабрида Р. Скотт ҳолдан тойган экспедициянинг 11 аъзосини орқага қайтариб юборди. 1912 йилнинг 3 январида фақат энг кучли тўрт нафар сайёҳ Жанубий қутб томон у билан бирга боришига қарор қилди. Бу пайтда улар Жанубий қутбдан 270 км узоқлиқда эдилар.


1912 йил 6 январда экспедиция 1908–1909 йилларда Жанубий қутбга боришига самарасиз ҳаракат қилган инглиз сайёҳи Шеклтоннинг орқага қайтган нуқтасидан ўтишган. Ниҳоят, 1912 йилнинг 17 январида Р. Скотт ва унинг ҳамроҳлари Жанубий қутбга етиб келиб, бу ерда чодир устига ўрнатилган Норвегия байроғини кўргач, ҳафасалалари пир бўлган.

Чунки ит қўшилган чана ва чангиларда кунига 30 км. дан ортиқ йўл босган Р. Амундсен ўзининг тўрт ҳамроҳи билан Жанубий қутбни 1911 йил 14 декабрда, яъни Скоттдан 33 кун олдин забт этган эди. Бундай аҳволни кутмаган инглиз сайёҳи ўша кечаси мижжа қоқмаган ва бу ҳақда у ўз кундалигига шундай ёзган эди: «Биринчи қашфиётчи номини олиш учун шунчак вақти ҳамда кучини бекорга сарфлаган ва ушбу кувончни ҳис қилишдан маҳрум бўлган биз учун бу жуда даҳшатли ҳолат эди».

Орқага қайтишга қарор килган экспедиция ҳаво ҳарорати –30 дараждадан паст бир шароитда кунига 30–35 км йўл босган. 14 февралга келиб, Р. Скоттнинг ҳамроҳлари жуда ҳолдан тойдилар. Сайёхларнинг сўнгги умиди уларни карши олишга чиккан чаналарнинг етиб келишида эди. Ҳакикатан ҳам уларни кутиб олишга чиккан ёрдам чаналари 1912 йилнинг 2 марта экспедициянинг кутбга кетаётib тўхтаган биринчи асосий базасига етиб келган. Аммо бу ерда Р. Скотт ва ҳамроҳларини учратмай, уларни 8 кун кутиб, 10 марта яна ортига қайтиб кетган.

Йўлда Р. Скоттнинг икки ҳамроҳи ҳалок бўлган ва қолган уч киши 1912 йилнинг 19 марта асосий базага 17 км қолганда охирги марта чодир тикдилар. Р. Скоттнинг ўнг оёғини совук қаттиқ урган, икки шериги эса асосий базага бориб озиқ-овқат ва ёнилғи олиб келишга харакат қилган, аммо кучли бўрон бунга йўл бермаган.

1912 йилнинг 29 марта Р. Скотт ўзининг ўлими олдидан ёзган хатида «...Марра жуда яқин. Аммо афсуски бошқа ҳеч нарса ёзолмайман, деб қўрқаман. Биз хатарли йўлга чиққанлигимизни билар эдик. Аммо шарт-шароит бизга қарши. Ўлим яқин. Худо ҳаки,




Антарктида қирғоқлари манзараси.

яқинларимиз ҳақида ғамхўрлик килинг!..», деган сўзлар битилган. Худди шу куни Р. Скотт ва унинг ҳамроҳлари Росс шельф музлиги устига ўрнатилган чодирда ҳалок бўлишган. Унинг ўлими олдидан ёзган бу оддий ва ҳаяжонли сўзлари бутун дунё аҳлиниңг юрагидан жой олган ва уларни ҳозир ўқиган кишининг ҳам кўзлари беихтиёришланади.

1912 йил 7 марта Р. Амундсенning Жанубий қутбни биринчи бўлиб кашф этгани ҳақидаги хабар Лондонга етиб келди. Бир ойдан сўнг 1912 йилнинг апрелида Янги Зеландиядан олинган телеграммада эса Р. Скотт ва унинг ҳамроҳлари 1912 йил 4 январда қутбдан 240 км узоқда турганлиги хабар килинган эди. Мак-Мердо кўлтиғидан 1912 йилнинг 12 нояброда Р. Скотт ва унинг ҳамроҳларини кидириш учун экспедиция юборилган. Сайёҳ ва унинг икки ҳамроҳи асосий базадан 17 км узоқлиқдаги чодирдан то-пилган ҳамда уларнинг бундан саккиз ойча муқаддам ҳалок бўлгани аниқланган.

1913 йилнинг февраль ойида Р. Скоттнинг «Терра Нова» кемаси Янги Зеландияга етиб келгач, сайёҳ экспедициясининг натижалари



Жанубий қутбдаги Амундсен-Скотт қутбий станцияси.

бутун дунёга маълум бўлган. Британияда Р. Скотт миллий қаҳрамон, деб эълон килинганд ва сайёхнинг оиласи кирол Георг V томонидан ҳимояга олинган.

Замондошларининг таърифлашича, Р. Скотт ўрта бўйли, бақувват, жасур ва камтар киши бўлиб, такаббурлик, ёлғонни жуда ёмон кўрган. Қанчалик кийин шароитда бўлмасин, сайёх ўз мақсадига эришиш учун доимо олға интилган. Унинг ҳаётидаги асосий шиори: «Курашиш, кидириш, топиш ва таслим бўлмаслик» (инглизча «to strive, to seek, to find, and not to yield») эди. Сайёх ва ҳамроҳларининг кўрсатган қаҳрамонликлари шарафига Антарктидадаги чўққининг тепасига ўрнатилган хотира хочида ҳам худди ана шу сўзлар ёзилган.

Антарктидани тадқик килишга катта ҳисса қўшган буюк сайёҳ Р. Скотт шарафига дунёнинг турли мамлакатларида 11 та ҳайкал ўрнатилган ва унинг номи тоғ тизмасига, иккита музликка, орол ва иккита кутб станциясига берилган.

Руаль АМУНДСЕН

(1872–1928)

Дунёнинг турли қисмларини кашф этишда ва географик тадқиқотлар тарихида ёркин из қолдирган сайёхлар талайгина. Аммо улар орасида биринчи бўлганлар ҳамда бутун умрини саёҳатга бахшида этганлари жуда кам. Ана шундай таникли саёҳлардан бири норвегиялик буюк кутбшунос олим Руаль Энгельбрегт Гравнинг Амундсенdir.

Ҳақиқатан ҳам, Р. Амундсен географик кашфиётлар тарихида қатор янги саҳифаларни очган. Узок вақтлар давомида у Ер шарининг шартли ўки ўтадиган ҳар иккала нуқталар – Шимолий ва Жанубий кутбларда бўлган ягона сайёҳ ҳисобланиб келинган. Шунингдек, Шимолий кутб орқали ўтадиган ва муҳим аҳамиятга эга бўлган денгиз транспорт йўлларининг кашф этилиши ҳам бевосита Р. Амундсен номи билан боғлиқ. Сайёҳнинг



кутбларни тадқиқ килиш борасидаги илмий мероси XX асрнинг биринчи ярмида катта тарихий аҳамиятга эга бўлган ва унга замондошлари томонидан «Кутблар кироли», деб ном берилган.

Руаль Амундсен 1872 йилда Норвегиянинг жануби-шарқидаги Борге шаҳарчасида денгизчи оиласида дунёга келган. Отасига доимо ҳавас қилган Руаль, ёшлигиданоқ ўзини кийин шароитларга чиникирига бориб, ҳар куни узоқ масофаларга чанғида юрган, ҳатто, қишида ҳам хонаси деразасини очиб кўйиб, ерга тўшалган гиламчада устига битта пальто ёки газета ёпинган ҳолда ухлаган.

Университетнинг тиббиёт факультетига ўқишга кирган Руаль, оилавий шароити туфайли ўқишини ташлаб, 22 ёшида денгиз овчилиги кемасига матрос бўлиб ёлланган. Дастроб, Шпицберген атрофларида, кейинчалик Мексика, Испания ва Африкага сузуб, денгизчи сифатида малакасини оширди. 1896 йилда штурманликка имтиҳон топшириб, 1897 йилда Бельгия экспедицияси таркибида Антарктидага жўнаган. Яхши тайёргарлик кўрилмагани ва экспедиция аъзоларида тажриба етишмаслиги сабабли, бир жойда 13 ой кишилаб, тўхтаб қолдилар. Ана шу тажрибаларнинг барчаси Руаль Амундсеннинг кейинги кутбшунос сифатидаги ҳаётида катта роль ўйнаган.

1899 йилда Европага қайтган Р. Амундсен кема капитанлигига муваффакиятли имтиҳон топшириб, «Йоа» номли кичикроқ кема сотиб олган. Унинг азалий орзуси – 300 йилдан бери ҳеч кимга насиб этмаган ва ўша вақтларда инсоният орзу қилиб келаётган Европадан Африкага денгиз орқали ўтишнинг энг кулай йўли бўлган Шимоли-Ҷарбий йўлакни кашф этиш эди.

Уч йиллик тайёргарлик ва яна уч йиллик мушаққатли денгиз саёҳати туфайли Р. Амундсен 1903–1906 йиллар мобайнида Гренландия атрофидан сузуб ўтиб, Канаданинг шимолий қирғоқлари орқали Беринг бўғизигача етиб борган ва Шимолий-Ҷарбий денгиз йўлини очишга муваффақ бўлган.

1906 йилга келиб европалик ва америкалик сайёҳлар ўртасида кутбларни забт этиш борасида мусобақа авж олиб кетган эди. Шунинг учун Р. Амундсен ҳам 1907 йилда Шимолий кутбга саёҳатни режалаштира бошлаган. Аммо америкалик сайёҳ Ф. Кук томонидан Шимолий кутбнинг биринчи бўлиб забт этилгани унинг режасини




Р. Амундсеннинг Шимоли-Ғарбий денгиз йўли бўйлаб саёхати.

бирмунча ўзгартириб, Жанубий кутб экспедициясини ташкил этишга мажбур этди.

Худди Шимолий кутбда бўлгани каби, Жанубий кутбни забт этиш учун ҳам Р. Амундсен ва Англиялик сайёҳ Р. Скотт ўртасида ўзига хос мусобака бошланиб кетди. Бир вақтнинг ўзида Жанубий кутбга етиб боришга жазм қилган ҳар иккала сайёҳ бошлилик қилган экспедициялар орадан бир ой фарқ билан уни забт этишга муваффақ бўлишган.

Кутб иқлими шароитини яхши ўрганган Р. Амундсен «Фрам» кемасида Антарктида қирғокларига келган ва экспедициясининг беш аъзоси итлар кўшилган тўртта чанада 1911 йилнинг 19 октябрида кутб томон йўл олиб, 1285 км масофани босиб ўтган. 1911 йилнинг 14 декабрида Р. Амундсен биринчи бўлиб Жанубий кутбга етиб бориб, у ерда Норвегия байроғини ўрнатди.

Р. Амундсен саёҳатининг муваффақиятини экспедиция аъзоларининг бошқа сайёҳларни кига нисбатан совукни 25 фоиз кам ўтказадиган буғу терисидан тикилган иссиқ кийимлари, оралиқ омборлардаги етарли озик-овқат захираси ва тез юришда жуда қўл келган 52 та бақувват итлар таъминлаган. Р. Амундсен экспедицияси Жанубий кутбга бориш ва қайтишда 2570 км масофани 99 кун ичидага босиб ўтган. Шуниси эътиборлики, Р. Амундсеннинг Антарктида қирғокларида барпо этган базаси Р. Скоттнинг ушбу материк қирғокларидаги асосий базасидан кутбга нисбатан қарийб 200 км яқин жойлашган эди.



Р. Амундсенning Жанубий күтбага саёхати.

Роберт Скотт моторли чаналар ва отларда күтбага 1912 йил 17 январда етиб борган ва орқага қайтиш вақтида ҳалок бўлган. Бу ҳақда Р. Амундсен 1913 йилда: «Р. Скоттнинг тирик қолиши учун ўзим эришган барча ютуқлар ва шарафдан воз кечган бўлар эдим», деб ёзган эди.

Р. Амундсен 1918–1920 йиллар давомида ҳозирги Россиянинг Шимолий муз океани кирғоқлари бўйлаб экспедиция уюштириб, шимолий денгиз йўлини кашф этган. Бунда сайёҳ Норвегиянинг Скандинавия кирғоқларидан то Аляскагача бўлган бир неча минг километр масофани денгиз орқали босиб ўтган. Шундай қилиб,



Р. Амундсенning Норвегиянинг Тромсё шаҳридаги ҳайкали

Р. Амундсен нафақат ҳар иккала қутбда бўлган сайёх, балки Шимолий муз океани қирғоқларини биринчи бўлиб тўла босиб ўтган қутбшунос олим сифатида ҳам тарихда колган.

Аммо Шимолий қутбда бўлиш орзуси Р. Амундсенга тинчлик бермаган. 1925 йилда унинг гидросамолётда қутбга қилган биринчи парвози техник носозликлар туфайли тугалланмай қолди. 1926 йилнинг май ойида у яна икки норвег сайёхи билан бирга узунлиги 106 метр ва 250 от кучига эга учта мотор билан жиҳозланган «Норвегия» номли дирижаблда Шпицбергендан ҳавога кўтарилиб, Шимолий қутб орқали учиб ўтиб, Аляскага кўнишга муваффак бўлган.

Р. Амундсен қутбларни ўрганиш тарихида муҳим ўрин тутган буюк сайёх. Шунинг учун ҳам унга эҳтиром сифатида Дунё океанининг денгизи ва қўлтиғи, Антарктидадаги тонг тизмаси ва илмий станция, Шимолий муз океанидаги котловина ва Ойдаги кратер олимнинг номи билан аталган. Сайёх орттирган илмий тажриба шу қадар аҳамиятлики, ундан қутбшунослар ҳалигача фойдаланиб келмоқдалар.

ЖАК-ИВ КУСТО


(1910–1997)



Жак-Ив Кусто – машхур француз тадқиқотчisi, сайёхи, океаншунос олим, сураткаш, режиссёр ва ёзувчи бўлиб, ўзининг 87 йиллик умри давомида кўпгина илмий кашфиётларни амалга оширган. Дунё океанини чукур ўрганган Кусто қизиқарли маълумотларни ва ўта мураккаб илмий ғояларни кинотасмага тушириб, жуда содда йўл билан томошибинлар эътиборига ҳавола эта олган. Ўзининг Дунё океани бўйлаб амалга оширган фавқулодда қизиқарли саёҳатлари туфайли «Капитан Кусто» номига сазовор бўлган

ва у билан нафакат французлар, балки бутун дунё ахли фахрланади.

Жак-Ив Кусто Франциянинг машхур вино етишитирувчи худудларидан бири Бордодаги Сант-Андре-де-Кубзак шаҳарчасида туғилган. Кустолар оиласи жуда кўп саёҳатларга чиқкан ва бу ўз навбатида ёш Жакда сафарларга, айникса, денгиз сайрига нисбатан



Сув остида тасвирга олиш ҳам мароқли, ҳам хавфли.

катта ҳавас уйғотди. 7 ёшида Жак энтерит касаллиги билан оғриган ва шифокор унга толиқиши мүмкін эмаслигини тайинлаган. Шунга қарамай, Жак-Ив денгизда сузишни анча эрта ўрганды ва тинимсиз рawiшда ўзини чиниқтиришга инилди.


1920 йилда Кустолар оиласи АҚШнинг Нью-Йорк шаҳрига кўчиб ўтган ва Жак-Ив шу ердаги мактабда ўқиб, инглиз тилини тез ўзлаштириб олган. Орадан икки йил ўтгач, Кустолар яна Францияга қайтиб келишган ва Жак-Ив механика ва дизайн билан шуғулланиб, батареяда ҳаракатланадиган автомобиль яратди. Ана шу машгулоти натижасида ортирган пулига Жак-Ив биринчи кинокамерасини сотиб олган.

Махсус мактаб-интернатни аъло баҳоларга тутатган Жак-Ив 1930 йилда ҳарбий-денгиз ўқув юртига ўқишига кирган. Билим юртида ўқиб юрган вақтида гурӯх таркибида «Жанна д'Арк» кемасида Ер шари бўйлаб айланма саёҳатга чиқди. Ҳарбий-денгиз билим юртини тутатгач, Франциянинг Шанхайдаги ҳарбий-денгиз базасида хизматга юборилган. Унинг орзузи денгиз авиациясида хизмат килиш эди, аммо автомобиль ҳалокати туфайли бу орзусидан воз кечишга мажбур бўлиб, «Сюофрен» кемасига йўрикчи бўлиб ишга кирди. Аммо бир куни тасодифан дўкондан сув остида сузиш учун мўлжалланган кўзойнак сотиб олиб, сувга шўнғигач, бундан кейинги хаётси сув ости билан боғлиқлигини англаган.

Франциянинг Тулон шаҳрига кўчиб ўтгач, Жак-Ив ҳар куни Ўртаер денгизида сузар ва сув остига шўнғирди. Ихтиrolарга фавқулодда ўч Жак-Ив аста-секин сув остига шўнғиши мосламалирини тобора такомиллаштириб борган. 1942 йилда Кусто ўзининг фильмлар олувчи компаниясини ташкил этган ва унинг «Одиссея»сининг бაъзи қисмларини суратга олиш худди шу пайтдан бошланган.

1943 йилда эса Кусто мұхандис дўсти Эмиль Ганъян билан сув остига шўнғиши мосланган махсус ғоввослар кийимини яратдилар. Мазкур кийимда бемалол сув остида сузиб, 90 метргача чуқурликка шўнғиши мүмкінлиги исботланди. Бундан ташқари, Кусто сув кирмайдиган видеокамера ва ёритувчи мосламаларни ҳам ихтиро қилган.

Денгиз экспедицияларини ташкил этиш мақсадида Капитан Кусто 1950 йилда эски бир ҳарбий кемани сотиб олиб, кайта жи-



Кустонинг «Калипсо» илмий тадқиқот кемаси.

хозлади. Кемага «Калипсо» номини берган Кусто 1951 йилдан бошлаб ўзининг сув ости экспедицияларини ташкил этишни бошлаган. «Калипсо»нинг дастлабки эришган ютуғи – батафсил сув ости археологик тадқиқотлари ва 7250 метр чуқурликдаги деңгиз тубини тасвирга тушириш бўлган.

1953 йилда чоп этилган «Сукунат оламида», деб номланган ва Фредерик Дюма билан биргаликда чоп этилган китоб Кустога том маънода чинакам шухрат келтириди, дейиш мумкин. Ушбу китоб бўйича суратга олинган фильм 1956 йилда АҚШ киноакадемиясининг «Оскар» ва Канн кинофестивалининг «Олтин пальма новдаси» мукофотига сазовор бўлган. Олим томонидан суратга олинган яна бир киноасар – «Қизил балиқ тарихи» фильмни ҳам Оскар мукофотини кўлга киритган.

Кусто 1957 йилда Монако Океанографик музейи директори этиб тайинланганидан кейин у эришган ютукларни расман тан олиш бошланган. Бундан ташқари, «Сукунат оламида» китобининг шухрати Кустога янги лойиҳаларни амалга ошириш имконини берди. Бетиним изланишлар натижасида сув ости дунёсини ўрганиш учун унча катта бўлмаган автоном мослама ҳамда узок вақт сув тубида фаолият олиб боришга ёрдам берадиган станция, автоном нафас

олувчи мосламага эга аппаратлар яратилиб, сув остида тажрибалар ўтказиш имконияти пайдо бўлди.


Кусто яратган сув ости станцияларининг фаолиятига багишлиланган «Күёшсиз дунё», деб номланган хужжатли фильм 1965 йилда Оскар мукофотини олишига муваффақ бўлган. Жозибадорлиги ва кизикарлилиги туфайли Кусто фильмларини дунёнинг жуда кўп телекомпаниялари бир неча ўн йиллардан бўён ўз дастурларида намойиш этиб келмоқдалар.

Денгиз экотизимларининг бузилиб бораётганлигидан ташвишга тушган Кусто 1973 йилда денгиздаги мухитни химоя килишга мўлжалланган «Кусто жамияти», деб номланган нотижорат ташкилотини тузди. Шу билан бир қаторда олим «Калипсо» кемасида Дунё океанининг турли кисмлари, Антарктика ва Амазонка минтакаларида илмий текшириш ишларини олиб борган.

Унинг денгизда олиб борган тадқиқотлари, денгиз ҳайвонларининг турли хусусиятларини чукур ўрганиши география, зоология, биоло-



Кусто ихтиро килган сув ости аппарати.




Кустонинг «Алкиона» яхтаси.

гия, океанография каби кўплаб фанларга қўшилган катта ҳиссадир. Кусто Гибралтар бўғизидаги баъзи денгиз ҳайвонлари бўғизнинг энг чукур ери – фарватерини ҳеч қандай ускунасиз топа олишларини ҳамда улардаги бу қобилият сув ости кемаларидағи энг чукур ерни аниклаб берадиган, ўша вактларда нисбатан янги ҳисобланган махсус аппарат каби эканлигини илмий жиҳатдан исботлаб берган.

1985 йилнинг май ойида Кусто командаси икки мачтали ва экспериментал турбопарусга эга бўлган «Алкиона» яхтасига эга бўлди. Аммо Кустонинг биринчи кемаси «Калипсо» 1996 йилда Сингапур бандаргоҳида юқ кемаси билан тўкнашиб кетиб, шикастланган ва чўкиб кеттган. Аммо «Кусто жамияти» ва Кусто томонидан асос солинган «Кусто командаси» ҳозирда ҳам фаолиятини давом эттиромокда.

Кусто ўзини «океанлар техники», деб аташни ёқтирад ва у чинакам буюк педагог ва табиат шайдоси эди. Унинг яратган асарлари ва фильмлари кўпчилик учун «мовий континент» бўлган Дунё океанини янгидан қашф этди, илмий мулоқотнинг бирмунча оддий бўлган янги турига асос солди.

Энг тор жойдаги эни атиги 14 км бўлган Гибралтар бўғизи орқали туташиб турувчи Ўртаер денгизи ва Атлантика океани сувларининг ҳеч бир физика ва кимё қоидаларига тўғри келмайдиган ҳолати, яъни уларнинг турли шўрликка, ўсимлик ва ҳайвонот дунёсига эга эканлигини, гўёки «уларнинг ўртасида кўринмас парда бор»лигининг ўз тадқиқотлари орқали шоҳиди бўлган Кусто жуда ҳам ҳайрон қолган. Унинг ёзишича, «табиат қонунларига кўра бу икки ҳавзанинг сувлари аллақачон қўшилиб кетиши ва уларнинг шўрлик кўрсаткичлари бир хил бўлиши керак эди. Аммо улардан ҳар бири ўз хусусиятини саклаб келмоқда». Сайёҳ бу ҳолат тўғрисида бошқа бир француз олимни Морис Буказга айтганди. Аммо унинг бамайлихотир «бу ҳақда 1400 йил олдин Қуръонда ёзилган»лигини эшитиб, ҳайрати



Гибралтар бўғизининг
коинотдан кўриниши.

янада ошди. Шундан сўнг «замонавий фанни 1400 йилга ортда колдирган Куръон инсоннинг сўзлари эмас, балки факат Яраттанинг каломи эканлигига» иймон келтирди.

Жак-Ив Кусто 1997 йилда вафот этган бўлса-да, олим ўзининг яраттанинг фильмлари орқали ҳамон бутун дунё ахли билан яшамоқда. Унинг 30 дан ортиқ ёзган асарлари, бир неча туркум фильмлари, жумладан «Кусто командасининг сув ости Одиссеяси» (1955–1982 й., 50 дан ортиқ фильм), «Амазонка» (1982–1984 й., 8 та фильм), «Коинотдаги воҳа» (1977 й., 6 та фильм), «Дунёнинг кайта кашф этилиши» (1982–1998 й., 50 дан ортиқ фильм) ва 20 га яқин алоҳида олинган фильмлари Дунё океани тадқиқотларининг олтин фондиди ташкил этади. Олимнинг қолдирган ушбу илмий мероси бундан кейинги тадқиқотлар учун кимматли манба бўлиб, унинг номи йиллар ўтган сайин янада машҳур бўлиб боравериши, шубҳасиз.

Тур ХЕЙЕРДАЛ

(1914–2002)

Бутун умрини дунёни ўрганишга бағишлаган машҳур норвег сайёхи Тур Хейердал ўзини Дунё фуқароси, деб хисоблар эди. Дунё океани қадимги цивилизацияларни бир-биридан ажратувчи эмас, балки ўзаро боғловчи омил бўлгани ҳакидаги назарияси олимни бутун умри давомида сайёрамизнинг турли қисмларидан ушбу таълимотга исбот топиш учун тинмай саёҳат қилишга ундаган.

Тур Хейердал 1914 йилнинг 6 октябрида Норвегия жанубидаги Лаврик деган шаҳарчада таваллуд топган. Онаси Дарвин таълимотининг тарафдори эди. Худди шу ҳолат Турда болалигиданоқ зоология фанига қизиқиш уйғотган. Урта мактабни тугатгач, Т. Хейердал 1933–1936 йилларда Осло университетида география ва зоологиядан таҳсил олди.





Таити оролида сув устида қурилган меҳмонхоналар.

Университетда ўқиб юрган кезларида у XX аср бошларида Полинезиядаги Таити оролида яшаган норвег сайёхи Бьер Крепелин билан танишиб қолди ва мазкур танишув унинг тадқиқотчи-сайёх сифатида шаклланишида муҳим роль йүнади. Сайёх Ослодаги ўша пайларда дунёда энг иириклидан хисобланган кутубхонада Полинезия тарихи ва маданиятини мустакил ўрганган. Натижада бўлажак олим Полинезиядаги Маркиз ороллари фаунасини ўрганиш учун саёҳат қилишни режалаштирган ва бу режа қўллаб-куватлангач, 1937 йилда рафиқаси Лив билан Марселдан Атлантика океани, Панама канали ва Тинч океани орқали Таитига йўл олди.

Таитиликлар сардорининг уйида бир ойча табиий шароитда яшашга ўргангач, Т. Хейердал Фату Хива деб номланган якка оролга бориб, цивилизациядан узилган ҳолда бир йил яшаган. Экспедициянинг асосий максади оролнинг фаунасини ўрганиш бўлганлигига қарамай, Т. Хейердални кўпроқ Полинезияга аҳолининг қандай келиб жойлашганлиги қизиқтиради. У Полинезия ороллари чангальзорларидаги ўша вактгача ҳеч кимга маълум бўлмаган тош



Маркиз ороллари.

хайкалларни учратган ва худди шунга ўхшаш хайкаллар Колумбиядан, яъни Маркиз оролларидан б минг километр шарқда жойлашган мамлакатдан ҳам топилганинги инобатга олиб, бу ўхшашиликнинг умумий томонларини тадқик этишга ҳаракат қилган.


Полинезия оролларининг ҳайвонот ва наботот олами, маҳаллий аҳолининг ҳаёти ва урф-одатларини ўрганиш натижасида Т. Хейердал Америка қирғоқларида пайдо бўладиган шамоллар ва оқимлар Полинезия оролларига одамларнинг келиб жойлашишига сабаб бўлган, деган тахминн ҳам илгари сурган.

Ўша вақтларгача фанда Полинезия аҳолисининг аждодлари оролларга Жануби-Шарқий Осиёдан келиб колган, деган фикр мавжуд эди. Ўз фикрини исботлаш учун Т. Хейердал 1939 йилда Колумбияга саёҳат қилиб, Виктория музейида америкалик хиндуларнинг ҳаётини ўрганди. Тинч океани ороллари ва Америка хиндуларнинг алоқаларига бағишлиланган мақоласида Т. Хейердал Полинезия маданиятида Жанубий Америка маданияти унсурлари мавжудлигини ва полинезияликларнинг оролларга шимолдан – Гавай ороллари

орқали келиб қолганини исботлаб берган. Полинезия ва Америка-нинг қадимги алоқалари ҳақидаги маколасини у фактгина Иккинчи жаҳон урушидан сўнг – 1946 йилда Нью-Йоркда жаҳон илмий жамоатчилиги эътиборига ҳавола этди.

Дунё илм ахли норвег олимининг америкалик ҳиндулар қадим замонларда ёк Тинч океани оролларига оддий солларда сузуб борганилиги ҳақидаги назариясига ишончсизлик билан қарашганди. Аммо ўз фикрини исботлаш мақсадида Т. Хейердал «Кон-Тики» экспедициясини ташкил этган. Бу археологик тажриба экспедицияси бўлиб, ўз олдига уч асосий вазифани қўйган: бальс дарахти ёғочларидан курилган қадимги солнинг иложи борича аниқ нусхасини ясаш, бундай сузиш воситасининг денгиздада юриш сифатларини текшириш ва солни Полинезия қирғокларига олиб бориши мумкин бўлган шамол ва денгиз оқимлари йўналишини ўрганиш.

Бунинг учун 1947 йилда Эквадор чангальзорларидан олинган йирик бальс дарахти ёғочлари Перуга олиб келиниб, сол ясалган ва унга инклар юртидан кувилган афсонавий сардор номи шарафига «Кон-Тики», деб ном берилган. 1947 йилнинг 28 апрелида Т. Хейердал беш нафар ҳамроҳи билан Перунинг Кальяо портидан солда сузуб кетди. 101 кунлик сузишга ва Тинч океани бўронларига дош берган сол 1947 йилнинг 30 июляда Туамоту архипелағидаги Рароиа



«Кон-Тики» солининг модели. Ослодаги музей.

атоллига етиб келиб, баъзи бир олимларнинг бальсдан ясалган солда океанда сузиш мумкин эмас, деган фикрини пучга чикарди.

Аммо баъзи олимлар Т. Хейердалнинг мазкур саёҳати хақидаги хужжатли фильмни кўрмагунча, ҳатто бундай солда саёҳат амалга оширилганлигига ишонишни ҳам исташмаган. «Кон-Тики» соли кунинга 42,5 миль, ҳаммаси бўлиб 4300 миль ёки 8 минг километрдан ортиқ масофани сузиг ўтган. Т. Хейердал ўз назариясини танкид килганларга жавобан 1952 йилда 800 бетли «Тинч океанидаги америкаликлар: «Кон-Тики» экспедициясининг илмий асоси», деб номланган асарини чоп этган. Ушбу асар дунёдаги 66 тилга таржима килинган ва саёҳат давомида олинган фильм эса 1951 йил АҚШ ки-ноакадемиясининг «Оскар» мукофотига сазовор бўлди.

«Кон-Тики» экспедициясининг кенг тан олиниши сифатида Т. Хейердал Швеция география ва антропология жамияти, Париж география жамияти, Буюк Британия Қироллик география жамияти-нинг олтин медали билан мукофотланган ва олим дунёдаги турли давлатлар Фанлар академияларининг аъзоси этиб сайланган.

1952 йилда Т. Хейердал Эквадор кирғокларидан 965 км узоклика жойлашган Галапагос оролларига археологик экспедиция ташкил этди. Бунинг натижасида жанубий америкаликларнинг оролга Колумбгача бўлган замонларда ҳам сузиг боришгани, дои-



Пасха оролидаги тош ҳайкалчалар.

мий уй-жойларнинг йўклиги эса бу ерда ичимлик суви танкислиги билан изохланиши исбот килинган.

1955 йилда эса олим Пасха оролига саёҳат қилиб, у ерда археологик тадқиқотлар олиб борди. Бу ерда топилган йирик тош каллалар ҳакиқатда оролнинг биринчи яшовчилари томонидан курилган ва қум остига кўмилиб кетган гигант ҳайкалларга тегишли эканини ҳамда уларнинг Жанубий Америкада инкларгача бўлган замонда барпо этилган худди шундай иншоотлар билан ўхшашлиги ҳам аникланган. Пасха оролидаги тадқиқотлар сайёхнинг «Пасха оролинг санъати» номли икки жилдли асарида кенг ёритиб берилган.

Олим томонидан топилган тропик қамиш (папирус)дан ясалган кемаларнинг тасвири унда инкларгача бўлган Америка аҳолиси океанини қамишдан ясалган кемаларда кесиб ўтган бўлиши мумкин, деган фикрни уйғотди. Хуллас, Т. Хейердал тропик қамишдан кема ясад, унда Атлантика океанини сузиб ўтишга қарор қилган.

Чадлик усталар томонидан кадимги кемаларга монанд қилиб тайёрланган «Ра» деб номланган кема 7 мамлакат аъзоларидан ибо-



«Ra-2» кемаси модели. Ослодаги музей.

рат 7 кишилик экипаж билан БМТ байроғи остида 1969 йил баҳорида Марокашнинг Сафи портидан жўнаб кетган ва Шимолий экваториал оқим таъсирида 5 минг километр йўл босиб, Жанубий Америкага етиб келган. 10 ойдан сўнг эса Т. Хейердал «Ра-2» папирус кемасида 57 кун сузиб, Барбадосга етиб олди. Бу тажрибаси билан Т. Хейердал қадимги денгизчилар Канаар оқимидан фойдаланган холда Атлантика океани орқали Жанубий Америка ва ундан кейин Тинч океанига сузишларни амалга оширганликларини исбот қилган. Месапотамия, Миср ва Ҳиндистон каби ҳудудлардаги қадимги шарқ цивилизациялари ўртасидаги ўзаро маданий алоқаларни ўрганиш учун Т. Хейердал 1977 йилдан бошлаб «Тигрис» номли папирусдан ясалган кемада БМТ байроғи остида Қизил денгиз, Форс кўрфази ва Ҳинд океани сувларида 6800 км масофани босиб ўтган. Бу саёҳат давомида олим Ирок, Уммон, Покистон, Жибути, Эфиопия, Сомали ва бошқа кўплаб мамлакатларни чуқур ўрганган.

1982 йилда сайёҳ Мальдивнинг қадимги маданият ўчокларини ўрганиб, уларнинг Ҳиндистон ва Шри-Ланка маданияти билан бир хил эканини исботлаган. 1988–1989 йилларда эса олим Перуда-



Папирусдан ясалган «Тигрис» кемаси.

ги археологик қазилмалар чоғида пишик ғиштдан қурилган 26 та қадимий эхромларга дуч келди.

2000–2001 йиллардаги Азов денгизи атрофидаги қазилмалар натижасида Т. Хейердал норвегларнинг авлодлари Скандинавияга Кубань даштларидан бундан 2000 йил илгари кўчиб келганлиги хақидаги хulosани илгари сурди. XX аср иккинчи ярмидаги энг буюк сайёҳ, деб тан олинган ва умрининг охиригача дунёни ўрганиш билан машғул бўлган Т. Хейердал 2002 йилнинг 18 априлида 87 ёшида вафот этган.

Т. Хейердал ўз экспедицияларида қатнашиш учун турли ирқ, миллат, дин ва сиёсий тузум вакилларини йиғиб, бу билан кичкина бир солда кишилар тутув яшаб, самарали ҳамкорлик қилишлари мумкинлигини дунё ҳамжамиятига исбот қилиб берган ҳам. Бундан ташқари, сайёҳнинг экспедициялари турли қашфиётлар қилиш билан бирга Дунё океанининг ифлосланиши бўйича зарур намуналар йиғиб, уларни БМТга тақдим этган.

Ҳамидулла Ҳасанов

(1919–1985)



Ўзбекистонда география фанининг ривожланишига ҳисса кўшган олимлар талайгина. Аммо улар орасида бутун умрини география фанига, унинг тарихи, таълими ва услубиёти масалаларига бағишилаган устозолим, география фанлари доктори, профессор Ҳамидулла Ҳасановнинг алоҳида ўрни бор. Ўзбекистонда XX асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб география фани соҳасида ижод килган ва бугунги кунда ҳам ёшларга ушбу фаннинг сир-асрорларини ўргатиб келаётган олимларимизнинг деярли барчаси Ҳамидулла Ҳасановни ҳақли равиша ўз устозлари сифатида хурмат билан тилга оладилар.

Шу боис ҳам Ўзбекистон географиясининг забардаст намояндалиридан бири бўлган устоз тўғрисидаги баъзи хотираларни сайёҳларидан

олимлар каторида беришни шогирдлик бурчимиз, деб билдик. Зеро, устознинг ҳаёти ва ижодига оид хотиралар ўсиб келаётган ёш авлодда география фанига бўлган иштиёқ ва қизиқиши янада ошириш учун хизмат қилишига шубха йўқ.

Ҳамидулла Ҳасанов 1919 йилда Тошкент шахрида таваллуд топган. Ёшлигиданоқ илмга чанқоқлиги унинг мактабни тамомлагач, ўша пайтдаги Ўрта Осиё университетининг (хозирги Ўзбекистон Миллий университети) геология-география факультетига етаклади. Иккинчи жаҳон уруши йилларида фронт газеталаридан бирининг муҳбири ҳамда ҳарбий аэродромда об-ҳаво назоратчиси бўлиб хизмат килди. Урушдан кейинги 1946–1948 йилларда республика марказий газеталаридан бирида адабий ҳодим сифатида фаолият олиб борган. 1948 йилдан бошлаб то умрининг охирига қадар устознинг ҳаёти ва илмий фаолияти Ўзбекистонда география фани ва унинг ривожи билан бевосита боғлиқ.

Ҳ. Ҳасанов география соҳасидаги фаолиятини 1948 йилда Ўзбекистон халқ таълими вазирлиги ҳузуридаги Педагогика илмий текшириш институтида географ-услубчи лавозимидан бошланган. География фанига бўлган юксак иштиёқ устозни Москвадаги Фанлар Академияси аспиратурасига етаклаган ва Ҳ. Ҳасанов 1954 йилда уни муваффақиятли тамомлаб, география фанлари номзоди илмий даражасига эга бўлди.

1954 йилдан бошлаб у фақат бир даргоҳ – Тошкент давлат (хозирги Ўзбекистон Миллий) университетининг география факультетида фаолият кўрсатиб, география тарихи, топонимика ва услубиёт борасида тинмай изланишлар олиб борди. Ана шу изланишларнинг натижаси ўлароқ, дастлаб, 1956 йилда география факультети доценти унвонини олган. 1968 йилда ўзининг докторлик диссертациясини муваффақиятли ҳимоя қилгач, 1972 йилдан бошлаб Тошкент Давлат университети (хозирги ЎзМУ) география факультети профессори унвонига сазовор бўлган. Умрининг сўнгги йилларида, яъни 1982–1985 йилларда устоз география факультети табиий география кафедрасининг мудири лавозимида фаолият кўрсатди.

Ҳамидулла Ҳасанов география тарихи, таълим услубиёти, географик атамашунослик, транскрипция ва топонимикага оид 100 дан ортиқ салмоқли илмий ишлар муаллифи. Аммо «Ўрта Осиёлик



Профессорлар X. Ҳасанов, Н. Когай ва доцент П. Фуломов.

географ ва сайёхлар», «Сайёҳ олимлар», «Бобур – сайёҳ ва табиатшунос», «Махмуд Кошгарий» каби устоз яратган асарлар нафакат республикамиз, балки чет мамлакатлар географлари орасида ҳам машҳур. Устоз Ўзбекистон тупроғида яшаб ўтган сайёҳ-олимларнинг илмий меросини ва география фани тараккиётига қўшган ҳиссасини ўрганиш орқали уларга ўзига хос мангу «ҳайкал» қўйган.

Устознинг атамашуносликка бағишиланган энг йирик асари – «Русча-ўзбекча ва ўзбекча-русча география атамалари луғати»дир. Ушбу асар 1400 га яқин илмий-географик атамаларнинг ўзбекча маъносини ўз ичига олган бўлиб, уларнинг аксарияти X. Ҳасанов томонидан илмий муомалага киритилган.

Ҳамидулла Ҳасанов ўзининг илмий фаолиятини бевосита амалиёт билан боғлиқ ҳолда олиб борган. Жумладан, устоз олим нафақат қўллэзма манбалар, балки ўзининг бутун дунё бўйлаб қилган саёҳатлари чоғида олинган маълумотлар асосида турли ажойиб илмий-оммабоп асарлар яратган. Устоз асарларида келтирилган маълумотлар, саёҳатларидан олган таассуротларини география факультети талабаларига таълим бериш жараённида кенг қўллаган.



Ниагара шаршаси.

Ҳамиша меҳнат таътилларини дунё мамлакатлари бўйлаб саёҳат килиш, турли географик кузатиш ва тадқикотлар билан ўтказган устозни республикамиз географлари биринчи «ўзбек Магеллани», дейишлари бежиз эмас. Устоз ўзининг Осиё, Европа, Шимолий Америка ва Африкага қилган саёҳатлари натижаларини доимо тала-баларга мароқ билан хикоя қилиб берарди.

«Сайёҳ олимлар» китобида у Бобурнинг босиб ўтган йўлини тақрорлаб, Ўзбекистонга қўшни мамлакатлар, жумладан, Тожикистан, Афғонистон, Покистон ва Ҳиндистонда бўлганлигини ёза-ди. Айниқса, унинг Кобул шаҳридаги Боги Бобур, Аградаги Бобурийлар курдирган тақрорланмас меъморий обидалар ҳақидаги лавҳалари китобхонлар томонидан ҳозир ҳам катта кизиқиши билан ўқиласди.

ХХ асрнинг 70-йиллари ва 80-йилларининг бошида ҳозирги ЎзМУ география факультетида таҳсил олган ва ҳозирги кунда республикамиз вилоятларида турли соҳаларда хизмат қилаётган географ ҳамкасларимиз устознинг Нептун байрами, турли табиий обьектлар, жумладан, экватор, сувайирғич ҳақидаги кизикарли ҳикоялари



Шимолий Америкадаги Буюк күлларнинг коинотдан кўриниши.

ва аудиторияда бевосита талабалар билан ўтказган кўргазмали дарсларини яхши эслашса керак.

Шунингдек, устознинг саёҳати давомида Шимолий Американинг Буюк күлларидан шиша идишда олиб келган сувни дарс пайтида ҳар бир талабанинг кўлига оз-оздан қуиб, «ана энди сизлар ҳам ҳар бирингиз Буюк күлларга саёҳат қилганман ва унинг сувига бевосита кўлимни теккизганман, дея олишга ҳақлисиз», деган сўзлари ҳар бир талабанинг бир умр ёдида қолиши шубҳасиз.

Ҳ. Ҳасанов хуштабиат, кувноқ, камтар ва шу билан бирга ўзининг ташки кўринишига алоҳида эътибор берадиган киши эди. Аммо устозни таниган шогирдлар яхши эслашса керак, у киши доимо сочини устарада олдириб юрар ва ташки кўриниши сарикроқ, яъни европаликларга жуда ўхшаб кетар эди. Унинг европоидларга хос ташки қиёфаси билан боғлиқ бир қизиқ воқеани устоз кўпчиликка сўзлаб берган.

Франция сафарига Ҳ. Ҳасанов устозимиз профессор З. Акрамов билан бирга борган. Олимлар ўзларининг новосибирсклик тўладан келган ҳамроҳлари билан бирга Париж шаҳридаги Сена дарёси

бўйида сайр килиб юришганида бир француз журналисти уларни сухбатга чорлабди. Улар ўзлари хақида гапириб бериб, айниқса, географ эканликларини айтишганда сухбат жуда қизиб кетибди. Ана шу сухбатдан сўнг, эртасига «Париж оқшоми» газетасида «Руслар ҳар хил: дўппили, мутлақо сочсиз ва тўла бўлади» деган макола чоп этилган. Маколанинг бундай номланишига сабаб ўша вақтларда битта, собиқ Иттифоқ таркибида ва ҳозирда мустақил бўлган давлатларнинг турли тилда гаплашадиган ахолисини Ғарбий Европада унчалик фарқига боришмаганида эди. Бундан ташқари, ўша вақтларда чет эл сафарига чиқкан юртдошларимиз доим дўппи ки-йиб, ўзбек эканликларини намойиш этиб юришган. Парижда чоп этилган мазкур макола қаҳрамонларидан бири профессор З. Акрамов эса айни шу саёҳатда бошида дўппи билан француз журналистининг эътиборини ўзига тортган.

Тиниб-тинчимас сайёх Ҳ. Ҳасанов узок йиллар Ўзбекистон телевидениесидаги «Оlamга саёҳат» кўрсатувиннинг бошловчиси сифатида ҳам томошабинларда илиқ таассурот қолдирган.

Ҳамидулла Ҳасановдан республикамиз географларига қолган яна бир муҳим ёдгорлик – бу дунёдаги биринчи глобусни яратган Беруний анъаналарига содик қолган ҳолда устознинг бевосита раҳбарлигида яратилган Тошкент глобусидир. Маълумки, ҳозирги вақтдаги энг йирик глобус Санкт-Петербург шаҳрида сақланмоқда. Унинг диаметри 310 сантиметрга тенг. Аммо Тошкент глобуси ҳам ўз кўрсаткичлари билан Россиядаги энг катта глобусдан қолишмайди.

Унинг яратилиш тарихи устознинг 1979 йилда Россиянинг Пермь университетига қилган хизмат сафари билан боғлиқ. Чунки



Сена дарёси.

бу университетдаги диаметри бир метрли глобусни күргандан сүнг устозда ундан ҳам каттароқ рельефли глобусни яратиш ғояси пайдо бўлган. Натижада Тошкент Давлат университети ва Пермь университети маҳсус лабораториясининг ўзаро ҳамкорлигига Тошкент глобуси 5 йил давомида устознинг бевосита илмий раҳбарлигига бунёд этилган.

Тошкент глобусининг миқёси 1:7 000 000, яъни ундаги ҳар бир сантиметрдаги масофа 70 км.га тенг ёки Ер шари 7 миллион марта кичрайтирилган ҳолда тасвирланган. Глобуснинг баландлиги тагламаси билан бирга 2,5 метр. Шарнинг оғирлиги 240 кг, тагламаси 250 кг, демак глобуснинг умумий оғирлиги ярим тоннага боради. Глобуснинг диаметри 2 метр, айланасининг узуунлиги эса 6 метр ва умумий сатҳи 13 кв.м. га тенг.

Глобуснинг энг аҳамиятли томони унда ер юзининг турли шакллари – тоғлар, қирлар, текисликлар, ботиклар ва океан ости рельефи улар табиатда қандай кўринишда бўлса, шундайлигича тасвирланган. Шунингдек, глобусда ер юзининг ландшафтлари картографияда қабул қилинган тамойилларга биноан тасвирланган. Агар



Тошкент глобуси.

глобусга назар соладиган бўлсангиз, дунёдаги турли табнат зоналари – тундра, ўрмонлар, чўллар, даштлар ва узок шимолдаги ва баланд тоғлардаги музликлар худди ўзидек турли ранглар билан кўрсатилган.

Глобус Тошкентга олиб келингач, Тошкент давлат университети (ҳозирги ЎзМУ) география факультетидаги Ҳамидулла Ҳасановнинг ташаббуси ва бевосита саъй-харакатлари билан бунёд этилган музей-услубиёт хонасига ўрнатилган. 1992 йилда ушбу хонага профессор Ҳамидулла Ҳасановнинг номи берилганди.

Ҳамидулла Ҳасанов Ўзбекистонда география фанини ривожлантиришга қўшган улкан ҳиссаси учун 1980 йилда «Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби», деган шарафли унвонга сазовор бўлди. География фани олдидағи хизматларини инобатга олиб, 1980 йилда устоз собиқ Иттифоқ География жамиятининг фаҳрий аъзолигига кабул қилинган. Буларни устознинг узок йиллар қилган тинимсиз меҳнати ва дунё бўйлаб қилган саёҳатларига боғлик холда яратилган бетакрор илмий ишларининг эътирофи, деб айтиш мумкин.

Устоз Ҳамидулла Ҳасанов номи унинг бошлаган ишларини давом эттираётган шогирдлар томонидан ардоқланиб келинмоқда.



Ҳ. Ҳасанов номидаги илмий-услубий хона шогирдларнинг севимли жойи.

Чунончи, 2009 йилда ЎзМУ география факультетининг ташаббуси билан устоз таваллудининг 90 йиллигига бағишилаб «Табиий география назарияси, методика ва топонимика» мавзусида республика илмий-амалий анжумани ташкил этилди. Тадбирда устознинг Ўзбекистон географияси фанига кўшган салмоқли ҳиссаси унинг ҳозирги кунда ўзлари устоз даражасига етган шогирдлари томонидан яна бир бор таъкидланди.

Устоз хотирасини ёд этиш, унинг ибратли ҳаёт ва ижод йўли билан келажак авлодни таништириб борищдек хайрли ишлар ёшлиларимизнинг, айниқса, ўз ҳаётини география фани билан боғлашта карор қилган талаба-ёшлар, тадқиқотчи ва изланувчиларда устоз қолдирган улкан илмий меросга муносиб шогирд бўлиш туйғусини шакллантиришда муҳим аҳамият касб этади.

Зиёвуддин АКРАМОВ

(1923–2003)



География фани саёҳатлар билан чамбарчас боғликлиги боис, унда «биринчи бўлиш» ҳамиша шарафли ва масъулиятли ҳисобланади. Хоҳ саёҳат қилиб, турли ерларни кашф этиш, хоҳ географик тадқиқотлар олиб бориб, кейинчалик уни ривожлантириш бўлсин, биринчи бўлган кишининг хизматлари бунда доимо муҳим роль ўйнаганлиги тарихдан яхши маълум.

Професор Зиёвуддин Мухитдинович Акрамов ана шундай биринчилардан. У Ўзбекистонда иқтисодий география фанини ривожлантириш ишига катта ҳисса кўшган ва бу соҳада республикамизда «география фанлари доктори» илмий даражасига эришган биринчи ўзбек олимни ҳисобланади. Олим республикамизнинг турли чеккаларини чукур ўрганиш билан бир каторда дунёнинг турли мамлакатларига сафар қилган ва ўз саёҳатлари ҳақида қизиқарли асарлар ёзиб қолдирган сайёҳ ҳамдир.

Ҳақиқатан ҳам, З. Акрамов Ўзбекистонда иқтисодий география фанининг ривожланишига, жумладан, мамлакатимизда кишлоқ хўжалиги комплексига боғлиқ турли соҳаларни мажмуали иқтисодий-географик жиҳатдан ўрганиш, шу асосда иқтисодиёт тармокларини республика минтақалари бўйлаб оқилона ҳудудий ташкил этиш ва комплекс ривожлантиришни тадқиқ этиш ишларига асос солган олимлардан бири. У республикамида фаолият олиб бораётган минглаб географларга нафакат таълим берган, балки уларнинг аксариятига илмий тадқиқот ишларини олиб бориш сирларини ўргатган. Ҳозирги вактда география соҳасида фаолият олиб бораётган ёш олимларимизнинг «бобо устози» саналмиш З. Акрамов республикамида иқтисодий география мактабини яратган.

Зиёвуддин Мұхитдинович Акрамов 1923 йилнинг 23 сентябринда ўша вақтлар Тошкент шаҳрининг чеккасида жойлашган Аллон кишлоғида (хозирда Талабалар шаҳарчаси ва Чигатой дарвоза ўртасидаги Тошкент шаҳар Олмазор туманига карашли Аллон маҳалласи) туғилган. Отаси оддий киши бўлса-да, илм-маърифатни жуда қадрлаган. Шунинг учун ҳам маърифатли оила муҳити таъсирида Зиёвуддин Акрамов ёшлигиданоқ билимга чанқоқлигини на мойиш этиб, турли фанлардан чукур билим олишга харакат қилган.

1939 йилда мактабни тамомлагач, З. Акрамов ўша вақтлардаги Тошкент муваллимлар олийгоҳига (хозирги Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети) ўқишга кирган ва уни 1945 йилда муваффақиятли тамомлаган. Олийгоҳни битирган бўлажак олим ўз меҳнат фаолиятини Тошкентдаги мактабларнинг бирида ўқитувчиликдан бошлади. Уч йил давомида ёш авлодга география сирларини ўргатган З. Акрамов 1949 йилда М. Ломоносов номидаги Москва Давлат университетининг география факультетига аспирантурага ўқишга кирган. Аспирантурада ўқиб юрган вақтларида XX асрнинг таникли иқтисодий географларидан бири профессор Ю.Г. Саушкин раҳбарлигида Наманган вилоятини мажмуали иқтисодий-географик жиҳатдан ўрганиш бўйича тадқиқотлар олиб борди.

Олиб борилган илмий ишларининг натижаси ўлароқ, 1953 йилда «Наманган вилоятига иқтисодий-географик тавсиф» мавзусида номзодлик диссертациясини муваффақиятли ҳимоя қилди. Олимнинг



Наманган вилояти З. Акрамовнинг илк тадқиқот обьекти бўлган.

номзодлик иши доирасида олиб борган илмий тадқиқотларининг на-
тижалари 1955 йилда «Наманган вилояти» номи билан нашр этилган.

Тошкентга қайтгач, илмий фаолиятини давом этириш билан
бирга 1954 йилдан Ўзбекистон география жамияти президенти-
нинг ўринбосари вазифасини ҳам бажарган. 1990 йилда Ўзбекистон
География жамияти президенти этиб сайланиб, умрининг охирига
қадар шу вазифада фаолият олиб борди.

З. Акрамов XX аср 50-йилларнинг ўрталаридан бошлаб респуб-
ликамизда қишлоқ хўжалик географияси, қишлоқ жойларини маж-
муали иктисодий-географик тадқиқ қилиш масалалари устида иш
олиб борган. Ушбу соҳалардаги илмий тадқиқотларга Ўзбекистонда
алоҳида эътибор берилиши ва уларнинг 50-йиллардан кейинги ри-
вожланиши бевосита З. Акрамов номи билан боғлиқ.

Шунинг учун ҳам республикамизда география соҳасидаги ил-
мий тадқиқотларни тизимли ташкил этиш максадида 1958 йил-
да З. Акрамов ташаббуси билан Ўзбекистон Фанлар Академияси
(ЎзФА) таркибида География илмий тадқиқот бўлими ташкил этил-


ди. Устоз ушбу бўлимнинг ташкилотчиси бўлиш билан бир каторда мазкур илмий даргохнинг 1958–1970 йиллардаги биринчи раҳбари хам бўлган.

Ушбу илм даргохида XX асрнинг иккинчи ярмида табиий география, иқтисодий географик муаммолар, табиатни муҳофаза килиши ва ресурслардан оқилона фойдаланиш ҳамда картография лабораториялари иш олиб бориб, катор муҳим географик тадқиқотлар амалга оширилди. Бўлим илмий ходимлари томонидан республиканинг турли худудларини иқтисодий-географик баҳолаш, турли тематик, ўкув ҳариталари ва атласларини барпо этиш ҳамда Орол денгизи муаммоларига бағишланган илмий ишланмалар бевосита амалиёт билан боғлаб олиб борилган.

XX асрнинг 80-йилларида ЎзФА География бўлими олимлари Жанубий Оролбўйига бир қатор илмий экспедициялар ташкил этиб, бу ҳудуддаги экологик мувозанатни таъминлаш масалалари бора-сида қимматли тавсияларни ишлаб чиқишиган. Шунингдек, профессор З. Акрамовнинг бевосита раҳбарлиги остида бўлимда 1981 ва 1985 йилларда Ўзбекистоннинг икки жилдли мажмуали географик атласи тузилган ва нашр этилган. Ҳозирги кунда устоз ташкил этган География бўлими Ўзбекистон Фанлар Академиясининг Сейсмоло-гия илмий текшириш институти таркибида фаолият олиб бормоқда.

Маълумки, ўтган асрнинг 50-йиллари ўрталарига келиб, Мирзачўл ҳамда Қизилкўм чўлининг Зарабшон ва Бухоро воҳаларига туташ ерлари жадаллик билан ўзлаштирила бошлаган. Бунинг на-тижасида Ўзбекистонда иқтисодиётни маҳаллий табиий шароит ва ресурс имкониятларидан келиб чиккан ҳолда оқилона ва самарали ҳудудий ташкил этиш, мавжуд меҳнат ресурсларидан унумли фойдаланиш, ахолининг турмуш шароитини яхшилашга бағишланган комплекс географик илмий тадқиқотларга бўлган эҳтиёж бирмунча кучайган.

Ана шуни ҳисобга олган ҳолда З. Акрамов 50-йиллар охири ва 60-йиллар бошида Ўрта ва Қуйи Зарабшон воҳаларида комплекс иқтисодий-географик тадқиқот экспедициясини ташкил этишда фаол иштирок этган. Зарабшон воҳасида олиб борилган илмий тадқиқотлар натижасида З. Акрамов 1961 йилда «Самарқанд ва Бухоро вилоятларининг қишлоқ ҳўжалик географияси» номли икки



Самарқанд ёнидаги Зарафшон водийси.

Жилдли илмий рисоласини ёзib, чоп эттириди. Ушбу рисоланинг иккинчи жилди А. Ракитников, О. Замков ва А. Шермуҳаммедов каби олимлар билан ҳамкорликда ёзилган.

Ушбу асар классик иқтисодий-географик тадқиқот усулида ёзилган бўлиб, унда вакт ўтиши билан аста-секин ўз аҳамиятини йўқотадиган турли иқтисодий кўрсаткичларга иложи борича камроқ аҳамият берилган. Мамлакатимизнинг Самарқанд, Бухоро вилоятлари ҳудудини, улардаги ҳар бир қишлоқ ва шаҳарни кебиб чиққан олим ўз асарида бу ҳудудлар қишлоқ ҳўжалигига таъбиий шароит, ресурслар, демографик ҳолат, иқтисодий-ижтимоий инфратузилмалар ва бошқа қатор омиллар нуқтаи назаридан баҳо берган.

Асарда ҳар иккала вилоятнинг қишлоқ ҳўжалигидаги ўзига хосликлар, унинг энг муҳим тармоқлари бўлган дехқончилик ва чорвачиликка боғлиқ ҳолда қайта ишлаш саноатини ривожлантириш имкониятлари кенг очиб берилган. Аммо устоз томонидан бундан 50 йил муқаддам асослаб берилган Самарқанд ва Бухоро вилоятлари ҳудудининг, айниқса, уларнинг Қизилқум чўли ва Зарафшон воҳаси ўзаро туташган қисмларида мавжуд имконият ва салоҳиятдан фақат

Ватанимиз Мустакилликка эришгандан кейингиңа тұла фойдала-
ниш мүмкін бўлди.

Шунинг учун ҳам ушбу асарларни ҳозир ўқиган киши (айникса, кўрсатилган вилоятларда яшайдиган) беихтиёр ўзи яшаб турган худуднинг бундан 50 йил аввалги иктисодий-географик ҳолатини кўз олдига келтириши ва уни ҳозирги ҳолат билан бемалол таққослай олиши мүмкін. Асар ҳозирги вақтда ҳам ўз аҳамиятини йўқотмаган. Ундаги кўпгина маълумотлар, жумладан, аҳоли сони тобора кўпайиб бораётган Зарафшон воҳасида кишлок хўжалигини ривожлантиришда ҳисобга олиниши лозим бўлган омиллар, табиий шароит ва кишлок хўжалигининг турли тармоқлари ўртасидаги боғлиқликни аниқ ифодаловчи баъзи конуниятлар бугунги кунда ҳам долзарб бўлиб қолмоқда.

3. Акрамов 1962 йилда Зарафшон воҳасида олиб борган комплекс иктисодий-географик тадқиқотларининг ҳосиласи сифатида республикамиз иктисодий географлари ўртасида биринчى бўлиб «география фанлари доктори» илмий даражасини олишга эришди. Олим Ўзбекистон Фанлар Академиясининг География бўлимига



Қизилкум яйловларида бокиладиган коракўл кўйлари – бебаҳо хазина.

раҳбарлик килиш билан бирга ёш географ олимларни тайёрлаш ишига ҳам катта хисса қўшган. Шу максадда устоз Тошкент Давлат университети (хозирги Ўзбекистон Миллий Университети) география факультетининг иқтисодий география кафедрасида фаолият олиб борган ва 1966–1998 йилларда шу кафедранинг профессори бўлган.

1970 йилдан бошлаб З. Акрамов ЎзМУ География факультетининг иқтисодий география кафедрасига мудир этиб тайинланган ва 14 йил, яъни 1984 йилгача ушбу лавозимда фаолият олиб борди. Олим университетда фаолият кўрсатган вактида биринчилардан бўлиб нафакат олий таълим, балки ўрга умумтаълим мактаблари учун мўлжалланган «Ўзбекистоннинг иқтисодий географияси» дарслигини ёзган. Ушбу дарсликнинг кейинчалик тўлдирилган ва узок йиллар давомида мактабларда фойдаланиб келинган қайта нашрлари ҳаммуаллифликда ёзилган. Аммо шундай бўлса-да, З. Акрамовнинг номи республикамида иқтисодий географиядан биринчи мактаб дарслигини яратган устоз-олим сифатида замонлар оша қолаверади.



З. Акрамов бир гурӯҳ шогирдлар билан.

Шунингдек, З. Акрамов Мустакиллик шарофати билан Ўзбекистон Миллый университети география факультетида 1993 йилда ташкил этилган «иктисодий ва ижтимоий география» мутахассислиги бўйича номзодлик диссертацияларини ҳимоя килиш маҳсус кенгашинг биринчи раиси бўлиб, республикамизда юкори малакали географ мутахассислар тайёрлаш ишига ўзининг катта хиссасини кўшган.


З. Акрамовнинг кенг киррали олим бўлганлиги унинг ёзib колдирган кўп сонли илмий асарларидан ҳам маълум. Устоз 200 дан ортиқ рисола ва илмий мақолалар муаллифи. Бу ўринда иктиносий география, қишлоқ ҳўжалик географияси ва ишлаб чиқариш кучларини жойлаштиришга бағишланган кўплаб рисолалардан ташкари, табиатни муҳофаза қилиш, табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш ва Орол денгизининг экологик муаммоларига бағишланган асарларни кўрсатиш мумкин. Улар қаторига «Ўзбекистонда табиий ресурслардан фойдаланиш, уларни саклаш ва қайта тиклаш муаммолари», «Фарғона водийси», «Табиат имкониятлари ва ҳаёт» (А. Хисомов билан ҳаммуаллифликда), «Оролбўйида экологик



Фарғона водийси.

мувозанатни тиклаш», «Орол денгизи: ҳозир ва келажақда» ва «Орол денгизининг ўтмиши, ҳозирги ҳолати ва келажаги» (профессор А. Рафиков билан ҳаммуаллифликда) каби кўплаб асарлар киради.

З. Акрамов кенг миқёсли комплекс иқтисодий-географик тадқиқотлар олиб бориш билан бирга дунёнинг турли мамлакатларига саёҳат килиб, ўзининг чет эл сафарлари давомида кизиқарли табиий, иқтисодий ва сиёсий-географик кузатишларни ҳам амалга оширган. Олимнинг «Испания саёҳатидан лавҳалар», «Европа бўйлаб», «Хиндистон лавҳалари», «Мустақил Мағриб мамлакатларида (Тунис, Марокаш, Жазоир)» каби ёзган асарларида унинг нафакат сайёҳ кўзи билан кўрганлари, балки географ-олим сифатидаги кизиқарли кузатишларининг таҳлили ҳам келтирилган. Шуниси эътиборга лойиқки, З. Акрамов ўзининг Европа сафарида, жумладан, Францияга «ўзбек Магеллани» профессор Ҳ. Ҳасанов билан бирга борган ва Париждаги Лувр музейи, Эйфель минораси, Елисей майдони ва бошқа кўзга кўринган меъморий обидалар ҳакида кизиқарли таас-суротларни ёзиб қолдирган.



Париждаги машҳур Лувр музейи.

Устоз ўзи саёҳат қилган мамлакатларнинг табиати, хўжалиги, ахолисининг турмуш тарзи ва асосий машғулотига оид кизикарли илмий хуласаларни келтиради. Айникса, З. Акрамовнинг ўзи ташриф буюрган мамлакатларнинг ташки иқтисодий ва сиёсий алоказларига оид маълумотлари кишининг эътиборини ўзига тортади. Ана шунга кўра, устозни XX асрнинг 60–70-йилларидаётк ўзбекистонда илк бор сиёсий-географик ёки ҳозирги замон тили билан айтганда геосиёсий тадқиқотларни амалга оширган дастлабки географ олим, деб айтиш мумкин.

З. Акрамовнинг республикада илм-фанни ривожлантиришга қўшган хиссаси муносиб тақдирланган. Олим бир гурух иқтисодчилар билан бир каторда Ўзбекистонда ишлаб чиқариш кучларини оқилона худудий жойлаштириш ва республика иқтисодиётини комплекс ривожлантириш борасидаги илмий тадқиқот лойиҳаси учун 1977 йилда Беруний номидаги Ўзбекистон Давлат мукофоти совриндори бўлди. 1983 йилда эса З. Акрамовга «Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби» фахрий унвони берилган.

З. Акрамов 2003 йил 8 майда вафот этган. Олим ўзининг ижодий хаёти давомида 30 га яқин фан номзоди ва фан докторларининг илмий ишларига раҳбарлик килиб, Ўзбекистон иқтисодий география мактабини яратди ва уни ривожлантиришга катта хисса қўшди. Устоз асос соглан илмий мактабнинг вакиллари ҳозирги вақтда ватанимизнинг турли бурчакларида ва иқтисодиётнинг турли соҳаларида меҳнат килиб, унинг бошлаган ишларини давом эттириб келмоқдалар.

Юрий СЕНКЕВИЧ

(1937–2003)

XX асрда яшаб ўтган машхур сайёҳлардан бири, кўп миллионли телетомошабинларга «Киносаёҳатчилар клуби» кўрсатуви орқали яхши таниш бўлган олим, журналист ва телебошловчи Юрий Сенкевичдир. Сайёҳ шуниси билан машхур эдик, у амалга оширган саёҳатлари даво-



міда олган таассуратларини ўз китобларида ва телезернанда жонли тарзда ифода эта олган. Уннинг саёхатлари хакидаги эсдаликларини ўқиган ёки кўрсатувларини томоша килган ҳар бир киши ўзини ўша саёхатда бевосита катнашаётгандек хис киларди гўё.

Юрий Сенкевич 1937 йил 4 марта Мўгулистаннинг Баян-тумен (хозирги Чайболсан) шаҳрида туғилган. Ота-онаси Санкт-Петербургдаги ҳарбий тиббиёт академиясини тугатгандан сўнг шу шаҳарга ишга юборилгач, Юрий дунёга келган. Сенкевичларнинг аксарияти тиббиёт соҳаси вакиллари эдилар. Ёшлигига биология, зоология ва умуман табиий фанлардан яхши сабоқ олган Юрий отонаси изидан бориб, 1960 йилда Санкт-Петербург ҳарбий тиббиёт академиясини тугатди.

Ю. Сенкевич 1962 йилдан бошлаб фан билан жиддий шуғулана бошлади. Дастлаб, Мудофаа вазирлигига қарашли Авиация ва коинот тиббиёти институтида, кейинчалик Москвадаги Тиббий-биологик муаммолар институтида экстремал вазиятларда инсон хулқ-атворининг ҳусусиятлари мавзусида тадқиқот олиб борган. Тадқиқот мавзусининг фавқулодда мухимлиги боис, у 1964 йилда фазогирларни тайёрлаш гурухига қабул қилинди. 1967 йилда эса Ю. Сенкевич Антарктикага экстремал шароитда яшаш учун кураш бўйича ташкил этилган икки йиллик экспедицияда иштирок этиш учун таклиф этилган. Мазкур экспедиция дунёning энг совуқ кутби (-88,3 даражада) номини олган материк – Антарктидадаги «Восток» илмий текшириш станциясида тадқиқотлар олиб борган. Ана шундан сўнг саёхатлар Ю. Сенкевичнинг асосий машғулотига айланди, дейиш мумкин. Мазкур экспедиция давомида сайёҳ журналист сифатида ҳам шаклланди. У «Халқлар дўстлиги» журналида мазкур саёҳат тўғрисида кизикарли маълумотларни эълон қилиб борган.

1969 йилда машхур норвег сайёҳ-олими Тур Хейердал тропик қамиш (папирус)дан ясалган «Ra» кемасида қадимги халқларнинг океанлар оша сузишларни амалга оширган бўлиши мумкинлигини исбот қилиш учун Атлантика орқали саёҳатни ташкил этди. Хейердал ўзининг етти кишилилк халқаро экипажига универсал инсон – врач, бир қатор табиий фанлар бўйича етук олим, инглиз тилини мұкаммал биладиган журналист Юрий Сенкевични ҳам таклиф килди. 1969 йилдаги «Ra-1» кемасида ташкил этилган экспедиция кеманинг



Барбадос ороли.

халокатга учраши туфайли муваффакиятсизликка учраган бўлса, 1970 йилда «Ра-2» кемасида 7 кишидан иборат халқаро экспедиция Кариб денгизи шарқидаги Барбадос оролигача сузуб бора олган.

1973 йилдан Юрий Сенкевич марказий телевидениедаги «Киносаёҳатчилар клуби» кўрсатуви бошловчиси сифатида фаолият кўрсата бошлаган. Тиниб-тинчимас сайёҳ, олим ва нафис сўз устаси бўлган Сенкевич «Киносаёҳатчилар клуби»ни кўпмиллионли телетомошабинларнинг севимли кўрсатувига айланишига эриша олган. Мазкур кўрсатув экранга берилаётган маълумотларнинг кенг миқёслилиги, жиддийлиги, мазмунан чукурлиги билан тезда шухрат қозонди. Кўрсатувда дунёдаги турли халқлар ва мамлакатларнинг хаёти, турмуш тарзи ва урф-одатлари ҳакида қизиқарли маълумотлар берилиб, улар томошабинда саёҳат қилиш хиссини уйғотарди. Турли йилларда ўтказилган ижтимоий сўровлар шуни кўрсатадики, Ю. Сенкевичнинг «Киносаёҳатчилар клуби» ўзининг доимий кўпмиллионли мухлисларига эга бўлган ва шу боис



Ю. Сенкевич томошабинларга яхши таниш.

1977–1978 йилларда Ю. Сенкевич Тур Хейердалниң қамишдан ясалган «Тигрис» кемасида Ҳинд океани бўйлаб саёҳатда кема врачи сифатида иштирок этган. Уч минг йил аввалги лойиха бўйича ишланган ушбу кема Қизил денгиз кирғокларидан йўлга чиққач, беш ой давомида Ҳинд океанида сузиб, Африканинг Жибути кирғокларига қайтиб келган.

1979 йилда Ю. Сенкевич шимолий кутбга чанғида амалга оширилган ва 1980–1982 йилларда дунёдаги энг баланд чўққи Эверестга ташкил этилган экспедицияларда врач сифатида иштирок этган. Саёҳатлари давомида олган таассуротларини 60 дан ортиқ илмий мақола ва рисолаларида баён этган, уларда инсон хулқининг экстремал вазиятлардаги физиологик жиҳатларини, узоқ саёҳатлар давомидаги ўзаро муносабатларнинг хусусиятларини кенг ёритиб берган. Олимнинг «Ра»да Атлантика орқали», «Тигрис» океанда», «Уларни уfk чорлаган» ва «Умрга тенг саёҳат» каби асарлари китобхонлар орасида машҳур.

Юрий Сенкевич дунёдаги барча ҳалқлар маданияти ва тарихига чукур хурмат ва эҳтиром билан қарайдиган саёҳ эди. У «ўз тарихи чукур ҳурмат ва эҳтиром – миллатнинг маданиятилиги белгисидир» деган сўзларини турли учрашувларида тинмай тақрорлар эди. Машҳур саёҳ ўтган асрнинг 80-йиллари бошида Тошкентга килган сафарида республикамиз ёш географлари ва саёҳлари билан бўлган учрашувда Ўзбекистоннинг бой тарихий ва маданий мероси ҳақида гапира туриб, худди шу сўзларни ишлатган эди.

«Гиннесснинг рекордлар китоби» га киритилган.

Кўрсатув мавзусини танлаш, муаллифлар ва меҳмонларни таклиф этиш билан Сенкевичнинг шахсан ўзи шуғулланган. Тур Хейердал, Жак-Ив Кусто, Карло Маури, Бруно Вайлатти, Жак Майоль, Жан Мэлори, Фёдор Конюхов ва бошқа кўплаб машҳур саёҳларнинг кўрсатувдаги бевосита иштироки унинг қизиқарлилигини янада оширган.



Ю. Сенкевич ва Т. Хейердал.

Ю. Сенкевич машхур норвег сайёх-олими Тур Хейердал билан қалин дўст эди. 2002 йилда Т. Хейердалнинг оламдан ўтганлиги ҳақидаги хабарни эшитгач, Ю. Сенкевич юрак хуружи билан оғриб, ётиб қолган. Аммо Ю. Сенкевич умрининг охирги йилларида саломатлиги яхши эмаслигига қарамасдан, саёҳат қилишда давом этган. Жумладан, 2001 йилда Швейцария, Испания, Дондаги Ростов, Қозоғистон, Чукотка, Ханти-Мансийск, Хитой ва Ҳиндистонга, 2002 йилда эса Чукотка ва Врангель оролларига саёҳат килди.

Ю. Сенкевич тибиёт фанлари номзоди, Россия сайдёнлар ассоциацияси президенти, Россия телеакадемияси академиги ва қатор халқаро мукофотлар совриндори эди. Олим 2003 йилнинг 25 сентябрида ўз иш жойида вафот этган.

Сайдённинг номи турли обьектларда абадийлаштирилган. «Аэрофлот» компанияси самолётларидан бири, умумий юк кўтариш қобилияти 100 минг тонна («Титаник»дан икки баравар кўп) бўлган кема ва Москва давлат туризм индустрияси институти Ю. Сенкевич номи билан аталган. Сибирдаги Омск шахрида «Сенкевич» ресторани бўлиб, унинг деворларидан бирида сайдён иштирок этган «Ра-2» кемаси саёҳатининг фил терисига ишланган харитаси осиб қўйилган.

Магеллан издошлари



Ҳар бир инсон ўз умри давомида маълум бир масофани пиёда босиб ўтади. Аммо бу масофанинг қанчага тенглиги ҳар бир кишини кизиқтириши табиий.

Ушбу саволга жавоб топиш мақсадида ўтказилган изланишлар натижасида олимлар турли транспорт хизматларининг ривожланиши сабабли инсон ҳаракатланиш фаоллигининг ҳозирги вақтда бирмунча пасайғанлиги ҳакидаги хуносага келишди. Ҳисоб-

китобларга кўра, XX аср бошларида инсон ўз ҳаёти давомида ўртacha 75 минг км ёки Ер шарини экватор бўйлаб қарийб икки марта айла нишга тент масофани босиб ўтган бўлса, ҳозирги кунда бу масофа ўртacha 24 минг км. га teng. Шуниси хавотирлики, инсоннинг ўртacha пиёда юриш масофаси йил сайин қисқаришда давом этмоқда. Шунинг учун ҳам аср касаллиги номини олган камҳаракатлилик натижасида сайёрамизда ортиқча вазнга эга бўлган кишилар сони тобора кўпайиб бормоқда.

Аммо Ер юзида яшайдиган аҳоли, шу жумладан, умуман ҳаракат килиш имкониятидан маҳрум кишилар ҳам китоб ўқиётганда, дарсда ўтирганда, телевизор кўраётганда ва ҳатто, ухлаётган пайтда ҳам мутлок тинч турмасдан, қуйидаги уч ҳаракат таъсирида бўладилар.



Ер ўз ўқи атрофида тинмай айланади.

Биринчидан, Ер шарининг ўз ўқи атрофида айланиши туфайли биз ўзимиз билмаган ҳолда экваторда соатига 1700 км, Ўзбекистон жойлашган кенгликларда эса ўртacha 900 км тезликда ҳаракатланамиз ва бир сутка давомида ўзига хос бўлган дунё бўйлаб айланма саёҳатни амалга оширамиз.

Иккинчидан, сайёрамиз катта бир фазовий кема сифатида секундига 30 км тезликда Қүёш атрофида айланади ва учинчидан Қүёш тизими Галактикамиз марказига нисбатан секундига 220 км тезлик билан харакатланади.

Аммо шундай кишилар борки, улар ўзларининг тиниб-тинчимас сайёх эканликларини амалда исботлайдилар. Биз Ер шари бўйлаб илк айланма денгиз саёҳатини португал сайёхи Ф. Магеллан амалга оширганлигини 5-синф география дарслигидан яхши биламиз. Шу боис, кейинчалик Ер шари бўйлаб амалга оширилган айланма саёҳатларнинг аксарияти кенгликлар йўналишида шарқдан ғарбга ёки аксинча амалга оширилган.

Аммо Буюк Британиялик сайёхлар Р. Фэйнс ва Ч. Бэртон Ер шари атрофида айланма саёҳатнинг одатда амалга ошириладиган йўналишини ўзгартиришган. Жумладан, улар 1979–1982 йиллар давомида дунёда биринчи бўлиб Ер шари атрофини меридиан бўйлаб айланни чиқишиган.



Бош меридианнинг Гринвич обсерваториясида (Буюк Британия) ўрнатилган рамзий белгиси.

1979 йил 2 сентябрда сайёхлар Темза дарёсидан «Бенжамин Боринг» («Бенжамин зерикмоқда»), деб номланган кичик кемада йўлга чиқишиган ва нолинчи меридиан бўйлаб жанубга юришган. Франциянинг шимолий қирғоқларидан бошлаб ушбу мамлакат, кейин Испания ҳудудини қуруқлик орқали пиёда кесиб ўтдилар. Сўнг йўллари Сахрои Кабир орқали Жазоирдан Кот д’Ивуар пойтахти Абиджан шаҳригacha давом этган. Сўнг сайёхлар яна кемага ўтириб, Жанубий Африкадаги Кейптаун шаҳрига етиб олишди.

Кейптаун шаҳридан Атлантика океанини кесиб ўтган сайёхлар Антарктида қирғоқларидаги Модалар Қироличаси Ерига етиб келишган. Махсус тайёрланган қорда юрадиган моторли мосламаларда сайёхлар Жанубий кутб томон йўл олиб, 1980 йил 16 декабрда жанубий географик кутбда жойлашган «Амундсен-Скотт» станциясига етдилар. Сайёхлар ҳаммаси бўлиб 66 кунда Антарктидани кесиб ўтиб, материкнинг бошқа чеккасидаги Виктория ери қирғоқларигача етиб келишган. Сўнгра шу ердаги Адэр бурнидан сайёхлар ўз кемаларида 180-меридиан бўйлаб Янги Зеландияга жўнадилар.

Янги Зеландиядан кемада йўлга чиқкан сайёхлар Тинч океанини кесиб ўтиб, АҚШнинг Лос-Анжелес шаҳрига келишди. АҚШ ва Канаданинг Тинч океани қирғоқлари бўйлаб сузгач, Аляскадаги Юкон



Антарктиданинг Виктория ери қирғоғи.

дарёсининг қуиши жойи орқали Жек Лондон асарларидан яхши таниш бўлган олтин изловчилар шаҳри Доусонга етиб олдилар. Бу ердан Маккензи дарёсининг қуиши жойидаги Инувик шаҳарчасига сайёхлар пиёда боришган. Сўнг моторли қайиқда Канада архипелагининг шимолий ороли Элсмирга келиб, шу ердаги Алерт шаҳарчасида кишиладилар. Элсмир оролидан сайёхлар шимолий кутбга томон йўл олишган ва унга 1982 йил 11 апрелда етиб боришган.

Экспедициянинг охирги боскичида Р. Фейнс ва Ч. Бэртон 99 кун сузувчи муз устида ҳаракат қилиб, Шпицберген оролларига етиб олдилар. Шпицбергенга яқин жойда сайёхлар яна ўзларининг «Бенжамин Боринг» кемасига ўтириб, шимолий денгизлар орқали 1982 йил 29 августда Лондонга қайтиб келишди.

Уч йил давом этган ушбу саёҳат давомида сайёхлар 56325 км масофани босиб ўтишган. О ва 180-меридиан бўйлаб ҳаракатланган сайёхлар Европа, Африка, Атлантика океани бўйлаб Антарктидага, яъни Жанубий кутбга етиб, Тинч океани, Шимолий Американинг Тинч океани қирғоқлари ва Шимолий муз океани орқали Шимолий кутбни забт этдилар.

Ер шарини пиёда айланиб чиққан сайёхлар сони ҳам талайгина. «Гиннеснинг рекордлар китоби»да ёзилишича, улардан биринчиси американлик сайёх Жорж Мэтью бўлиб, у сайёрамизни 1897–1904 йиллар давомида айланиб чиққан. Аммо яна бир американлик сайёх Д. Канст Ер шарини пиёда бирмунча қисқа муддатда – 1970 йил 20 июндан 1974 йил 5 октябргача айланиб чиққан. У тўртта континентдаги бир неча мамлакатларда бўлиб, ўз саёҳати давомида 22 жуфт пойафзални ишдан чиқарган.

АҚШнинг Оҳайо штатидан 32 ёшли Стив Ньюмен 4 йил давомида (1983–1987) бир ўзи 36200 км йўл босиб, Европа, Африка, Осиё, Австралия ва Шимолий Американинг 22 мамлакати орқали Ер юзиини пиёда айланиб чиққан. Шимолий Америкадан Ирландияга, Осиёдан Австралияга ва у ердан Шимолий Америкага бўлган оралиқда самолётда учган бўлса-да, С. Ньюмен қўрсатилган қитъаларнинг ичкари қисмларини тўлиқ пиёда босиб ўтган. Унинг бу саёҳати давомида қадамни ўлчайдиган асбоб 40 миллион қадам босиб ўтилганини кўрсатган. У ўзи бўлган ҳар бир шаҳарда унинг йўл журналига имзо ва расмий муҳр қўйиб беришларини илтимос қиласарди.



Велосипедда саёхат қилиш осон эмас.

С. Ньюмен билан мусобака-лашиш ва ундан ўзиш мақсадида АҚШлик сайёх Д. Канст 1987 йил декабрда янги саёхатни бошлаган. Бу сафар у экватор-нинг куруқлик кисми бўйлаб 23300 км масофани босиб ўтган. У мазкур саёхат давомида тўртта китъадаги дунёнинг 13 та мамлакатида бўлиб, Ер шарини бирмунча тезроқ, яъни 4 йилу 3 ойу 16 кун давомида айланиб чиқиб, 21 жуфт пойафзалини кийиб тугатган.

Англиялик журналист Г. Уильсон биринчи бўлиб Ер шари атрофини югуриб айланиб чиқиши мақсадида 1986 йилнинг 1 майидан бошлаб 30 минг км масофани босиб ўтган. У сафари давомида катор мамлакатларни видеотасмага туширган, дам олиш вақтларида саёхат натижаларини кейинчалик ёзишни режалаштирган «Ер шари бўйлаб югуриб» номли китобида фойдаланиш учун кўрган-кечиргандарини кундалигига қайд этиб борган.

Аммо дунёда биринчи бўлиб Ер шарини югуриб айланиб чиқишига аҳд килган инглиз журналистининг режаси амалга ошмай қолди. Чунки сафарининг охирги босқичида, яъни АҚШдаги Нью-Йорк шахри марказидан югуриб ўтаетганда, сайёхни кузатиб келаётган автомобилни номаълум босқинчилар тўдаси тунаб кетган. Шутариقا Г. Уильсон кийимсиз, пулсиз, хужжатсиз қолган. Бўлажак китоби учун йиққан барча фотосурату видеофильмлари ҳам ўтилаб кетилганди.

Француз талабаси Ив Бонне Ер шарини 1500 кунда велосипедда айланиб чиқиб, 75000 км масофани босиб ўтган. Аммо Ер шари атрофи бўйлаб амалга оширилган энг узоқ муддатли – 17 йиллик веломарафон 640 минг км масофани босиб ўтган англиялик сайёх У. Стоулга тегишли.

Шунингдек, хиндиstonлик сайёх А. Кумарнинг Ер шари бўйлаб мотоциклдаги 1971 йилда бошланган саёҳати 16 йил лавом этган ва


у 400 минг км.ни босиб ўтиб, дунёнинг 150 дан ортиқ мамлакатида бўлган. Суриялик чавандоз А. Азау эса 1982–1986 йилларда биринчи бўлиб Ер шарини отда айланниб чикиб, 35 минг км масофани босиб ўтган.

Италияниң Турип шаҳридан бўлган Д. Рикатто 1962 йилда мотороллерда Ўргаер денгизи мамлакатларини айланниб чиққач, саёҳат килиш унинг хаёти мазмунига айланган. Сайёх шундан кейин 15 ойлик Ер шари бўйлаб айланма денгиз саёҳатига чиққан. Саёҳатлари давомида жуда кўп обьектларни суратга туширган ва ҳозирда унинг архивида 130 мингдан ортиқ фотосурат мавжуд. Дунё ҳаритасида 60 ёшлар арафасидаги Д. Рикаттонинг бормаган мамлакати йўқ ва у барча саёҳатлари давомида 3 миллион километрдан ортиқ йўлни сув, ҳаво ва қуруқлик орқали босиб ўтган.

Самолётда Ер шари бўйлаб қилинган энг ажойиб саёҳат бельгиялик Бруно Лионенга тегишли. У 11 ой давомида Ер атрофини самолётда икки марта айланниб чикиб, 52 мамлакатдаги 109 та шаҳарда бўлган. Шунинг учун мазкур сайёх дунёдаги энг узун ва энг оғир авиачиптанинг сохиби бўлган. Унинг ушбу саёҳатига сотиб олган авиачипталарниң узунлиги 13 метр ва оғирлиги 1 килограмм бўлган.

1986–1987 йилларда Канадада «Йил одами», деб тан олинган ванкуверлик Рик Хансен эса мисли кўрилмаган жасорат кўрсатган. У 26 ой, яъни 1985 йил 21 марта 1987 йил 22 майгача 40 минг км масофани босиб ўтиб, дунёнинг 34 та мамлакатида бўлган. Саёҳат қилиш оддий ҳол бўлган XX аср охирида бу сайёҳ кандай жасорат кўрсатган экан, дерсиз. Р. Хансен ушбу саёҳатидаги 40074 км масофани... ногиронлар аравачасида босиб ўтган. Р. Хансен ўзининг сафари давомида олган таассуротларини «Ҳаракатдаги одам» китобида батафсил ёзган.

Ер шари бўйлаб айланма саёҳатлар хақида гап кетганда, албатта, барчанинг кўз олдига биринчи навбатда машҳур ёзувчи-географ Жюль Вернинг «Дунё бўйлаб 80 кун» асари келади. Мазкур асар асосида суратга олинган бадиий фильмнинг бош қаҳрамони, олим ва ихтирочи Филеас Фог ва таникли киноактёр Жеки Чан образини талқин этган унинг ёрдамчиси Паспортунинг саргузаштларга бой сафари муҳлисларга жуда яхши таниш. Улар денгизда, ҳаво шари-



XIX асрда «Кондор экспресс» каби тезюар кемалар бўлмаган.

да, поездда, велосипедда ва ҳатто, от-аравада ҳаракат қилган ҳолда Ер шарини 80 кунда айланниб чиқиб, Британия Фанлар Академияси раҳбарини баҳсда ютиб чиқишиади.

Мазкур саёҳат амалга оширилган XIX асрдаги кемаларнинг ўртача тезлиги 15 узел (25–27 км/соат) бўлиб, Атлантика океанинг энг тор кисмини (2830 км) 113 соат ёки 4,5 кунда, Тинч океанини экватор бўйлаб (17 000 км) 680 соат ёки 28,8 кунда сузиб ўтиши мумкин эди. Ҳозирги замонавий тезюар кемалар эса (тезлиги 300 узел ёки 555 км/соатгача) Атлантикани 5–6 соатда, Тинч океанини эса 30 соатда кесиб ўтиши мумкин.


Маълум бўлишича, тезлик имкониятлари тобора ошиб бораётган XXI асрда Филеас Фог ва унинг ёрдамчиси юрган транспорт воситаларидан фойдаланиб 80 кунда Ер шари бўйлаб айланма саёҳатни амалга оширишнинг иложи йўқ экан. Бундан ташқари, ҳозирги вактда нафақат Жюль Верн асарида келтирилган йўналишлардаги, рейслар, балки транспорт воситаларининг кўпчилиги мавжуд эмас, борлари ҳам узок тарихда қолган.

Бир гурух инглиз географлари дунёга машҳур «Кук» ва «Ллойд» денгиз ва темир йўл компаниялари билан биргаликда тадқиқот ўтказдилар. Унга кўра агар истисно тариқасида асарда тасвиirlанган

транспорт воситалари ва йўналишлар барпо этилган тақдирда ҳам, Филеас Фогнинг рекордини такрорлашга аҳд килган сайёх гаровда ютқазган бўларди. Чунки асарда кўрсатилган маълумотларнинг кўпчилиги ёзувчининг ижодий фантазияси бўлиб, амалда худди шу йўл билан юрган сайёҳ Ер шарини 80 кунда эмас, балки 102 кунда, яъни 22 кун кечикиб, босиб ўтиши мумкин экан.

Лондонда чоп этиладиган «Сандей таймс» рўзномаси мутахассисларининг хуносаси ҳам Ж. Верн асаридан маълумотларнинг ҳакиқатдан бирмунча йироқ эканини тасдиклайди. Лондонлик журналистлар ҳозирги вактда мавжуд замонавий транспорт йўналишлари ва давлатлар ўртасидаги чегаралардаги расмиятчиликларга кетадиган вақтни ўрганиш натижасида Филеас Фогнинг саёҳатини 202 кунда босиб ўтиш мумин, деган хуносага келишди. Бундан ташкири, ҳисоб-китобларга кўра, ҳозирги вактда Ер шари бўйлаб айланма саёҳатни амалга ошириш харажатлари ҳам Ж. Верн асаридан воқеалар кечган XIX асрга нисбатан 30 баробарга ошиб кетган.

Аммо мутахассисларнинг фикрича, агар битта, тез юрадиган транспорт воситасидан, масалан, автомобилдан фойдаланган тақдирда, Ер шарини Ж. Верн каҳрамонлари рекордидан кискарок



Бундай замонавий иншоотлар турли дengизлар оша саёҳат килишни осонлаштиради.



Австралия йўлларидағи
«Эҳтиёт бўлинг, кенгуру»
йўл белгиси.

карра тезрок ҳаракат қилган хинди斯顿лик саёҳати «Гиннесснинг рекордлар китоби»га киритилган.

Эр-хотин Чоудриларнинг таъкидлашларича, мазкур саёҳатнинг энг кийин кисми Австралияда кечган. Ушбу материкда кенгуруларнинг нихоятда кўплиги ва тўсатдан йўлга сакраб чиқиб қолиши хавфи тезликнинг камайишига сабаб бўлган. Австралия йўлларида «Эҳтиёт бўлинг, кенгуру», деб номланган огоҳлантирувчи йўл белгисини кўплаб учратиши мумкин. Бунга нафақат маҳаллий аҳоли, балки саёҳлар ҳам кўнишиб кетишган. Маълумотларга қараганда, яшил қитъада бир йилда содир бўладиган 20 мингга яқин йўл-транспорт ходисаларининг 70 фоиздан зиёди, айнан, автомобилларнинг кенгуру билан тўқнашиб кетиши туфайли содир бўларкан.

Бундан ташкири, хинди斯顿лик саёҳлар сафари йўналиши ўтадиган мамлакатларнинг ҳукуматлари билан олдиндан келишиб олингани туфайли киска муддатда Ер шари бўйлаб саёҳатни амалга оширишган. Англаганингиздан турли давлат чегараларини кесиб ўтиш чоғида Чоудрилар ортиқча вақт йўқотишмаган. Кейин хинди斯顿лик саёҳлар Ф. Фог ва ёрдамчиси Паспорту каби бир транспортдан иккинчисига ўтиш учун ҳам вақт сарфлашмаган. Шу боис ҳам автомобилда Ер шари бўйлаб саёҳат қилган эр-хотин саёҳлар ўзига хос рекорд ўрнатишга муваффақ бўлишган.

вақтда айланиб чиқиши мумкин экан. Буни амалда исботлаган саёҳлар ҳам бор. Жумладан 1992 йилнинг баҳорида хинди斯顿лик эр-хотин Саоло ва Нинис Чоудрилар 40500 км масофани Ер шари бўйлаб автомобилда 39 сутка 7 соат 15 дакиқада босиб ўтишга муваффақ бўлишган. Саёҳлар турли об-ҳаво инжикликларига (жазирама иссик, қаттиқ совук, қор, ёмғир, қалин туман) қарамасдан, кунига 1200 км.дан зиёд масофани босиб ўтишган. «Дунё бўйлаб 80 кун» асари қаҳрамонларидан иккигина ўтишган.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР

1. *Ҳасанов.* Сайёҳ олимлар. – Т.: «Ўзбекистон». 1981.
2. *З. Акрамов.* Вокруг Европы: заметки туриста. – Т.: 1959.
3. *З. Акрамов.* Хиндистон лавҳалари. – Т.: «Правда Востока» газетаси, 1962.
4. *З. Акрамов.* Мустакил Мағриб мамлакатларида (Тунис, Марокаш, Жазоир). – Т.: «Ўзбекистон», 1970.
5. *З. Акрамов.* Испания саёҳатидан лавҳалар. – Т.: «Ўзбекистон», 1992.
6. *А. Ирисов, А. Носиров, И. Низомиддинов.* «Ўрта Осиёлик кирк олим». – Т.: «Фан», 1961.
7. *Маҳмуд Кошгари.* «Девону луготит турк («Туркий сўзлар девони»), I–III жилд. – Т.: «Фан», 1960–1963.
8. *Заҳириддин Мұхаммад Бобур.* «Бобурнома» (Масъул мухаррир Махмуд Саъдий). – Т.: «Ўқитувчи», 2008.
9. *И.П. Магидович, В.И. Магидович.* Очерки по истории географических открытий. В 5-ти томах (электронная книга). <http://www.lib.rus.ec>.
10. *Р.К. Баландин, В.А. Маркин.* 100 великих географических открытий. Москва, 2004 (электронная книга). <http://www.lit.ru>.
11. *Ю. Беспалов.* Эпоха великих географических открытий, (электронная книга), Адрес: <http://www.booksgid.com>.
12. Википедия. Свободная энциклопедия. www.wikipedia.org.
13. *Morison, Samuel Eliot.* The Great Explorers: The European Discovery of America (eBook). <http://www.amazon.com>.
14. The Great Explorers, Edited by Robin Hanbury-Tenison (eBook), <http://www.thamesandhudson.com>.

МУНДАРИЖА

Муқаддима	3
-----------------	---

ДҮНЁНИ ГЕОГРАФИК ЖИХАТДАН ЎРГАНИШ

Чжан Цян	10
Мұхаммад ибн Мусо ал-Хоразмий	14
Ахмад Фарғоний	20
Мұхаммад Наршахий	25
Эрик Рауде (Малла)	29
Абу Райхон Беруний	34
Абу Али ибн Сино	41
Носир Хисрав	45
Маҳмуд Кошғарий	52
Замахшарий	57
Идрисий	61
Виллем Рубрук	66
Марко Поло	69
Ибн Баттута	74
Руи Гонсалес де Клавихо	84
Хофизи Абру	89
Мирзо Улугбек	95
Абдураззок Самарқандий	100
Афанасий Никитин	105
Захириддин Мұхаммад Бобур	110

ДҮНЁНИ ЎЗГАРТИРГАН ГЕОГРАФИК КАШФИЁТЛАР

Христофор Колумб	126
Америго Веспуччи	130
Васко да Гама	135

Фернандо Магеллан	138
Виллем Баренц	143
Абел Тасман	150
Семён Дежнёв	155
Витус Беринг	158
Жеймс Кук	163

ЯНГИ ДАВР ГЕОГРАФИК ТАДҚИҚОТЛАРИ

Александр Гумбольдт	172
Фаддей Беллинсгаузен	177
Давид Ливингстон	181
Пётр Семёнов-Тян-Шанский	187
Арминий Вамбери	194
Николай Пржевальский	198
Николай Миклухо-Маклай	203
Фритьоф Нансен	210
Роберт Скотт	215
Руаль Амундсен	221
Жак-Ив Кусто	226
Тур Хейердал	231
Ҳамидулла Ҳасанов	238
Зиёвуддин Ақрамов	246
Юрий Сенкевич	255
Магеллан издошлари	260
Фойдаланилган адабиётлар	269

Илмий-оммабоп нашр

**Каромиддин ГАДОЕВ
Сабоҳат БЕРДИЕВА**

ЖАҲОНГАШТА САЙЁҲ-ОЛИМЛАР


*Буюк географ тадқиқотчилар
ва сайдёҳлар ҳақида*

Муҳаррир	<i>Н. Нурқулов</i>
Рассом	<i>А. Якубдэсанов</i>
Бадиий муҳаррир	<i>Х. Мажмонов</i>
Хариталарни тузувчи	<i>Ж. Ибодов</i>
Техник муҳаррир	<i>Т. Харитонова</i>
Мусаххих	<i>С. Салоҳутдинова</i>
Компьютерда тайёрловчи	<i>К. Голдобина</i>

Нашриёт лицензияси АI № 158. 14.08.09.
Босишга руҳсат этилди 06.02.2012. Бичими $60 \times 84^{1/16}$.
Офсет қофози. «Times» гарнитурасида оғсет усулида босилди.
Шартли босма табоғи 15,81. Нашр табоғи 16,02.
Нусхаси 5000. Бўюргтма № 12-73.

Ўзбекистон Матбуот ва аҳборот агентлигининг
«O'zbekiston» нашриёт-матбаа ижодий уйи.
100129, Тошкент, Навоий қўчаси, 30.

Телефон: (371) 244-87-55, 244-87-20
Факс: (371) 244-37-81, 244-38-10.
e-mail: iptd.uzbekistan@mail.ru
www.iptd-uzbekistan.uz



ISBN 978-9943-01-788-7



9 789943 017887

UZBEKISTAN
AFGHANISTAN
SWEDIA